15	Диний экстремиз м ва терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорли книнг аҳамияти	**2**	кундузги	амалий	-Диншунослик асослари -Сиёсатшунос-лик -замонавий ислом -диний йўналишлар, конфессиялар, мазҳаблар, оқимлар	“Зиг-заг” стратерия си; “Заковатли зукко” стратерия си	Матнли материал лар; ўқув қўлланма, қўшимча маълумот лар	1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳ. А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 129-146.; 2. Сафарова Н. Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни.- Т.: Фан, 2006.; 3. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.	Ваҳҳобийликнинг Марказий Осиё минтақаси ҳудудида пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаблари

16	Диний экстре-мизм ва терро-ризмга қарши кураш-нинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари	**2**	кундузги	маъруза	-Диншунослик асослари -Сиёсатшунос-лик -ҳуқуқшунос-лик -халқаро ҳуқуқ -диний йўналишлар, конфессиялар, мазҳаблар, оқимлар	“Вен диаграмм маси” стратегия си; “ақлий ҳужум” методи, мунозара	ўқув қўлланма, маъруза матни, видео ва аудио воситала-ри, кўргазма-ли-тарқатма материал лар	1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳ. А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 146-168.; 2. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000; 3. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. - Т.: Тошкент ислом университети, 2007.	Мусулмон мамлакатларида диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари
17	Терро-ризмга қарши кураш-нинг мафкура-вий ва маънавий-тарбия-вий асослари	**2**	кундузги	амалий	-Диншунослик асослари -Сиёсатшунос-лик -ҳуқуқшунос-лик -халқаро ҳуқуқ -диний йўналишлар, конфессиялар, мазҳаблар, оқимлар	“Зиг-заг” стратерия си; “Заковатли зукко” стратерия си	Матнли материал лар; ўқув қўлланма, қўшимча маълумот лар	1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳ. А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 146-168.; 2. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.; 3. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. - Т.: Тошкент ислом университети, 2007.	Хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларнинг тарқалиш сабаблари.
18	Ўзбекис-тоннинг диний экстре-мизм ва халқаро терро-ризмга қарши кураши	**2**	кундузги	маъруза	-Диншунослик асослари -Сиёсатшунос-лик -Ўзбекистон тарихи -диний йўналишлар, конфессиялар, мазҳаблар, оқимлар	“Вен диаграмм маси” стратегия си; “ақлий ҳужум” методи, мунозара	ўқув қўлланма, маъруза матни, видео ва аудио воситала-ри, кўргазма-ли-тарқатма материал лар.	1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳ. А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 168-206.; 2. Каримов А. Дин ниқобидаги юртбузарлар ёхуд “Акромийлар” фитнаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.; 3. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. - Т.: Тошкент ислом университети, 2007.	Шаҳид тушунчаси.

19	Ўзбекис-тон фуқаро-ларида диний экстре-мизм ва терро-ризмга қарши мафкура-вий иммуни-тетни шаклла-нтириш	**2**	кундузги	амалий	-Диншунослик асослари -Сиёсатшунос-лик -Ўзбекистон тарихи -диний йўналишлар, конфессиялар, мазҳаблар, оқимлар	“Зиг-заг” стратерия си; “Заковатл и зукко” стратерия си, ўзаро баҳолаш	Матнли материал лар; ўқув қўлланма, қўшимча маълумот лар	1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳ. А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 168-206.; 2. Каримов А. Дин ниқобидаги юртбузарлар ёхуд “Акромийлар” фитнаси. – Т.: Моваройннаҳр, 2005.; 3. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. - Т.: Тошкент ислом университети, 2007.	Шаҳидли книнг реакцион талқинла ри

9. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

Асосий -

1. Каримов И. Ҳушёрликка даъват. — Т., Ўзбекистон нашр., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И. Ватан тинчлигини сақламоқ керак. — Т., Ўзбекистон, 2001.
4. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Ўзбекистон, 2008.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
6. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
7. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.
8. Коллектив. Огоҳ бўлайлик. — Т., Академия, 1999.
9. Коллектив. Диний экстремизмнинг келиб чиқиши ва тарихи. — Т.: Ғофур Ғулом, 1999.

Қўшимча –

1. Таврот. Инжил. — Стокгольм. 1992.
2. Куръони Карим. — Т., Чўлпон, 1992.
3. Мень А. Прообраз человека. — М., 1989.
4. Казанский А. Религиозная идеология. — Киев. 1993.
5. Бегматов А. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. — Т., Академия, 2000.
6. М.Бухорий. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. 4 жилдлик. — Т., 1998.
7. Муаллифлар жамоаси. Ислом. Бағрикенглик ва мустақиллик. — Т, 1998.
8. Муаллиофлар жамоаси. Дунёвий давлат ва дин. -Т., 1998.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома. — Т., Адолат нашр., 1997.
10. Мавзуга доир тегишли ҳужжатлар ва матбуот материаллари.
12. Гольдциер И Ислом ҳакида маърузалар. — Т., Академия, 2001.
13. Абдуллатиф қори Хршимжон қори ўғли. Залолатга кетманг. Хизб-ут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. — Т., Моваройннаҳр нашр., 2003.
14. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили.-Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
15. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.– Т.: Академия, 2000.

16.Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: 2000.

Электрон таълим ресурслари

*1.*Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.; 2. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили.-Т.: Тошкент ислом университети, 2007.; 3. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.– Т.: Академия, 2000.; 4. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: 2000.

Интернет сайтлари:

www.gov.uz – O'zbekiston Respublikasi hukumati portali
www.press-service.uz – O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmatining rasmiy sayti
www.UzA.Uz – O'zbekiston Respublikasi milliy axborot agentliginiing rasmiy sayti
www.eurasianews.com – Evroosiyo tadqiqotlari Markazi
www.vip.lenta.ru – Internet nashrlar

10. Дидактик воситалар

- *жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар* -
- *видео ускуналар* -
- *компьютер ва мультимедиали воситалар*-

11. Баҳолаш мезонлари

Баҳолаш тури	**%**	**Сони**	**Шакли**
Жорий Мустақил иш	**55**	**11**	**Оғзаки,**
Оралиқ Мустақил иш	**30**	**2**	**Тест, оғзаки**
Якуний	**15**	**1**	**Ёзма**
Жами	100	14	

11.1. Талаба билимини баҳолаш.

қониқарсиз (55% дан кам)	**қониқарли** (55-70%)	**яхши** (71-85%)	**Аъло** (86-100%)
балл	*Балл*	*балл*	*балл*

0	54	55	70	71	85	86	100

Балл	**Баҳо**	**Ўқув–тарбия курси ишларининг бажарилганлик даражаси**
86 - 100	Аъло «5»	Суҳбат жараёнида олган билим-назарий маьлумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни тўлиқ ўзлаштирди; таҳлил –берилиши лозим бўлган таҳлилини тўлиқ амалга оширади,олган билимларни амалга ошириш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларни тўлиқ ўзлаштирди. Мулоқот жараёнида олган билимларни амалга ошириш учун йўл йўриқларни, асосий тушунчаларни мазмунини таркиб топтиришни, устоз шогирд ўртасида ўрганилган маьлумотларни тўлиқ ўзлаштирди. Мунозара жараёнида узлаштирилган билим ва тушунчалар асосида фанлараро алмашиниши, индивудуал ёки гурухли шаклда тушунчалар мазмуни ва йўналишларни белгилашни тўлиқ ўзлаштирди Мустақил ишлар тўлиқ ва аниқ бажарилган, таълим олиш методлари, воситалари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган, олинган маълумотлар таҳлил этилиб, изчил ва тизимли равишда муаммони ечимига қаратилган лойиҳалаш жараёни амалга оширилган, мустақил ишни бажаришга ижодий ёндошилган, муаммога тегишли адабиётлардан унумли фойдаланилган. Берилган намуналарга асосланиб мантиқий ечимлар келтирилган, интернет маълумотларидан ижодий таҳлил асосида акс этган мустақил ишларга қўйилади.
71 – 85	Яхши «4»	Суҳбат жараёнида олган билим-назарий маьлумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни етарли даражада ўзлаштирди; таҳлил –берилиши лозим бўлган таҳлилини тўлиқ амалга оширади, олган билимларни амалга ошириш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларни тўлиқ ўзлаштирди. Мулоқот жараёнида олган билимларни амалга ошириш учун йўл йўриқларни, асосий тушунчаларни.мазмунини таркиб топтиришни, устоз шогирд ўртасида ўрганилган маьлумотларни етарли даражада ўзлаштирди. Мунозара жараёнида узлаштирилган билим ва тушунчалар асосида фанлараро алмашиниши, индивудуал ёки гуруҳли шаклда тушунчалар мазмуни ва йўналишларни белгилашни етарли даражада ўзлаштирди

		Ахборотлар аҳамиятига кўра табақалиштирилган, мустақил ишни бажаришга қисман ижодий ёндашилган, муаммога тегишли адабиётлардан унумли фойдаланилган, мустақил ишга кўрсатмалар асосида ёндошилган, интернет маълумотлари акс этган мустақил ишларга қўйилади
55 – 70	Қони-қарли «3»	Суҳбат жараёнида олган билим-назарий маьлумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни етарли даражада ўзлаштирди; таҳлил –берилиши лозим бўлган таҳлилини тўлиқ амалга оширади, олган билимларни амалга ошириш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларини етарли ўзлаштирди. Мулоқот жараёнида олган билимларни амалга ошириш учун йўл йўриқларни , асосий тушунчаларни.мазмунини таркиб топтиришни, устоз шогирд ўртасида ўрганилган маьлумотларни етарлича ўзлаштирди. Мунозара жараёнида узлаштирилган билим ва тушунчалар асосида фанлараро алмашиниши, индивудуал ёки гуруҳли шаклда тушунчалар мазмуни ва йўналишларни белгилашни етарлича ўзлаштирди Мустақил иш бажариш учун лозим бўлган шарт – шароитлар ва имкониятлардан фойдаланилган, тегишли адабиётлардан етарлича фойдаланилган. Интернет маълумотларидан тайёр маълумотлардан фойдаланилган мустақил ишларга қўйилади.
0 – 55 дан паст	Ёмон «2»	Суҳбат жараёнида олган билим-назарий маьлумотларни, таянч тушунчаларни, тамойилларни етарли даражада ўзлаштирмади; таҳлил –берилиши лозим бўлган таҳлилини амалга оширолмади, олган билимларни амалга ошириш учун турли хил шаклларни, методларни, воситаларини ўзлаштирмади. Мулоқот жараёнида олган билимларни амалга ошириш учун йўл йўриқларни, асосий тушунчаларни.мазмунини таркиб топтиришни, устоз шогирд ўртасида ўрганилган маьлумотларни ўзлаштирмади. Мустақил ишлар етарли изчилликда ва тизимлилик даражасида бажарилмаган, намуналарга ўхшаш тарзда, ижодий ёндошилмаган ҳолда бажарилган, мустақил ишни бажаришга ижодий ёндошилмаган, муаммога тегишли адабиётлардан унумли фойдаланилмаган. Интернет маълумотларидан кўчирилган мустақил ишларга қўйилади.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....

I боб. Давлат ва дин.....

II боб. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....

III боб. Марказий Осиёда ислом: тарих ва ҳозирги замон.....

IY боб. Диний экстремизм ва терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид.....

Y боб. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши.....

YI боб. Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террорчи ташкилотлар.....

YII боб. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий- ҳуқуқий асослари.....

YIII боб. Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши глобал курашдаги ўрни.....

IX боб. Ўзбекистонда барқарорлик ва тадрижий тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналишлари.....

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....

К И Р И Ш

Халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак. Халқимиз тафаккурида юксак ахлоқий, маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур. ***Ислом Каримов***

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан ислом байроғи остида содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда, дейиш мумкин. Айни пайтда, бундай жараёнлар кишиларни доимий огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ва ғаразли талқинларидан фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди.

Шундан келиб чиқиб, ўқув қўлланмасида ўзаро узвий боғлиқ бир қатор масалаларни тизимли ёритишга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, диннинг эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатидаги асл моҳияти ҳақида билимга эга бўлиш турли сохта ғоя ва даъватлардан сақланишга ёрдам бериши шубҳасиз.

Дин ва давлат муносабатлари ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай муносабатлар мустақил Ўзбекистон шароитида виждон эркинлиги конституциявий асосда тўла-тўкис таъминлангани, диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда. Мазкур соҳага оид қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган ҳам бу муносабатларнинг асл моҳиятини кўрсатади.

Буюк аждодларимизнинг ислом илмлари ва маданияти ривожидаги юксак ўрнини англаб етиш эса диний экстремистик ғоялар ва ҳаракатларнинг

халқимизнинг бунёдкорлик ва бағрикенглик анъаналарига мутлақо зид эканини тушунишга кўмаклашади.

Ўқув қўлланмасида диний мутаассибликнинг жаҳон ҳамжамияти, жумладан, мусулмон дунёси учун туғдираётган таҳдидлари ҳам айрим диний экстремистик ташкилотлар фаолияти мисолида кўрсатиб берилган. Глобал муаммога айланган диний экстремизм ва терроризмни барча соғлом кучлар биргаликда ҳаракат қилибгина енга олиши мумкинлиги, бунинг учун етарли сиёсий-ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилган.

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига доимо алоҳида эътибор билан қаралган. 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилингани ҳам бунинг яна бир ёрқин ҳаётий-амалий ифодаси бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга йўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга хизмат қиладиган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда, Дастур доирасида ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар ҳам юксак самара ва сифат билан рўёбга чиқарилаётганини қайд этиш лозим. Инсон онги ва қалби учун кураш глобал характер касб этган бир даврда бундай масалаларга эътибор берилиши бежиз эмас, албатта._Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “...муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини ўниб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”.

Шундан келиб чиқиб, ўқув қўлланмасида минтақамизда диний экстремизм ва терроризмнинг намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари, ёшлар ва хотин-қизларнинг бундай кучларнинг асосий нишонига айланиши сабаблари таҳлил қилинган ва «жаҳолатга қарши маърифат» ғоясининг моҳияти очиб берилган.

Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда Ўзбекистоннинг ўзига хос ўрнини халқаро сиёсатчилар ва нуфузли мутахассислар ҳам очиқ эътироф этишмоқда. Қўлланмада Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий сиёсати, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни ҳақида ҳам атрофлича мулоҳаза юритилган. Шу билан бирга, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, дин соҳасидаги илмий асосланган сиёсатнинг аҳамияти, фуқароларда мутаассиб ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб вазифалари ёритиб берилган.

Муҳокама қилинган масалалар шубҳасиз мураккаб ва серқирра мазмунга эга. Бир ўқув қўлланмаси доирасида уларнинг барча жиҳатларини қамраб олиш, тўлиқ ёритиб бериш ниҳоятда қийин, тўғрироқи мумкин эмас. Шундай бўлса-да, баён этилган фикрлар ёшларимиз томонидан уларнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

А.Ҳасанов, А.Саидов, З.Мунавваров, А.Очилдиев, Б.Каримов, А.Абдувоҳидов, О.Юнусова, Ш.Ёвқочев, Д.Раҳимжонов, Б.Валиев, Ў.Ҳасанбоев, Ҳ.Йўлдошхўжаев ва У.Ғафуровлардан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган мазкур қўлланма ўқувчиларда қизиқиш уйғотишига, динлар, хусусан, исломнинг инсонпарварлик моҳияти ҳамда диний экстремизм ва терроризмнинг ғайриинсоний жиҳатларини теранроқ ва чуқурроқ англашга хизмат қилади, деб умид билдирамиз.

I боб. ДАВЛАТ ВА ДИН

Эътиқод тушунчаси. Эътиқод (арабча «иътақада» феълидан) ишонч, имонли бўлиш маъноларини англатади. Кенг маънода эътиқод инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англанган билим, ғоя ва шу асосда шаклланадиган мақсадлар мажмуини ҳамда уларнинг тўғрилигига ишонч билан боғлиқ бўлган психологик ҳолатни ифодалайди. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Умуман олганда, эътиқод шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади.

Эътиқод инсон вояга етиши билан боғлиқ ҳолда тўпланган билимлар, ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар, ҳаётий тажриба асосида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради ва шахс фаолиятининг изчил, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.

Ижтимоий жиҳатдан эътиқод инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, эътиқод фақат амалий фаолият жараёнида ўзлигини намоён қилади. Юқоридаги сифатий хусусиятлар билан бир қаторда журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик каби ҳолатлар ҳам мавжудлигини ва улар эътиқоднинг заифлигини кўрсатишини қайд этиш лозим. Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “...бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: «Душманлардан қўрқма — нари борса,

улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Эътиқоди заиф ишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Шароитга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғадилар. Бундай эътиқодий заифлик, бўшлиқ шахс камолотига салбий таъсир кўрсатади.

Агар эътиқод мутаассиб, ирқий, миллатчилик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик, беқарорликка хизмат қилади, ривожланишга тўсиқ бўлади. Тараққиёт, ҳурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, алдамчи, адаштирувчи, ёлғон «эътиқод»ни фарқлаш жуда муҳим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, соғлом эътиқод шахс дунёқараши тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг аҳамияти биринчидан, шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи ҳалқа сифатида чиқишида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга, учинчидан, хулқидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади.

Шунинг учун, кишиларда ижтимоий қадриятлар, буюк келажак, тараққиётга бўлган ишончни, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Дин эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида. Ҳар қандай эътиқод диний бўлавермайди. Аммо дин ҳам эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида жипслаштирувчи хусусиятга эга. Диний эътиқод бу – инсон иродасидан юқори турган зотга имон келтириш, ундан мадад олиш, асотирий воқеа-ҳодисаларнинг такрор содир бўлиши ва унга дахлдорлик ҳамда муайян тасаввур, ақида, муқаддас китоб, пайғамбар, авлиё ва ҳоказоларга ишонч демакдир.

Диний эътиқодда муайян тимсоллар (буюм, ҳаракат, сўз, матнлар) диний маъно ва мазмун касб этади. Уларнинг мажмуи диний йўналишнинг шаклланиши ва

фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ҳар бир дин ёки диний конфессия (йўналиш)нинг собит ақидалари мавжуд.

Ислом динида имони муфассал қуйидаги ақидани – Аллоҳ, Унинг фаришталари, муқаддас китоблари, пайғамбарлари, охират куни, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади.

Диннинг бағрикенглик моҳияти. «Бағрикенглик» тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, философия, илоҳиёт, қиёсий диншунослик каби соҳаларда кенг истифода этиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Лотинча tolerare, яъни «чидамоқ», «сабр қилмоқ» маъносини англатган бу сўз, асосан бир инсоннинг бошқа инсон дунёқарашига тоқат қилишини билдирса-да, этимологик таҳлил доим ҳам унинг том маъносини очиб беравермайди.

Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим.

Ислом, ҳиндуийлик, христианлик ёки бошқа динлардан қай бирига мансуб бўлишидан қатъи назар, инсон деярли бир хил ҳис-туйғуларни бошидан кечиради. Динлар феноменологияси ва психологияси каби фанлар масаланинг шу томонларини ўрганади. Ахлоқ – этик тизимларни ўрганиш ҳам динлардаги умумий, ўхшаш жиҳатларни очиб беради. Буддавийларнинг 5 та, қадимги Аҳднинг 10 та ва исломнинг асосий ўгитларидаги ўхшашликни келтириш кифоя. Демак, динларнинг барчаси учун бир бўлган мутлақ моҳиятига кирмоқ даркор ва шу асосда диний ҳаёт феномен (ҳодиса)ларини талқин қилмоқ керак. Бу, ўз навбатида, бағрикенглик руҳидаги ёндашувни талаб қилади.

Дин байроғи остида фаолият кўрсатаётган айрим ҳаракатлар ва уларнинг таълимотини инобатга олмаганда, аслида барча динларда эзгулик ғоялари устувор бўлиб келган. «Яхшилик қил, ёмонлик қилма» демаган бирорта диний таълимот йўқ.

Шундай экан, барча динларни, ҳатто энг қадимгиларини ҳам бағрикенглик руҳида ўрганмоқ зарур.

Ислом дини ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган: «Бақара» сурасининг 256-оятида «Ла икраҳа фид-дин» – «Динда зўрлаш йўқ», дейилган.

Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларига бағишланган ва тўлиғича бағрикенглик руҳи билан суғорилган Қуръон оятлари мазмунидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Энг аввало, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар тушунувчилар учун Худонинг мўъжизаларидандир.

Айни пайтда, дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Худо дастлаб одамзотни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратишни ирода қилди. Бундай ранг-барангликдан мақсад – умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор. Бошқа жамоалар билан ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айниқса, китоб аҳли – яҳудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқлари лозим. Қуръон бу дунёни барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилди. Динларнинг турли-туманлиги Яратган томонидан ўрнатилган экан, уни бекор қилиш ёки ҳаммани бир дин байроғи остида зўрлаб бирлаштириш мумкин эмас.

Шу билан бирга оятларда ҳақиқий эътиқод ички имондан келиб чиқиши таъкидланганини ҳам қайд этиш лозим. Шундай экан, уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди. «Динда зўрлаш йўқ» оятини, инсонга танлаш ихтиёри берилган ва бунинг учун унинг ўзи жавоб беради, деган маънода тушуниш ҳам мумкин. Бундан ташқари, қиёматда эътиқод масаласидаги баҳсларни Яратганнинг ўзи ҳал қилади. Унгача эса инсонлар фақат хайрли ишларда ўзаро мусобақалашмоқлари керак. Эътиқод масаласида монополия бўлиши мумкин эмас.

Умуман олганда, Қуръоннинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган.

Муҳаммад пайғамбар ҳам ўз ҳаётлари давомида ҳеч қачон ҳеч кимни исломга киришга мажбур қилмаганликларини, бирон марта у ёки бу ҳарбий ҳаракат диний эътиқод туфайли бўлмаганини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

XXI аср бошида давлатлар ҳамкорлиги борасида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг сони 1000 дан ортиб кетди. Улардан 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир. Халқаро ташкилотлар орасида энг нуфузлиси ва йириги Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир (БМТ). БМТнинг 1945 йили қабул қилинган Уставида ўзаро бағрикенглик руҳида яхши қўшничилик кайфиятида яшаш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб, ҳаракат қилиш асосий мақсадлардан бири, деб эълон қилинди.

БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) мавжуд. Ушбу ташкилот томонидан ҳозирга қадар ишлаб чиқилган 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қаторида 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» алоҳида ўринга эга эканини таъкидлаш зарур.

Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган.

1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидаги фаолияти» Декларацияси қабул қилинди. ЮНЕСКОнинг «Тинчлик маданияти» концепцияси БМТ томонидан маъқулланиб, 2000 йил «Халқаро тинчлик маданияти йили», 2001 йил эса «Халқаро маданиятлараро мулоқот йили», деб эълон қилинди.

1995 йилда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг «Динлараро ва маданиятлараро мулоқот» Дастури қабул қилинди. У диний урф-одатлар ва ўзига хос маданий қадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қилади. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997), Тошкент (2000) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.

2000 йил 13–15 сентябрда Тошкентда ўтган динлараро мулоқот ЮНЕСКО Конгресси Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хилликни муҳокама

қилди. Унда 40 га яқин давлатдан 80 дан ортиқ турли дин ва конфессияларга мансуб вакиллар, йирик мутахассислар иштирок этди. Конгресдан сўнг 18 сентябрда Бухоро шаҳрида «Тасаввуф ва динлараро мулоқот» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда «тасаввуф»га бағрикенгликни тарғиб этувчи, тинчликка чақирувчи ислом динининг ноёб, ўзига хос кўриниши, деган таъриф берилди. Шунингдек, 2001 йил сентябрда Тошкентда ўтган Осиё – Тинч океани минтақаси ЮНЕСКО «Бағрикенглик тармоғи»нинг иккинчи йиғилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқининг урф одатлари билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланди.

Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан 2007 йил 14-15 августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам мамлакатимизнинг жамиятда бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлидаги ютуқлари яна бир бор эътироф этилди.

Анжуманда 30 дан ортиқ давлатлардан келган меҳмонлар, жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, ЮНЕСКО вакиллари, шунингдек, 100 дан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, таниқли диний уламолар иштирок этди. Анжуман қатнашчиларининг якдил фикрича, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизмати билан ислом маданияти ва фани тараққиётига, ислом цивилизациясини ривожлатириш орқали бутун дунё цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса қўшган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимиз бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, маърифатли ислом ғояларини ёйиш ҳамда диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда бутун дунёга ўрнак бўлмоқда.

Ҳозирги даврда давлат ва дин муносабатлари. Давлат ва дин муносабатларининг илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Айни пайтда, ушбу муносабатлар турли тарихий даврларда турлича мазмун касб этган.Улар орасидаги муносабат синкретик характерга эга бўлган, Ўрта асрлардаги каби дин жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, давлат ҳаётида тўла ҳукмронлик

қилган даврлар ҳам бўлган. Муайян давлатларда динни бутунлай инкор этилган, яъни атеизм устунлик касб этган.

Ҳар бир давлат ўзининг динга бўлган муносабатини муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунлар орқали тартибга солиб келган. Шундай бўлса-да, шахснинг бошқалар билан биргаликда ўзи ҳоҳлаган динга эътиқод қилиши эркинлиги асло унга давлат томонидан тақдим этилган совға эмаслигини таъкидлаш зарур. Дин ва эътиқод эркинлиги, бошқача айтганда, инсоннинг диний ҳуқуқлари шахснинг асосий ва табиий ҳуқуқларидан биридир.

Бугун, XXI аср ибтидосида давлат ва диннинг ўзаро муносабатлари бўйича давлатларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Динга давлат дини мақоми берилган давлатлар (Қатар, Покистон, Коста-Рика);
- Черков таъсири доирасидаги давлатлар (Дания, Буюк Британия, Шимолий Ирландия);
- Дунёвий давлатлар ёки диний муносабатларда бетарафлик йўлини тутувчи давлатлар (Бурунди, Мадагаскар, Нигер, Туркия, Чад);
- Расмий динга эга бўлмаган давлатлар (Аргентина, Белорусь, Боливия, Гана, ГФР, Гондурас, Испания, Италия, Кабо-Верде, Маврикия, Словакия, Судан, Таиланд, Чехия);
- Дин давлатдан ажратилган давлатлар (АҚШ, Голландия, Перу, Португалия, Россия, Франция, Украина, Ўзбекистон);
- Католик черкови билан келишувга эга давлатлар (Австрия, Венгрия, Венесуэла, Гаити, ГФР, Доминикан Республикаси, Испания, Ливия, Мальта, Монако, Марокаш, Польша, Сан-Марино, Қозоғистон);
- Ҳуқуқий эътироф этилган диний гуруҳларни муҳофаза қилувчи давлатлар (Испания, Италия, Кабо-Верде, Чехия);
- Диний – жамоавий тизимли давлат (Исроил).

Албатта, бундай гуруҳлаштириш, маълум даражада, шартли характерга эга. Шундай бўлса-да, у давлат ва дин ўртасидаги муносабатларининг асосий характерли хусусиятларини очиб беради.

Давлат ва дин муносабатларининг ҳуқуқий асослари. Ҳозирги даврда жаҳондаги давлатларнинг ярмидан кўпи диннинг давлатдан ажратилганини ёки давлатнинг черковга нисбатан бетарафлигини ифодалайдиган, Конституция ёки қонун даражасида белгилаб қўйилган қоидаларга эга. Юридик тан олингани ёки олинмаганидан қатъи назар, барча давлатлар дин ва эътиқод эркинлигига ҳурмат билан қарашларини эълон қилганликларини таъкидлаш зарур.

Тарихан дин давлат ва унинг ҳуқуқий тизими ривожланишига жуда жиддий таъсир ўтказиб келган. Бугунги кунда диний – ҳуқуқий таълимотларнинг давлат ва ҳуқуқ ривожланишига, виждон ва эътиқод эркинлиги амалга оширилишига таъсири қуйидаги халқаро – ҳуқуқий шаклларда намоён бўлади:

- фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлигининг ҳамда дин ва эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситилишларга йўл қўймасликнинг конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлари. Давлатлар томонидан қабул қилинган конституциялар ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган асосий қоидалар инсон ҳуқуқларини таъминлашда фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, айнан улар давлат органлари аралашувидан холи бўлган шахс ва жамоа эркинлиги, жумладан, фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги каби асосий тамойилларга тааллуқли соҳани яратади;

- миллий конституциялар ва қонунчилик доирасида фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари;

- дин ва эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситишларнинг олдини олишга қаратилган ва бундай ҳаракатлар содир этилганда тегишли жавобгарликни назарда тутадиган жиноят қонунчилиги;

- шахснинг ўз хоҳишига кўра динга ёки эътиқодга эга бўлиш эркинлигини камситувчи, мажбурлашни тақиқловчи конституциявий ва ҳуқуқий қоидалар;

- боланинг дин ёки эътиқод билан боғлиқ соҳада таълим олиш ҳуқуқига тааллуқли конституциявий ва қонунчилик қоидалари;

- динга эътиқод қилиш ёки эътиқодни эркин ифодалашга оид конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлар ҳамда бу эркинликка нисбатан чекловлар;

- дин ёки эътиқод билан боғлиқ маросимларни бажариш ёки шу сабаб билан тўпланиш, шу мақсад учун жойлар ташкил этиш, уларни сақлаш;

- тегишли хайрия ва инсонпарварлик ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш;

- диний маросимлар ёки урф-одатлар ёхуд эътиқод билан боғлиқ ахборот материалларини яратиш, чоп этиш ва тарқатиш;

- дин ёки эътиқод билан боғлиқ таълимни бундай мақсад учун мос бўлган жойларда олиб бориш;

- алоҳида шахслар ва ташкилотлардан кўнгилли молиявий ёрдам ҳамда бошқа эҳсонларни сўраш ва қабул қилиш;

- у ёки бу дин ёки эътиқод эҳтиёжлари ва меъёрларига мос равишда тегишли раҳбарларни тайёрлаш, тайинлаш, сайлаш ёки ворислик асосида тайинлаш;

- дин ёки эътиқод қоидаларига мувофиқ равишда дам олиш кунларига риоя этиш, байрамларни нишонлаш, маросимларни бажариш;

- миллий ва халқаро даражада дин ва эътиқод соҳасида алоҳида шахслар ва жамоалар билан алоқалар ўрнатиш;

- дин ва эътиқод субъектларига тааллуқли ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ конституциявий ва ҳуқуқий қоидалар.

Давлат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари. Ҳозирги даврда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлаш зарур. Энг аввало, “Совуқ уруш” даври тугагандан кейин сиёсий мафкурага мувофиқ ўтказиб келинган динга қарши сиёсат ҳамда диний фаолият устидан назорат қилиш сиёсати аста-секин сусаяётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, авторитар тузумлар томонидан ижтимоий муносабатларга зид, деб ҳисобланган ҳолда ўз диний эътиқодига эга жамоаларга нисбатан тоқатсизлик ва камситиш сиёсатининг сақлаб қолинаётганини ҳам ёддан чиқариб бўлмайди.

Айни пайтда, бундай сиёсат моҳиятан сиёсий хусусиятга эга низолар доирасида баъзи этник диний жамоаларга нисбатан ҳам амалга оширилмоқда. Кам сонли диний жамоаларга нисбатан ёки аҳолининг кўпчилиги муайян динга этиқод қўйганларга нисбатан давлат доирасидаги сиёсат, қонунчилик ва амалиётни сақлаб туришни ҳам

ҳозирги даврда давлат ва дин муносабатларига хос хусусиятлар қаторида санаш мумкин.

Ҳозирги давр диний секталарнинг кўплиги, янгиларининг пайдо бўлиши билан ҳам характерланади. Мазкур жараён секталар ёки янги диний оқимларга нисбатан тоқатсизлик ва камситиш соҳасидаги сиёсатнинг ҳамда қонунчилик амалиётининг кучайтирилиши каби ҳолатларнинг кузатилишида ўз ифодасини топмоқда.

Эътиқоди нуқтаи назаридан ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаётганларга қарши йўналтирилган сиёсат, қонунчилик ва амалиётни сақлаб туришни ҳам юқорида қайд этилган хусусиятлар қаторида санаш мумкин.

Умуман олганда, кам бўлса-да, учрайдиган юқоридаги каби ҳолатлар шахсий мақом тўғрисидаги қонунлар, қоидалар мавжудлиги, уларнинг талқин этилиши, анъаналар, ижтимоий омиллар ҳамда диний экстремизм деб аталувчи ҳодисалар билан изоҳланади. Бу давлатлар ва ҳуқуқий муносабатларнинг нодавлат субъектларига бир хилда хосдир.

Дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилувчи халқаро стандартлар. Халқаро ҳамжамият томонидан инсоннинг асосий табиий ҳуқуқларидан бири сифатида тан олинган дин ва эътиқод эркинлигига инсон ҳуқуқлари бўйича барча асосий халқаро ҳужжатларнинг энг муҳим қоидалари бағишланган.

Виждон эркинлиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи халқаро ҳужжатларни БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг универсал халқаро шартномалари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий халқаро конвенциялар ва шартномалар каби икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи қуйидаги универсал халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш зарурлигига оид мажбурий хусусиятга эга умумий юридик қоидалар мужассамланган. Лекин унда буларнинг аниқ рўйхати йўқ. Шу билан бирга, БМТ Уставида инсон ҳуқуқларига риоя этишни тартибга солувчи - инсон шахси шаъни ва қадр-қиммати, халқларнинг тенг ҳуқуқлиги,

эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, ирқи, жинси, тили ва динига кўра камситишга йўл қўйиб бўлмаслигига тааллуқли қатор тамойиллар қайд қилинган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқоро билль. Унга инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ҳамда уларга қўшимча тарзида хусусий шикоятлар ва ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги иккита баённома киради

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош ассамблеяси Резолюцияси билан қабул қилиниб, эълон қилинган. У халқаро ҳуқуқ тарихида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг аниқ рўйхатини эълон қилган, универсал хусусиятга эга бўлган биринчи ҳужжатдир. Декларациянинг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир; бу ҳуқуқ ўз дини ёки маслагини ўзгартириш, ўз дини ёки маслаги бўйича якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда таълим олиш, тоат-ибодат, диний ва маросимларни адо этишда ошкора ёки хусусий тарзда эътиқод қилиш эркинлигини қамраб олади”,- деб қайд этилади. Унинг 19 – моддасида эса ҳар бир инсоннинг эътиқод эркинлиги ва буни эркин ифода этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Бу ҳуқуқ ўз эътиқодига ҳеч бир тўсиқларсиз амал қила олиш эркинлигини ҳам қамраб олади.

Декларация, шунингдек, ҳар бир инсоннинг тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқини эътироф этади. Бундан ташқари динга муносабатидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш, барча одамларнинг қонун олдида тенглиги ва бирор фарқлашсиз қонун томонидан баб-баравар муҳофаза этилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Конференцияси томонидан 1968 йилда Теҳронда қабул қилинган Мурожаатномада таъкидлаганидек, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси дунё халқларининг ҳар бир инсоннинг ажралмас ва мустаҳкам ҳуқуқлари борасидаги умумий аҳдлашувини акс эттиради ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси учун мажбурийдир.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт” (ФСҲХП) 1966 йилнинг 16 декабрида БМТнинг Бош Ассамблеяси Резолюцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очилган, 1976 йилнинг 23 мартидан кучга кирган. Дин ёки эътиқод эркинлигининг амалдаги ҳуқуқига нисбатан Декларациянинг мажбурияти мазкур Пактнинг 18–моддасида ўз аксини топган. Ушбу Пакт унда иштирок этувчи мамлакатлар учун юридик мажбурий кучга эга бўлгани сабабли, унинг дин ёки эътиқод эркинлигини чеклашга нисбатан қоидалари айни пайтда, янада аниқроқ ва мукаммалроқдир. Пактнинг 18-моддасида қайд қилинишича:

“1. Ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳуқуқ ўз танловига кўра дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилиш ҳамда якка ҳолда ёки бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда ибодатларни бажо этиш, диний ва бошқа маросимларни, таълимни бажариш эркинлигини қамраб олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёри билан ўз дини ёки эътиқодига эга бўлиш ёхуд уларни қабул қилиш эркини камситадиган мажбурлашга дучор бўлмаслиги керак.

3. Дин ёки эътиқодга эга бўлиш эрки қонунда белгилаб қўйилган ва бошқа шахслар асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш учун зарур даражада бўлганидек жамоат хавфсизлигини, тартиб, сиҳат-саломатлик ва ахлоқ-одобни сақлаш учунгина, чекланади.

4. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар зиммаларига ота-оналар, тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг, болаларини ўз эътиқодларига кўра диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини оладилар”.

Бундан ташқари Пакт моддаларида ўз фикрига содиқ бўлиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ҳам кўзда тутилади. Пактда урушларни тарғиб этиш ҳамда моҳият жиҳатидан камситиш, душманлик ёки зўровонликка иғво тарзидаги ҳар қандай миллий, ирқий ёки диний нафрат қўзғатиш тарафини олишни қонун билан тақиқлаш кўзда тутилади.

Ҳужжат тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқини, шунингдек, никоҳ ёшига етган эркак ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш, оила қуриш ҳуқуқини,

никоҳдан ўтаётган, никоҳда бўлган ва никоҳ бекор қилинаётганида эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигини эътироф этади. Ҳар бир инсон қонун олдида тенглиги ва қонун томонидан ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи, шунингдек, ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳудудида яшайдиган, миллий, диний ва тил жиҳатидан озчиликни ташкил қилувчи гуруҳларга тааллуқли шахсларни ҳимоя қилиш назарда тутилган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан қабул қилинган, имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очилган, 1976 йил 3 январдан кучга кирган.

Пактнинг Кириш қисми, 1,3,5-моддалари давлатларнинг БМТ Уставига мувофиқ инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича қабул қилган мажбуриятларига эътиборни қаратади ҳамда ҳар бир алоҳида инсон бундай ҳуқуқлар рағбатлантирилишига ҳамда уларга риоя этилишига эришиши лозимлигини эслатади. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси эркин инсон шахси идеалига ҳар бир одам фуқаролик ва сиёсий эркинликдан ҳамда қўрқув ва муҳтожликдан халос бўлган, ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари қатори иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан ҳам фойдалана олиши учун тегишли шарт-шароит яратилгандагина эришиш мумкинлигини эътироф этади.

Пакт ота-оналар ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўзларининг шахсий дини ёки эътиқодларига биноан уларга диний ёки маънавий таълим беришни таъминлаш эркини ҳурмат қилиш ҳуқуқини ҳам тан олади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протокол, ушбу Пакт қоидаларига мувофиқ тузилган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитага Пактда баён қилинган ҳуқуқларининг поймол қилиниши қурбони бўлганини тасдиқлаётган шахслар хабарларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш имконини беради.

Дин ёки эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситишларнинг ҳар қандай шаклларини йўқотиш тўғрисидаги Декларация БМТ Бош ассамблеясининг 1981 йилнинг 25 ноябридаги Резолюцияси билан эълон қилинган. Унда, Фуқаролик ва

сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг аксилкамситилиш меъёрларига аниқлик киритилади. Ушбу Декларация юридик жиҳатдан мажбурий бўлмасада, бугунги кунда унинг қоидалари халқаро одатий ҳуқуқ меъёри эканини тасдиқлаш мумкин. Ушбу Декларация билан халқаро Пакт ўртасидаги боғлиқлик равшандир. Ушбу Декларациянинг 1-моддаси халқаро Пактнинг 18-моддаси дастлабки уч бандини айнан такрорлайди. Декларациянинг 2 ва 3-моддалари эса халқаро Пактнинг камситишларга қарши қаратилган қоидаларини тасдиқлайди.

2-модданинг 1 бандида “ҳеч ким дини ёки эътиқоди туфайли ҳар қандай давлат, муассаса, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахслар томонидан камситилиши керак эмас”, деб қайд этилган. Декларация буни тасдиқлар экан халқаро Пактдан ҳам илгарилаб кетади, чунки унда ҳам давлат, ҳам хусусий шахслар хатти-ҳаракатлари кўзда тутилади.

2-модданинг 2-банди “дин ёки эътиқод асосидаги тоқатсизлик ва камситишни” “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенглигига асосланган эътирофни, бундан фойдаланиш ёки амалга оширишни йўқ қилиш ёки камситиш мақсадида дин ёки эътиқодга асосланган ҳар қандай фарқлаш, истисно этиш, чеклаш ёки устуворлик бериш” сифатида белгилайди.

Ушбу таъриф БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 18-сон “Умумий қайдлар”идаги “камситиш” тушунчасининг талқини билан ҳамоҳангдир. Шундай бўлса ҳам, ушбу таъриф торроқдир, чунки унда “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига асосланган эътирофни, бундан фойдаланиш ёки амалга оширишни йўқ қилиш ёки камситиш” қайд этилади, холос. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг таърифида эса бу “барча ҳуқуқ ва эркинликлар”га тегишли экани қайд қилинган.

1981 йилги Декларациянинг 3-моддасида 2-моддадаги камситишларга қарши қаратилган меъёрларнинг аҳамиятига урғу бериб, “одамларни дини ёки эътиқоди асосида камситиш инсон шахси қадр-қимматини ҳақоратлаш ҳамда БМТ Устави тамойилларини инкор этиш бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида баён этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини бузиш сифатида қораланади”, деб таъкидланади. Бу 1981 йилги Декларация кўрилаётган масалалар

нуқтаи назаридан ўзидан олдин қабул қилинган шартномавий мажбуриятларда мавжуд бўлган қоидалардан нарига ўтмаганини кўрсатади.

Декларациянинг 4-моддасида ФСҲҲПнинг 2 (3) моддалари каби “барча давлатлар дин ёки эътиқоди асосида камситишнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун самарали чоралар кўришлари керак” ҳамда “ҳар қандай шундай камситишни тақиқлаш зарур бўлган ҳолларда қонун қабул қилиш ёки мавжуд қонунларни бекор қилиш, шунингдек мазкур соҳада камситишларга қарши курашиш бўйича барча тегишли чораларни кўрадилар”, деб таъкидланади. Яъни 4-модда диний эркинлик масаласи нуқтаи назаридан Пактнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши ва камситилишига қарши самарали кураш олиб бориш бўйича мажбуриятларни тасдиқлайди ва уларга аниқлик киритади. 1981 йилги Декларациянинг 7-моддаси тўғрисида ҳам ҳудди шу фикрни билдириш мумкин.

6-модда биринчи хатбошисидан “фикрлаш, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги”га тааллуқли масалалар 1981 йилда қабул қилинган Декларациянинг 1-моддасидан чиқариб ташланган ва унда қайд этилган чеклашларга учраган. Ўз навбатида юқорида таъкидланганидек, ушбу модда ФСҲҲПнинг 18-моддасидаги биринчи уч бандни айнан такрорлайди. Биринчи хатбоши, кейинги ўринларда келтирилган таърифлар дин эркинлиги тушунчасини тўлиқ очиб бермайди.

Буни “ибодат ва йиғилишлар ўтказиш” ва “ушбу мақсадлар учун биноларга эгалик қилиш ва уларни сақлаш ҳуқуқи” мисолида кўриб чиқиш мумкин. Тарихдан диний ташкилотларга мулк сотиб олиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқи ман этилган мамлакатлар бўлгани маълум. Бу хилдаги қатъий тақиқ диний гуруҳларнинг ўз диний ибодатларини бажариш учун махсус жойларга эгалик қилиш ҳуқуқини чеклайди. Бундай қатъий тақиқ бўлмаганда ҳам юридик шахс мақомисиз бирор жойни сотиб олиш ёки ижарага олиш ўта қийин. Назарий жиҳатдан диндорлар ўз гуруҳи аъзоларидан бирига тегишли бўлган жойда йиғилиши ва ибодатларни амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, улар ўз аъзоларидан бирига тегишли бўлган адабиётлар, диний буюмлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Аммо, ушбу фараз қилинаётган гуруҳ жуда кичик ва бошқарила олинадиган бўлганда жиддий муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Агар муайян буюм ва китоблар ёки жой эгаси

бўлган диний гуруҳ аъзоси вафот этса, унинг мулки меросхўрларига қолади. Меросхўрлар эса бошқа диндорларнинг булардан фойдаланишларига рухсат бериши ёки бермаслиги мумкин. Агар ушбу жой эгаси қонуний жавобгарликка тортилишга олиб келадиган бошқа бирон бир ҳаракатни содир этса, ибодат учун ишлатилаётган кўчмас мулк суд ҳукми натижасида мусодара қилиниши ҳам мумкин. Кўпчилик ҳолларда диний гуруҳ аъзолари ибодат учун зарур биноларни сотиб олиш ёки ижарага олиш учун тўловларни ўзлари амалга оширадилар. Бу турдаги хусусий мулкка якка бир одамнинг эгалик қилишига йўл қўйиш хатарлидир. Чунки бундай шахс диний жамоа сафидан чиқиши ёки бинодан гуруҳнинг бошқа аъзолари қарши бўлган мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Муқобил ҳолда гуруҳ хусусий мулкка норасмий эгалик қилиши мумкин. Бундай ҳолда ушбу мулкни сотиш зарурати бўлганда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси (ёки уларнинг меросхўрлари)дан рухсат олиш керак бўлади. Бунга гуруҳнинг айрим аъзолари қарши бўлса, уни умуман амалга ошириш қийин ёки мутлақо иложи бўлмаслиги мумкин. Норасмий уюшмада қарор қабул қилиш қоидалари диний жамоа эътиқодига зид келиши ҳам мумкин. Бундан бошқа амалий тўсиқлар ҳам юзага келиши мумкин. Мулк эгалари ҳуқуқнинг қайси субъекти билан муомалада бўлаётганликларини билмасалар жойни ижарага беришдан бош тортишлари ҳам мумкин. Биноларга хизмат кўрсатиш учун шартнома тузишда ҳам муаммолар келиб чиқади. Бундан ташқари диний гуруҳ алоҳида шахслар ва ташкилотлардан ҳам, давлатдан ҳам компенсация олиш учун судга мурожаат этиш имкониятига эга бўлиши лозим ва ҳоказо.

Бугунги кунга қадар эътиқоди давлатга боғлиқлик бўлиш ёки давлат билан ҳамкорлик қилишга йўл қўймайдиган гуруҳлар ҳам мавжуд. Улар ҳатто бирор бир ҳуқуқий мақомга эга бўлгандан кўра қийинчиликлар билан бўлса ҳам фаолият олиб боришни афзал кўрадилар. Табиийки, кам бўлса-да учрайдиган бундай гуруҳларнинг хоҳишлари инобатга олиниши лозим. Лекин аксарият диний гуруҳлар муаммоларга дуч келмасликка ҳаракат қиладилар. Замонавий ҳуқуқий шароитларда диний ташкилот учун юридик шахс мақомига эга бўлиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки у хусусий мулкка эга бўлиши, шартномалар тузиши ва умуман моҳият

жиҳатидан маърифий фаолият олиб бориши мумкин. Бу таълим жараёнини ташкил этиш ёки диний ҳайрия, инсонпарварлик, ноширлик фаолиятига ҳамда китоблар, кийим, транспорт, алоқа воситалари, маросимларни ўтказиш учун зарур бўладиган жиҳозлар каби мулкка нисбатан ҳам тегишлидир. Шу сабабли БМТга аъзо барча мамлакатларнинг қонунчилик тизимида ҳеч бўлмаганда баъзи диний гуруҳларга хусусий мулк харид қилиш ва унга эгалик қилиши ҳуқуқини бериш бўйича механизмлар ишлаб чиқилган. Ташкил топган тузилмалар хилма-хилдир. Уларга бирлашмалар, жамоалар, рўйхатга олинган жамоалар, ижтимоий корхоналар, расмий черковлар ва бошқалар киради. 6-модда талабларига тўғри келган ҳолатларда бундай тузилмалар ФСҲХП каби халқаро ҳужжатларда қайд этилган қоидаларга мос келадиган диний фаолиятнинг барча турларини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

6-модда адолатли равишда хайрия сўраш ва олиш ҳуқуқи амалиёти аҳамиятини тан олади. Диний ташкилот муайян юридик тузилмага эга бўлмасдан маърифий фаолият олиб бора олмаганидек, молиялаштирилмасдан ҳам кун кечира олмайди. Молиявий маблағлардан ўз диний жамоаси эътиқодини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш зарурати диний ташкилотнинг юридик мақомга эга бўлишини ниҳоятда муҳим қилиб қўяди. Чунки ушбу мақомгина кўриб чиқилаётган давлат конституциявий тартиби ва юридик тузилмаси доирасида молиялаштириш манбаларини излаб топиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

Диний раҳбарларни тайёрлаш, тайинлаш, сайлаш ёки ворислик асосида олиш диний ташкилотнинг ички иши ҳисобланади.

Черков тузилмасининг ўзи онгли эътиқод ҳосиласи бўлиб, шу сифатда кўпинча баҳсларга сабаб бўлади. Уларга нисбатан тегишли ҳурматни таъминлаш учун диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар етарли даражада замин яратиши лозим. Зеро, турли диний жамоаларга мансуб черков тизимлари орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиши мумкин. Бунда албатта, уларнинг жамоат тартибига хавф солмаслиги инобатга олинади.

Қонунлар диний ташкилотларга диний маросимларни бажариш чегарасидан ташқарида ҳам фаолият олиб боришларига рухсат берадиган даражада қайишқоқ

бўлиши лозим. Масалан, аввалари диний ташкилотларга хайрия ва таълим бериш билан шуғулланиш ман этилган ҳоллар ҳам учраган. Бундай чеклашлар ўз диний эътиқодларига асосланган ҳолда хайрия ва таълим билан боғлиқ фаолиятни муҳим деб ҳисоблайдиган ташкилотларнинг ҳуқуқларини камситади. Давлатлар томонидан қабул қилинган бирлашмалар тўғрисидаги қонунлар бундай саъй-ҳаракатларга тўсиқ бўлмаслиги, аксинча уларга тегишли юридик тузилма мақомини берган ҳолда кўмаклашиши керак.

Диний ташкилотлар фойдалана оладиган юридик шахс мақоми уларга бевосита ва билвосита молиялаштириш, қонуний кучга эга бўлган никоҳлаш каби маросимларни амалга ошириш, қамоқхона ва касалхонадагиларга ёрдам бериш ва бошқа ҳуқуқларни беради, қолаверса муайян эътироф турлари билан боғлиқ рамзий нуфуз ҳам беради. Тарихий ва маданий фарқларни ўзида акс эттирадиган субъектларнинг бундай кўп табақали тизими Европа учун одатийдир.

6-модда дин эркинлиги масаласига тааллуқли барча ҳолатларни қамраб олмайди, албатта. Аммо, у дин ёки эътиқод эркинлигига тааллуқли юридик мажбурият юкловчи кўплаб қоидаларни ўз ичига олган. Гарчи 6-модда тўғридан-тўғри юридик шахс мақомини олиш ҳуқуқини қамраб олмаса-да, унинг шарҳларидан нима учун ушбу мақомни олиш имконияти 1981 йилги Декларациянинг зарур оқибати эканини тушуниш қийин бўлмайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 1 мартдаги “Диний тоқатсизликнинг барча шаклларини йўқотиш тўғрисида”ги Резолюцияси 1993 йил Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи умумжаҳон конференциясининг тоқатсизлик ҳамда у билан боғлиқ зўрлаш, шу жумладан, аёлларни камситиш, диний маросимлар бажариладиган жойларни таҳқирлашга қарши чоралар кўриш мақсадида давлатларнинг халқаро мажбариятларига мувофиқ ва уларнинг тегишли ҳуқуқий тизимларини лозим даражада ҳисобга олган ҳолда барча зарур чора-тадбирларни кўриш тўғрисидаги даъватини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан инсоннинг фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда дин ва эътиқод асосидаги нафрат, тоқатсизлик ва камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш бўйича саъй-

ҳаракатларни кучайтириш лозим. Мазкур Резолюция дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини фақат жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тартиб, фуқаролар соғлиғини ва ахлоқини ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун қонунда белгилаб қўйилгандек тартибда чеклашга йўл қўяди. Бу фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига зиён етказилмайдиган тарзда қўлланилади.

1960 йилнинг 14 декабрида ЮНЕСКОнинг Бош Конференциясида қабул қилинган "**Таълим соҳасида камситиш билан кураш тўғрисидаги Конвенция"нинг** 5-моддасида: "...алоҳида ҳеч кимга ва умуман бирор шахслар гуруҳига уларнинг эътиқодларига мос бўлмаган диний тарбияни тиқиштириш лозим эмас"лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

БМТ Бош Ассамблеяси Резолюцияси томонидан 1989 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган, имзолаш, қўшилиш ва ратификация қилиш учун очилган ''**Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция''да** "Иштирокчи мамлакатлар боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилишади... ўз динига ва эътиқодига эга бўлиш эркинлиги фақат давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳлоқи, соғлиғини ҳамда бошқаларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари учун қонунда белгилаб қўйилган тартибдагина чекланиши мумкин", дея кўрсатилган.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг ''**Дин ва эътиқод асосидаги тоқатсизлик ва камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақидаги Декларацияни амалга ошириш тўғрисида''ги** резолюциясида ислом ёки бошқа ҳар қандай динга нисбатан нафрат, ксенофобия ҳамда у билан боғлиқ тоқатсизлик ва камситиш учун иғвогарлик қилишда босма, аудиовизуал ва электрон воситалардан фойдаланилаётганидан ташвиш билдирилади.

АҚШ, Германиянинг оммавий ахборот воситалари, жумладан, кенг оммалашган нашрларида диндан сиёсий мақсадларда фойдаланаётган озчилик учун хос бўлган экстремизм ислом билан айнанлаштирилмоқда. Ҳолбуки, мутлақ кўпчилик мусулмонлар исломга бағрикенглик ва тоқатлилик тамойиллари асосида амал қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил апрелида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, бутун мусулмон оламида тоқат қилиб

бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан бундай мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор.

Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича минтақавий халқаро шартномалар.

Дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига бағишланган ҳужжатларнинг иккинчи гуруҳини инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий шартномалар ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи минтақавий ташкилотлар қаторида Европа Кенгаши, ЕХҲТ, Америка давлатлари ташкилоти, Африка Иттифоқи, Ислом конференцияси ташкилоти каби ташкилотларни санаш мумкин.

Дин ва эътиқод эркинлигини ҳимоя қилувчи стандартларни ўрнатувчи минтақавий халқаро шартномалар қаторида **«Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенцияси»** алоҳида ўринни эгаллайди**.** Мазкур Конвенциянинг дин ёки эътиқод эркинлигига тааллуқли ҳал қилувчи қоидалари қайд этилган 9-моддаси бу Конвенциядан бироз кейин ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ҳамоҳангдир:

1. Ҳар ким фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ибодат қилиш, ўқиш, диний амаллар ва маросимларни ўз дини эътиқодига мос равишда якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, оммавий ёки хусусий тартибда бажариш эркинлигини ҳам қамраб олади.

2. Ўз дини ёки ўз эътиқодига амал қилиш эркинлиги қонунда белгилаб қўйилган, демократик жамиятда жамоат хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, жамоат тартиби, саломатлик ёки ахлоқни муҳофаза қилиш ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган даражада чекланиши мумкин.

9-модданинг биринчи банди «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» 18-моддасига айнан мос келади. Иккинчи банд эса ФСҲХПнинг 18-моддасида белгилаб қўйилган чекловларга амалда мос келади, бундай зарурат талаби “демократик жамиятда” сўзлари билан кучайтирилганлиги истисно, холос. Амалиётда “демократик жамиятдаги зарурат” дин эркинлиги ҳуқуқи соҳасида йўл қўйилиши мумкин бўлган асосларни жиддий равишда чеклашга хизмат қилади. Бошқа халқаро

ҳужжатларда бўлганидек, диний ҳаётнинг жамоавий жиҳатларини ҳимоя қилишнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади.

Конвенция юзасидан қабул қилинган 1-Баённомада (Париж, 1952 йил 20 март) “Ҳеч кимнинг таълим олиш ҳуқуқи рад этилиши мумкин эмас. Давлат маориф ва таълим соҳасида ўз зиммасига олган ҳар қандай вазифани бажаришда ота-оналарнинг ўз диний ва фалсафий эътиқодларига мувофиқ болаларига таълим ва тарбия бериш ҳуқуқини ҳурмат қилади”, -деган қоида белгилаб қўйилган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Якунловчи актда (Хельсинки, 1975 йил 1 август) иштирокчи давлатларнинг “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, шу жумладан, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қилиши” юзасидан сиёсий мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш иштирокчилари бўлган давлатларнинг Вена учрашуви Якунловчи ҳужжати (Вена, 1989 йил 15 январь) иштирокчи давлатлар “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан, барча учун, ирқи, жинси, тили ва динини фарқламасдан фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиши”ни тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатнинг 16-бандида шахснинг дин ёки эътиқодга амал қилиш эркинлигини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар бошқа масалалар қаторида шахслар ёки уюшмаларнинг дин ва эътиқод асосида камситилишларининг олдини олиш ва йўқотиш учун самарали чоралар кўриш ва бу ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини эътироф этиш, амалга ошириш ҳамда диндорлар ва динга эътиқод қилмаганлар ўртасида ҳақиқий тенгликни таъминлаш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, ҳар кимнинг танлаган тилида якка ўзи, ёки бошқалар билан биргаликда диний таълим бериш ва олиш ҳамда мазкур тамойил асосида бошқа масалалар қаторида ота-оналарнинг ўз эътиқодларига мувофиқ равишда болаларига диний ва маънавий таълим беришни таъминлаш эркинлигини ҳурмат қилиш билан боғлиқ тамойиллар қайд этилган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа халқаро ҳужжатлар давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг халқаро стандартларини белгилаб беради.

Таянч тушунчалар

Эътиқод, дин, диний бағрикенглик.

Виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги, инсон ҳуқуқлари.

Дин ва давлат муносабатлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро ҳуқуқий стандартлар, минтақавий халқаро шартномалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Эътиқод ва диний эътиқод деганда нима тушунилади?

2. Диннинг бағрикенглик моҳияти нимада?

3. Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

4. Виждон эркинлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий стандартлари деганда нима тушунилади?

5.Давлатнинг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлашдаги роли нималарда кўринади?

II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Дунёвийлик ва динийлик уйғунлигини таъминлаш-жамият тараққиётининг муҳим омили. Дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат масаласи инсоният тарихининг барча даврларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Бошқача айтганда, инсон ҳаёти мазмунини ташкил қилувчи ушбу икки таркибий қисм ўртасида муросага эришиш ҳар қандай жамиятнинг мавжуд ҳолати ва истиқболини белгиловчи бош мезон бўлиб келган.

Баъзан ушбу икки омил ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, мамлакатларни тўс-тўполонлар ва жаҳолат гирдобига тортган. Ўрта асрлар Европасида амал қилган,

ваҳшиёна жазолар ва қийноқларнинг тимсолига айланган инквизиция даври бунга мисол бўла олади. Ибн Рушднинг ғояларини ривожлантиргани учун жазога ҳукм этилган Сигер Брабантскийнинг тақдири, соғлом илмий қарашлари туфайли жабр кўрган Жордано Бруно, Николай Коперник, Николай Кузанский ва бошқа мутафаккирларнинг қисмати эса жамият ҳаётида динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги соғлом мувозанатнинг шаклланиши йўлидаги қийинчиликларга мисолдир. Ушбу жараённинг фожиали кўринишлари мусулмон Шарқи ҳаётида ҳам содир бўлди. Буюк мутасаввиф аллома Абу Мансур ал-Ҳаллож худонинг моҳиятини идрок этиш йўллари ҳақидаги ортодоксал ақидаларга зид қарашлари учун ўтда ёқилди. Шундай сабаблар туфайли Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу-л-Ало-ал-Мааррий, Умар Ҳайём каби кўплаб буюк даҳолар аёвсиз таъқибларга дучор бўлдилар. Буларнинг барчаси динни давлатдан ажратиш билан боғлиқ табиий эҳтиёж кучини ошириб борган.

Динни давлатдан ажратиш ҳақидаги ғоя азалдан ҳурфикрлилик ва дунёвий-рационалистик тафаккур ривожига асосланганини таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳаётий масала ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда ҳам доимо муҳим ўринни эгаллаб келган. Бунда дунёвийликка мойил сиёсий кучларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги мавқеи мунтазам равишда мустаҳкамланиб боргани диққатга сазовордир. Мовароуннаҳрнинг ўрта асрлар ва ундан кейинги даврлардаги тарихида бошқарувнинг диний-теократик усулларига мойил давлатларнинг йўқлиги ҳам ушбу хулосанинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Демократик тараққиёт ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистондаги маънавий ҳаётни ташкил этувчи, уни бирлаштириб турувчи ўзак ўқ – динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мувозанатга асосланади.

Халқ томонидан асрлар оша эъзозланиб келинган қадриятлар тизимида диний қадриятлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон халқи томонидан азалдан ардоқланиб келинаётган қадриятларнинг аксариятига исломий руҳият ва шарқона одоб-ахлоқ чуқур сингиб кетган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу – аввало муқаддас динимиз

ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим,”- деб таъкидлангани ҳам айни шу билан изоҳланади.

Ўқувчи-талабаларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантириш бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинлари олдида турган энг мураккаб ва муҳим вазифалардан биридир. Ушбу вазифанинг муваффаққиятли ҳал этилиши икки муҳим омилга боғлиқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Президент И.А.Каримов асарларида кўрсатиб берилган. Юртбошимиз таъкидланганларидек, “...ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасидаги мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак”. Демак, динлар ҳақидаги мантиқий асосланган билимларни шакллантириш ва дунёвийлик тушунчасини чуқурлаштириб бориш ёшларда динга нисбатан соғлом муносабатни шакллантиришнинг икки қутби ҳисобланади.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бири дунёвийлик экан, уни қандай тушуниш лозим, деган савол туғилади. Инглиз тилидаги secularity ҳамда рус тилидаги секуляризация ва светскость тушунчалари билан туташ ушбу истилоҳнинг қандай талқин этилишининг ўзиёқ ҳар қандай мамлакатдаги давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб беради.

Шўро замонида чиқарилган аксарият луғатларда светскость ва секуляризация тушунчалари динийликнинг акси бўлган ижтимоий хатти-ҳаракатлар сифатида талқин этилади. Бу эса, табиий равишда, даҳрийлик тарғиботи ва диннинг ҳаётий ўрнини инкор этишга олиб келар эди. Аслида эса, Президентимиз таъкидлаганидек, **“...** дунёвийлик — бу даҳрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар - бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъаналар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи

бўладими - буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, «шўро доҳийлари» айтганидек, улкан давлат машинасининг «винтчаси»га айланади. Охир-окибатда бундай одам ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади".

Демак, том маънодаги соғлом дунёвийлик диннинг ижтимоий мавқеини инкор этмайди, балки жамият ҳаётини ташкил этишнинг дунёвий маърифатга асосланган тарзини англатади. Бошқача айтганда, дунёвийлик ижтимоий ҳаёт соҳалари диний ақиданинг яккаҳокимлигидан ва унинг ҳал қилувчи таъсиридан холи бўлишни тақозо этади.

Дунёвийлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари ҳамиша ҳамоҳанглик касб этиб келган. Яъни, дунёвийлик қотиб қолган догма эмас, аксинча, у мунтазам равишда такомиллашиб борувчи ҳодисадир. Замонавий илмий тилда айтганда, дунёвийлик модернизация деб номланувчи жараённинг ҳаракатлантирувчи кучидир. У жамият илмий салоҳиятининг узлуксиз ошиб бориши, технологик тараққиётнинг давомийлиги, иқтисодий ҳаётнинг рационаллашуви, маданиятнинг юксалиб бориши каби муҳим жараёнлар билан уйғун равишда такомиллашиб боради.

Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакатда дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг муҳим қиррасини дин ва сиёсат орасидаги алоқалар ташкил этади. Охирги пайтларда исломнинг сиёсат билан, бошқача айтганда, исломнинг давлат билан муносабатлари масаласи жиддий ташвишларга сабаб бўлмоқда. Аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этувчи айрим мамлакатларнинг охирги ўн йилликлардаги тажрибаси "ислом – оламшумул динлар орасидаги энг сиёсийлашган диндир" дея даъво қилаётган олимлар ва сиёсатчиларнинг фикрини тасдиқлаётгандек кўринади. Айрим мутахассислар, ҳатто "ислом – сиёсий ҳаётнинг энг асосий омилларидан биридир, уни – сиёсатдан, сиёсатни эса, ундан ажратиб бўлмайди", дея хулоса қилмоқдалар.

Бугун ҳатто, “жамиятнинг диний хавфсизлиги” деган тушунча пайдо бўлди. Чунки охирги ярим аср давомида диний омилнинг таъсири туфайли айрим мамлакатларнинг миллий хавфсизлигига путур етгани ҳақиқат. Масалан, Ольстерда католиклар ва протестантлар ўртасида вақти-вақти билан хунрезлик ва тўполонларни келтириб чиқараётган зиддиятлар Буюк Британиянинг умуммиллий хавфсизлигига путур етказаётган хатарли омиллардан бирига айланганини инкор этиб бўлмайди.

XX асрнинг ўрталаридан фаоллаша бошлаган радикал диний оқимлар 1970-йилларда Миср Араб Республикасининг сиёсий тизимига, демакки, унинг миллий хавфсизлигига нисбатан жиддий хатарга айлангани ҳам юқоридаги мулоҳазанинг ўринли эканини кўрсатади.

Жазоирдаги воқеалар туфайли эса XX-асрнинг 80-йиллари охирига келиб, жамият сиёсий-мафкуравий ва диний-маънавий асосда иккига бўлиниб кетди. 1992 йилдаги парламент сайловларида ушбу вазиятдан фойдаланган сиёсийлашган радикал диний доиралар кўпчилик ўринларни қўлга киритди. Улар шариат талабларига мос равишда мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларини тубдан ўзгартириш талабини олға сурдилар. Бу жамиятдаги бўлинишни янада чуқурлаштирди, давлат ва жамият қурилишида дунёвийлик ва исломга суянган динийлик ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Охир-оқибатда эса, ўтказилган сайловлар якуни бекор қилинди. Бунинг натижасида юзага келган кескин ички ижтимоий-сиёсий ва диний-мафкуравий зиддиятлар қарийб 7 йил давом этган қонли тўқнашувларни келтириб чиқарди. Мутахассисларнинг фикрича, уларда камида 30 минг киши қурбон бўлди, сиёсийлашган диний омил эса, умуммиллий барқарорлик ва хавфсизликнинг ҳақиқий душманига айланди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мусулмон дунёсида фаолият кўрсатаётган диний-сиёсий гуруҳлар ва партиялар нисбатан яқинда мустақилликка эришган, аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган минтақамиз мамлакатларини ҳам ўз таъсир доирасига тортишга фаол интилмоқда. “Ҳизбу-т-таҳрир ал-исломий”нинг охирги 10-15 йил давомида Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистондаги фаолияти ҳам бунинг

исботи бўла олади. Бундай ташкилотлар оддий фуқароларнинг диний ҳис-туйғулари, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бир шаклидан иккинчисига ўтиш даврида юзага чиқадиган объектив қийинчиликлар, конфессияларо муносабатларнинг нозик жиҳатларидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга интилмоқда. Бундай интилишларнинг олдини олиш деярли барча мусулмон жамиятлари учун алоҳида долзарблик касб этмоқда. Зеро, баъзи ҳолларда диний онгнинг радикаллашуви ва сиёсийлашуви, диний экстремизмдан терроризмга ўтиб кетиш жараёнларининг тезлашуви каби миллий хавфсизлик учун ўта хатарли омиллар кузатилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунёвий ривожланиш йўли. Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёнини, туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди: собиқ совет тизимининг атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили унинг асосини ташкил этишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

Мазкур моддада муҳим қоидалар мустаҳкам қўйилган. Аввало диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб боради. Қолаверса, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилгани диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини ҳам таъкидлаш зарур. Бу фуқаролик жамиятида дин ўз мавқеига эга бўлишини англатади. Бу ҳам Конституциямизнинг амалдаги ижросидан келиб чиқадиган мантиқий хулосалардан биридир. Айтиш жоизки, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, бунёдкор миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва халқимизнинг ҳақиқий маънавий сурати ва сийратини белгиловчи фазилатларни ўзида мужассамлаштирган меҳр-оқибат,

ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам, кексаларга ҳурмат, шарқона одоб-ахлоқ, шарму ҳаё каби энг олий инсоний туйғуларнинг туб моҳиятини англаш ва кўз қорачиғидек эъзозлашда айнан диний ташкилотлар ва дин арбобларининг роли ва ўрни беқиёслигини бугун ҳеч ким инкор этмайди. Аксинча, бундай бунёдкор фаолият қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг сабаби эса, Конституциямизда ана шундай фаолият учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиб берилганидадир.

Дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи бошқа бир тамойилниг мазмуни дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожи учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: **«Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз»**. Бу фикрлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Давлат ва дин муносабатларининг яна бир асосий хусусияти бу диннинг сиёсатга аралашмаслигидир. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча жиҳатларини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади.

Эътироф этиш лозимки, ҳар қандай диний эътиқод каби ислом ҳам барча даврларда, шу жумладан, даҳрийлик кенг тарғиб этилган шўро тузуми замонида ҳам, ижтимоий муносабатлар ва маънавий-руҳий ҳаётга ўз таъсирини ўтказиб турган муҳим омиллардан бири бўлиб қолаверган. Ижтимоий муносабатлар ва маънавий-руҳий ҳаётнинг уйғунлиги эса, ҳар қандай жамиятнинг ички сиёсий

барқарорлигини белгиловчи асосий омиллардан экани сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, дин ва сиёсат ўртасидаги муайян боғлиқликни инкор этиб бўлмайди. Бунинг сабаби эса ислом халқимизнинг онгу шуури ва менталитетига шу қадар сингиб кетганидадир. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, **“...уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди”.**

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, ислом дини ва мусулмончилик деган тушунча бизнинг минтақамиз учун фақат ўтмиш ва бугун тажрибасигина бўлиб қолмасдан, у келажак воқелиги ҳамдир. Исломнинг жамият ҳаётидаги роли том маънодаги ҳурфикрлилик қарор топаётган мустақиллик даврида ўзини янада яққолроқ намоён этаётгани ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

Бироқ масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор: диний омилнинг сиёсийлашуви жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун таҳдидга айланиб кетиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳар қандай диннинг соф эътиқодий масалалар чегарасидан чиқиб, давлат ва жамият қурилиши масалаларига аралашишга уринишидан бошланади. Мазкур ҳол мусулмон Шарқи мамлакатлари тарихида ўзини такрор ва такрор намоён этиб келаётгани яхши маълум. Бундай ҳолатнинг вужудга келиш хавфи у ёки бу жамият тарихида кескин ўзгаришлар рўй берган даврларда айниқса, кучаяди.

Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллик йилларидаги тараққиёт тажрибаси мусулмон жамиятларида миллий ўзликни англаш ва исломий уйғониш жараёнлари бир-бири билан алоқадор тарзда, ҳатто бир-бирига киришиб кетган ҳолда кечади, деган хулосанинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Дарҳақиқат, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ турфа жараёнларни диний қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиш амримаҳол. Бизнинг жамиятимиз учун ҳам табиий бўлган ушбу хусусият, ўзининг ўта нозиклиги баробарида хатарлилиги билан ҳам ажралиб туради. Мазкур икки тушунчани бир деб қабул қилиш, уларнинг ўзаро нисбатини баҳолашда хато қилиш – диннинг сиёсийлашувига йўл очиб беради. Шуни унутмаслик лозимки, айрим ҳолларда, жамиятдаги муайян кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун онгли тарзда айнан шундай қиладилар.

Мустақилликнинг илк босқичида мисли кўрилмаган даражада фаоллашган диний гуруҳларнинг сиёсий ва, ҳатто, ҳарбийлашган ташкилотларни тузишга

қаратилган амалий ҳаракатларини эслаш лозим. Ўшанда бундай гуруҳлар Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилишни талаб қилиш даражасигача бориб етган эдилар. Мафкуравий маркази Фарғона водийси бўлган ушбу ҳаракат ўз даврида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам муайян акс-садо бериб, умуммиллий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирганини инкор этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент И.Каримов асарларида баён этилган огоҳлантиришларни теран идрок этиш, уларда баён этилган ва стратегик моҳиятга эга вазифаларни сидқидилдан ва мунтазам бажариб бориш – тинч ва фаровон эртамизнинг кафолати демакдир. Дунёвий-маърифий давлат ва жамият қурилаётган ҳар қандай мамлакатда диний жараёнлар эволюциясини ўзибўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмайди. Ушбу мулоҳаза, айниқса, ўзликка қайтишнинг қўш қанотини ташкил этувчи миллийлик ва динийлик ўртасидаги чегарани аниқлаш бағоят мушкул бўлган мусулмон жамиятлари учун долзарбдир.

Дунёвий давлат ва жамият энг аввало, қонун устуворлигини тақозо этади. “Қонун – барча учун баробар” деган демократик тамойил, шубҳасиз, диний жараёнларга ҳам тааллуқлидир. Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётнинг бошқа ҳар қандай соҳаси каби диний жараёнлар ҳам фақат қонун белгилаб қўйилган мезонларга мувофиқ равишда ривожланишга ҳақлидир. Ифодали қилиб айтганда, қонун барча бошқа соҳаларни меъёрга солиб тургани каби диний вазият эволюцияси ҳам, ҳеч қандай чекинишларсиз, унга бўйсунишга мажбур. Бу иш демократиянинг асосий тамойилларидан бўлган виждон эркинлиги, хусусан, эътиқод эркинлигини чегаралаш ҳисобига қилинмайди, албатта. Аксинча, азал-азалдан демократик жамиятнинг бош мезони бўлиб келган қонун устуворлигини таъминлаш орқали амалга оширилади.

“Диний вазият эволюциясини бошқариш” ҳақидаги тезис, энг аввало, дунёвий-маърифий давлат ва жамият қурилиши жараёнида диний омилга ажратилган конституциявий ўринни қонуний воситалар билан таъминлашни назарда тутади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланган.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ана шу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки дунёвий-маърифий давлатда диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

Виждон эркинлигининг моҳияти. Дунёвийлик туйғулари алоҳида шахс ва ижтимоий институтлар даражасида намоён бўлиб боради. Дунёвийлик демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай мамлакат ҳаётини ташкил этишнинг бош мезонларидан бири–виждон эркинлиги тамойилининг устуворлигини кафолатлайди.

Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг тамал тоши «виждон эркинлиги» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқаровий эркинликлар ичида инсоннинг ички маънавий дунёсига ва унинг руҳиятига бевосита алоқадор бўлган виждон эркинлиги демократик дунё бўйлаб умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг энг асосийларидан биридир.

Фуқаролик жамияти кишилар ўртасидаги муносабатларнинг юксак маданий савия ва теран маънавий заминга асосланган билан ажралиб туради. Бундай жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, уларнинг мўътабар ва ҳатто, муқаддас саналиши барқарор бўлмоғи шарт. Муайян инсоннинг қадр-қиммати, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, самимийлик, ахлоқий поклик, инсофу адолат ва инсонпарварлик каби энг эзгу умуминсоний қадриятлар фуқаролик жамияти ҳаётининг ҳақиқий мезонларидир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда кечаётган давлат ва жамият қурилиши жараёнида том маънодаги виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида урғу берилмоқда.

Давлатимизнинг виждон эркинлигига муносабати–Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга”,-деган қоидада ўзининг аниқ ҳуқуқий-қонуний ифодасини топган. Демак, «виждон эркинлиги» деган тушунчанинг мазмун-моҳияти хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқидан ташқари, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ихтиёрини ҳам қамраб олади. Ҳар бир фуқаро

ҳақли бўлган бундай ҳуқуқнинг бузилмаслиги учун мазкур модда “диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деган муҳим қоида билан тўлдирилган. Бунинг замирида виждон эркинлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидни бартараф этиш истаги ётади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган давлат ва жамият қурилишининг бош мақсадлардан бири - инсон фаровонлиги таъминланган, ижтимоий адолат ва қонунийлик устуворлик қиладиган, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига асосланган жамиятни барпо этишдир. Бу, энг аввало, юксак маънавият ва ҳурфикрлиликка асосланган, виждон эркинлиги амалда барқарор бўлган жамиятни барпо этиш демакдир. Бундай жамиятни қуриш эса, биринчи навбатда, кенг маънодаги виждон эркинлиги, жумладан, диний эътиқод эркинлигини таъминлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ушбу ҳаётий масалага умумэътироф этилган демократик тамойиллардан келиб чиқиб ёндашилган.

Том маънодаги виждон эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш ва амалда таъминлаш учун Ўзбекистонда тўлақонли ҳуқуқий тизим яратилган. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририга (1998 йил, 1 май) кўра, «виждон эркинлиги» фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Шу маънода, ҳуқуқий категория сифатида – виждон эркинлиги, бир томондан, эътиқод эркинлигини, иккинчи томондан эса, ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини ифода этади.

Ахлоқий нуқтаи назардан виждон эркинлиги – бу муайян инсоннинг фикрлаш тарзи ва шахсий маънавий эътиқодига мос хатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир. Дунёнинг турли-туман мамлакатларида, узоқ тарихий даврлар давомида, оламнинг яратилиши ва ривожланиши, кўпинча, диний тасаввурларга асосланган тарзда изоҳлаб келингани яхши маълум. Бироқ илм-фан тараққиёти мазкур ҳодисаларнинг дунёвийликка асосланган тушуниш тамойилини тадрижий равишда кучайтириб

борган. Ҳар бир шахс эркин фикрлаш ва қонун доирасида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши натижасида умумий тараққиёт жадаллашган.

Шундай қилиб, виждон эркинлиги уч жиҳатни англатадиган ҳуқуқий категорияга айланиб қолди:

Биринчиси - муайян шахс худога ишониши, хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин.

Иккинчиси - худога ва динга ишонмаслиги, уларга нисбатан бетараф бўлиши мумкин.

Учинчиси - даҳрий, яъни ҳеч бир динга эътиқод қилмайгина қолмасдан, балки уларни инкор этиши мумкин.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар бир фуқарога санаб ўтилган уч имкониятдан хоҳлаганини, ҳеч қандай тазйиқларсиз, онгли равишда танлаб олишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида вояга етмаган ёшларнинг виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Бунинг сабаби – тушунарли. Чунки ҳали етарли ҳаётий тажриба ва билимларга эга бўлмаган ёшларга таъсир ўтказиш, айниқса, муайян диний дунёқарашни уларнинг онгига сингдириш осон. Дунё, жумладан, мамлакатимиз тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим носоғлом кучлар бундан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга интилмоқда. Шунинг учун ҳам, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга “вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди”, деган муҳим қоида киритилган. Қонунга хилоф равишда бундай фаолият билан шуғулланганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Демак, давлат виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш ва амалда таъминлаш тадбирларини рўёбга чиқариш билан бир қаторда, уларга нисбатан ҳар қандай таҳдиднинг олдини олишга ҳам интилади. Қонун устуворлиги энг олий мезон бўлган фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ушбу қонуний талабга тўғри муносабатда бўлиб, унинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшиши лозим. Чунки энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бўлган виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалда

рўёбга чиқарилиши фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ривожланганлик даражасининг муҳим кўрсаткичидир.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун. Ушбу Қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди.

1990 йилларнинг бошларида ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятларнинг суистеъмол қилиниши, масжид қуриш кампанияга айланиб кетиши оқибатида уларнинг сони 89 тадан 5000 тагача етди. Уларнинг аксарияти ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган, малакали имомлар билан таъминланмаган (95,8% диний маълумотсиз) ва зарур шароитлар бўлмаган ҳолда фаолият юргизиб, турли “пешво”лар масжидларни ўз уяларига айлантиришга ҳаракат қилдилар.

Баъзи диний ташкилотларнинг раҳбарлари хорижий фуқаролар бўлиб, аслида ҳеч қандай диний маълумотга эга бўлмай, молиявий ёрдам кўрсатиш ҳисобига республика ҳудудидаги диний ташкилотларга раҳбарлик қилиб олиб, бузғунчилик, миссионерлик фаолияти билан шуғулланар эдилар. Уларнинг асосий мақсади турли йўл ва усуллар билан ўз сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кенгайтиришдан иборат эди.

Давр талаблари асосида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни тубдан ўзгартириш зарурати туғилди ва 1998 йил 1 май куни янги таҳрирда қабул қилинди. Жумладан, Қонуннинг 8-моддасига асосан, диний ташкилотлар 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари ташаббуси билан тузилиши, муайян конфессияга қарашли диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг республика бўйича ягона марказий бошқарув органи тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари этиб сайланишлари, бундай лавозимга истисно ҳолатда хорижий фуқаролар номзодлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олиниши белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақлидир.

Қонуннинг 5-моддасида бир конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

Ушбу модданинг мазмуни ва аҳамиятини тушуниш учун миссионерлик ва прозелитизм нима эканини билиб олиш керак. Миссионерлик – бу бошқа диний эътиқодга эга бўлган шахсни ўз динига оғдириб олиш бўйича диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга ошириладиган фаолият. Прозелит – бу ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтган одам.

Қонуннинг 16-моддасига асосан: «Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади».

Қонуннинг диний адабиётларга тегишли бўлган 19-моддаси ҳам бир қадар ўзгартирилди: «Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир». Мазкур қоида Ўзбекистон ҳудудига диний адабиётларнинг олиб кирилишини тартибга солади.

Қонуннинг 3-моддасида «Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин»лиги белгиланган.

Мазкур қонуннинг 23-моддасига кўра виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Бу модда қонун олдида барча бир хил бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонда диний ташкилотлар. Маълумки, диний онг ўз-ўзидан ўзгармайди. Унга фаол таъсир кўрсатиб турувчи омиллар мавжуд. Уларнинг энг таъсирчани, шубҳасиз, диний муассасалардир. Ўзбекистон мисолида олиб қараладиган бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларида уларнинг сони мунтазам ошиб боради. Узоқ тарихий давр давомида олиб борилган исломга қарши сиёсат доирасида мулоҳаза юритилса ҳамда XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларининг бошида мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият кўзгуси орқали қаралса, бу – табиий ҳол эди, дейиш мумкин. Масаланинг ғайритабиий томони шунда эдики, масжидлар сонининг узлуксиз ошиб бориши билан бир вақтда, мусулмонлар диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга уринган кучлар ҳам фаоллашиб борди. Масжидларнинг баркамол инсонни тарбиялашдек нозик масаладаги муҳим тарбиявий ролини инкор этмаган ва унга заррача соя ташламаган ҳолда, шуни қайд этиш мумкинки, уларнинг айримлари, афсуски, Ўзбекистонда сиёсий исломнинг шаклланиши ва ривожланишида таянч нуқта бўлиб хизмат қилди. XX асрнинг 90-йиллари бошида Россияда тузилган “Ислом уйғониш партияси” филиалини Ўзбекистонда очиш, “Туркистон ислом партияси”га асос солишга қаратилган уринишлар мазкур кучларнинг ўз сафларини мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг кўламли ҳаракатлари сифатида юзага келди. Наманган ва Қўқонда тузилган “Адолат”, “Ислом лашкарлари”, “Одамийлик ва инсонийлик” каби ҳарбийлашган ташкилотлар жиноятчиликка қарши курашда давлат органларига ёрдам бериш ниқоби остида ҳуқуқ-тартибот ташкилотларининг айрим вазифаларини ўз зиммасига ола бошлагани ҳам исломнинг тез суръатлар билан сиёсийлашиб бораётганидан далолат берар эди.

Ҳар қандай масжидда диний қадриятларнинг тарғиб этилиши табиий ҳол. Аслида, масжидларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам шудир. Демак, улар диний онгни ривожлантириш ва унинг эволюцияси йўналишини белгиловчи энг муҳим механизмдир. Табиийки, масжидларда ушбу тарғибот соф диний қобиққа ўралган

тарзда амалга оширилади. Бундан ташқари, турли масжидларда ваъз қилувчи имомларнинг савияси ҳам, дунёқараши ҳам турличадир.

Маълумки, мамлакатимиз фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. “Фуқаролик жамияти” дегани эса, биринчи навбатда, жамият бошқарувининг муайян соҳаларини давлат органлари ва ташкилотларидан босқичма-босқич ноҳукумат тузилмаларга ўтиб боришини англатади. Демократик мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, фуқаролик институтлари маънавият ва маърифат, илм-фан ва маданият билан боғлиқ соҳаларда ўзини кўпроқ намоён этиб боради. Охирги йилларда Ўзбекистонда бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Миллий ғурур, ўзликни англаш, миллий-диний қадриятларни тўғри ва соғлом идрок этишга хизмат қилишга қаратилган маънавий-маърифий йўналишдаги қатор жамғармалар, уюшмалар ва марказлар тузилмоқда. Улар давлат ташкилотларидан қабул қилиб олинаётган тегишли бошқарув ва тарбиявий-маърифий функцияларни бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Давлат органлари, ўз навбатида, уларнинг мустаҳкамланиб бориши учун лозим моддий-маънавий ва қонуний асосларни яратишга фаол кўмаклашмоқда.

Мазкур тузилмалар олдида турган энг муҳим ижтимоий-маънавий моҳиятга эга вазифалардан бири – халқимиз учун асрлар оша анъанавий бўлиб келган асл диний қадриятларимизнинг тўғри идрок этилишига амалий ҳисса қўшишдан иборат. Диний омил билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатаётган бу каби ташкилотлар диний билимларни дунёвий маърифат кўзгуси орқали таҳлил қилиши ва тушунтириши лозим. Мустаҳкамланиб бораётган миллий ўзликни англашга бевосита алоқадор диний қадриятларнинг тўғри ва соғлом идрок этилишига қаратилган маърифий-тарбиявий ишларни амалга ошириши керак. Бошқача айтганда, уларнинг асосий вазифаларидан бири – диний қадриятлар, энг аввало, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги азалий ҳақиқатни, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдириб боришдир. Бундан ҳам муҳими, диний эътиқод – сиёсий “ўйинлар” майдони эмаслиги, бу каби “ўйинлар”нинг жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хатарли эканини илмий-

тарихий ва ҳаётий далиллар билан асослаган ҳолда кенг оммага мунтазам тушунтириб боришдан иборатдир.

Ушбу ишдан кўзланган пировард натижа – халқимиз учун қадимдан анъанавий бўлиб келаётган диний-маънавий меросга садоқатни мустаҳкамлаш, шу орқали, диний қадриятларнинг ҳақиқий ўрнини тўғри идрок этиш, диний вазиятнинг соғлом ва табиий ривожланишига амалий ҳисса қўшишдан иборат бўлгани учун ҳам у қуруқ ташвиқот бўлиб қолмаслиги керак. Диний қадриятларнинг соғлом ва тўғри идрок этилишига қаратилган фаолият кўҳна ва серқирра тарихимиз ҳамда аждодларимиз қолдирган ибратли маънавий меросга асосланиши лозим.

Фуқаролик жамияти институтлари мустаҳкамланиб борган сари, буюк бобокалонларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос, жумладан, маънавиятимизнинг узвий қисми бўлган миллий-диний қадриятларни чуқур ва янгича ёндашув асосида ўрганиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Олдимизда турган вазифа – яратилаётган имкониятлардан тўғри, умумиллий юксалиш манфаатларига мос равишда фойдаланишдир. Шундай қилинганда, ислом ва сиёсат, дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг табиийлиги, уларнинг жамиятимиз сиёсий барқарорлиги ва маънавий баркамоллигига хизмат қилувчи уйғунлиги таъминланади.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ундаги халқлар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина қонуний ҳужжатларда белгиланишига эмас, балки уларнинг амалда қай даражада ўз тасдиқини топишига ҳам боқлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари нафақат қонун билан мустаҳкамлаб қўйилгани, балки амалиётда унинг асосий тамойилларига қатъий риоя қилинаётгани ҳаётий далиллар билан тасдиқланаётганини таъкидлаш зарур.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони ўсди. Хусусан, 1990 йилда республикамизда 119 та диний ташкилот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 исломий ва 33 ноисломий) етди, 2008 йилнинг августига келиб эса, уларнинг сони 2229 тани (2050 та исломий, 179 та ноисломий) ташкил этди.

Ноисломий диний ташкилотлар қаторида Рус Православ черкови, Рим-католик черкови, Немис Евангель-лютеранлар черкови, Арман Апостоллик черкови, яҳудийлар ва Баҳоийлар диний жамоалари, Буддавийлар ибодатхонаси, Библия китоб жамияти каби ташкилотларни санаш мумкин.

Мустақилликкача бор-йўғи иккита (Тошкент ислом институти ва «Мир Араб» мадрасаси) исломий диний ўқув юрти бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони кўпайди. Бошқача айтганда, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги «Мир Араб», Тошкентдаги «Кўкалдош», Қорақалпоғистондаги «Муҳаммад Беруний», Намангандаги «Мулла Қирғиз», Хоразмдаги «Фахриддин ар-Розий», Андижондаги «Саййид Муҳйиддин Махдум», Қашқадарёдаги «Хожа Бухорий» ҳамда фақат хотин-қизлар таҳсил оладиган Тошкентдаги «Хадичаи Кубро» ва Бухородаги «Жўйбори Калон» ўрта махсус ислом билим юртларидан иборат яхлит диний таълим тизими яратилди.

2000-2001 ўқув йилидан бошлаб ушбу таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълим марказининг Давлат таълими стандартлари бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида ташкил этилди. Содда қилиб айтганда, ўқув юртларида диний ва дунёвий таълимнинг узвийлиги таъминланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш зарур. Ушбу Қарорга асосан Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилди. Шу билан бирга, унга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди.

Фуқароларга ҳаж ибодатини адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, мустабид шўро тузуми даврида ҳар йили уч, тўрт кишига ҳаж зиёратини

амалга оширишга рухсат берилган бўлса, ҳозирда йилига беш мингдан ортиқ киши ҳаж қилиш, тўрт минг киши умра амалини бажариш имкониятига эга бўлмоқда.

Буларнинг бари Хельсинки Якунловчи акти, Вена ва Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатларда қайд этилган шахснинг виждон ва дин эркинлиги борасидаги тамойилларга тўла мувофиқ келади. Лекин минг афсуски, юқорида зикр этилган эркинликларни суистеъмол қиладиган, улардан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланадиганлар ҳам мавжуд. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз».

Ўзбекистонда диний бағрикенглик. Бугун Ўзбекистон диний бағрикенглик ва муроса борасида нафақат МДҲ давлатлари, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда дунё миқёсида катта обрў ва нуфузга эга инсонлар ҳам юртимизга зиёратлари вақтида таъкидлаб ўтмоқдалар. Албатта, халқимизга хос бу хислат бир зумда пайдо бўлган эмас, балки узоқ тарихий асосларига эга.

IX асрдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини сунна йўналишининг ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳаби қарор топди. Ҳанафийлик ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Бу таълимотни такомилга етказган ватандошларимиз – Абу Мансур Мотуридий, Абулмуъин Насафий ва Бурҳониддин Марғиноний каби алломалар мусулмонлар орасидаги ғоявий тарафкашликка барҳам бериш, ислом динининг «аҳли сунна вал жамоа» йўли барқарор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар. Буюк ислом уламолари билан бир қаторда Марказий Осиё ҳукмдорлари ҳам бу йўлда курашдилар. X аср ўрталарида ислом дунёсида шиа йўналиши (Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ҳижозда – фотимийлар, Яманда – зайдийлар ва ҳатто аббосийлар пойтахти Бағдодда – бувайҳийлар) устунликка эришган бир пайтда Марказий Осиёда тоҳирий, ғазнавий ва қорахоний ҳокимлари «аҳли сунна вал-жамоа» ақидасини қатъият билан ҳимоя қилдилар.

Хусусан, ўз даврининг рамзи бўлган Амир Темур эътиқод ва маънавиятнинг катта аҳамиятини тўғри идрок этган. Шарафиддин Али Яздий Соҳибқиронни ҳақли равишда эътиқоди комил инсон сифатида таърифлайди. Энг муҳими, Амир Темур «аҳли сунна вал-жамоа» эътиқодига содиқ, диний ақидапарастликка қатъий қарши бўлган, ислом динини мутаассибликдан холи, эркин тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва шу жиҳатдан ҳам, у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам намунадир.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда умуман динга ва, айниқса, ота-боболаримиз дини бўлиб келган исломга муносабат тубдан ўзгарди. Бу соҳадаги ютуқларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Уларни кўрмаслик мумкин эмас, кўролмаслик мумкиндир, балки. Аммо масаланинг бошқа томонига эътиборни жалб қилиш муҳим. Сиёсий мустақилликка эришган барча ёш давлатларда юз бергани каби бизнинг мамлакатда ҳам таълим йўналиши мазмун-моҳиятининг ўзгариши, давлат тили, анъаналар, миллий маданиятга эътиборнинг ортиши, буларнинг ҳаммаси, диний омил аҳамиятига давлатнинг муносабатини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида кутилмаган воқеаларга ҳам дуч келинди. Халқаро терроризм билан уюшиб кетган диний экстремизм эндиликда умумбашарий муаммога айланди. Унинг ечими бир мамлакатнинг қўлида эмас, балки халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Ана шундай мураккаб вазиятда ҳам, Ўзбекистон ҳукумати диний бағрикенглик сиёсатини олиб бормоқда. Республикада ислом билан бир қаторда бошқа конфессиялар ҳам эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларга миллати, ирқи, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлар қонун орқали кафолатланган. Буни диёримизга очиқ қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон ўз кўзи билан кўрмоқда ва эътироф этмоқда.

Диний қадриятлар ва жамият маънавий ҳаёти. Узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган тарихий қадриятлари ва ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Буюк истиқлол эса уларнинг ҳар томонлама ривожи учун кенг имкониятлар очиб берди.

Энг аввало, асрлар давомида умуммиллий қадрият даражасига кўтарилган диний байрамлар – Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари (№ 193, 11.04.1991 й.; № 221, 20.06.1991 й.) билан дам олиш куни деб эълон қилингани ва улар оммавий равишда, эмин-эркин нишонлана бошланганини таъкидлаш зарур.

Дин соҳасида оламшумул аҳамият касб этган уламоларнинг меросини ўрганиш, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнида маънавий қадриятларнинг қудратли қатламлари ҳам очилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид қатор Фармон, Қарор ва Фармойишлари қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳрор Валий каби мутафаккирларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Улкан ва бой маданиятимизнинг узвий қисми бўлмиш ислом назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи масалаларини чуқур ўрганиш илмий тадқиқотларда марказий ўрин эгаллай бошлади.

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири, мусулмон оламида «муҳаддислар султони» дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомиз меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобининг 4-жилдда, Шарқ оламида «Бурҳониддин ва милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлган Бурҳониддин Марғинонийнинг мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётган «ал-Ҳидоя», Имом Термизийнинг «Сунан ат-Термизий», Абу Лайс Самарқандийнинг «Танбеҳул-

ғофилин» асарлари нашр этилганини ҳам ана шундай ижобий натижалар сирасига қўшиш мумкин.

Айни пайтда, эски масжид, мақбара ва зиёратгоҳлар таъмирланиб, янгилари бунёд этилди, диний билим юртлари тармоғи кенгайтирилиб, сифат ва савияси такомиллаштирилганини ҳам алоҳида қайд этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Фармонига биноан ташкил этилган Тошкент ислом университети кўп қиррали таълим берувчи, маънавий-маърифий ва илмий марказга айланди. Бу ерда диний ва дунёвий билимларни ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, маърифий исломни халқ орасида тарғиб эта оладиган мутахассисларни тайёрловчи тизим шаклланди, қиёсий диншунослик ва исломшунослик соҳаларида магистрлик, номзодлик ва докторлик изланишлари олиб борилмоқда.

Университетда давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, дин ниқоби остидаги экстремистлар жаҳолатига қарши маърифий жавоб бериш кўникмалари бўйича билимларини чуқурлаштиришлари учун доимий малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимиз диний ва маънавий қадриятларининг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикамизнинг келажакда янада равнақ топиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Таянч тушунчалар

Дунёвийлик ва динийликнинг уйғунлиги, дунёвий ривожланиш йўли, виждон эркинлиги, виждон эркинлиги ҳуқуқининг конституциявий асослари.

Диний ташкилот, диний қадриятлар, жамиятнинг маънавий ҳаёти

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг дунёвий ривожланиш йўли деганда нима тушунилади?

2. Давлатнинг динга муносабатини белгилаб берувчи асосий тамойилларнинг моҳияти нимада?

3. Виждон эркинлиги ҳуқуқининг конституциявий асослари деганда нима тушунилади?

4 «Дунёвийлик-даҳрийлик эмас» тамойилининг ижтимоий аҳамияти нимада?

5. Ўзбекистонда қайси конфессияларга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатади?

III боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИСЛОМ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ ВОҚЕЛИК

Исломгача бўлган даврда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни. Ўтмишда минтақамиз, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида турли ўзига хос диний қарашлар ва унга асосланган урф-одат ва анъаналар мавжуд бўлган. Хусусан, тадқиқотчилар Ўзбекистондаги ибтидоий динлар сифатида фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм, магия ва сеҳргарлик турларини санаб ўтадилар.

Фетишизм (фр. fetiche – «бут», «санам», «тумор», умуман муқаддас буюм) моҳиятан табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғиниш ҳисобланиб, унга кўра, алоҳида буюмларда кишини ўз мақсадига эриштириш, маълум воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш қудрати мавжуд бўлади. Бундай эътиқод шаклини ибтидоий давр инсонининг билимсизлиги билан эмас, балки ўз ҳаётини муайян даражада тартибга солиш, унга маъно-мазмун бағишлаш, оламдаги ўз ўрнини аниқлаш, унга бўлган муносабатини ойдинлаштиришга интилишининг ҳосиласи деб қараш ўринли бўлади. Бу каби эътиқод шаклларини, албатта, жаҳон динларига тенглаштириб бўлмайди. Чунки уларда мазкур динларга хос бўлган ва ҳаётнинг деярли барча-ижтимоий-иқтисодий, маънавий-руҳий жиҳатларини қамраб олишга қаратилган тизим йўқ.

Фетишизмнинг унсурлари ҳозирги даврда ҳам халқларнинг урф-одат ва анъаналарида, турли тумор, кўзмунчоқ ва ҳар хил рамзларга бўлган муносабатида сақланиб қолганки, бундан ўз даврида у кишилар ҳаёти, дунёқараши ва хулқини белгилашда нечоғли муҳим аҳамият касб этгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Тотемизм (Шимолий Америкада яшаган Ожибва ҳинду қабиласи тилидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» маъносини англатади) моҳиятан «одамнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқаси бор», деб эътиқод қилишдир. Ушбу эътиқод шаклига кўра, фақат баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёхуд қабила бошлиқларигина тотемни ейишлари мумкин бўлганини эътиборга олмаганда, тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни озуқа сифатида истеъмол қилиниши тақиқланган. Ҳозирда ҳам кўплаб халқларда тотемизмнинг

унсурлари сақланиб қолган. Ҳиндларда сигирни муқаддаслаштириш, қирғизларда оқ буғунинг афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланиши каби кўринишларда учрайдиган бундай унсурлар бугунги кунда ҳам кишилар дунёқараши, маънавиятида сезиларли ўринни эгаллаб келмоқда.

Анимизм (лотинча «anima» – «руҳ», «жон» маъноларини англатади) руҳларга сиғиниш, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк диний қарашлар шаклларидан бири ҳисобланади. Анимизмда табиатнинг қудратли кучларини – осмон ва Ер, Қуёш ва Ой, ёмғир ва шамол, момақалдироқ ва чақмоқ кабилар илоҳийлаштирилиб, уларда руҳ мавжуд деб билинган. Айни пайтда, анимизм доирасида рельефнинг айрим алоҳида қисмлари – тоғлар ва дарёлар, адир ва ўрмонлар каби одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмларга ҳам илоҳий муносабатда бўлиниб, ҳатто, кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош, жарликларга ўхшаш нарсалар ҳам жонли, тафаккурли, сезувчан ва ҳаракат қилувчи, шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушунилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга эътибор билан муносабатда бўлинган, қурбонликлар қилинган, руҳлар ҳаққига дуо қилиниб, маросимлар уюштирилган. Анимизм бугунги кунда ҳам кишилар ҳаёти, кундалик хулқи ва фаолиятига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ўлганларнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, улар ҳақида фақат яхши хотираларни эслаш, ўтганлар руҳи доимо тириклар билан биргалиги, ер, сувдан оқилона фойдаланмасликнинг гуноҳ ҳисобланиши тўғрисидаги тасаввурларнинг илдизлари анимистик қарашларга бориб тақалишини таъкидлаш зарур.

Шаманизм (тунгус тилида «шаман» сўзи – «сеҳргар» маъносини англатади) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида сеҳргарлик, афсун, магияга асосланган ҳолда амалга ошириладиган маросимлар, урф-одатлар мажмуи сифатида чиқади. Унда ота-боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланиш асосий амалиёт ҳисобланади.

Ўз вақтида, Марказий Осиёда сеҳргарлик маросимларини якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Афсунгарлик кўзланган мақсадга

қараб бирор бир зарар етказиш ниятида қилинадиган ёвуз душманга қарши, масалан, қурол-аслаҳаларни сеҳрлашда қўлланилган ҳарбий, «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш учун ишлатиладиган севги, даволашда ишлатиладиган тиббий афсунгарлик каби шаклларда намоён бўлган. Сеҳргарликдан ёмғир чақириш ёки шунга ўхшаш ҳолда об-ҳавони ўзгартириш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Минтақа халқлари ҳаётида ҳозирда ҳам шаманизм унсурларини учратиш мумкин. Хусусан, кишилар орасида ёвуз ва севги афсунгарлигининг кучига ишонч ҳануз сезиларли таъсирга эгалигини қайд этиш лозим.

Зардуштийлик Марказий Осиёда милоддан аввалги II–I минг йилликларда вужудга келган. У дунёдаги энг қадимий динлардан бири ҳисобланиб, унга мил. ав. XII-VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари эътиқод қилганлар.

Зардуштийлик бошқа барча динларга нисбатан бевосита ва билвосита энг кўп таъсир ўтказган диндир, дейиш мумкин. Зардуштийликда ҳар бир киши устидан илоҳий ҳукм амалга оширилиши, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат-қойим, унда тананинг қайта тирилиши, тана ва руҳ қайта бирлашиб мангу яшаши ҳақидаги таълимотлар мавжуд. Зардуштийлик дини Зардушт номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай атаб келинади. Аслида эса, мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш «Авесто»да у «Маздаясна» дини деб аталган. Бу сўзни «Маздага сиғинмоқ» деб таржима қилиш мумкин. «Мазда» сўзи «дониш, донишманд, оқил» каби маъноларда талқин этилади.

Зардуштийлик шунингдек, «Беҳдин», яъни «Энг яхши дин» деган ном билан ҳам улуғланган. Унинг таълимотига кўра, борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган. «Мазда» сўзи олдига улуғлаш маъносини англатувчи «Ахура» қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳиёти – Ахура-Мазда номи пайдо бўлган. Бу – «Жаноб Мазда» ёки «Илоҳ» демакдир.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан монотеистик таълимот ҳисобланади.

Зардуштийлик негизида оламнинг қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилиши, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги абадий кураши ҳақидаги ғоялар ётади. Барча яхшиликларни Ахура-Мазда ва барча ёмонликларни Анхрамайнью (ёки Ахриман) ифодалайди.

Зардуштийликда имон фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигига асосланади. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, Қуёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши шарт ҳисобланган.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби ҳисобланади. У «Апастак», «Овисто», «Овусто», «Абисто», «Авасто» каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. Авесто Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

У бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Авесто ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Йилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Бизгача етиб келган Авесто, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У «Авесто 30 наск (бўлим) эди, мажусийлар (зардуштийлар) қўлида 12 наск чамаси қолди», – деб ёзган.

VIII асрда Марказий Осиёга ислом дини кириб келиб, кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган.

Зардуштийлик ўша даврда Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга чақирди. Шу ўринда

зардуштийликда илгари сурилган «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» каби ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлаш зарур.

Буддавийлик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эрамиз бошларида тарқала бошлаган. Унинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири-II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарама) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

Будданинг ҳаётий айланишлар босқичларини ифодаловчи ҳўкиз, шер, фил, от рамзлари кенг тарқалган (масалан, фил – Ер узра кўтарилган Будда рамзи).

XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка мансуб кўплаб қимматбаҳо металлар – олтин ёки кумушдан ясалган кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилди.

Шунингдек, Сурхондарё (Қора-тепа, Фаёз-тепа, Далварзин-тепа, Қоровул-тепа) ва Фарғона водийси (Қува)да топилган Будданинг олтин суви юритилган ҳайкаллари, бронза шамдонлар, турли ҳайкалчалар, ҳунармандчилик буюмлари ва фил суягидан ясалган шахмат доналари ҳам ўша давр ҳаётига хос маданият ва турмуш тарзини акс эттиради.

Ҳозирда Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи музейи залида машҳур Айритом ҳошияларидан моҳирона олинган ва бир пайтлар буддавийлик ибодатхоналарини безаб турган меъморий-тасвирий безак қисми ҳисобланган нусхалар ҳамда алоҳида бўлакларини томоша қилиш мумкин.

Милоднинг биринчи асрларида Амударё ҳавзасидаги ерларда ҳукмрон дин саналган буддавийлик араблар келишига қадар сақланиб турган ва буддавий роҳиблар катта мавқега эга бўлганлар.

Суфийликдаги айрим тариқатларнинг шаклланишида буддавийликнинг таъсирини кўриш мумкин. Хусусан, ҳаёт машаққатларига бардошлилик, ўзини

қийинчиликларга солиш йўли билан нафсни тарбиялаш, таркидунёчилик каби жиҳатлар буддавийликга ҳам хос жиҳатлардан эди.

Христианлик таълимотининг Марказий Осиё минтақасида тарқалишига унга эътиқод қилган жамоаларнинг Шарқ ва Жанубга ҳаракатлари даврида амалга оширган кенг миссионерлик фаолияти сабаб бўлган. Шарқ давлатларида биринчи юз йилликдаёқ тарқалган христианлик сиёсий сабаблар билан боғлиқ ҳолда бир неча бор ривожланиш ва таназзулга учраш даврларини бошдан кечирди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиё жанубий чегараларининг яқин ерларида жойлашган жамоалар бу ерда христианликнинг пайдо бўлишида асосий ўринни эгаллаганлар.

Кўп сонли манбалар нуфузли обрўга эга бўлган, христианликка эътиқод қилган форслар ҳақида маълумот беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, насронийлик Эронда шунчалик кучайганки, ҳатто у зардуштийликнинг ўрнини ҳам эгаллаши мумкин эди, аммо араб юришлари бунга ўз таъсирини ўтказди.

VII асрда – патриарх Иешуяб II даврида (628–643) минтақада насроний жамоалари сони кўпайган. Бу даврда Самарқандда митрополия фаолият кўрсата бошлаган бўлса, илк ўрта асрларда (IV–VIII аср) Суғд, Усрушана, Шош, Хоразмда несториан хочлари суратлари, тасвири туширилган тангалар зарб этилган.

Суғдга кўчиб келган насронийлар билан бирга уларнинг урф-одатлари ҳам кириб келган. VI-VII асрларга тааллуқли Мисрдаги муқаддас Мина ибодатхонасидаги каби керамикадан ишланган насронийликка хос ҳайкалчанинг Самарқандда топилиши шундан далолат беради.

Жиззах вилоятида Винкерд номли насроний аҳолиси яшаган. Бу аҳоли ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланган. Ғор деворларида Эзгулик, Сара ва Елизаветанинг учрашуви, Исо туғилиши ифодаланган суратларнинг топилиши ҳам ўлкада христианлик, у билан боғлиқ анъаналарнинг ривож топганидан далолат беради.

Марказий Осиёга арабларнинг кириб келиши христианлик нуфузининг аста-секин камайиши ва ислом динининг кенг қарор топишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, исломга қадар христианлик вакиллари Марказий Осиёда зиёли ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, бу дин минтақа маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунига қадар минтақада монийлик, маздакийлик каби динлар ҳам мавжуд эди.

Монийлик динининг асосчиси-Сурайк Патик (216–277) ҳисобланади. Кейинчалик унга Моний – «Руҳ» лақаби берилган. Унинг арабийлаштирилган номининг тўла шакли X аср араб тарихчиси Ибн ан-Надимнинг «Фиҳрист» китобида Моний ибн Фаттаҳ Бобак ибн Аби Барзом деб зикр этилган.

Монийлик динининг асосини нур ва зулмат ўртасидаги азалий кураш, нурнинг зулмат устидан ғалаба қозонишига ишониш ғояси ташкил этади. Монийлик зардуштийликдаги дуализм – яхшилик билан ёмонлик, нур билан қоронғулик, руҳий олам билан моддийлик орасидаги кураш ва христианликдаги миссия (халоскорнинг келиши) ҳақидаги таълимотларни ўзида мужассам қилган. Моний ўзини «Само нури элчиси» деб ҳисоблаган ҳамда ўз таълимотида одамларни ўзаро урушмасликка, мол-дунё тўпламасликка даъват этган.

Маздакийликнинг асосчиси – Маздак (470–529) бўлиб, бу дин асосида худо олдида ҳар қандай инсон тенг, жамият бойликлари ҳамма учун баробар деган ғоя ётади. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий тенгсизлик ёвузлик аломати деб ҳисобланган. Жамият аъзолари ўзаро ёрдам, адолат ва тенгликка чақирилган. Бойликка ружу қўйиш, шахсий манфаатлар учун кураш инкор этилган. Бу дин V аср охирларида Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун кураш сифатидаги ҳаракатга айланган.

499 йили Сосоний подшоҳларидан Қубод I маздакийлар ёрдамида тахтни эгаллади, натижада маздакийларнинг мавқеи кучайди. Маздакийлар бу мавқедан фойдаланиб, бойларнинг мол-мулкларини талон-тарож қила бошладилар. VI асрнинг 30-йиллари арафасида Қубод I нинг вориси Хусрав маздакийлар ҳаракатини бостирди.

Қайд этилган фикрлар Марказий Осиёга ислом дини кириб келиши арафасида минтақада диннинг турли кўринишлари мавжуд бўлганидан далолат беради. Улар

Марказий Осиё ҳудудида исломдан аввалги маънавий-ижтимоий ҳаётни белгиловчи асосий омил бўлган эди. Марказий Осиёнинг исломлашув жараёнидан кейинги даврда ҳам ундан аввалги пайтда мавжуд бўлган эзгулик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби хислатлар минтақа аҳолиси орасида сақланиб қолди.

Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди. Ислом динининг Марказий Осиёда тарқалиши бевосита арабларнинг бу ўлкага кириб келиши билан боғлиқ. Арабларнинг Марказий Осиёга юришлари 643–644 йилларда бошланган бўлса-да, минтақанинг араб халифалиги таркибига киритилиши Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704–715) даврида амалга оширилди. Араблар босиб олган ерлар «Мовароуннаҳр» («Дарё ортидаги ер») ва арабларга бўйсунмаган ҳукмдорлар ерлари «Ароди ат-турк» («Туркlар ерлари») деб аталди. Мазкур икки ҳудудда исломлашув жараёнлари турли хилда кечди.

Абу Муслим (747–755) қўзғолонигача Марказий Осиёда исломдан аввалги давр ҳукмдорлари (ихшид, бухор-худот ва бошқалар) маҳаллий аҳолини бошқариш ва улардан араблар учун солиқ йиғиш каби вазифаларини бажариш орқали ўз мавқеларини сақлаб турдилар.

Араб ва араб бўлмаган мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашнинг бошланиши ҳам айнан шу даврга тўғри келди. Бунда муржиийлик ҳаракати етакчи ўринни эгаллади, улар ўлкада араб бўлмаган мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларининг араблар томонидан поймол этилишига қарши фаол ҳаракат (820–840 йиллар) олиб бордилар. Хусусан, ал-Ҳорис ибн Сурайж қўзғолони (734–746) Мовароуннаҳр аҳолиси тарафидан қизғин қўллаб-қувватланди. Мовароуннаҳрда тарқалган «ислом амалларини бажармаган киши имондан ажралмаслиги» ҳақидаги қарашлар эса ерли аҳолининг исломни қабул қилишини осонлаштирди. Шунингдек, бу таълимот янги шаклланаётган ислом жамиятида араб ва ажам (араб бўлмаган) халқларининг тенг ҳуқуқлилиги ва миллий-маданий қадриятларининг сақланиб қолишини таъминлашга имкон яратиб берди. Абу Муслим ҳаракати (749 йил) ғалабаси оқибатида бунинг

амалда таъминланиши муржиийлик ғояларининг сиёсий-ижтимоий соҳадан илоҳиёт фани жабҳасига кўчишига замин яратди.

Ислом илмлари VIII асрда Хуросон орқали Мовароуннаҳрга кириб келган бўлса, IX асрдан бошлаб мазкур илмлар минтақанинг ўзида ривож топа бошлади. Бу даврга келиб, аввал ислом оламида тан олинган олти саҳиҳ ҳадислар тўплами (ас-сиҳоҳ ас-ситта), сўнгра уларнинг қаторига уч тўплам қўшилиб тўққиз китоб (ал-кутуб ат-тисъа) шаклланди. Улардан учтаси мовароуннаҳрлик уламолар – Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийлар томонидан жамланди.

Айнан шу даврдан то мўғуллар босқинигача бўлган даврда Мовароуннаҳрда ислом дини турли сиёсий сабабларга кўра Хуросондан айри ҳолда ривожланди ва ислом ерлик аҳолининг «ўз дини»га айланди.

Мўғуллар босқини барча соҳа каби ислом дини ва илмлари ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ерлик уламолар қирилди, қолганлари узоқ ўлкаларга кетишга мажбур бўлдилар.

Темурийлар сулоласи ва ундан кейинги давр Мовароуннаҳрда тасаввуф йўналишининг ривожланиши билан боғлиқ бўлди.

Чор Россияси ва Совет давлати ҳукмронлиги вақтида ислом динини халқ ҳаётидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш, исломий қадриятлар ва дин уламолари фаолиятининг чекланиши даври бўлди.

Мустақиллик даврида диний қадриятларга эркинлик берилиши исломнинг жамиятдаги ўз ўрнини эгаллашига имкон яратди. Шу билан бирга, яширин ҳолатда ривож топган ва дин ниқобидаги турли мафкураларнинг таъсирида шаклланган қарашларнинг юзага чиқиши содир бўлди.

Тарихий тажриба диний мутаассибликка бепарволик билан муносабатда бўлиш ҳам, динни тақиқлаш ҳам салбий оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб диннинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнини тўғри белгилаш ва, айни пайтда, дин ниқоби остидаги ҳар қандай ғаразли ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган сиёсатни қатъий ва изчил амалга ошириб келмоқда.

Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни. Марказий Осиёга VII асрда кириб келишни бошлаган ислом дини VIII–IX асрларда ўзининг юксак даражадаги илмий ривожланиш даврини ўтади. Хусусан, IX асрда Марказий Осиёда ҳадис илми гуллаб-яшнади. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий (810–870), Имом Термизий (824-825–892), Имом Доримий (794–869) каби муҳаддислар ислом оламида тан олинган, Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи ҳадис тўпламларини туздилар. Арабистон ярим оролидан Хуросон орқали кириб келган ислом илмлари Мовароуннаҳр уламолари томонидан ривожлантирилиб, ўзининг энг юқори чўққисини эгаллади. Имом Бухорий «ал-Жоме ас-саҳиҳ», Имом Термизий ва Имом Доримий «Сунан» ҳадис тўпламларини туздилар.

Манбаларни ўрганиш, VIII–XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганини кўрсатадики, бу ҳам мазкур даврда исломий илмлар ривожланиш даражаси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ҳадисшунослик билан бир қаторда ўлкада фиқҳ илми ҳам ривож топди. Абу Ҳанифа илгари сурган ислом ҳуқуқидаги эркинлик тамойиллари ўлкамиздан чиққан Шамсул Аимма Сарахсий (1009–1094), Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) каби уламолар томонидан такомиллаштирилди. Имом Мотуридий (870–944) ва Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) каби олимлар ҳанафий мазҳаби асосчисининг ислом ақидасига оид таълимотларини ривожлантириб, мукаммал ҳолатга келтирдилар.

IX–XI асрлар эса ислом фалсафасининг ривожланиш даври бўлди, дейиш мумкин. Бу соҳада ҳам Марказий Осиёлик алломаларнинг хизматлари улкан эканини эътироф этиш зарур. Жумладан, Шарқда «Муаллими соний» («Иккинчи муаллим») номини олган Абу Наср Форобий (873–950) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида идеал жамият кишиларининг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни тизимли асослаб берди. Юнон фалсафасини мукаммал ўрганиб, унга монанд равишда ислом фалсафасини ривожлантирган Абу Али ибн Сино (980–1037) табиий фанлар бўйича ҳам жаҳон илми хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Абу Райҳон Беруний (973–1048) ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минералогия», «Сайдана», «Қонуни Масъудий» каби асарлари орқали ижтимоий-гуманитар фанлар ва табиатшунослик илмлари ривожини янги, юқорироқ босқичга кўтарди, ўз даврига қадар яшаб ўтган олимларнинг асарларида мавжуд бўлган қимматли маълумотларнинг келажак авлодларга етказилишига хизмат қилди.

Исломдаги йирик йўналишлардан бири бўлган тасаввуф бўйича буюк аждодларимиз томонидан қолдирилган улкан мерос келажак авлодлар учун йўлчи юлдуз вазифасини ўтади ва ўтамоқда. Абдухолиқ Ғиждувоний (1103–1179), Нажмиддин Кубро (1145–1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389), Хожа Аҳрор Валий (1404–1490) каби суфий авлиёларнинг динийлик ва дунёвийликни уйғун кўриш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, ўз халқи эрки ва озодлиги, Ватани тараққиёти учун фидойиликни тарғиб қилувчи ғоя ва таълимотлари бугунги кунда ҳам улкан бирлаштирувчилик ва бунёдкорлик сари йўналтирувчи қудратини намойиш этмоқда.

Турли илм-фан соҳаларининг ўлкамизда тараққий топиши шу минтақамизнинг бой маданий, маънавий, иқтисодий имкониятлар заҳирасига эга бўлганидан, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятидан далолат бериши баробарида ислом илмлари ва мусулмон маданияти ривожига юртимиз мутафаккирларининг қўшган ҳиссаси нечоғлик салмоқли бўлганини тасаввур қилиш имконини беради.

Ҳанафийлик – мўътадил мазҳаб. Имом Абу Ҳанифа асос солган Ҳанафий мазҳаби Куфа шаҳри (Ироқ)да юзага келиб, Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳарлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорода ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига эришди. Оз муддат ичида у ислом дунёсининг кўп мамлакатларига тарқалди. Мусулмонларнинг катта қисмини ўзига жалб этиб, аҳли сунна вал жамоанинг энг катта ва кенг ёйилган мазҳабига айланди. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,5 миллиард мусулмон аҳолининг 92,5 фоизини суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинадилар: ҳанафийлар-47%, шофиийлар-27%, моликийлар-17%, ҳанбалийлар-7,5%.

Иккинчи ҳижрий аср ўрталарига келиб ўз ҳуқуқий мактаби (ҳанафий мазҳаби)га асос солган Абу Ҳанифа асосан Қуръон ва суннага асосланиб ҳукм чиқарган ва ҳеч қачон шу икки асосий манбага таянмасдан, ўзининг шахсий фикрига асосланиб фатво бермаган. У қиёслаш усулини Қуръон ва ҳадисларда кўрсатилган умумий қоидалар ва Қуръон руҳига мувофиқ ривожлантирди ва фиқҳ илмини такомиллаштириш учун ижодий фойдаланиш йўлларини очиб берди.

Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган: «Биринчидан, Қуръонга мурожаат қиламан. Керакли ҳукмни ундан тополмасам, Пайғамбар суннасига ва ул зотдан ишонарли ровийлар орқали ривоят қилинган саҳиҳ асарларга (ҳадисларга) мурожаат этаман. Улардан ҳам тополмасам, саҳобалар сўзларини кўриб чиқиб истаганимни оламан, истамаганимни тарк этаман. Сўнгра саҳобалар сўзларидан бошқаларнинг сўзларига ўтаман. Иброҳим Нахаъий, Шаъбий, Ҳасан Басрий ва Ибн Сийрин каби мужтаҳидларга келганда, мен ҳам улар каби ижтиҳод қиламан».

Саҳл ибн Музоҳим: «Абу Ҳанифа ҳар доим энг ишончли ривоятларга таянган, одамларнинг ўзаро муносабатларини тўғри йўлга қўйишга уринган. У қиёсга асосланиб иш олиб борарди. Қиёс ноқулай бўлганда истеҳсон (энг мақбулини танлаш)га ўтарди. У орқали ҳам муаммо ўз ечимини топмаса, халқ орасида амалда бўлган урф-одатга мурожаат қиларди», – деб таъкидлаган.

Хатиб Бағдодийнинг айтишича, ўртага ташланган масала бўйича саҳоба ва тобеъинлардан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис мавжуд бўлса, Абу Ҳанифа унинг изидан борарди, бўлмаганда қиёс услубини ўринли ишлатарди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Ҳанифа ўз фиқҳий услубида:

1. Қуръони карим. 2. Сунна. 3. Ижмоъ (саҳобалар томонидан бир овоздан қабул қилинган ҳукм). 4. Қиёс (арабча таққослаш, бирор бир масалани Қуръон ва суннадаги ҳукм чиқариш услубига таққослаб фатво чиқариш). 5. Истеҳсон (шариат масалаларига қиёсий татбиқ этишда келиб чиқиши мумкин бўлган хулосалардан мусулмонлар жамоаси учун қайсиниси яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроқ бўлса, ўшанисини қўллаш). 6. Урф (маҳаллий халқлардаги мавжуд шариатга зид бўлмаган қадрият, анъана ва урф-одатлар)га асосланиб иш юритарди.

Ҳанафий мазҳабига кўпчилик, жумладан, юртимиз мусулмонлари ҳам эргашиб келишининг сабаблари ҳақида гап кетганда қуйидагиларни таъкидлаш зарур.

Ушбу мазҳаб ўз моҳияти, таълимоти ва қўллаган услуби билан жамиятда юз бериб турадиган ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш имкониятига эга бўлиб, ҳар қандай саволга жавоб топа олади. Бундай имконият шундан келиб чиқадики, ҳанафий мазҳаби янги вужудга келган диний масаланинг ечими Қуръон ва ҳадисда мавжуд бўлмаса, қиёс ва унинг энг муҳим тури бўлмиш истеҳсонга таяниб иш олиб боради. Шунингдек, у урф-одатга катта эътибор қаратади. Бундай услубдан фойдаланиш халқ учун ҳаётий муаммоларни шариат қоидаларига асосланиб ечишда беназир қулайликлар яратиб берди.

Ҳанафийлик илмий асосларга таянган мазҳаб сифатида Аббосийлар давлатининг асосий мазҳаби бўлиб келди. Ундан кейин Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар, Бобурийлар, шунингдек, Усмонлилар империясида асосий мазҳабга айланиши унинг ривожи ва тарқалиши учун катта имкониятларни юзага келтирди. Ушбу давлатларда, айниқса, Аббосийлар, Ғазнавийлар, Усмонлилар давлатларида суд тизими ривожланди. Тарихчи олим Ибн Обидин таъкидлашича, улардаги барча қози ва шайхул-исломлар ҳанафий мазҳаби вакиллари бўлганлар. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Абу Ҳанифа шогирдларининг сони 882 тага етади. Унинг тўртта буюк шогирди (Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Зуфар ва Абул Ҳасан)дан ташқари, бошқа шогирдларининг кўпчилиги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида яшаганлар. Улар ушбу мазҳабни ёйиш йўлида катта хизмат кўрсатганлар.

Абу Ҳанифа эркинлик тамойилининг ҳомийси эди, тижорат ва бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиб келди. Масалан, турмуш қуришда эркак ва аёлга тенг ҳуқуқ берилиб, оқил ва балоғатга етган қиз ва аёлларни ҳеч ким уларнинг розилигисиз никоҳ қилишга мажбурлай олмайди, никоҳ шартномаси қизнинг валийси (ота, бува, амаки, ака, ука) бўлмаса ҳам унинг ўз сўзи билан боғланади.

Абу Ҳанифа оғир вазиятларда одамлар учун қулай шароит яратиб бериб, қийинчиликларини осон қилишга уринган.

Айтиб ўтилган ва улардан ташқари бошқа кўп қулайликлар ҳанафий мазҳабининг кенг кўламда ёйилишига сабаб бўлиб, кун сайин унинг тарафдорлари сонининг ошиб боришига олиб келди.

Марказий Осиё халқларининг ҳанафий мазҳабига эргашишининг сабаби унда маҳаллий урф-одатлар, расм-русумларга катта эътибор қаратилгани билан ҳам боғлиқ. Кўплаб Марказий Осиёлик ҳанафий фақиҳлари азалдан анъаналарга бой бўлиб келган ушбу минтақа халқларининг миллий ва маҳаллий удумларини шариат қоидаларига мослаштириб, уларга қонуний тус бериб келдилар. Мазкур ишлар Марказий Осиё халқлари учун мазҳаб вакиллари томонидан яратилган энг муҳим қулайликлар эди.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илми ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Исломдаги мистик-зоҳидлик ҳаракатининг пайдо бўлиши VIII асрнинг ўрталари-IX аср бошларига тўғри келади. Қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, шу даврдан бошлаб Марказий Осиё минтақасининг Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳарларида илк суфий-зоҳидлар фаолият олиб борганлар.

Ислом оламининг марказида «Қалблар ва фикрлар» илми (илм ал-Қулуб ва-л-хавотир)га асос солган Ҳасан ал-Басрий (642-728) ва унинг издошлари – басралик Рабоҳ ибн Амр, суфий аёл Робия ал-Адавия, Молик ибн Динор (VIII-IX асрлар) каби тасаввуфнинг илк асосчилари ва намояндалари ҳисобланадилар. Марказий Осиё минтақасидан чиққан, бутун ислом оламида катта обрў қозонган назариётчилардан Бухоро яқинидаги Калобод қишлоғида туғилиб, шу ерда дафн этилган Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Калободийни (вафоти 990 ёки 995 й.) зикр этиш ўринли. У Ҳанафий фақиҳи сифатида ҳам машҳур. Унинг ислом оламидаги энг биринчи тасаввуфий асарлардан ҳисобланган «ат-Таʻаруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» («Тасаввуф аҳли йўналиши билан танишув») номли асари ҳозирга қадар илк мусулмон тасаввуфи соҳасидаги энциклопедик асар ҳисобланади. Асарда суфийлар қарашлари тизими ва уларнинг амалиётлари анча тўлиқ баён этилган. Айнан шу асарда суфийларнинг баъзи қоидаларини ислом меъёрлари билан мувофиқлатиришга ҳаракат қилинади.

Тасаввуф Марказий Осиёда, хусусан, Мовароуннаҳрда ўзига хос тариқатлар кўринишида XII-XIII аср бошларида ривожланди. Унда ўзининг асл руҳий услуби билан махсус марказлар (заввийа, хонақоҳ, рибот) кўринишида мавжуд бўлди. Айни мана шу даврда минтақада энг йирик тариқатлар пайдо бўлди, улар кейинчалик мусулмон оламининг катта қисмига тарқалди. Бу минтақада вужудга келган нақшбандия-мужаддидия каби тариқатлар ҳозирги даврда ҳатто Ғарбий Европа, Япония ва АҚШда ҳам фаолият юритмоқда.

Ҳозир ҳам кенг ўрганилаётган шундай тариқатлардан бири Кубравиядир. Бундай ном унинг асосчиси Нажм ад-Дин Кубро Аҳмад ибн ‘Умар номидан олинган (1145-1221). У Хива шаҳрида туғилган, диний билимларни ўрганган. У узоқ вақт Миср, Эрон каби мамлакатларга саёҳат қилган ва тасаввуф илми билан яқиндан танишган. Унинг суфий устозларидан энг машҳури Исмо‘ил ал-Кисрийдир (ваф. 1193 й.). Кубро ватани Хоразмга қайтгач, ўша даврдаги пойтахт Гурганжда ўзининг хонақоҳи ва кейинчалик кубравия деб ном олган тариқатига асос солади. Нажм ад-Дин Кубро Гурганжни мўғуллардан ҳимоя қилиш вақтида қўлида қурол билан шаҳид бўлган.

Кубравия таълимотининг ақидаси – суннийлик талабларига амал қилишдир. Ушбу маслакнинг назарий асосини коинотнинг «икки босқичли» – кичик олам ва катта оламдан тузилгани ҳақидаги қоида ташкил қилади. Уларнинг биринчиси «қуйи олам»га тегишли бўлсада, лекин олий борлиқни, яъни катта оламни ўзида акс эттиради. Бу таълимотга кўра, инсон кичик оламнинг асосий қисмини ташкил қилади ва Аллоҳнинг баъзи сифатларини ўзида акс эттира олади ёхуд олий борлиқ ҳақидаги тасаввурларни қабул қила олади, бироқ уларни ўзида англай оладиган киши бу фақат суфий, бевосита шайх қўли остида тасаввуф йўлига эргашган кишидир.

Марказий Осиёда ислом дини таълимоти бағрикенглик тамойиллари асосида ривожланиб борди. Бу ҳолатни тасаввуф тариқатлари ва уларнинг асосчилари илгари сурган ғояларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Кубравия тариқатида «тасаввуф йўлида юриш» қатор мураккаб руҳий-жисмоний машқлардан, қатъий рўза тутиб ва хилватга чекиниб, шайхнинг ихтиёрига тўлиқ бўйсунган ҳолда Аллоҳнинг

гўзал исмларига (ал-асма‘ ал-Ҳусна) доимо фикрни жамлашдан иборат бўлган. Бу амалиётларнинг барчаси инсоннинг оғир кунда ҳам ўзини тута билиши, яхши хислатларни ўзида мужассам қилиши, ёмон иллатлардан узоқ бўлиш, умуман олганда, маънавий камолотга эришиши – комил инсонни тарбиялашга қаратилгандир.

Кубравияда бажариладиган амалларга мувофиқ тариқатдаги киши бўйсуниши шарт бўлган 10 қоида ишлаб чиқилган: 1. Тавба – дунёвий ҳаёти давомида ўз «Мен»лигидан халос бўлиш, бу орқали кибру ҳаводан узоқлашиш; 2. Зуҳд фи-д-дунйа – дунёдан ва молу мулкдан воз кечиш, солик дунёга ҳирс қўйиш, ортиқча бойликка берилишдан узоқлашиш; 3. Таваккул Алаллоҳ – барча ишда Аллоҳга таяниш ва дунёвий ишлардан юз ўгириш орқали киши одамлардан тагирлик қилишдан воз кечиш, кўнгил хотиржамлигига эришиш; 4. Қаноат – оз, фақат тириклик учун етарли нарсаларга қаноатланиш орқали ўзида борини бошқалар билан баҳам кўриш, очкўзликдан халос бўлиш; 5. Узлат – тўғри ва руҳий маънодаги ёлғизлик. Бунда фақатгина шайх билан мулоқот қилишга рухсат берилган. Киши шу йўл орқали турли йўлдан оздирувчи ғояларга берилишдан чекланган; 6. Мулозамат аз-зикр – Аллоҳ номини доимий равишда ихлос билан ёд этиш (зикр). Бу зикр қалбни поклайди. Аллоҳнинг гўзал исмларини ёд этиш билан инсон шундай хислатлар ўзида ҳам бўлишига интилади; 7. Таважжуҳ илаллоҳ – бутун борлиқ билан то Аллоҳнинг ягоналигини қалб билан ҳис этмагунича Унга юзланиш йўли орқали дунёга кенг назар билан қарашга, оламни борлигича қабул қилишга ўрганиш; 8. Сабр – тасаввуф йўлининг қийинчиликларини сабр билан адо этиш йўли билан қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиш кўникмасига эга бўлиш; 9. Муроқаба – дунёвий истаклардан покланган қалбга мутлақ осойишталик етмагунича ўз-ўзини назорат қилиш; 10. Ридо – барча жисмоний ҳиссиётлардан, ҳатто ўзининг Аллоҳга бўлган севгисидан қаноатланишдан ҳам халос бўлиш. Бундан жисмоний ёки шахсий туйғулар йўқолиб, Аллоҳнинг алоҳида марҳаматига айланади.

Кубравия таълимоти мўғуллар истилосига бардош берган кам сонли таълимотлардан биридир. Қолаверса, Сайф ад-Дин Боҳарзий (вафоти 1363 й.) каби кубравия шайхлари бошқа кўплаб шайхлар қатори мўғул қабилалари ва

ҳукмдорларининг ислом динини қабул қилишларида катта таъсир кўрсатганлар. Кубравиянинг мўғуллардан кейинги тарихи анча мураккаб. Тариқат бир неча мустақил шахобчаларга бўлиниб кетди ва Хуросон, Эроннинг ички минтақалари, Ҳиндистонга, тарқалди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда тариқатнинг алоҳида шайхлари то XVI асрнинг бошларигача ҳукмрон сулолалар вакилларидан муридларга эга бўлган ҳолда фаолият олиб борганлар. Масалан, машҳур кубравий шайх Ҳусайн ал-Хоразмийга Шайбонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Убайдуллоҳ хон мурид бўлган, у ўзининг руҳоний устозига атаб шеърлар битган. Худди шу шайх билан Мирзо Заҳириддин Бобур ҳам руҳоний алоқада бўлган. XIX асрга келиб бу тариқатнинг аҳамияти ва роли пасайиб кетди.

Марказий Осиёда шаклланган яна бир машҳур тариқат Хожагондир. Унинг асосчиси - шайх Абд ал-Холиқ Ғиждувоний ўз она қишлоғи Ғиждувонда яшаган. Хуросоннинг илк тасаввуф тариқати бўлган Маломатиянинг ғоялари Ғиждувонийга кучли таъсир кўрсатган. Унинг бизгача етиб келган «Васият»ида ўз издошларига қаратилган ўта даражада зоҳидлик, ҳокимиятга интилмаслик, барча дунё неъматларидан, шунингдек, бойлик тўплашдан воз кечиш, Аллоҳнинг иродасига таянган ҳолда (таввакул) доимо Аллоҳни ёд этиш (зикр) ва бошқаларга чақириқлар мавжуд. Ғиждувоний ўз шогирдларига таълим берган зикр – Аллоҳнинг номлари ёки «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини ичда махфий (ботин, хафий) эслашни ўзида акс эттирган.

Абдухолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган амалий қоидалар ҳам инсонни баркамоллик сари етаклайди: 1. Хуш дар дам – ўз ишлари ва ҳаракатларида огоҳ ва эҳтиёткор бўлиш, ҳар бир нафасининг Аллоҳни доимий ёд этиб қилинадиган зикрга мос бўлишини назорат қилиш; 2. Назар бар қадам – ҳар қадамда огоҳ бўлиш. Бундай мажозий тавсия дунё истакларидан холи бўлиш, кўзни ўз оёғига тикиш ва номақбул нарсалардан тийилиш ва доимий сукутда бўлишни таъминлайди. 3. Сафар дар ватан – сўзма-сўз «ўз юртида, ватанида сафар қилмоқ». Ушбу тавсия ҳам мажозий маънога эга бўлиб, ёмон сифатлардан яхши сифатлар томон сайр қилмоқни, ёмон йўлбошчидан яхшиси томон бормоқни англатади. Кейинги давр

муаллифлари бу қоидага аниқроқ изоҳ берадилар, яъни ўз ватанида сафар қилмоқ ва ўзи яшаб турган ер урф одати ва дини, шариатини яхши билмоқ; 4. Хилват дар анжуман - жамиятда ёлғизлик. Бу қоида «солик»дан зоҳиран кўпчилик билан, халқ ичида, бозорда, одамлар кўп жойларда бўлиш, ботинан эса Аллоҳ ёди билан ёлғиз бўлиш талаб қилинишини ифодалайди. Бошқа тариқатлар, зоҳидлар ва илк Хожагон суфийларида амалиётда бўлган «халват» мана шу «хилват дар анжуман» қоидасидан келиб чиқиб тақиқланган. Нақшбандия тарафдорлари ушбу тамойилга Қуръони каримдан асос сифатида Нуҳ пайғамбарнинг ўз қавми орасида юриб уларни ёмон ишлардан қайтаргани ва яхшиликка чақирганини далил қилиб кўрсатадилар (Нуҳ, 24-37); 5. Ёд кард – ёдда тутиш. Суфий бир он бўлса ҳам қўймай, Аллоҳни доимо ёдда тутиши лозим, зеро бу ботиний покланишнинг ягона йўлидир.

Мўғуллар истилосидан кейинги даврларда Хожагон бу даражада мушҳур бўлмаган, унинг шайхлари ҳам фақат Бухоро атрофларидагина фаолият олиб борган. Тариқат шуҳратининг ва кейинчалик жуғрофий таъсир доирасининг анча кенгайиши Бухоро яқинидаги Қасри орифон қишлоғида туғилган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) даврида юз берди. Тариқатнинг иккинчи номи – Нақшбандиянинг нисбасидан олинган.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон қоидаларига асосан тариқатнинг расм-русум амалиёти билан боғлиқ яна учта қоида қўшди. Бу тариқат шайхларининг кўпчилик қисми мусиқали махсус рақслар (само‘, рақс)дан узоқ бўлиш ва фақат тинч, ички (хафий) зикр билан шуғулланишни афзал кўрганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд «Дил ба-Йор-у, даст ба-кор» – «Қалб – Аллоҳда, қўл – меҳнатда бўлсин» шиорини олға сурди ва асослаб берди.

Нақшбандия йўлининг назарияси, услублари ва амалиётини биринчи бор ёзма шарҳлаш ва тушунтириб бериш Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Муҳаммад Порсо (ваф. 1419 й.) томонидан бажарилди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига оид биринчи батафсил биография ҳам Порсо қаламига мансуб. У бу асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Хожагон йўли»ни шариат билан мувофиқлаштириш борасидаги меҳнатларини ҳам тасвирлаган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (ваф. 1489 й.) бу йўналишнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий мавқеини тубдан ўзгартириб юборди.

У «Қалбни орттирилган бойликка боғламаслик», доимо қалб зикри билан шуғулланишни унутмаслик, шариат ҳукмларига бўйсуниш, хайрия ва эҳсонлар қилиб туриш шарти билан тижоратда иштирок этишлари, мулкдор бўлишлари мумкинлиги ғоясини илгари сурди.

Хожа Аҳрор ўзининг янги ғояларига ўзи ҳам амал қилган тариқатнинг ижтимоий асосини кенгайтириш воситасида ўзининг, ундан ҳам кўпроқ тариқатнинг обрўсини оширган, бошқача айтганда, тариқатга ҳар қандай дунёвий киши ўзининг кундалик ишлари билан шуғулланган ҳолда, хоҳ илоҳиётчи олим, савдогар, ҳунарманд ёки оддий деҳқон бўлсин, кириши мумкин бўлган.

Бироқ, тариқатнинг дунёвий ҳаёт кечирадиган ҳар қандай аъзосига зикр дарслари, қўшимча «нақшбандийлик» амаллари (нофила) ўргатилган, тариқатнинг ахлоқий меъёрлари, унинг асосий мақсади тушинтирилган.Бундай ёндашув тариқатнинг обрўсини кескин ошириб юборган ва тариқатнинг таъсир доираси ҳамда жуғрофий майдони мисли кўрилмаган даражада кенгайишига сабаб бўлган.

Марказий Осиёда вужудга келган яна бир тариқат – яссавия бўлиб, унинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. Баъзи манбаларга кўра, Яссавий Сайрамда, бошқасига кўра, Ясси шаҳрида (ёки унинг атрофида) туғилган ва шу шаҳарнинг ўзида вафот этган. Ясси муғуллардан кейинги даврда Туркистон шаҳри номи билан машҳур бўлган.

Унинг қабри устида Амир Темур буйруғи билан улуғвор мақбара барпо этилган бўлиб, бугунги кунга қадар сақланиб келади. Ушбу мақбара ўрта аср меъморчилигининг, қолаверса, Темур ва темурийлар асрининг беназир санъат асари деб баҳоланишга ҳақли.

Аҳмад Яссавийни манбаларда кўпинча «турк шайхлари раиси» («машойих-и турк») деб атайдилар. Бу ном, одатда, Аҳмад Яссавий томонидан жорий этилган зикр турини – Аллоҳнинг номини ёки махсус лафзларни овоз чиқариб айтиладиган жаҳрий зикрни қабул қилган шайхларга берилган.

Аҳмад Яссавий «Ҳикмат»ларида яссавия тариқати тамойиллари акс этган. XV асрдан бошлаб фаолиятининг асосий минтақалари Сирдарёнинг қуйи оқими ва Марказий Мовароуннаҳрда бўлган яссавия шайхлари нақшбандия тариқати билан рақобатлашган ҳолда минтақа тарихида сезиларли ўрин тутадилар.

«Сулук сирлари»ни узатиш анъанаси яссавияда асосан оғзаки бўлган, шунинг учун ҳам уларнинг адабиётларида илк таълимоти ва амалиётининг ўзига хос тартибга солинган баёнини учратиш мушкул.

Тариқатда (ва унинг барча шаҳобчаларида) кўпроқ сақланиб қолган асосий қоида – улар таълимотининг тарки дунёчиликка асосланган бўлиб, айнан мана шу қоида уларни XV асрдан бошлаб ижтимоий фаоллик тарафдори бўлган нақшбандиядан ажратиб турган. Яссавий камтарликка ва ўзини дунёвий фитналардан сақлашга урғу бериб, амалиётда ёлғизлик, жуда кам овқатланиш, руҳий жиҳатдан мутлақо Аллоҳга берилишни афзал кўрган.

Минтақанинг Россия томонидан мустамлака қилинган даврида ҳам суфий гуруҳлари фаол ҳолатда эди. Бу ўринда Андижон вилоятининг жануби-шарқидаги Дукчи Эшон жамоаси фаолияти энг ёрқин мисол бўла олади. Дукчи Эшон жамоаси унинг Мингтепа қишлоғидаги хонақоҳи атрофида тасаввуф тариқатлари ташкилий бирлашмаларининг ўрта асрларда яхши маълум бўлган тажрибаси асосида юзага келган ва ташкилий тизимга эга бўлган. Бундан ташқари, Дукчи Эшон рус мустамлакачиларига қарши қўзғолон уюштиришда ушбу тариқатлардаги ташкилий тизимларнинг муриднинг муршидга сўзсиз бўйсуниши каби асосий тамойилларидан фойдаланган.

Зикр ижро этиш қоидаларини ўзлаштириш учун аввалги расм-русум анъаналарини сақлаб қолишга ва тасаввуф ҳақидаги энг умумий тушунчаларни беришга у ёки бу шаклда уринган алоҳида шайхлар ва уларнинг фаолиятини истисно этганда совет даврида тасаввуф тариқатларининг яна пайдо бўлиши, айниқса, тўлақонли фаолият кўрсатиши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Мустақиллик даврида тасаввуф тариқатлари ва уларнинг умуминсоний қадриятлари халқнинг маънавий меросининг бир қисми деб тан олинди.

Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамияти. XIX асрнинг дастлабки йилларидан ислом дини тарқалган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар юз бера бошлади. Юзага келаётган янги шароитга диний-фалсафий, ҳуқуқий меъёрларнинг XIX аср ярмидан бошланган мослашуви фанда «исломий ислоҳотлар», «ислом модернизми» номлари билан юритилади.

XX асрга келиб дунёда ислом омилининг таъсири кучайди. Бунга сабаб қилиб, бир томондан, дунёда бу динга эътиқод қилувчиларнинг сони кўпайиб бораётгани, иккинчи томондан, турли расмий ва норасмий исломий ташкилотлар фаолиятининг кучайиши кўрсатилади. Ушбу жараён XIX аср охирларида ислом оламида фаоллашган диний ислоҳотчилик ҳаракатлари билан боғлиқдир. XX аср охири – XXI аср бошида бу ҳаракатлар турли кўринишда давом этди.

XIX асрнинг бошларида Мисрда бошланган мустамлакачиликка қарши ғоявий кураш панарабизм (араб бирлиги) ғоясини келтириб чиқарди. XIX асрнинг иккинчи ярмида эса бу ғоя Жамолиддин ал-Афғоний (1839–1897) илгари сурган панисломизм ғояси билан алмашди.

XX асрдан бошлаб кўпгина мусулмон мамлакатларида янги тижорат, жиноят ва фуқаролик кодекслари жорий қилинди. Фақат никоҳ, ажралиш, мерос масалалари шаръий йўл билан ҳал қилинар эди. Жумладан, XIX аср охирлари ва XX аср бошларига келиб, Жануби-Шарқий Осиёда, хусусан, Сингапур, Малайзия ва Индонезияда ислом ислоҳотчилик ҳаракатлари жонлана бошлади. Улар, асосан, исломни замонавий фан-техника ютуқларига мос равишда қайта кўриб чиқиш, диний эътиқодга оид асарлар фақат араб тилида эмас, балки маҳаллий тилларда ҳам бўлиши лозимлигига кўпроқ эътиборни қаратдилар.

Республикамиз президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, XX асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониши, диний маънавиятга қайтиш даври бўлди. 1970–1990 йилларда дунёда юз берган ҳодисалар оммавий ахборот воситаларида «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени» каби шов-шувли хабарларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга катта

қизиқиш билан қараш билан бирга диний экстремизм ва фундаментализм каби салбий ҳодисаларни катта хавотир билан кузатди.

Марказий Осиё минтақасида диний эътиқод билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ниҳоятда нозикдир. Чунки бу минтақада диннинг чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Муайян кучлар ҳозирги кунда диндан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида дунёда дин омилининг фаоллашуви советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган собиқ шўро тузумида ҳам диний ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас. У ўзига хос шаклу шамойил касб этган эди, холос. Бироқ, XX аср 80-йилларининг охири-90-йилларининг бошлари, бир томондан, жамиятда диннинг мавқеи қайта тикланган, иккинчи томондан эса, ана шу асосда можаролар чиқиши учун сабаблар шаклланган давр бўлди.

XX аср охирига келиб социалистик ва капиталистик тузумлар орасидаги рақобат барҳам топганидан сўнг дунёдаги диний ҳолат ҳам ўзгарди. Собиқ совет ҳудудида ташкил топган мустақил давлатларда миллий қадриятларнинг қайтиши билан диний анъаналар ҳам қайта тикланди.

Шу билан бирга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш баъзан мудҳиш ҳолатларнинг юз беришига олиб келди. Бунда ўтган даврдан мерос қолган диндан хабарсизлик мутаассиб гуруҳларга қўл келди. Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний фундаментализм хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо, ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, ҳийла-найрангларни ўйлаб топишлари ҳам табиий. Бу каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимий хушёрликни талаб этади.

Айни пайтда, бир ҳақиқатни алоҳида қайд этиш лозим. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бир сўз билан айтганда, халқимиз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат бўлиб келган. Ҳозирда ҳам бу

маърифат одамларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатлилик туйғуларининг камол топишига хизмат қилмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидланганларидек, турли мутаассиб оқим ва ҳаракатларнинг ғаразли мақсад, интилишларидан қатъи назар, диний туйғуга эга бўлган, яхши ишнинг оқибати мукофот бўлишига, ёмонлик эса жазосиз қолмаслигига ишонган кишилардан иборат жамият маънавий-маърифий ҳаёти ва ижтимоий жараёнлар кечишида ислом дини ўзига хос ўринга эга бўлиб қолаверади.

Таянч тушунчалар

Фетиш, тотем, анима, шаман, дуализм, монийлик.

Сунан, истеҳсон, ижмоъ, қиёс, ҳанафийлик, мазҳаб.

Тасаввуф, тариқат кубравия, хожагон, нақшбандия, яссавия, бағрикенглик анъаналари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Марказий Осиёда исломгача қандай диний тасаввурлар мавжуд бўлган?

2. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?

3. Нима учун ҳанафийликни исломдаги мўътадил мазҳаб дейишади?

4.Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илмлари ривожининг қандай ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин?

5. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади**?**

IV боб. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

Экстремизмнинг мазмун-моҳияти. «Экстремистик» сўзи «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш» маъноларини билдиради.Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Экстремистик ташкилотларга янги аъзоларнинг қўшилиши, кўпинча, динга киритиш, қабул қилишдек шаклу шамойил касб этади ҳамда бир қанча танлов ва синов босқичларини ўз ичига олади. Экстремистик ҳаракатларнинг энг қуйи табақаси кўпинча сиёсий тусга эга бўлмаган, майда зўрлик ва жиноятлар содир этадиган унсурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай зўрликнинг сиёсийлаштирилиши терроризм томон қўйилган биринчи қадам бўлади. Ўз доирасига янги кимсаларни тортар экан, экстремистик гуруҳ ёки унинг раҳбарияти сўзсиз бўйсунишни ва «иш»га мутаассибона садоқатни талаб қилади. Кейинроқ эса ёлланувчилар «ҳамма нарсани билувчи» ва уларга йўлбошчилик қилувчи сарбонга дуч келадилар.

Ҳозирги даврда энг аввало ахборот чегараларининг барҳам топишида ўзлигини намоён қилаётган глобаллашув шароитида ва бир пайтлар халқаро муносабатлар мазмунини белгилаган икки қарама-қарши куч – социализм ва капитализм ўртасидаги ўзаро курашнинг барҳам топиши натижасида экстремизм ва ундан ўсиб чиққан терроризм мамлакатлар, минтақалар ва умуман дунё хавфсизлигига асосий таҳдид сифатида биринчи ўринга чиқди. Қўпорувчилик фаолиятининг турли кўринишларини ўз ичига олган инфраструктурани шакллантирган ва ривожлантирган мазкур икки дунёқараш ўртасидаги кураш ҳозирда турли хил кучларни бирлаштирган кўп қутбли дунёнинг мазкур инфраструктурага қарши курашидек шакл-шамойил касб этмоқда.

Бугун экстремизм анархизм ва фашизмнинг архаик шакллари билан қоришмаси ҳисобланган ва оммaнинг кенг қатламлари билан боғловчи халқа сифатида ислом шиорларидан усталик билан фойдаланадиган, аслида эса халқ билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини моҳирона яшира оладиган ҳолат касб этди. Ўз вақтида, XX

асрнинг 70-йилларида, экстремистлар халқ билан биргаликни кўрсатиш ва унинг номидан ҳаракат қилиш учун коммунизм шиорлари остида фаолият юритиши ва шу йўл билан маблағ тўплаши қулайроқ эди. Ўша йилларда Лотин Америкасида экстремистик руҳдаги коммунистпараст тузилмаларнинг жангарилари жамиятда парокандаликни юзага келтириш ва тартибсизлик тўлқинида коммунистларнинг ҳокимиятни қўлга олишига шароит яратишга қаратилган кўплаб террорчилик хуружларини содир этардилар. Бироқ аксарият ҳолларда, улар ҳокимиятни қўлга олиш ниятларига эриша олмадилар ва жамият аъзолари диққатини жалб қилиш мақсадини кўзлаган шов-шувли террорчилик хуружларини амалга ошириш билан қаноатланишга мажбур бўлдилар.

Экстремистик тузилмаларнинг асосий мақсади аслида жамиятни қўрқув ва ваҳимада тутиб туриш ва шу йўл билан омма онгида ноиложлик, эртанги кунга ишончсизлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган эди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида барқарорликка эришишни ва жамият тараққиётини жиддий қийинлаштирар эди.

Бугунги кунда коммунистик шиорлар унчалик ҳам машҳур эмас, экстремистик тузилмаларни «қизил ранги» учун йирик маблағлар билан қўллаб-қувватлаган СССР ҳам йўқ. Ўз навбатида, АҚШ ва унинг шерикларига ҳам, шунга ўхшаш тузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун йирик маблағларни совуришига ҳеч қандай зарурат қолмади. Бироқ янги шароитда ҳар хил турдаги бузғунчилик, беқарорликни келтириб чиқаришга қаратилган воситалар бугун ҳам ана шу мақсадларга аксарият ҳолларда ислом шиорлари остида йўналтирилаяпти, холос.

Шу билан биргаликда, кузатувчилар шуни таъкидлайдиларки, баъзи ҳолатларда, маълум бир экстремистик ташкилотлар ва алоҳида давлатларнинг стратегик ҳамда тактик мақсадлари ўзаро бир бирига мос келганида, ўша давлатлар экстремистик ташкилотларга “ҳомий”лик қилиши ва беқарорликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишлари мумкин.

Диний экстремизм: тарих ва замонавий воқелик. Экстремистик қарашларни барча диний таълимотлар доирасида учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови

ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар. Шундай экан, экстремизмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Хусусан, ислом дини, турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи сифатида ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўёки, дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ йиғиш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгу шуурини эгаллаш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайди.

Шуниси диққатга сазоворки, экстремистик руҳдаги тузилмаларнинг ҳеч бири бирор бир шаклда ўзлари жар солаётган, ўзлари «интилаётган» жамият қурилиши моделини таклиф этолмайди.

Коммунизм, халифалик – «умумий фаровонлик ва соғлом мутаносиблик жамияти» олий мақсад деб кўрсатилган ҳолда, қўрқув ва бузғунчилик уларга эришиш йўли сифатида таклиф этилади. Бу эса, ўз вақтида машҳур бўлган, Россия ва Европада узоқ йиллар давомида бузғунчилик йўлида террорчилик усулларини қўллаб келган тузилмалар фаолиятини озиқлантириб келган анархизм ғоялари билан ҳамоҳанглик касб этади.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва ақидапарастлар турли динлар, шу жумладан, христианлик, ислом, яҳудийлик динлари таълимотидан фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, диний риторика уларга кўзда тутилаётган жамиятнинг аниқ шаклу шамойилини тақдим этмаган ҳолда (бу улар учун худди анархистлар каби унчалик аҳамиятга эга эмас) хаёлий жамият ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланиш имконини беради. Бунда энг муҳими тартибсизлик ва

беқарорликни келтириб чиқаришдир. Унга эришиш эса, ўзига хос энг умумий мақсадни ташкил этади, дейиш мумкин.

Ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва наркобизнес ҳисобидан катта маблағлар тўпланаётган, мусулмон дунёсида шаклланган ўзига хослик туфайли юзага келган вазиятда исломни шиор қилиб олган экстремизм ва терроризм хавфсизликка асосий таҳдид сифатида биринчи ўринга чиқди.

Шуни ҳам тан олиш керакки, оммавий ахборот воситаларининг ривожи ва ахборот омили таъсирининг кучайиши бугунги кунда экстремизм ва терроризмнинг ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган даражада кўзга ташланадиган ижтимоий ҳодисага айланишига олиб келди. Хусусан, наркобизнесдан келадиган фойдага ва сохта инқилобийликни қўллаб-қувватлашга қаратилган социалистик тузум ёрдамига таяниб, XX асрнинг 70-йилларида лотинамерикалик экстремистлар кўплаб террорчилик ҳаракатларини содир этган бўлсалар ҳам, оммавий ахборот воситаларининг ўша пайтдаги ривожланганлик даражаси уларга глобал миқёсга чиқиш имконини бермаган эди. Бундай вазиятда Лотин Америкаси экстремизми минтақавий даражадан ташқарига чиқа олмаган.

Экстремизм ва терроризм оммавий ахборот воситалари орқали ёритилмас экан кўзланган «самарани» бермайди. Шу маънода улар ўзаро боғлиқдир. Террорчилик хуружи оммавий ахборот воситаларида қанчалик кенг ёритилса ушбу ҳаракатни содир этишдан кутиладиган натижа шунчалик бевосита ва юқори бўлади. Бу эса, у ёки бу ҳаракатни ўтказишдан кўзланадиган асосий мақсад ҳисобланади. Ахборот майдони ривожланиб, тобора тўйиниб бораётган, аммо уни етказишда ҳам мазмунан, ҳам шаклан, ўзибўларчилик устуворлик қилаётган ҳозирги даврда ОАВ экстремизм ва терроризм қўлидаги кучли қуролга айланиб қолмоқда. Тўғри, ОАВ ўз ҳолича террорчилик хуружининг «самарадорлигини» англаган ҳолда ташкил этадиган тизим ҳисобланмайди. Аммо аксарият ҳолларда бунга кўмаклашмоқда, дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, тарихий, диний ва миллий хусусиятлар аҳолининг кенг қатламлари билан мулоқот тили ва ундаги ўзига хос урғуларни танлашда муҳим ўринни эгаллайди. Табиийки, хозирги даврда Марказий Осиё минтақасида

коммунистик ёки насронийлик эмас, балки айнан ислом шиорларидан фойдаланилади.

Марказий Осиё минтақаси ўз тарихида ислом ривожига ҳеч қандай ақидапарастлик ва жангарилик унсурларини олиб кирмаган. Аксинча, минтақада ислом дини ёйилган вақтдан то бугунги кунгача инсонпарварлик ва бағрикенглик анъанаси устувор бўлиб келмоқда. Ўрта асрларда Араб Шарқида айрим суфий бирлашмалари жанговарликни намоён қилган ҳамда инквизиция ва жазолаш тузилмалари вазифаларини бажарган вақтда ҳам Марказий Осиё суфийлигида инсонга муҳаббат ва бағрикенглик тарғиб қилинар эди.

Айни пайтда, барча даврларда у ёки бу этник гуруҳга мансублик боғловчи (бирлаштирувчи) омил сифатида муайян вазифани бажаргани учун ҳам Марказий Осиёда қарор топган ислом дини миллийликдан холи эмаслигини намоён этганини таъкидлаш зарур. Шунинг учун ҳам, XX асрнинг бошларидаги араб модернистларидан фарқли равишда жадидлар ундан йироқлашиб, ўз кучларини биринчи навбатда ҳам диний, ҳам миллий онгни ўстиришга сарфлаган эдилар.

Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги диний бағрикенглик, инсонпарварлик майллари, фан ва санъатнинг ривожланиши Араб Шарқида қаршиликни келтириб чиқарди. Натижада XIII–XIV асрларда бугунги кунда тузилмаларини шакллантираётган экстремистлар ғоявий жиҳатдан таянаётган ақидапараст салафийлик оқими юзага келди.

Ибн Таймийя бошчилигидаги салафийлар Марказий Осиё мутафаккир, олим ва уламоларини «ислом моҳиятини сохталаштириш»да айблаб, халифаликни идеаллаштиришга асосланган қарашлар тизимини ишлаб чиқдилар ва жиҳодни унга эришишнинг асосий воситаси сифатида эълон қилиб, ўз ғояларига жанговарлик тусини бердилар. Шундай қилиб, салафийлик ҳокимият учун курашнинг маҳсули эди. Шу тариқа, XVIII асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб салафийлик асосида Арабистон ярим оролида ҳокимият учун кураш олиб боришга мослаштирилган ваҳҳобийлик таълимотини яратди.

Янги давр Араб Шарқидаги мутаассиб оқимлар дастлаб салафийлик ва ваҳҳобийликка асосланган бўлсалар-да, кейинроқ улардан ҳам илгарилаб кетдилар.

Бу тузилмаларнинг ғоявий дастури «ихвонийлик» ва «жиҳод»га асосланган бўлиб, кўп сонли жангарилик уюшмаларига ғоявий озуқа бериб келмоқда.

1928 йилда Мисрнинг Исмоилия шаҳридаги мактабда мударрислик қилган, суфийликнинг хасафия мактабига мансуб бўлган Ҳасан Абдураҳмон ал-Банно мусулмон оламини тозалаш ва мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлар ҳудудида ислом давлатини қуришдек вазифаларни ўз олдига қўйган «Мусулмон биродарлар» уюшмасини тузди. Барча мусулмон ва номусулмон ҳукуматларга қарши жиҳод – ялпи уруш эълон қилиш ушбу мақсадга эришиш йўли сифатида белгиланган эди. Ал-Банно ўзининг «Фаннул-мавт» («Ўлим санъати») китобида мавжуд ҳукуматларни йўқ қилишга эришиш йўлларини асослаб берди ва илк марта ўзини ўзи қурбон қилиш шаклида жангарилик амалиётини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни оқлаб фатво берди.

Ҳаракатнинг юзага келиш шарт-шароитлари, тарихий вазият ва ўша даврда Мисрдаги сиёсий кучларнинг нисбатини ўрганиш кўплаб тадқиқотчиларга унга моҳиятан терроризмга асосланган, троцкийча узлуксиз инқилоб ғоясига амал қилган Коминтерннинг барқарор таъсири бўлганини қайд этиш имконини берган эди. Мусулмон Шарқида коммунистпараст гуруҳларни шакллантириш учун шароитнинг етарли эмаслиги Коминтерн фаолларининг террор услубларини тарғиб қилиш, уни экспорт қилиш ва исломий ташкилотларни ўзларининг сиёсий кураш усуллари билан қуроллантириш орқали жамиятни беқарорлаштиришдек вазифани ҳал қилишга интилишларига йўл очди. Улар бу йўлда муайян муваффақиятга эришдилар ҳам.

Бундан ташқари, фашистлар Германияси эмиссарлари фаоллиги билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар ҳам мавжуд. 1940 йилда Ҳасан ал-Банно «Мусулмон биродарлар»нинг асосий вазифаси террорчилик ҳужумлари уюштириш бўлган «махфий аппарат»ни тузади. Шуниси эътиборга моликки, у томонидан уюштирилган айрим жанговар операциялар фашистлар ҳомийлик қилган «Маср ал-Фатот» ташкилоти ёрдамида амалга оширилган. Шу йилларда «Мусулмон биродарлар»нинг Суриядаги бўлинмаси ҳам жангариларнинг шунга ўхшаш тизимини яратди. Уларнинг Сурияда ўтказган жанговар амалиётлари эса фашистлар

ҳомийлик қилган Антуан Сааде бошчилигидаги Сурия Миллатчилик партияси жангарилари томонидан қўллаб-қувватланади.

150 киши атрофида бўлган «махфий аппарат»даги жангарилар бешликларга бўлинган ҳолда махсус тайёргарликдан ўтганлар. Тайёргарлик жараёнида жангариларнинг иродасини Олий нозирга бутунлай бўйсундириш, шу орқали уларни ал-Баннонинг «Фаннул-мавт» китобида тушунтирилган усулларда ўзини қурбон қилишга тайёрлаганлар. Ал-Баннонинг юз йиллар давомида яширин фаолият кўрсатиш ва маънавий раҳбар иродасига сўзсиз бўйсуниш тизимларини ишлаб чиққан суфийликнинг хасафия мактабига мансуб эканини ёдга оладиган бўлсак, бундай технология қаердан ўзлаштирилгани ойдинлашади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, жангарилар асосан ўз фикрида собит бўлмаган, қатъиятсиз кишилардан тайёрланадилар. Чунки бундай шахслар ўзининг кимлигини кўрсатиш учун кескин, оқибати пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилишга мойил бўладилар.

Шундай қилиб, ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган замонавий экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тарихнинг муайян даврида устувор бўлган кўплаб омиллар, турли жараёнларнинг ўзаро таъсирлашувининг натижаси деб тушуниш мумкин.

Турли салбий жараёнларнинг омухталашуви ислом риторикаси билан қўшилган ҳолда кейинчалик икки система ўртасидаги курашда умумий беқарорлаштирувчи восита сифатида қўл келди. Уларнинг ҳар бири ўз мақсад ва манфаатларидан келиб чиқиб уни молиялаштиришга, керакли йўналишга солишга ҳаракат қилиб келди. «Мусулмон биродарлар» ўз ташкилотларини ривожлантириш учун Британия ҳукуматидан маблағлар олиб тургани тарихдан маълум. Бу вақтда британияликлар улардан араб давлатлари сиёсий саҳнида фаолият юритаётган бошқа кучларга қарама-қарши куч сифатида фойдаланишга интилар эди. Бироқ шунга ўхшаш ҳолатларда бўлганидек «биродарлар» бу маблағлардан террорчилик хуружларини амалга оширишда, жумладан, британиялик фуқароларнинг ўзларига ҳам ҳужумлар уюштиришда фойдаланганлар.

Кейинчалик «биродарлик» асосида кўплаб экстремистик ва террорчилик уюшмалари вужудга келди. Дастлабки ақидапарастлар Ҳасан ал-Банно, Мустафо ас-Сибоий ўрнига келган Саид Қутб, Муҳаммад Газолий, Умар ат-Тилмисани, Салоҳиддин Ашмавий, Али Баёнуний каби шахслар ушбу тузилмаларнинг фаолияти янада агрессивроқ бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

1953 йилда «Мусулмон биродарлар» уюшмасининг бир гуруҳ аъзолари Иорданияда «Ҳизбут таҳрир ал-исломий» номли янги партияни тузади. Бу партияни Тақиюддин Набҳоний ал-Фаластиний бошқаради. Партия ўз олдига барча мусулмон давлатлари ҳудудида ягона ислом давлати – «халифалик» тузиш мақсадини қўяди. Моҳиятан «Мусулмон биродарлар»дан унчалик фарқ қилмаган ушбу партия ўз ҳаракатларини у билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб борди ва террорчи тузилмаларга мунтазам равишда жангариларни тайёрлаб бериш вазифасини бажара бошлади. Худди «биродарлар» билан бўлганидек, махсус хизматлар бозорида жангариларга талаб бўлмаган ҳолларда партия ўзи тўғридан-тўғри қўпорувчиликни амалга ошира оладиган уюшмалар тузади. Бу охир-оқибатда «биродарлар» бор жойда ҳизбутчилар, ҳизбутчилар бор жойда «биродарлар»нинг фаолият кўрсатмаслигида намоён бўлган таъсир доирасини бўлиб олишдек амалиётнинг шаклланишига олиб келди.

Дунё бўйича фаолият олиб бораётган бундай қудратли ташкилотлардан мунтазам равишда кичик террорчи уюшмалар пайдо бўлиб туради. XX асрнинг 70-йиллари бошидан мусулмон оламида «Жунуд Аллоҳ», «Жиҳод», «ал-Жиҳод ал-исломий», «Шабаб-Муҳаммад», «Ал-такфир вал-ҳижра» ва бошқа ташкилотлар фаолият олиб борди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам бор бўлса-да, бугун юқорида қайд этилган ташкилотлар аъзоларининг энг фаол қисмини ўзида тўплаган ва халқаро тармоқ сифатида фаолият юритаётган «ал-Қоида»нинг бир қисми сифатида иш олиб бормоқда.

Лекин, янги шароитда «ал-Қоида» муҳим бир хусусиятга эга, яъни у экстремистик ташкилотларни молиялаштириш ва ривожлантириш билан шуғулланадиган жангарилар ва экстремистларнинг хизматлари бозори сифатида таркиб топди.

Ушбу ташкилот «ал-Қоида» етакчиларининг кам-кўстсиз яшаши, қўпорувчилик операцияларини амалга оширувчи улкан машинанинг доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш учун наркобизнес, киднеппинг (товон олиш мақсадида кишиларни гаровга олиш), бой мусулмон оилаларидан қўрқитиш орқали пул ундириш ва бошқа кўплаб манбалар ҳисобига молиявий маблағлар йиғади.

Шу ўринда жангарилар хизмат бозорида касбий маҳоратга эга мутахассисларнинг пайдо бўлиши XX асрнинг 90-йилларида терроризмнинг беқиёс даражада авж олишига замин яратганини таъкидлаш зарур. Гап шундаки, совуқ уруш тугаши билан малакали мутахассисларнинг бир қисми ўз давлатларида ишсиз ва эътиборсиз қолдилар. Бу уларни катта маблағларга эга эксперт ва ёлланма жангчилар бозорига етаклаб келди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан гиёҳванд моддалар савдоси янги даражага кўтарилдики, бу ўз навбатида террорчилик хуружларининг фаоллашувига олиб келди.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирда шундай ҳолат юзага келдики, терроризмга қарши турган кучлар ўз вақтида икки қутбга мансуб мамлакатлар узоқ йиллар давомида яратган улкан аждаҳо билан курашмоқдалар. Жангариларни ёлловчи кишилар шаклу шамойили номаълум халифалик (ёки коммунизм)ни қуриш йўлида ўзини ўзи қурбон қилиб, қўпорувчиликларни амалга ошираётган кишилар онгини эгаллаган ғояларга мутлақо бефарқдирлар. Ёлловчи экспертлар ҳеч қачон жанговар ҳаракатларда шахсан иштирок этиб, ўзларини қурбон қилмайдилар. Ҳар доим сояда қолган ҳолда, улар террорчиликни наркобизнес билан қўшиб, амалга ошириладиган ҳаракатлар кўлами ва терроризмни тайёрлайдиган тармоқларни жиддий кенгайтиришга эришдилар. Улар мавжуд экстремистик тузилмалардан мазкур соҳадаги хизматлар бозорини ривожлантиришда ҳам усталик билан фойдаланмоқдалар. Бу бозор эса, уларнинг хизматларига доимий талабни юзага келтирадиган баъзан, «ал-Қоида» ва унинг тузилмаларини ҳам хоҳлаган мақомга соладиган асосий бузғунчи бўғин сифатида чиқмоқда.

Марказий Осиёдаги экстремистик оқимлар XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йиллари бошларида хорижий экстремистик марказлар, айниқса, араб экстремистик ташкилотлари саъй-ҳаракатлари билан шакллана бошлаган эди. Уларнинг асосий

нияти собиқ СССРнинг мусулмон аҳоли яшайдиган республикаларини ўз мақсад-интилишлари доирасига тортишдан иборат эди. Бундай мақсад, яъни сохта инқилобни экспорт қилиш ғояси ўша асрнинг 30-йилларида Ҳасан ал-Банно томонидан баён этилган эди. Натижада Марказий Осиё республикаларида хориждан келаётган молиявий ёрдам ҳисобига жангари сифатида фойдаланиладиган шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган тизимни яратган гуруҳлар пайдо бўлди.

Уни яратиш чоғида чет эллик йўриқчилар раҳбарлиги ва маҳаллий кучлар иштирокида минтақада беқарорликни келтириб чиқариш орқали Марказий Осиёни жангарилар тайёрловчи, катта маблағлар келтирадиган наркотик моддалар ишлаб чиқариш йўлга қуйилган жойга айлантиришдек мақсад кўзланган эди.

Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришган 1990 йилларнинг бошларида бу гуруҳлар фаоллашиб кетдилар. Хусусан «Ислом лашкарлари», «Тавба», «Адолат» гуруҳлари Фарғона водийсида беқарор ҳолатни юзага келтириш учун ҳаракат қилдилар.

Бироқ Ўзбекистон давлатининг қатъий қаршилиги, ички ва ташқи сиёсатдаги изчиллик, халқнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар экстремистларнинг саъй-ҳаракатларини йўққа чиқарди. Экстремистларнинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб, аввал Тожикистон, кейин эса Афғонистондаги жангарилар сафига қўшилиб кетдилар.

Марказий Осиёдаги гуруҳлар асосида юзага келган ва ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб номлаган тузилма 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, анча бақувват бўлиб қолган «ал-Қоида» таркибига кирди. Аксилтеррор коалицияси томонидан Афғонистонда ўтказилган амалиётлар вақтида уларнинг асосий қисми йўқ қилинди.

Ҳозирда бу тузилманинг қолдиқлари Покистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарадош ҳудудларда тўпланиб, «ал-Қоида» ва унинг тарафдорлари ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун Ўзбекистондаги ҳизбут таҳрирчилар

билан алоқаларни тиклаш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва шу йўл билан яна фаоллашаётганликларини кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Терроризм тушунчаси. Терроризм – жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин (конспиратив) руҳдаги ташкилотлар томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади. Террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун ҳам кўп ҳолларда аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири бундай ҳаракат тарафдорларининг «зўрлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади», – деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишларида яққол кўринади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Бундай сиёсий масалалар ўз навбатида ҳудудий, этник, диний ёки бошқа шаклу шамойил касб этиши мумкин. Маълумотларга кўра, 2000-2006 йиллар орасида дунёнинг 112 мамлакатида 14 минг 934 та террорчилик амалиёти содир этилган. Уларнинг мутлақ кўпчилиги Ер юзининг турли минтақаларида жойлашган, ўзига хос этник, диний ёки бошқа шаклдаги муаммолар мавжудлиги билан ажралиб турадиган Ироқ (4606), Иорданнинг ғарбий қирғоғи (1927), Колумбия (1135), Испания (732), Таиланд (619), Афғонистон (591), Ҳиндистон (509), Покистон (504), Туркия (477), Исроил (463), Франция (446), Непал (379), Россия (284), Греция (230), Филлипин (213), Индонезия (197), Шри-Ланка (131), Италия (125) ва Бангладеш (111) ҳудудларида амалга оширилгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Америкалик мутахассис Б.Женкинс терроризмни энг аввало, қурбонлардан кўра гувоҳларга қаратилган ва ваҳима уйғотишга йўналтирилган зўрлик, деб баҳолайди. Бошқа бир америкалик сиёсатшунос Ж.Ложнинг таърифига кўра,

терроризм бевосита қурбонлардан кўра кўпроқ одамлар фикрига таъсир ўтказиш учун қилинадиган таҳдид ёки куч ишлатишдир.

Бу таъриф ва баҳоларда терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларга эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. Худди шу маънода, алоҳида олинган ҳар бир террорчилик хуружининг мақсади экстремистларнинг давлат тўнтаришини амалга ошириш, фуқаролар урушини келтириб чиқаришдек сиёсий вазифалар билан бир-бирига мос келавермаслиги олдиндан маълум. Кейинчалик, амалда, бу номувофиқлик террорчилар жар солаётган мақсадлар билан улар эришаётган натижалар ўртасидаги зиддиятга айланади.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. 1970- йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус, поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган қўпорувчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилгандир.

Шунинг учун ҳам, ОАВ террорчиларнинг ўз мақсадларига эришишларида асосий қуролга айланиб бормоқда. Киднеппинг ёки гаровга олиш ҳам моҳиятан ўзгариб бормоқда. Аввалари гаровга олишдан мақсад пул ундириш бўлган бўлса, ҳозирда террорчилар асосан халқаро муносабатлар соҳасида ва мамлакатда беқарорликни келтириб чиқаришга мўлжаллаган сиёсий мақсадларига эришишни кўзлайдилар. Шу билан бирга, бу жараённинг ОАВ орқали кенг ёритилиши ва омма онгида хавотирли акс-садо беришига эришиш орқали гуруҳнинг жамият олдида танилиши ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳаракат замирида, аслида террорчиларнинг ожизлиги намоён бўлишини кўриш мумкин. Чунки жамиятда овоза бўлишга интилиш, одамларда қўрқув ҳиссини уйғотиш йўли билан ташкилот ўзининг бош мақсадига эришмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам, таъсир ўтказиш орқали хулқини

моделлаштириш ва фаоллигини бошқариш мумкин бўлган руҳий ожиз ва қарашларида собитлик йўқ кимсалар ижрочи сифатида чиқадилар.

Халқаро терроризм. Халқаро терроризм тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий қўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У алоҳида сиёсий арбобларни ўлдириш ёки уларга қасд қилиш орқали халқаро ижтимоий-сиёсий акс-садо берадиган бузғунчи сиёсий ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам ишлатилади.

Террорчилик ҳаракатларининг:

- халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ёки субъектларга қарши қаратилгани;

- давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши;

- аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши;

– экстремистик гуруҳлар таркибида қўпорувчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;

– экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши;

– тайёргарлик кўриш ва қўпорувчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва наркобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланилиши унинг халқаро террорчилик хуружи эканини кўрсатувчи асосий белгилардан ҳисобланади.

Муайян мамлакат ҳудудида содир этилган террорчилик хуружида қайд этилган у ёки бу белгиларнинг бўлиши, унга халқаро мақом берилиши ва шундан келиб чиқиб, унга мос чоралар кўрилишига олиб келади.

Терроризмнинг молиявий манбалари. Замонавий терроризм хилма-хил молиявий манбалардан озиқланиши ҳисобига фаолият қамровини кенгайтиришга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бунда, шартли равишда ички ва ташқи манбаларни ажратиш мумкин.

Ички манбалар сирасига террорчи ташкилотларнинг очиқ, расмий фаолият юритувчи тузилмаларидан келадиган даромадини ҳамда жиноий йўл билан топилган

ва уюшма аъзоларининг бадал тўлаши ҳисобига олинадиган маблағларни киритиш мумкин.

1999 йилда Қирғизистонга бостириб кирган, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб атайдиган ташкилот жангарилари музокара олиб бориш учун келган вакилларни 50 минг доллар ҳисобига қўйиб юборгани, 2003 йилнинг 27 мартида «Шарқий Туркистон озодлик ташкилоти»га мансуб террорчилар Қирғизистонда 19 та хитойлик савдогарни ўлдириб, уларнинг катта миқдордаги пулини ўзлаштирганлари бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, деярли барча экстремистик ташкилотларнинг аъзолари ойлик даромадининг 5–20 фоизи миқдорида ойлик бадал («байтулмол» ёки «таборроъ») тўлашини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳомий давлатлар, турли диний, хайрия ташкилотлар ва алоҳида шахслар, шунингдек, Яқин Шарқ ва Ғарб давлатларидаги баъзи ижтимоий гуруҳлар томонидан мақсадли йиғиладиган пуллар террорчи гуруҳларнинг ташқи молиявий манбаи ҳисобланади. Соҳа мутахассислари ва айрим тадқиқотчилар фикрича, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 150 та ноҳукумат исломий ташкилотлари жангарилик амалиётларини молиялаштиришда гумон қилинмоқда.

Террорчи гуруҳларга кўрсатилаётган молиявий ёрдам кўламини биргина МДҲ мамлакатлари ҳудудида фаолият юритувчи террорчи ташкилотларга 60 га яқин диний ташкилотлар, 100 га яқин хорижий компания ва ўнлаб банклар ҳомийлик қилаётганида ҳам кўриш мумкин. Ўз навбатида, ўзини «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб атовчи ташкилот ҳам қатор ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланади. Мутахассислар улар қаторига «ал-Қоида», «Мусулмон биродарлар» каби террорчи гуруҳларни киритадилар.

Террорчи гуруҳлар ҳозирда ўз молиявий манбалари билан банк тизими имкониятлари ва замонавий технологиялардан фойдаланган мураккаб алоқа тизимларини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Натижада, ушбу манбаларни аниқлаш ва йўқ қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Жумладан, айрим маълумотларга кўра, 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг, 2003 йилнинг ноябрига қадар 148 мамлакатдаги 300 дан зиёд ташкилотларга тегишли 1400 та

ҳисоб рақами «музлатилган». Бундан 200 миллион доллар зарар кўрганига қарамай, террорчи гуруҳлар ўз молиявий манбалари билан янги алоқаларни шакллантириш ҳисобига жанговар қобилиятларини қайта тиклаб олишга интилмоқда.

Терроризмнинг молиявий манбаларига барҳам беришга халқаро миқёсда алоҳида аҳамият берилмоқда. Дунёнинг кўпгина давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам терроризмни молиялаштиришга қарши кураш ҳақидаги махсус қонунлар қабул қилинган. Мазкур йўналиш халқаро ташкилотларнинг ҳам диққат марказида турган вазифалардан ҳисобланади. Хусусан, охирги йилларда Усома бин Лодин ва бошқа террорчи шахслар ҳамда ташкилотларга тегишли дунё банкларидаги ҳисоб рақамларини «ҳибсга олиш»га бағишланган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1333, 1390 ва 1455-қарорлари қабул қилиниб, улар деярли барча давлатлар томонидан ижро этилмоқда.

Қарши кураш стратегияси. Замонавий экстремизм ва терроризмга қарши кураш давлатларнинг доимий эътиборини, унинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кўп қиррали сиёсатни амалга оширишда сабрлилик ва собитликни талаб этади. Шаклланиб, кенг тармоқ отган терроризмга қарши курашда куч ишлатмаган давлатлар заифлашиб, ўз халқи ва мамлакати осойишталиги ва барқарор ривожланишини хавф остида қолдиради.

Экстремизм ва терроризм бир-бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг бирин-кетин ривожланадиган босқичларидир. Шундай экан, терроризм глобал миқёсга чиққан ҳозирги шароитда, давлат унга қарши курашда ички ва ташқи омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, мувозанатлаштирилган стратегияни ишлаб чиқиши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг ўз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини, ҳалигача терроризм, наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби қатор таҳдидлар мавжуд бўлган Марказий Осиёдаги кучлар нисбатини ҳисобга олиб, ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга моликдир.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ушбу стратегиясида мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик дастурларида, давлатларнинг терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадлари ўз ифодасини топган.

Бу соҳада ўзбек ташқи сиёсатининг негизини ўз кучларини ҳозирги даврнинг асосий таҳдиди билан қарши курашга йўналтиришга тайёр барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш ташкил этади. Шу ўринда, Ўзбекистон амалда минтақада ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча халқаро дастур ва икки томонлама ҳамкорлик алоқаларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон давлатининг барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички сиёсати ҳам экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда экстремизмдан терроризмнинг келиб чиқишини бартараф этишга қаратилган фаол стратегиядир. Унда экстремизмга қарши кураш орқали бундай тузилмалар бағрида вояга етиши мумкин бўлган террорчилар фаолиятининг олдини олишга интилиш ўз аксини топганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда ўзбек давлати томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бу кураш стратегиясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, таълим, хусусан, ўрта махсус таълим тизими, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа соҳалардаги кенг кўламли ижобий ўзгаришлар бу стратегиянинг таркибий қисми, Марказий Осиё минтақасидаги аҳволни белгилаб берадиган, мамлакатдаги барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Кучли иқтисодиётга эга Ўзбекистоннинг барқарорлиги бутун минтақанинг барқарорлигини билдиради.

Бу, соғлом мувозанатга асосланган, серқирра ва ҳар хил даражали стратегияда маънавият ва мафкуравий тарбия алоҳида ўрин тутади.

Мутахассислар экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири ва қадриятлар мўлжалларидаги беқарорликда намоён бўлган номутаносибликни алоҳида ажратиб кўрсатадилар.

Мафкуравий бўшлиқ кўпинча кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади. «Зомбилаштириш» деб аталадиган бу технология яхши шаклланмаган маънавият, бўш ирода ва носоғлом интилишлар муҳитидагина таъсир кучига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон экстремизмга қарши курашда, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишини бартараф этиш ишларида ғоявий тарбия, хусусан, мамлакат ёшларида юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Зеро, бундай ёндашувда умуминсоний ва миллий қадриятларга, миллий ўзликни тиклаш ва мустақилликни мазмунан бойитишга асосланган миллий истиқлол ғояси, маънавият ва маърифат, тўғри шакллантирилган онг экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим тизими сифатида юзага чиқади.

Таянч тушунчалар

Экстремизм, диний экстремизм, терроризм, халқаро тероризм, терроризмнинг молиявий манбалари.

Жамият барқарорлиги, таҳдид, мафкуравий бўшлиқ, экстремизмга қарши кураш стратегияси, мафкуравий тарбия.

Такрорлаш учун саволлар

1. Экстремистик ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг қандай сабабларини ажратиш мумкин?

2. Терроризмнинг моҳияти нимада?

3. Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмнинг халқаро миқёс касб этишининг сабаблари нимада?

4. Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият ривожига таҳдиди нималарда кўринади?

5. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни тизимли ташкил этиш учун нималарга эътибор бериш керак?

V боб. МУСУЛМОН ДУНЁСИНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ

Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш – долзарб вазифа. Жаҳонда 1,5 миллиарддан ортиқ киши исломга эътиқод қилади. Мусулмонларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи Осиёда, қарийб 30 фоизи Африкада яшайди. Дунёдаги мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 40 дан зиёдида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Жумладан, Индонезияда 210 миллион, Покистонда 150 миллион, Бангладешда 110 миллион, Нигерияда 80 миллион, Эрон ва Туркияда 65 миллиондан, Мисрда 60 миллион, Марокаш ва Жазоирда 30 миллиондан, Саудия Арабистонида 17 миллиондан ортиқ мусулмон истиқомат қилади. Ҳиндистондаги мусулмонларнинг сони 140 миллиондан ортган. Булардан ташқари Кавказ (Озарбайжон) ҳамда Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон, Шимолий Кавказ (Чеченистон, Ингушетия, Кабардин-Балқар) каби бир қатор минтақалари, Марказий Осиё давлатларида ҳам мусулмонлар кўпчиликни ташкил этишини қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда ислом омили тобора катта кучга айланмоқда. У давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, давлатлараро ва халқаро муносабатларга таъсир этиб келмоқда. Ҳозирда сиёсатчилар мусулмон оламига дунё ҳамда халқаро муносабатлар истиқболига таъсир кўрсатувчи куч сифатида қарамоқдалар.

Ислом омилининг кучайишида мусулмон мамлакатлари ҳудудларининг катталиги, яъни жўғрофий-стратегик имкониятларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Айни пайтда, мусулмон аҳоли сонининг тез ўсиши, яъни демографик омилни ҳам назардан қочирмаслик керак. Мусулмон мамлакатларида аҳолининг ўсиши ҳар йили ўртача 2,6% (дунё буйича - 1,7%, ривожланган давлатларда – 0.9%)ни ташкил этмоқда. Ислом дунёсида “демографик портлаш” кузатилмоқда.

Мусулмон мамлакатларининг нефть, газ ва бошқа табиий ресурсларнинг улкан заҳираларига эгалиги Ғарб иқтисодиёти учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ғарб дунёсининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги углеводород ресурсларига бўлган боғлиқлиги яқин истиқболда ҳам сақланиб қолади. Буни англаган мусулмон давлатлари табиий

ресурслардан максимал равишда фойдаланиб, ўз иқтисодиётларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бир қатор мусулмон мамлакатларида чет элдан янги қурол-яроғ сотиб олиш ҳамда замонавий ҳарбий инфратузулма яратиш орқали ўзининг ҳарбий куч-қудратини ошириш, ҳатто оммавий қирғин қуролига эга бўлишга интилиш жараёнлари тобора кучайиб бормоқда. Покистон ядровий қуролга эга бўлди. Замонавий технологияларни қўллаш орқали йирик мусулмон мамлакатлари миллий саноатини ривожлантириб бормоқда.

Охирги пайтда айрим мусулмон мамлакатларининг, айниқса, Покистон, Эрон, Саудия Арабистони, Миср ва Индонезия каби давлатларнинг халқаро майдондаги таъсири кучайиб бормоқда. Айни пайтда, халқаро майдонда бирлашиб, якдил сиёсат олиб бориш йўлидаги ҳаракатлар чуқурлашиб бормоқда Шу билан бирга, халқаро ислом ташкилотларининг нуфузи ҳам ортиб бормоқда. 1969 йилда тузилган Ислом конференцияси ташкилоти ҳозирда ўз сафига 57 мамлакатни қамраб олгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини баралла намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири бўлган диний экстремизм ва ундан озиқланаётган ҳамда диний шиорлар билан ниқобланган терроризм ана шу минтақалар ва мамлакатлар ҳаётига бирдек таҳдид солмоқда. Кенг кўлам ва хилма-хил кўринишлар касб этаётган ушбу таҳдидга қарши кураш нафақат мусулмон мамлакатлари, балки бутун дунё учун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Дастлаб салтанат соҳиблари ва давлат арбобларига қарши қуролли ҳужумлар шаклида пайдо бўлган сиёсий терроризмни бугун ҳар қадамда учратиш мумкин. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, дунёнинг бутун-бутун минтақалари турли-туман террорчилик ташкилотларининг ўчоғига айлана бошлади. Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий терроризмнинг иккита алоҳида хатарли белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин: бир томондан, у тобора шафқатсизроқ ғайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга сиғдириш қийин жуғрофий кўламлар касб этиб бормоқда. Ҳозирда ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир қўрқувга солиш орқали

муайян мақсадларга эришишни кўзлаган қўпорувчилик ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Ва, афсуски, уларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда.

Экстремизм ва терроризм одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончига путур етказибгина қолмасдан, турли диний эътиқод вакиллари бўлган халқлар, ҳаттоки, цивилизациялар орасидаги ўзаро ишончга ҳам соя ташламоқда, жаҳон тараққиётининг тамал тоши бўлган халқаро иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Экспертларнинг фикрича, дунёда фаолият кўрсатаётган террорчилик ташкилотларининг юздан ошиғи энг замонавий қуроллар билан яхши таъминланган йирик уюшмалардан иборат. Улар турли қўпорувчиликларни содир этиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қиладилар, маълумотлар алмашадилар, зарур ҳолларда, бир-бирларига ҳарбий, молиявий ва бошқа шаклдаги ёрдамни кўрсатадилар. Бундай ташкилотларнинг энг йириклари қаторига “ал-Қоида”, “Ал-Жиҳод ал-исломий”, “Ат-Такфир вал-ҳижра”, “Абу Сайёф” (Филиппин), “Озод Ачех” ва “Лашкари жиҳод” (Индонезия), “Қуролли исломий ҳаракат” (Жазоир) кабиларни киритиш мумкин. Охирги йилларда халқаро миқёсда амал қилаётган яна бир исломий ташкилот – “Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий” ҳам асосли равишда дунёнинг турли мамлакатларида террорчилик амалиётларни содир этган деб ҳисобланмоқда.

Динни қурол қилиб олган бундай экстремистик ҳаракатлар бугун умуман кишилик жамияти ҳаётига жиддий таҳдид солмоқда. Масаланинг яна бир таассуфли жиҳати шундаки, диний либосларга ўралган террорчи ташкилотларнинг мутлақ кўпчилиги муқаддас ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган.

Баён этилганларни назарда тутиб фикр юритилса, мустақиллик даврида турли кўринишларда амалга оширилган қўпорувчилик хуружлари кучли ташкилий тузилмалар ва улкан молиявий имкониятларга эга йирик террорчи ташкилотлар ва уларнинг шериклари томонидан халқаро миқёсда амалга оширилаётган кенг кўламли қўпорувчиликларнинг узвий қисми эканига ишонч хосил қилиш мумкин.

Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи. Мутахассислар фикрича, «ислом» экстремизми ва у билан боғлиқ терроризм дунёнинг 15 дан ортиқ

мамлакатларига алоҳида таҳдид солмоқда. Ер куррасининг турли қитъаларида жойлашган бундай мамлакатларни шартли тарзда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мансуб Шимолий Африкада жойлашган айрим араб мамлакатлари, жумладан, энг катта араб давлати бўлган Миср Араб Республикаси учун диний экстремизм билан боғлиқ террорчилик ҳаракатлари ҳақиқий муаммога айланди. 1970–1980 йилларда бундай жараён Тунисни ҳам қамраб олди.

Мазкур минтақада жойлашган яна бир араб давлати - Жазоирдаги диний экстремистик ташкилотларнинг қўпорувчилик фаолияти туфайли ўн минглаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлган бўлса, радикал оқимлар Суданда ички ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мутлақо издан чиқишига, Дарфур минтақасининг дунёнинг энг фожиали нуқталаридан бирига айланишига сабаб бўлди.

Иккинчи гуруҳга Осиё қитъасида жойлашган яна бир неча араб давлатларини киритиш мумкин. Турли-туман сиёсий, иқтисодий ва диний-мафкуравий сабабларга кўра, Фаластин ҳудудлари, Ироқ Республикаси диний экстремизм билан боғлиқ террорчилик ҳаракатларидан катта талафот кўрмоқда. Саудия Арабистони Подшоҳлигида ҳам терроризм ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён этмоқда. Вазиятнинг кескинлашиб кетиши диний арбобларнинг аксилтеррор сиёсатини фаол қўллаб-қувватлашга жалб қилинишига олиб келмоқда. Хусусан, 2003 йилнинг февралида Саудия Арабистони уламолар Кенгаши Подшоҳликдаги чет эл фуқароларига ҳужум қилишни тақиқловчи фатво чиқарди. Унда чет элликларга “кофир” деб қараш ислом тамойилларига мутлақо зид экани таъкидланади.

Диний экстремистик фаолиятнинг учинчи ўчоғи Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган дейиш мумкин. Ушбу хатарнинг оловли нафаси, айниқса, Покистон, Индонезия, Малайзия ҳамда Ҳиндистон ва Филиппиннинг айрим ҳудудларида ўзининг ҳалокатли оқибатларини намоён этмоқда. Бошқача айтганда, қадим-қадимлардан буддавийлик, ҳиндуийлик, ислом ва бошқа динларга эътиқод қилувчилар тинч-тотув яшаб келган улкан ҳудудда ҳам экстремизмнинг қўпорувчилик салоҳияти ўзини кўрсатмоқда.

Ислом мафкура сифатида мусулмонларни бирлаштирувчи кучли омил бўлиб келган. Асрлар давомида турли ижтимоий табақалар ва миллатларни қамраб олиши

натижасида, бугунги кунда ислом ўз ривожланишида катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Ислом дини доирасида юзага келган турли қарама-қаршиликлар оқибатида жангари миллатчилик ва диний экстремизмга асосланган сиёсий кучлар ва иттифоқлар пайдо бўлмоқда.

Икки тизимли воқеликнинг йўққа чиқиши шароитида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, маънавий қашшоқлашуви Ғарб урф-одатлари ва маданиятининг кириб келиши ва маҳаллий урф-одатларнинг аста-секин сиқиб чиқарилиши каби омиллар ислом байроғи остидаги диний фундаментализм ва экстремизмнинг ривожланишига замин яратмоқда.

Мураккаб ички ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар юки остида қолган мусулмон мамлакатлари аҳолисининг кўпчилиги ҳаётда ҳеч қандай истиқболни кўра олмаслиги шароитида, исломнинг “олтин даври” аталмиш Муҳаммад пайғамбар ва тўрт халифа даври вақтига қайтишга интилиш кайфияти устувор бўлиб бормоқда. Натижада муайян сиёсий кучлар томонидан жамиятга “давлат дин асосида қурилиши керак, сиёсий ҳокимият эса Аллоҳнинг вакили-халифага берилиши лозим” деган навбатдаги хаёлий уйдурма гаплар сингдирилмоқда.

Ислом байроғи остидаги экстремизм ўз навбатда дин ва диннинг тозалиги йўлида “кофирларга” қарши кураш, муросасизлик, керак бўлса, куч ишлатиш лозимлигини асословчи радикал мусулмонларнинг мафкураси ва сиёсий амалиёти бўлиб қолмоқда.Улар ўз тамойиллари ва ғояларини жамиятга сингдириб, шариат асосида бошқариладиган исломий давлат тузишни ният қилиб қўйган.

Диний экстремистлар дунёвий жамиятга нафрат руҳи билан йўғрилган, Ғарб маданиятини инкор этишга асосланган ғояларни одамларнинг онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар иқтисодий қийинчиликлар, аҳоли моддий аҳволининг оғирлашуви, сиёсий кучларнинг қутблашуви каби муаммолардан фойдаланиб, конституциявий тузумга қарши кураш олиб бормоқда. Бундай кураш очиқдан-очиқ тўқнашув шакллари (кўча намойишлари, норозилик чиқишлари, иш ташлаш)ни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг турли табақалари ўртасида ноқонуний тарғибот услублардан фойдаланиб давлат тизимига қарши қўпорувчилик олиб бориш каби кўринишларда намоён бўлмоқда.

Замонавий ислом радикалларига хос бўлган хусусиятлар ичида дунёни “оқ-қорага” бўлиш, одамлар ва жамиятни “ўзимизники-бегона”ларга ажратиш “агар ким биз билан бўлмаса, у бизга қарши” ғоясини олға суриш ҳамда ҳукумат ва жамиятни куфрда (худосизликда) айблаш алоҳида ўринни эгаллашини таъкидлаш зарур.

Халқаро майдонда ислом радикаллари кўпинча панисломизм, яъни “бутун дунёга исломни тарқатиш ва ислом давлатларини бирлаштириш лозимлиги” ҳақидаги ғояга суяниб келмоқда. Уларнинг асосий мақсади курашнинг турли усулларидан, шу жумладан, куч ишлатишдан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга олиш. Ўзларининг ғаразли мақсадларига етиш учун улар ҳатто кескин чоралар, масалан, жиҳод эълон қилишга ҳам тайёрдирлар.

Ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган кўпчилик экстремистик ташкилотлари битта режа асосида иш олиб боришади. Бунда қонуний тузумни беқарорлаштириш, аҳолини кенг кўламда ҳокимиятга қарши чиқишларга гиж-гижлаш, мамлакат раҳбариятини ҳокимиятдан четлатиш, исломий ҳукуматни шакллантириш (бошида бошқа мухолифат кучлар билан биргаликда, кейин эса ҳокимиятни ўз қўлига тўлалигича олиш) марказий ўринни эгаллайди.

Мазкур режани амалга оширишда экстремистлар террорчилик амалиётларини ўтказишга алоҳида эътибор беришади. Бу уларнинг ўз мақсадларига эришишда биринчи навбатда вазиятни беқарорлаштиришга уринишга ҳаракат қилишларини кўрсатади. Лекин бундай амалиётларнинг вақти, уларни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги, сиёсий оқибатлари инобатга бутунлай олинмайди. Уларнинг фикрича, вазиятни тизимли равишда беқарорлаштириш, жамиятда норозилик кайфиятларини уйғотиш ва шу йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш учун қулай шароит яратиш муҳим ҳисобланади. Экстремистлар ғояси бўйича битта муваффақиятли ўтказилган йирик террорчилик амалиёти халқ қўзғолонига туртки бўлиши мумкин.

Диний экстремизмни ўзига қурол қилиб олган террорчиларнинг бутун дунёнинг нафратини қўзғатган 2001 йил 11 сентябрда содир этган ваҳшийликлари башарият тарихидаги энг машъум саҳифалардан бўлиб қолишига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари интиҳосидан бошлаб Афғонистон диний экстремизм ва фундаментализмнинг энг йирик ўчоғига айлана бошлади. Ушбу мамлакатдаги сиёсий беқарорлик туфайли турли мамлакатлардан ўзининг хунук қилмишлари учун бадарға бўлган қора кучлар Афғонистонга оқиб келдилар ва мустаҳкам ўрнашиб олдилар. “Толибон” номи билан аталган экстремистлар уларга бошпана бердилар. Афсуски, айрим йирик давлатлар ҳам ўзларининг шубҳали геосиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш илинжида Афғонистондаги радикал гуруҳларни амалда қўллаб-қувватладилар. Натижада, ушбу мамлакат экстремизм ва терроризмнинг ҳақиқий ўчоғига айланди. Бу ҳол нафақат унинг, балки унга туташ мамлакатларнинг хавфсизлигига ҳам тажовуз солгани яхши маълум.

Таъкидлаш жоизки, диний экстремизм ва у билан боғлиқ терроризмнинг Ўзбекистонга кириб келишида айнан Афғонистон ўзига хос дарвоза вазифасини ўтади. Ўтган асрнинг сўнгги йилларида мазкур мамлакатдан паноҳ топган, “Толибон” ҳаракати ва “ал-Қоида” ташкилоти билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган диний-сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги барқарорликка путур етказишга интилиб келмоқда.

Кўпгина мамлакатларда яширин фаолият олиб боришга уринаётган “Ҳизбут-таҳрир” ташкилоти ўзини террорчилик фаолиятига алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга интилади. Унинг ушбу иддаосини ҳақиқат деб қабул қилишга тайёр кучлар ҳам бугунги дунёда, афсуски, йўқ эмас. Лекин ҳизбуттаҳрирчилар тарқатаётган варақаларнинг мазмуни ушбу гуруҳнинг тинчликсевар экани ҳақидаги даъволар ҳақиқатдан нечоғлик йироқлигини, унинг “беозор сиёсий куч” эканига ишонаётганлар қанчалик хато қилаётганига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Ўз умрини яшаб, тарих саҳнидан тушиб кетган, бугунги воқеликка мутлақо тўғри келмайдиган хаёлий халифаликни барпо этиш учун ҳар қандай амалий ҳаракатлардан тийилмаслик, жумладан, қурол ишлатишни тарғиб қилиш орқали мусулмонлар онгига энг ашаддий сиёсий ғояларни сингдиришни ўзининг дастурий вазифаси қилиб олган ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга жон-жаҳди билан уринаётган бундай гуруҳни террорчилик фаолиятга алоқадор эмас деб бўладими?

Ўзбекистон диний экстремизм билан тўқнаш келаётган биринчи давлат эмас. Юқорида қайд этилганидек, у бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шунга мос равишда дунёда диний экстремизм ва у билан боғлиқ терроризмга қарши кураш бўйича салмоқли тажриба тўпланган. Мазкур тажрибадан келиб чиқадиган энг асосий хулоса шуки, диний экстремизм ва терроризм билан курашда, асосан, ҳуқуқ-тартибот органларига суяниш, фақат жазо чораларини қўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш билан баробардир. Бошқача айтганда, бундай йўлдан борилганда, диний экстремизм ва терроризмни озиқлантириб турган "илдиз"лар бешикаст қолаверади, вақт ўтиши билан улар янги "куртак"лар беришда давом этаверади. Шунинг учун ҳам, диний экстремизм ва терроризм билан тўқнаш келаётган давлатлар ушбу хатарли ҳодисага қарши курашишда тобора кўпроқ ялпи ва мақсадли ёндашув йўлидан боришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳаёт-мамот жанги. Биз шундай даврда яшамоқдамизки, уни ҳеч бир муболағасиз, инсоният тақдирини белгилаб берадиган жанг содир бўлаётган давр деб аташ мумкин. Ушбу жангда фойдаланилаётган восита том маънодаги қурол эмас, балки ғоялардир. Яхши маълумки, ғоялар ҳар хил бўлади: азал-азалдан дунёда бунёдкор ғоялар билан бир қаторда, бузғунчилик мафкураси ҳам яшаб келади. Аслида, башарият тарихи, муайян маънода, бунёдкорлик ва бузғунчилик ўртасидаги кураш тарихидир. Ушбу курашда бунёдкорлик ғолиб бўлган пайтлардагина инсоният олға босган, бузғунчилик, ёвузликнинг қўли баланд келган вақтларда эса, таназзулга юз тутган.

Ахборот алмашиш ва етказиш имконияти бугун шундай даражага етдики, улар инсон ҳаётини яхшилашга хизмат қилиш билан бир қаторда, унинг тинчини бузишга ҳам сабаб бўлмоқда. Интернет каби маълумотлар узатиш воситалари том маънодаги ижобий жиҳатини намоён қилиш билан бирга, халқаро террорчилар, жумладан, диний-сиёсий жангариликнинг ўз ғараз мақсадлари йўлида фаол фойдаланаётган қуролига ҳам айланиб қолмоқда.

Бугун муайян кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишда кибер бўшлиқдан фойдаланишини ифодаловчи "кибертерроризм" деган тушунча ҳам

пайдо бўлди. У мутахассислар томонидан терроризмнинг бошқа ҳар қандай кўринишидан ҳам кўра хавфлироқ ҳодиса сифатида қайд этилмоқда. Халқаро терроризмнинг ривожланишидаги навбатдаги янги босқич кибер урушлар шаклида бўлиши шубҳасиз экани таъкидланмоқда. Халқаро кўламдаги, чегара билмас бундай салбий ҳодисага қарши курашнинг халқаро тизимини шакллантириш ҳаётий заруратга айланмоқда. Дарҳақиқат, интернет қўпорувчиликни амалга ошириш учун мўлжалланган нишонлар ҳақида маълумотлар манбаи, уларни содир этиш учун лозим маблағни тўплаш ва террорчи ташкилотлар орасидаги ишончли тезкор алоқа воситаси, маълум белгилар бўйича турли-туман одамларни бирлаштириш йўли, ғаразли мақсадларни ташвиқот қилиш ва бузғунчи ғояларни тарғиб қилиш қуроли, психологик терроризмнинг ташаббускори вазифасини ўташи мумкин ва афсуски, шундай бўлмоқда ҳам. Интернет масофадан, яъни муайян мамлакат ҳудудларидан туриб бошқа ўлкада қўпорувчиликни амалга ошириш имконини бермоқда.

Диний экстремистик ташкилотлар фаолиятининг жамият ривожига салбий таъсири. “Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд”, – деб ёзади И.Каримов. Бугунги кундаги мавжуд воқелик, жаҳон саҳнида кечаётган жараёнларга теран кўз билан қарайдиган бўлсак, Юртбошимизнинг сўзлари чуқур мазмунга эгалигини англаб етиш мумкин. Зеро, мусулмон дунёсида қонунлар доирасида сиёсий, маърифий-маданий, хайрия ишлари билан шуғулланувчи расмий исломий ташкилотлардан ташқари, бир қатор экстремистик диний-сиёсий гуруҳлар ҳам фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асосий мақсади ислом динини сиёсийлаштирган ҳолда, ягона мафкуравий макон барпо қилиш асосида ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Ушбу мақсад йўлида улар тарғибот-ташвиқот ишлари билан бир қаторда, террорчилик амалиётидан ҳам кенг кўламда фойдаланишмоқда. Хусусан, давлат раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимлари, журналист ва сиёсатчилар, чет эллик фуқароларни ўлдириш ёки гаровга олиш, етакчи Ғарб давлатларига тегишли объектларда қўпорувчилик ишларини амалга ошириш орқали

жамиятда ижтимоий-иқтисодий беқарорлик келтириб чиқариш ҳамда ҳукуматнинг Ғарб дунёси билан ҳамкорлигига путур етказишга интилиш ғаразли мақсадлар йўлида амалга ошириладиган ҳаракатлар занжирининг узвий халқалари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда диний-экстремистик ташкилотларнинг фаолияти юқорида қайд қилинганидек, Жазоир, Миср, Индонезия, Ҳиндистон, Филиппин, Покистон, Ироқ, Афғонистон, Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерациясининг Кавказ минтақаси каби катта жуғрофий ҳудудда кузатилмоқда.

Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлиги ва ривожига салбий таъсири халқаро террорчилик тизимида етакчи ўринларни эгаллаб турган баъзи ташкилотларнинг моҳияти таҳлил қилинганда янада яққол намоён бўлади. Улар сирасида бундай ташкилотлар вужудга келишига асос ва намуна бўлган “Мусулмон биродарлар” гуруҳининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

“Жамоат ал-ихвон ал-муслимин” (“Мусулмон биродарлар жамоаси”). XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Мисрда жамиятда исломнинг ўрни масаласида турлича ёндашув ва қарашлар шаклланди. Жумладан, баъзилар жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар динга бўлган муносабатда ҳам қўлланиши зарур деб ҳисобласалар, бошқалар, аксинча, ўтган асрнинг 20-йилларида мамлакатда рўй берган иқтисодий турғунликни мусулмонлар ҳаётига кириб келган Ғарб цивилизациясига хос “янгиликлар” билан боғлаб, мамлакатда шариатга асосланган теократик давлат тузумини ўрнатиш орқалигина тараққиётга эришиш мумкин, деган даъват билан чиқдилар.

Айнан сўнгги йўналиш тарафдорларининг ғоялари асосида Ҳасан ал-Банно томонидан 1928 йилда “Мусулмон биродарлар” ташкилотига асос солинди.

Ҳасан ал-Банно Ғарб маданиятининг мусулмон дунёсига кириб келиши исломнинг инқирозига сабаб бўлгани учун мусулмонларни сақофийлик руҳида қайта тарбиялаш зарур, деб ҳисобларди.

Даставвал, ислом алоҳида бир давлатда тинч (ислом қадриятларини тарғиб қилиш, хайрия ишлари ўтказиш, диний уламоларнинг шахсий намуна кўрсатиши ва ш.к.) йўл билан тантана қилиши мумкин, деган ғояни илгари сурган Ҳасан ал-Банно

кейинчалик фаолиятига сиёсий тус бериб, 1939 йилда “Мусулмон бирoдарлар”ни Қуръон ва суннани жамиятни ривожлантиришнинг ягона асоси сифатида кўрувчи сиёсий ташкилот, деб эълон қилди. Шундан кейин “бирoдарлар” “Аллоҳ – мақсадимиз, Пайғамбар–етакчимиз, Қуръон– конституциямиз, Жиҳод–буюк орзуимиз” деган шиор асосида фаолият юритиб, маркази Мисрда жойлашган мусулмонларнинг ягона “буюк ислом давлатини” қуришни асосий мақсад сифатида эътироф этдилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида жамиятнинг қуйи ва ўрта табақалари вакиллари ҳисобига тез кенгайиб борган ташкилот ўзининг хорижий бўлимлари ва жанговар фаолиятга мўлжалланган махфий тизимларини вужудга келтирди. 1946 йилга келиб, “Мусулмон бирoдарлар” 5000 та маҳаллий бўлим ва умумий ҳисобда 500000 аъзога эга йирик ташкилотга айланди.

1948–49 йиллари ташкилот аъзолари Фаластиндаги Араб—Исроил урушида мустақил жанговар бирлик сифатида Исроил қўшинларига қарши жанг қилди. Урушдан кейин эса “бирoдарлар” етакчилари Миср раҳбариятини журъатсизликда айблаб, мамлакатда қатор террорчилик ҳаракатларини амалга оширди. Бунга жавобан, ҳукумат ташкилотни қаттиқ таъқиб остига олди ва 1949 йилнинг февралида Ҳасан ал-Банно ўлдирилди.

1950–1960 йилларда “бирoдарлар”га раҳбарлик қилган Саййид Қутб ташкилот фаолиятининг янада радикаллашувига замин яратди. Хусусан, у 1965 йилда ёзган “Йўлдаги белгилар” китобида араб жамияти “жоҳилия” даврига қайтиб, маънавий таназзулга учради, бундай вазиятда асл диндорлар жамиятдан ажралиб, алоҳида жамоалар тузишлари ҳамда жоҳилияга айланган жамиятни исломлаштириш учун жиҳод олиб боришлари лозим, деган ғояни илгари сурди. Бунда у “жиҳод” тушунчасини динсизларга ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган мусулмонларга қарши қуролли кураш маъносида қўллай бошлади.

Бундан ташқари, Саййид Қутб илк марта дунёвий ҳукумат ва ўзига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан “такфир” (кофирликда айблаш)ни қўллаган ҳолда исломга умуман ёт бўлган – “фитна” (амалдаги давлат тузумига қарши қуролли қўзғолон кўтариш амалиёти)ни ёқлаб чиқди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозирда фаолият

юритаётган қатор диний-экстремистик ташкилотлар учун ҳам бундай ёндашув мафкуравий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

1950-йилларнинг бошларида Миср ҳукумати “Мусулмон биродарлар”га очиқ фаолият юритишга рухсат берган бўлса-да, ташкилот раҳбариятининг Миср инқилобий Кенгаши фаолиятига таъсир ўтказишга интилиши оқибатида бу ҳуқуқ бекор қилиниб, унинг кўпчилик фаоллари қамоққа олинди. Ташкилот аъзоларининг бир қисми Саудия Арабистони, Сурия, Иордания ва Ливанга қочиб кетишга мажбур бўлди.

1964 йилда “биродарлар” фаоллари амнистия билан озодликка чиққач, ҳукуматга қарши фаолиятни янгидан бошладилар. Уларнинг Президент Жамол Абдул Носирга бир неча бор суиқасд уюштириши оқибатида, ташкилот яна тазйиққа учради ва 1966 йили Саййид Қутб бошчилигидаги бир гуруҳ етакчилар қатл қилинди. Бу “биродарлар” фаолиятидаги террорчилик унсурларининг бирмунча сусайишига сабаб бўлди.

1970–1981 йилларда диний уюшма сифатида очиқ фаолият юритган “биродарлар”нинг жамиятдаги таъсири кенгайиб борди. Бироқ “Мусулмон биродарлари”нинг раҳбарлари Мисрнинг 1978 йилдаги Кемп-Дэвид ва 1979 йилдаги Вашингтон шартномалари асосида Исроил билан бир битимга келишини танқид қилган ҳолда, ҳокимиятга нисбатан муросасиз, радикал мухолифатчилик мавқеига ўтдилар.

1979–1989 йилларда ташкилот ўзининг фаол ҳаракатини кўпроқ хорижда амалга оширди. Жумладан, 1979–82 йиллар ичида “биродарлар”нинг Суриядаги бўлинмаси томонидан ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий хизматга чақирув жойларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари натижасида 200 дан зиёд киши нобуд бўлди. 1982 йилнинг февралида Хам шаҳрида “биродарлар” бошлаган қуролли қўзғолон ҳукумат қўшинлари томонидан катта талафотлар билан бостирилди.

Айнан шу даврда ташкилотга мансуб жангарилар Афғонистонда шўро қўшинларига қарши жангларда фаол иштирок этди. Шунингдек, “Мусулмон биродарлар”нинг Фаластин бўлими Усома бин Лодин билан биргаликда

Покистонда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун кўнгиллилар ёллаш мақсадида “Мактаб ал-хидамат” номли уюшмага асос солгани маълум.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда “Мусулмон биродарлар”нинг минтақавий бўлинмалари Баҳрайн, Миср, Иордания, Яман, Қатар, Кувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Саудия Арабистони, Судан, Сурия, Туркия, Буюк Британия, Дания, Швейцария, АҚШ, Франция ва Германия каби мамлакатларда фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда “Мусулмон биродарлар” 28 кишидан иборат қўмита томонидан бошқарилиб, унинг энг қуйи бўғинини террорчилик амалиёти, тарғибот-ташвиқот ишлари, молиявий, моддий-техник таъминот каби соҳаларга ихтисослашган, “амир” етакчилигидаги 20 га яқин аъзони ўз ичига оладиган “жамоати исломия” гуруҳлари ташкил этади. Қўмита ушбу гуруҳларнинг фаолиятини “усар ал-исломия” (“ислом оилалари”) деб аталувчи ўрта поғона тизим орқали мувофиқлаштириб туради.

Ташкилот аъзолари тайёргарлик ўтаётган, бироқ Қуръонда қасамёд қабул қилмаганлар – “ал-мусоид” (ёрдамчилар), қасам ичган ҳолда расман ташкилот сафига кирганлар – “ал-мутаносиб” (қўшилганлар), ташкилот фаолиятида бевосита иштирок этаётганлар – “ал-амил” (фаолият юритаётганлар) ҳамда ташкилот ўзагини ташкил этувчи раҳбарият аъзолари ва етакчилари – “ал-мужоҳид” (жиҳодчилар) каби тўрт даражага бўлинади. Шу билан бирга, “Мусулмон биродарлар” таркибида ғоявий раҳнамолар вазифасини бажарувчи, хусусан, ташкилот амалга оширажак ҳаракатларга фатво берувчи “саид”лар ҳам фаолият юритишини қайд этиш лозим.

Ташкилот жангарилари махсус лагерларда террорчилик амалиётини тайёрлаш ва ўтказишда зарур бўлиши мумкин бўлган хуфя ишлаш асослари, автомашина ҳайдаш, топографик харита бўйича жой топиш, қуролдан фойдаланиш, қўл жанги ва қўпорувчиликни амалга ошириш бўйича машғулотларни ўтайдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда “биродарлар”нинг маҳаллий бўлимларидан ажралиб чиқиб, мустақил фаолият юритаётган бир қатор диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд. Улар қаторида Мисрда фаолият юритаётган “Ал-жамоа ал-исломия”, “ал-Жиҳод”, “ат-Такфир вал-ҳижра”, “Жундуллоҳ”, Жазоирдаги “Қуролланган ислом гуруҳи”, “Ислом жиҳоди”, Саудия Арабистонидаги

“Жумаймана ал-Утейбий”, кўпчилик давлатларда илдиз отишга ҳаракат қилаётган “Ҳизбут таҳрир ал-исломий” каби ташкилотларни кўрсатиш мумкин.

“Мусулмон биродарлар”нинг бўлимлари ҳамда ундан ажралиб чиққан мустақил гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида асосан якка террор ва портловчи модда ўрнатилган автомобилларни портлатиш усулидан фойдаланган ҳолда террорчилик амалиётини ўтказиб келмоқда. Бунга 1990 йилда “ал-Жамоа ал-исломий” гуруҳи томонидан Миср парламенти спикери Р.Махгуб отиб ўлдирилгани ҳам мисол бўла олади.

1990 йилларда “Мусулмон биродарлар” ташкилоти Миср давлат бюджетининг асосий манбаларидан бири бўлган сайёҳликка зарба бериш орқали иқтисодий беқарорликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилди. Масалан, 1996 йил 18 апрелда Қоҳирада 18 грек сайёҳи, 1997 йил 17 ноябрда Луқсорда 58 нафар турли давлат фуқаролари отиб ташланди. Бундай ҳаракатлар, саёҳларнинг оммавий тарзда мамлакатни тарк этишига ва оқибатда мамлакатнинг туризмдан кўрадиган фойдасига жиддий зарар етказилишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш инфраструктурасида фаолият юритувчи, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи минглаб мисрликлар ишсиз қолмоқда.

“Мусулмон биродарлар” Мисрда расман тақиқланган бўлса-да, деярли очиқ фаолият юритмоқдаки, буни “биродарлар”дан 16 таси мустақил депутат сифатида Миср парламентидан жой олганида ҳам кўриш мумкин.

Гарчи, “Мусулмон биродарлар” кўпчилик давлатлар томонидан террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилмаган бўлса-да, гуруҳ ўзининг реакцион мазмунини йўқотгани йўқ. 2004 йилнинг 12 майида Миср полицияси ташкилотнинг 54 нафар аъзосини Чеченистон, Ироқ ва Фаластинда жанговар тайёргарлик ўтиш ва Мисрда давлат тўнтаришини амалга оширишни режалаштиришда айблаб қамоққа олгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Юқорида амалга оширилган таҳлил “биродарлар”нинг узоқ йиллар давомида олиб бораётган фаолияти Мисрда даврий равишда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқариши билан бир қаторда мусулмон дунёсига мансуб бошқа давлатларда радикал исломий ташкилотлар вужудга келишига мафкуравий ва

ташкилий замин яратгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. “Ҳизбут-таҳрир ал-исломий” ташкилотининг фаолияти бунга мисолдир.

“Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий” (“Ислом озодлик партияси”). Ташкилотга 1953 йилда Тақийиддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган.

Даставвал ўзига Фаластинни озод қилишни мақсад қилган Набаҳоний, кейинчалик мусулмон давлатларини бирлаштирувчи халифалик давлатини қуришни бош мақсад деб эълон қилди.

Таълимот назарияси Набаҳоний ва унинг издоши Абдул Қаддим Заллумнинг “Ислом низоми”, “Ислом давлати”, “Халифалик”, “Исломий оламга қайноқ нидолар” ва “Ҳизбут-таҳрирнинг тушунчалари”, “Демократия – куфр низоми” ва “Сиёсий онг” каби асарларида баён этилган. Уларда Ғарб цивилизацияси ва дунёвий давлат тамойиллари қораланган, демократия, конституция, сайлов каби сиёсий институтлар инкор қилинган ҳолда, турли мамлакатларда радикал «ислом» ғояларини тарғиб қилиш, давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш асосий мақсад сифатида илгари сурилади.

“Ҳизбут-таҳрир” 1960–70 йилларда бир неча бор ҳукуматга нисбатан фитна тайёрлашда қатнашганидан сўнг унинг фаолияти Иордания ва Мисрда, кейинроқ Сурия, Ироқ, Миср, Ливия, Тунис ва деярли барча мусулмон давлатларида, 2003 йилдан Россия ва Германияда ҳам ман қилинди.

“Ҳизбут-таҳрир” пирамида шаклидаги тузилишга эга бўлиб, унинг қуйи поғонасини 5 кишилик “халқалар”га бирлашган “дорислар” ташкил этади. Халқага “мушриф” раҳбарлик қилиб, 4–5 мушрифдан иборат “маҳаллий жиҳоз” “нақиб”га, нақиблар вилоят даражасида “мусоид”га бўйсунадилар. Мусоидлар фаолияти минтақавий раҳбар – “муътамад” томонидан бошқарилади. Ташкилот раҳбари – “Амирул-аъзам” ташкилотнинг олий бўғини – “қиъёдат” орқали муътамадларнинг фаолият йўналишини белгилаб туради. Бундай тузилиш ташкилотнинг ўз фаолиятини мумкин қадар яширин олиб бориш имконини бериш билан бир қаторда бутунлай фош бўлиш эҳтимолини камайтиради.

Ҳозирги кунда эса ташкилот раҳбарлари томонидан илгари сурилган “Араб–Исроил муаммоларини ҳал этишнинг ягона воситаси – яҳудийларни оммавий қирғин қилишдир”, деган реакцион ғоя “Ҳизбут-таҳрир”нинг ҳақиқий моҳиятини белгилаб беради, дейиш мумкин.

Яқин Шарқ мамлакатлари ҳозирги кунда ҳам “Ҳизбут-таҳрир” учун фаолият маркази сифатида сақланиб қолмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, фақат Иордания, Ливан ва Фаластин ҳудудларида ташкилотнинг 3000–5000 аъзоси фаолият юритади. Ташкилотнинг Байрутда чоп этиладиган “ал-Ваъй” (“Онг”) журнали эса ҳизбий ғояларни тарқатишга ўзининг улушини қўшиб келмоқда.

“Ҳизбут-таҳрир”нинг фаол ҳаракати 1970–80 йиллардан буён Покистон, Индонезия, Филиппин, 1990 йиллар бошидан эса Марказий Осиё давлатларида, 2003–2004 йиллардан Қрим ярим ороли ва Россиянинг бир қатор минтақаларида кузатилмоқда.

Бундан ташқари, “Ҳизбут-таҳрир” ғарбий Европадаги бир қатор мамлакатларда ўз бўлинмаларига эга. Баъзи маълумотларга кўра, ташкилотнинг Буюк Британияда жойлашган бўлинмаси мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажармоқда.

Гарчи “Ҳизбут-таҳрир” ўз фаолиятида фақат ғоявий кураш усулларидан фойдаланишини эълон қилса-да, ташкилот мафкурасини ифодаловчи ҳужжатлар бунинг аксини кўрсатади. Хусусан, “Ҳизбут-таҳрир” томонидан тарқатиладиган варақалар ва қилинадиган даъватларда “мусулмон бўлмаган ҳукуматларга қуролли жиҳод эълон қилиш зарур”, деган ғоянинг кенг тарғиб қилиниши, “ал-Ваъй” журналининг 2001 йил июнда чоп этилган 170-сонида ислом халифалигини қуриш йўлида барча воситаларни қўллаш, ҳатто, қотиллик қилишнинг оқланиши, бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлувчи террорчи-камикадзеларнинг “шаҳидлар” қаторига киритилгани ҳам буни тасдиқлайди.

“Ҳизбут-таҳрир” фаолларининг мусулмон дунёсига мансуб бир қатор давлатларда конституциявий тузумга қарши қаратилган террорчилик амалиётларида иштирок этгани ҳам уларнинг асл қиёфасини очиқ-ойдин намойиш этади. Жумладан, 1968, 1974 ва 1977 йилларда “Ҳизбут-таҳрир” аъзолари Иорданияда, 1974 йилда эса Мисрда ҳарбий исён кўтаришга уринган. 2000 йил январда эса Сурия

ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳукуматга қарши ғалаёнлар кўтаришга тайёргарлик кўраётган ташкилот фаолларининг 800 нафари қамоққа олинган.

Шу билан бирга, фитналарнинг доимий муваффақиятсизликка учраши, “Ҳизбут-таҳрир” раҳбарияти орасида ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг “ажралиб” чиққан қисми томонидан амалга оширилди, деган даъво билан айбни бўйинларидан соқит қилишга интилишдек амалиётни келтириб чиқарганини таъкидлаш зарур.

Воқелик бошқа диний-экстремистик ташкилотлар сингари, “Ҳизбут-таҳрир” аъзоларининг фаолияти ҳам ўта радикал тус олаётганини кўрсатмоқда. 2003 йил апрелда ташкилотнинг Буюк Британиядаги бўлинмаси аъзоларидан бирининг Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида жойлашган “Майкс Плейс” кафесида ўзини портлатиб юбориши натижасида 23 киши нобуд бўлгани ҳам буни тасдиқлайди.

2002 йилда Филиппинда қамоққа олинган ташкилотнинг бир гуруҳ фаолларидан катта миқдордаги портловчи моддалар ва ўқотар қуроллар қўлга олиниши баробарида уларнинг “ал-Қоида” террорчи ташкилотининг маҳаллий тузилмалари билан яқин алоқада бўлгани ҳам аниқланган. Бу эса “Ҳизбут-таҳрир” ташкилоти ўз фаолиятини халқаро террорчилик тизимининг таркибий қисми сифатида ташкил этаётганидан далолат беради.

“Ал-Қоида” (“Асос”). Радикал «ислом» ғояларига асосланган ушбу трансмиллий диний-сиёсий гуруҳнинг пайдо бўлишига Усома бин Лодин раҳбарлигида Афғонистонда Совет армиясига қарши урушда иштирок этиш учун кўнгиллиларни ёллаш ва уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш мақсадида Покистон ҳудудида тузилган “Мактаб ал-хидмат” бюроси асос бўлиб хизмат қилган.

Ташкилотнинг дастлабки тузилмалари Ғарб ва АҚШнинг глобал етакчилигига қарши кураш, исломнинг фундаментал асосларига қайтиш ва ягона исломий халифат қуришдек мақсадлар дастурига монанд равишда 1992 йилда Хартум (Судан)да қайта шакллантирилган.

“Ал-Қоида” раҳбарияти ғоявий жиҳатдан Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб ва Саййид Қутбларнинг асарларида баён қилинган тамойилларга асосланишини эътироф қилган ҳолда, амалда мусулмон давлатларидаги дунёвий ҳукуматларни

ағдариб ташлаш ва шариатга асосланган ислом давлати қуришдек асосий мақсадни кўзлайди.

“Ал-Қоида” бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби қатъий иерархия асосида тузилган бўлиб, унга Олий кенгаш (“Мажлис аш-шура”) раҳбарлик қилади. Олий кенгашга ҳарбий, молиявий, диний ва ҳуқуқий, ахборот ва ташвиқот қўмиталари бўйсундирилган бўлиб, улар қуйи поғонадаги гуруҳлар фаолиятини бошқаради.

Манбаларда “Ал-Қоида”нинг ҳарбий лагерлари 2001 йилга қадар Афғонистон, Покистон, Сомали, Судан, Яман, Бангладеш каби қатор давлатларнинг тоғли ҳудудларида фаолият кўрсатгани қайд этилади.

Тахминларга кўра, ҳозирги кунда ташкилотнинг яширин гуруҳлари 33 тадан 88 тагача мамлакат ҳудудида фаолият юритаётган бўлиши, жангариларининг сони эса 3000–7000 кишини ташкил этиши мумкин.

“Ал-Қоида”нинг дастлабки фаол ҳаракати 1992 йил куз фаслида кузатилган бўлиб, ташкилот жангарилари Сомалидаги беқарорликларнинг олдини олиш учун киритилган БМТ тинчликпарварлик кучлари таркибидаги АҚШ махсус қўшинларининг 18 ҳарбий хизматчисини ўлдиришган.

1996 йилда “Ал-Қоида”нинг асосий жанговар кучлари Афғонистоннинг “Толибон” ҳаракати назоратидаги ҳудудларга кўчиб ўтди. Айнан шу ерда, 1998 йилнинг февралида “Ал-Қоида” етакчилигида “ал-Жамоа ал-Исломия”, “ал-Жиҳод” (Миср), “Жамаати уламе Покистон”, “Кашмир қўзғолончилик ҳаракати” (Ҳиндистон), “Жиҳод” (Бангладеш) ва “Толибон” ҳаракати вакиллари “Яҳудий ва салбчиларга қарши халқаро ислом фронти” уюшмаси тузилганини эълон қилишди. Ушбу уюшма номидан Усома бин Лодин Ғарб дунёсига жиҳод эълон қилди.

Шундан сўнг, қатор оғир оқибатларни келтириб чиқарган террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Жумладан, 1998 йил 25 июнда “ал-Қоида” жангарилари Саудиянинг Дахран шаҳри ёнида жойлашган АҚШ Ҳарбий Ҳаво кучларининг базаси олдида амалга оширган портлаш натижасида 19 киши ҳалок бўлиб, 300 дан зиёд киши тан жароҳатини олди. Ўша йилнинг 7 августида эса “ал-Қоида” жангарилари бир вақтнинг ўзида АҚШнинг Танзания ва Кениядаги элчихоналари

олдида бомба ортилган машиналарни портлатиши оқибатида эса 242 киши ҳалок бўлди ва 5000 га яқин одам шикастланди.

Ва ниҳоят, 2001 йилнинг 11 сентябрида Америка Қўшма Штатларида турли рейслар билан Нью-Йорк, Бостон ва Вашингтон шаҳарларидан учган тўртта "Боинг-757" самолёти "ал-Қоида" гуруҳига мансуб 18 нафар террорчи томонидан эгаллаб олиниб, уларнинг иккитаси Нью-Йоркдаги халқаро савдо Маркази жойлашган "эгизак" биноларга, биттаси эса АҚШ қуролли кучлари штаби – Пентагонга йўналтирилди. Яна бир самолёт Пенсильвания штатидаги Шанксвилл районига қулаб тушди.

Умуман олганда, мавжуд маълумотларга кўра, "ал-Қоида" гуруҳи жангарилари Афғонистон (1992 йилдан), Сомали (1992–1993 йиллар), Босния ва Герцеговина (1992–1995 йиллар), Кашмир (1993 йилдан), Шимолий Кавказ (1995 йилдан), Косово (1999 йилдан.), Марказий Осиё (1999 йилдан), Покистоннинг Жанубий Вазиристон вилояти (2001 йилдан) ва Ироқ (2003 йилдан) ҳудудларида қуролли тўқнашув ва террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистонда ўтказилган кенг кўламли халқаро аксилтеррор ҳаракати натижасида "ал-Қоида" жиддий талафот кўрган бўлса-да, у ўз фаолиятини янги шароитларга мослаштиришга интилмоқда. Жумладан, баъзи маълумотларга кўра, ташкилот асосий тизимларини эркин пуштун қабилалари яшайдиган Покистоннинг шимоли-ғарбий ва Кашмирдаги баланд тоғли ҳудудларга кўчиришга ҳаракат қилмоқда.

Афғонистон ва Ироқда АҚШ ҳарбийларига қарши партизан урушида фаол иштирок этиш баробарида аксилтеррор иттифоқига аъзо давлатлардан ушбу ҳудудлардан ўз қўшинларини олиб чиқишни талаб қилаётгани ташкилотнинг бугунги кундаги ўзига хос хусусиятидир. "Ал-Қоида" айнан шу мақсадга эришиш байроғи остида террорчилик ҳаракатларини амалга оширмоқда. Жумладан, 2004 йилнинг 11 мартида Мадрид (Испания)даги 4 та темир йўл бекатида умумий ҳисобда 6 та портлатиш амалга оширилди. Натижада, 200 киши ҳалок бўлди ва 1500 дан зиёд киши ярадор бўлди. Полициянинг тахминига кўра, портлашларни "ал-

Қоида” гуруҳи билан яқин алоқада бўлган марокашлик радикал гуруҳ амалга оширган.

Қайд этилган далиллар ҳам “ал-Қоида”нинг халқаро террорчилик тизимининг марказий унсури ва жаҳоннинг турли нуқталарида рўй бераётган қуролли тўқнашувлар, террорчилик амалиётларини молиялаштириш, режалаштириш ҳамда бевосита амалга оширишнинг асосий бўғинига айланганини кўрсатади.

Диний экстремистик ташкилотлар: умумий жиҳатлар. Амалиёт аксарият диний-экстремистик ташкилотлар расмий – очиқ иш олиб борувчи сиёсий ҳамда хуфя ҳаракат қилувчи жанговар қанотлар орқали фаолият юритишга интилишини кўрсатади. Сиёсий қанот жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, аҳоли хайрихоҳлигига эришиш, жанговар қанот эса террорчилик усуллари билан ҳукуматга тазйиқ ўтказиш услубидан фойдаланади.

Кейинги йилларда ушбу ташкилотлар ўз фаолиятига кўпроқ ёшларни ва аёлларни жалб қилиш, террорчи-камикадзелардан фойдаланиш ва мумкин қадар кўпроқ қурбонлар бўлишини назарда тутган ҳолда террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, диний-экстремистик ташкилотлар ўз фаолиятини уйғунлаштиришга ва яхлит тизим сифатида иш олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Ироқ, Афғонистон ва Чеченистондаги қўпорувчилик ҳаракатларида турли миллатга мансуб жангариларнинг иштирок этаётгани, террорчилик ҳаракатлари бир хил шиорлар остида амалга оширилаётгани бунга далил бўла олади.

Диний-экстремистик ташкилотларнинг реакцион ғоялари ва қўпорувчилик фаолияти барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бундан ташқари, мамлакатлар иқтисодиёти, ўзаро инвестиция муҳитига жиддий зиён етказилмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, 2001 йил 11 сентябрда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари АҚШ ва жаҳон иқтисодиётига бевосита 135 млрд., билвосита 2 трлн. доллар зарар етказган. Жазоирда ҳукумат қўшинлари ва “Қуролланган ислом гуруҳи” орасидаги урушда эса 1996–2001 йиллар орасида мамлакат бюджетига 16 млрд. АҚШ доллари миқдорида зиён келтирган.

Айни пайтда, диний-экстремистик ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ташвиқот ёшларнинг сохта ғояга алданиб қолиши, юрт равнақи йўлидаги фаолиятдан чалғиши, жамиятдаги маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти, шунингдек, мусулмон бўлмаган мамлакатлар аҳолиси ўртасида исломни “ёвузлик салтанати” ва таҳдид манбаи сифатида қабул қилинишига, “исломофобия”нинг турли кўринишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда.

Қайд этилган ҳолатлар ҳам, диний экстремизм ва терроризмнинг кишилик жамиятининг нафақат бугунги куни, балки истиқболига ҳам таҳдид солаётган омилга айланганини, инсоният бир бутун вужуд сифатида қарши курашга киришгандагина уни енга олиши мумкинлигини кўрсатади.

Мусулмон мамлакатларининг диний экстремизмга қарши кураш тажрибаси. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш олиб боришда комплекс ва тизимли, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бундай чора-тадбирларни амалга ошириш катта вақт, тегишли режа ва йирик маблағлар талаб қилади. Миср тажрибаси бундай комплекс ёндашув ижобий самара беришини кўрсатмоқда. Бошқа томондан, Жазоирда 1990- йилларда содир бўлган воқеалар демократияни миллий шароитларни инобатга олмаган ҳолда сингдиришга интилиш айнан кўзланган мақсадларга зид бўлган натижаларга, шу жумладан, радикал «исломий» гуруҳларнинг фаоллашувига олиб келиши мумкинлигини кўрсатганини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Барча ислоҳотлар мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва халқ менталитетидан келиб чиқиб, босқичма- босқич амалга оширилиши зарур.

Диний экстремизмга қарши курашда халқаро бирдамлик ва келишувлар ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, ўз ҳудудида диний экстремистлар ва террорчилар фаолиятига йўл очиб бермаслик, уларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаслик ва сиёсий бошпана бермаслик ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Араб – мусулмон давлатлари ичида Миср Араб Республикаси биринчи бўлиб терроризм муаммосига 1940-чи йилларда, “Мусулмон биродарлар”нинг ўз

фаолиятида ишонтириш усулларидан радикал террорчиликка – давлат, полиция ва армиянинг кўзга кўринган арбобларини жисмонан йўқ қилиш йўлига ўтиши натижасида дуч келди. Ушбу давлатнинг диний мутаассибликка қарши курашдаги бир неча ўн йиллик тажрибаси радикал диний гуруҳларга хайрихоҳлик билан қараш, уларни пинҳона рағбатлантириш экстремистик ҳаракатларнинг янада фаоллашувига, янгиларининг пайдо бўлишига имкон яратишини кўрсатади.

Президент Анвар Садатнинг ўзини дин ва диний қарашларнинг бош ҳимоячиси сифатида кўрсатишга ҳаракат қилиши, динни кучайтириш орқали сўл кучларга қарши курашга қаратилган сиёсати натижасида "Ат-такфир вал-ҳижра" ("Кофирликда айблаш ва жамиятдан чиқиш") ва "Ал-Жиҳод ал-Муқаддас" ("Муқаддас жиҳод") каби ташкилотларнинг шаклланган, экстремистларнинг оммавий чиқишларни амалга оширгани, хусусан, 1980 йилда Қоҳирада 400 мингга яқин диндор қатнашган намойиш уюштиргани, турли ташкилотларга ўз таъсирини ўтказишга уринган бунинг исботи бўла олади.

Айни пайтда, бу тажриба юзага келган қулай вазиятдан исломчилар зудлик билан фойдаланишга ҳаракат қилишини, Муҳаммад пайғамбар ҳаётидан келтирилган мисолларга таянган, исломни қутқариш заруратини таъкидлаган, мавжуд муаммоларни рўкач қилган ҳолда давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳаётига суиқасд уюштириш, конституциявий тузумни ағдариб ташлашга интилишини кўрсатади.

1981 йилнинг 6 октябрида ҳарбий парад вақтида Анвар Садат ва яна 7 киши "Жиҳод" ташкилоти аъзолари томонидан отиб ташлангани, Садатнинг ўлимидан сўнг "Жиҳод" ташкилоти ўрта аср ислом халифалигига ўхшаш ислом давлатини ташкил этиш мақсадида Асьют шаҳри устидан назорат ўрнатишга ҳаракат қилгани ҳам бундай хулосаларнинг ўринли эканини тасдиқлайди.

Кураш стратегияси. Мусулмон мамлакатларининг диний экстремизмга қарши кураш стратегияси умуман олганда, ҳар бир давлатга хос бўлган ўзига хос хусусиятлар ва устувор йўналишлардан қатъи назар, билвосита ва бевосита қаршилик кўрсатиш усулларини ўз ичига олади.

Билвосита чораларга расмий диний ташкилотлар билан ҳамкорлик, зўравонликка қарши курашда диний арбоб ва муассасаларнинг аҳамиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берадиган дастурларни киритиш мумкин.

Бевосита қаршилик кўрсатиш ўз ичига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан кўриладиган чораларни, аксилтеррорчилик қонунларини қабул қилиш, улардан кенг фойдаланиш каби тадбирларни олади. Шу ўринда, масалан, Миср қонунчилиги диний асосда партиялар ташкил этишни тақиқлашини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, давлат ноқонуний равишда қурол сақлаганлар, зўравонликни тарғиб этувчилар, радикал исломни молиявий қўллаб-қувватловчиларга нисбатан қаттиқ маъмурий-жиноий чораларни қўллашини ҳам қайд этиш лозим.

1990-йилларда зўрлик ва террор ҳаракатларининг кучайиши эса Миср ҳукуматини “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун каби бир қатор янги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мажбур қилди. Бундай махсус Қонуннинг қабул қилиниши хавфсизлик идораларига кўпроқ эркинлик бериш ва улар олиб бораётган фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ эди.

Миср тажрибаси ҳақида гап кетар экан, яна қуйидагиларни таъкидлаш зарур.

1970-йилларда бошланган либераллаштириш сиёсати доирасида Миср Араб Республикасида кўппартиявийлик тизими яратилган эди. Бироқ Миср қонунчилиги диний асосдаги партиялар тузишни тақиқлагани учун ҳам исломчилар мамлакат ички сиёсатида қатнаша олмаган эди.

Президент Муборак томонидан 1980 йилларда ишлаб чиқилган стратегия “Мусулмон биродарлар” ва бошқа ислом гуруҳларига парламентга якка тартибда ва қонуний фаолият кўрсатаётган бошқа партиялар билан иттифоққа киришган ҳолда парламент сайловларида иштирок этиш, ўз газеталарини нашр этиш, ОАВда ўз овозига эга бўлишга йўл қўйиб берди. У ислом жангарилари билан ал-Азҳар шайхлари ўртасида телевидениедаги баҳсларни молиявий таъминлади.

Бироқ радикал ислом ташкилотларининг хорижда яшаётган етакчилари мавжуд тузумни кучсиз деб билар, уни қулатиш учун мамлакат ичида озгина қўзғалиш бўлса кифоя деб ҳисоблар эди. Шу сабабли радикал ислом гуруҳлари мамлакат ичида

ҳам, ташқарида ҳам террорчилик ҳаракатлари содир этишнинг юқори суръатини сақлаб қолишга интилдилар. Жумладан, сайёҳларга нисбатан террор амалиётини қўллаш кучайди. Исломчилар давлатнинг иқтисодий қувватини издан чиқариб, сўнг мамлакатнинг қонуний ҳукуматини қулатишга ҳаракат қилмоқдалар. Давлатга қарши очиқ қуролли кураш шароитида исломчилар одамлар кўп тўпланадиган жойларда портлатишларни амалга ошириш, сайёҳларга ҳужум уюштириш, автобус ва поездларни ўққа тутишда давом этмоқдалар. Давлат томонидан амалга оширилган ҳимоя чораларига қарамасдан радикал ислом ташкилотларининг қибтийлар ва насронийларга қарши террорчилик ҳаракатлари ҳам ўсиб бормоқда.

Радикал ислом ташкилотлари фаоллиги ва улар амалга ошираётган ҳаракатларнинг хавфи ўсиб бораётгани ҳамда олдин қабул қилинган чораларнинг етарли самара бермаётганини инобатга олиб, Миср ҳукумати ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари терроризм ва радикализмга жиддийроқ ёндашишга мажбур бўлдилар.

Мусулмон мамлакатларининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш стратегиясида ишсизлик, кам таъминланган оилаларнинг яшаш даражасининг пастлиги, саводсизлик, уй-жой етишмаслиги каби муаммоларни ечишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилаётганини қайд этиш лозим. Масалан, Миср ҳукумати мамлакатнинг қолоқ туманлари ва вилоятларини ривожлантиришга қаратилган ва устувор йўналишларни ўз ичига оладиган аниқ дастур ишлаб чиқишни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда. Покистонда ҳам террорчиликни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, айниқса, Афғонистон билан чегарадош ҳудудларга татбиқан, қашшоқлик ва ижтимоий қолоқликни тугатиш асосий масала сифатида эътироф этилмоқда.

Бундан ташқари, мусулмон мамлакатлари диний экстремизм ва зўравонлик муаммоларини илмий ва кенг қамровда ечиш бўйича амалий ишларни ташкил этмоқда. Жумладан, илмий-текшириш институтлари ва стратегик марказларда бу муаммонинг илмий-тизимли таҳлилига катта эътибор берилмоқда. Мисрда

терроризмга қарши кураш бўйича Халқаро марказ ташкил этилнани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Диний ташкилотлар устидан назорат ўрнатишга қаратилган амалиёт. Мусулмон мамлакатларининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича тажрибаси таҳлили диний радикализмнинг ижтимоий-иқтисодий заминини йўқ қилиш ва ёшларга таянишдан маҳрум этиш, сиёсий, ахборот, диний, маданий ва ёшлар муассасаларининг ушбу муаммони ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, диний дастурлар ва фанларнинг ўқитилишини қаттиқ назорат қилиш орқали ислом ташкилотларининг университетлар, талабалар ва касаба уюшмалари ичидаги таъсирини жиддий камайтиришга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади.

Шунингдек, исломчиларнинг радикал ғояларининг асоссизлигини кўрсатиш, тарқалишининг олдини олишда соф исломга даъват қилувчи, радио ва телевидениеда ташкил этилаётган диний семинар ва мунозараларда фаол қатнашаётган, халқ орасида машҳур диний уламоларнинг чиқишларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Бу жараёнда ҳар бир мамлакатда муайян ўзига хосликлар кузатилиши, табиий, албатта. Масалан, Индонезияда экстремизмга қарши олиб борилаётган курашда радикал исломчиларнинг йирик вакиллари, жумладан, ҳозирда қамоқда бўлган Абу Бакар Башир томонидан ташкил этилган ислом мактабларини ёпиш чоралари кўрилаётгани бунга мисол бўла олади. Шунингдек, 2002 йилда Бали оролида содир этилган ва 200 дан ортиқ кишининг умрига хазон қилган портлашларнинг ташкилотчиларидан бири Имом Самудра томонидан ёзилган ва жангарилик ғояларига бой бўлган китобларни босиш ва тарқатиш ман этилганини ҳам қайд этиш зарур.

Бундай ҳаракатлар ҳозирда ҳукумат ва уламоларнинг диний экстремизмга қарши биргаликда олиб бораётган ишларининг бир қисми сифатида қаралмоқда. Умуман олганда, Индонезияда "Полиция иштирокида кучга ва мусулмон уламоларининг фаол иштирокида мафкурага таяниб иш олиб бориш - экстремизмга қарши курашнинг икки фронти” сифатида эълон қилинганини таъкидлаш лозим.

Радикал қарашларга қарши кураш бўйича етакчи мусулмон уламолари иштирокида гуруҳ шакллантирилгани ҳам бу йўлда амалий ишларга ўтилганининг исботи бўла олади.

Мисрда эса ҳозирги кунда “хусусий” ёки “халқ масжидлари” деб аталадиган масжидларнинг фаолияти ва сиёсий фаоллиги кучайгани туфайли давлат томонидан уларнинг фаолиятини назорат қилишни босқичма-босқич Вақф вазирлигига ўтказила бошлаши баробарида уларга ал-Азҳар университетини битирганларни имом қилиб тайинлаш, қишлоқлардаги Қуръонни ўрганиш марказларида саводсизликни тугатишни тарғиб қилиш ҳам давлатнинг дин соҳасидаги сиёсатининг узвий қисмига айланиб бормоқда.

Давлат дастурига кўра, барча масжидлар Вақф вазирлиги қарамоғига ўтказилиши лозим. Бу тадбирлар кўплаб хусусий масжидларни назорат қиладиган ва шу ерда янги аъзоларни жалб қиладиган радикал ислом ташкилотлари ва гуруҳларининг таъсирини камайтиришга қаратилган.

Унинг яна бир мақсади жамиятнинг чаласавод, ўрта ва қуйи табақаларини радикал диний ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишдан иборат. Бундан ташқари, мазкур жараёнда жума намозида ўқиладиган маърузалар, уларнинг мазмунан бир хиллигини таъминлаш орқали назорат қилинаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Шунингдек, масжидлар ва имомлар фаолияти “Масжидлар фаолияти тўғрисида”ги қонунга биноан хутбалар ва диний фанларни ўқитишни мажбурий лицензиялаш жорий қилинганини, закот йиғиш назорат остига олинганини ҳам қайд этиш лозим.

Бироқ ушбу тадбирларни молиявий таъминлаш ва ал-Азҳар университетини битирган юқори малакали диний ходимларнинг етишмаслиги билан боғлиқ бир қатор сабаб ва қийинчиликлар бу сиёсатнинг самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Закот қўмиталари, хусусий эҳсонлар ҳисобига моддий таъминланадиган ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланадиган масжидларнинг катта қисмини назорат қилиш ҳам муайян қийинчиликларни туғдирмоқда.

Терроризмни озиқлантираётган ижтимоий-иқтисодий омилларни бартараф этиш. Террорчи ташкилотлар аъзоларининг мутлақ кўпчилигини жамиятдаги ўрни ва мавқеини аниқлаб белгилаб ололмаган (маргиналлашган)

ижтимоий қатламларга мансуб 16–30 яшар ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам, дунёнинг деярли барча мамлакатларида аҳолининг қашшоқлашувига терроризмни озиқлантирувчи омиллардан бири сифатида қаралмоқда ва уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Экстремистик ғоялар ёйилишининг олдини олишга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Мисрда ҳукумати ва раҳбарияти ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлигини пасайтиришга ва 70 фоизи қашшоқликда яшаётган аҳолининг аҳволини яхшилашга қаратилган бир қатор дастурлар ва тадбирларни амалга оширмоқда. Миср ҳукумати радикал ислом ташкилотларини қашшоқлик, ишсизлик, аҳолининг табақалашуви каби асосий таянч нуқталаридан ва мазкур муаммолар учун жавобгарликни ҳозирги ҳукумат бўйнига юклаш имкониятидан маҳрум қилишга ҳаракат қилмоқда.

Шу билан бирга, давлат аҳоли учун асосий (нон, ун, шакар, ўсимлик ёқи ва шу каби) озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, ойлик маошга қўшимча тўловлар ҳамда сувдан бепул фойдаланиш кабиларни дотациялаш(давлат томонидан молиявий кўмаклашиш)да давом этмоқда. Шунингдек, ҳукумат уй-жой, олий маълумот олиш, дори-дармонларга ҳам ўртача нархни сақлаб туришга ҳаракат қилмоқда.

Имтиёзли тиббий хизмат ва дори-дармон билан таъминлаш, бепул мактаб таълими кабиларни ўз ичига олган ижтимоий дотация ва имтиёзлар тизими ҳам ривожлантириб борилмоқда.

Умуман олганда, кўрилган бу чоралар нисбатан бўлса-да, ижтимоий адолатни ва мамлакат аҳолисининг қуйи табақасига яшаш учун зарурий маблағнинг энг кам миқдорини таъминлашга қаратилган.

Юқоридаги каби тадбирлар доирасида муайян мамлакатларга хос бўлган хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, диний экстремизмга қарши курашнинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган чоралар қаторида 1997 йилда Мисрда қабул қилинган “Ерни ижарага олиш тўғрисида”ги қонун алоҳида аҳамиятга эгалигини таъкидлаш зарур. Мазкур қонун мавжуд сулолалар ва оилаларнинг

таъсир қувватини пасайтириш баробарида ҳукуматнинг фаллоҳ (деҳқон)ларнинг ички миграциясини таъминлашга йўл очади.

Сулолавий алоқаларнинг сусайиши эса, ўз навбатида радикал ислом ташкилотларининг қишлоқ жойларидаги мавқеини йўққа чиқаради. Шу йўл билан, мазкур Қонун жойлардаги кескинлик ва ишсизликнинг муайян даражада бўлса-да, пасайишига замин яратади.

Халқаро майдондаги ҳаракатлар. Диний экстремизм ва терроризм муаммоси билан дуч келаётган мусулмон мамлакатлари ушбу масалани турли халқаро форумларда кўтариш билан дунё жамоатчилиги диққатини уни ҳал этишга қаратиб келмоқда.

Шунингдек, радикал кайфиятдаги исломчилар яшаётган давлатлар билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш ва жиноятчиларни алмашиш бўйича икки томонлама келишувларни имзолашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, араб давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасидаги сиёсатни тартибга солиш ва терроризм муаммосини араб давлатлари Ички ишлар вазирлари мажлисларининг долзарб мавзусига айлантириш йўлидаги ҳаракатлар ҳам шу йўналишдаги ишларнинг узвий қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга, радикал ислом ташкилотлари ва гуруҳлари етакчилари ҳаракатларини мунтазам асосда кузатиб бориш, улар жойлашган давлатни бу ҳақда огоҳлантириш каби йўналишда ҳам иш олиб борилмоқда. Масаланинг бу жиҳати хусусан Миср учун ниҳоятда муҳимдир. Зеро, 1990-йилларнинг бошларида Афғонистон ва Покистонда “Мусулмон бирodарлар”, “Ал-Жиҳод ал-Исломия” ва “Ал-Жамоа ал-Исломия” каби Миср исломий ташкилотлари томонидан ташкил этилган 20 га яқин лагерлар фаолият олиб борган эди. У ердан қайтиб келган жангарилар радикал ислом ташкилотларига қўшилиб, фуқаролар ва мамлакат учун хавф-хатарнинг ортишига олиб келар эди.

Аммо қидирилаётган террорчи унсурлар яширинган хорижий давлатлар билан олиб борилаётган музокаралар доим ҳам ижобий натижалар бермаётганини таъкидлаш зарур. Айрим Европа мамлакатлари демократик тамойил ва

эркинликларга риоя этиш байроғи остида исломчиларга сиёсий бошпана бериб, йиғилишлар ўтказиш ва фаолият кўрсатиш учун шароит яратиб бермоқда.

1990-йилларнинг бошларида кўтарилган ва зўравонликлар занжирини вужудга келтирган ислом экстремизми тўлқини бугунги кунда бирмунча сусайгандек туюлса-да, ҳамон диний радикализм реал хавф сифатида сақланиб қолмоқда. Хусусан, радикал ислом ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида, айниқса, унинг чаласавод қатлами орасида миллатлараро ва динлараро келишмовчиликларни келтириб чиқаришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишлари давом эттирилаётганини таъкидлаш зарур.

Умумий хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, терроризмга қарши курашнинг хорижий тажрибаси кенг қамровли ҳодиса бўлиб, уни ўрганиш, ибратли жиҳатларини ўзлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш мавжуд давлатларнинг барчаси учун бир хилда фойдали ва шунинг учун ҳам, муҳим аҳамиятга эгадир.

Таянч тушунчалар

Мусулмон мамлакатлари, қарши кураш, қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, диний экстремизмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қайси мамлакатлар аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этади?

2.Бугунги кунда фаолият олиб бораётган қандай диний экстремистик ташкилотлар мавжуд?

3. Диний экстремизм ва терроризмнинг мусулмон мамлакатлари учун хавфининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

4. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш борасида мусулмон дунёси мамлакатлари томонидан қандай ҳаракатлар олиб борилмоқда?

5. Мусулмон мамлакатларида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида қандай сиёсий-ҳуқуқий асослар яратилган?

YI боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТЛАР

Диний экстремизм ва терроризмнинг минтақада намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари диний эркинликларга кенг йўл очилди. Ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги қонун йўли билан кафолатланди. Бугунги кунда мамлакатимизда турли диний конфессияга мансуб диний ташкилотлар, шу жумладан, олий ва ўрта маҳсус диний билим юртлари фаолият юритаётгани, фуқароларнинг эмин-эркин диний амалларни бажараётгани бунинг ёрқин исботидир.

Бироқ, бугунги кунда сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган баъзи гуруҳлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказмоқда. Экстремистларнинг 2005 йил май ойида Андижонда амалга оширган террорчилик ҳаракатлари, 2006 йилнинг май ойида Қирғизистоннинг Боткент тумани ва Тожикистоннинг Исфара туманида чегарачиларга, август-сентябрь ойларида Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига қуролли ҳужум уюштиришлари оқибатида бегуноҳ одамлар халок бўлди, халқ осойишталиги бузилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан Афғонистон диний экстремизм ва фундаментализмнинг йирик ўчоғига айланди. Айрим йирик давлатлар ўзларининг геосиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш илинжида Афғонистондаги радикал исломчиларни амалда қўллаб-қувватлади.

Марказий Осиёга диний экстремизмнинг кириб келишида Афғонистон дарвоза вазифасини ўтади. Диний-экстремистик гуруҳларнинг бош мақсади – “халифалик” давлати тузиш шиори остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашдир. Ҳозирги кунда кўпроқ “Ўзбекистон ислом ҳаракати” (иккинчи номи - Туркистон ислом ҳаракати), “Ҳизбут таҳрир”, “Акромийлар”, “Нурчилар” ва “Таблиғчилар” каби диний экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг фаолияти кузатилмоқда.

Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонда бундай таҳдиднинг юзага келишига қуйидагилар сабаб бўлди:

– “қайта қуриш” даврида нафақат сиёсий ва иқтисодий инқироз, балки мафкуравий парокандалик ҳам юзага келган эди. Совет империяси барбод бўлгач эса, мафкуравий бўшлиқ ўзининг хатарли оқибатларини намоён қилди;

– эътиборли диний уламолар ўрнини сохта “исломчилар” эгаллашга интилишлари ва улар томонидан ислом асослари бузиб талқин қилиниши бошланди;

– аҳолининг ислом динига бўлган катта қизиқишидан фойдаланиб, халқаро экстремистик марказлар томонидан минтақада диний мутаассиблик руҳидаги адабиётларни тарқатиш кенгайтирилди;

– дин ниқоби остида фаолият олиб борувчи, аслида айрим давлатларнинг ғаразли геосиёсий ва геостратегик қарашлари натижаси ўлароқ шаклланган, қўпорувчилик мақсадини кўзлаган турли оқим ва йўналишларга мансуб хорижий даъватчилар минтақага ўз ғояларини олиб кира бошладилар;

– минтақа давлатлари чегараларининг мустаҳкам эмаслиги турли экстремистик кучларга наркотрафик, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси орқали молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олишга ва минтақа бўйлаб эркин ҳаракат қилишга замин яратди.

Қисқа қилиб айтганда, шўро давридан мерос бўлиб қолган оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар юки юқорида қайд этилган сабаблар билан қўшилиб диний экстремистик оқимларнинг шаклланиши ва фаоллашувига қулай шароит яратди.

Умуман олганда эса, диний экстремизм минтақада яширин, кейинроқ очиқ-ошкора ташвиқот ва зўравонликка асосланган фаол ҳаракатлар, сўнг унга қарши қаратилган чора-тадбирлар натижасида яна ўта махфий ишлаш асносида тарғибот олиб бориш ва қўпорувчилик хуружларини содир этишдек сифатий босқичларни босиб ўтди, дейиш мумкин.

Диний экстремистик оқимларнинг ғаразли мақсадлари. Диний экстремистик ташкилотларнинг асосий мақсад ва фаолият услублари қуйидагилардан иборат:

- аҳолига ҳанафийлик мазҳабига зид мутаассиб ва сиёсийлаштирилган диний ғояларни сингдириш. Бунинг учун аҳоли ичида ақидапарастлик ғоялари ва “Ҳизбут таҳрир” гуруҳининг таълимотлари даъват қилинади, “жиҳод”, “шаҳидлик” ғоялари тарғиб қилинган адабиёт, видео ва аудио тасмалар тарқатилади, яширин “ҳужралар” ташкил қилиниб, ўқиётганларга мутаассиб тушунчалар сингдирилади;

- ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш. Бунинг учун аҳоли ичида ва хорижий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, жумладан, диний сиёсат, имомларнинг фаолияти бўйича иғво маълумотлар тарқатилади, шунингдек, яширин гуруҳлар тузилиб, улар томонидан ақидапарастлик руҳидаги диний ташвиқот юритилади, террорчилик амалиётлари амалга оширилади;

- хорижда фаолият юритаётган диний-экстремистик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, улар ёрдамида жангарилар тайёрлаш.

Кейинги йилларда диний-экстремистик ташкилотлар фаолияти, террорчилик амалиётида ўз-ўзини портлатиш усулини қўллаш ҳаракатларига аёлларнинг кўпроқ жалб қилиниши кузатилмоқда.

Минтақамизда бир қатор диний экстремистик ташкилотлар фаолият олиб боришга интилмоқда. 1996 йилда ташкил топган **“Ўзбекистон ислом ҳаракати”** гуруҳининг мақсади – қурол кучи билан Марказий Осиё, Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикаларини бирлаштирувчи “Буюк Ислом амирлигини” тиклаш. Таркибига 1992–1993 йилларда фаолияти тугатилган **“Адолат”** ҳаракати каби қатор диний-экстремистик ташкилотларнинг собиқ фаоллари кирган, ЎИҲ аъзолари Бирлашган тожик мухолафати (БТМ) тарафида фуқаролар урушида иштирок этди. Низо ҳал қилиниши жараёнида ЎИҲ дала қўмондонлари Тожикистон ҳукумати ва БТМ ўртасида имзолаган битим шартларини бажаришдан бош тортдилар ва улар Тожикистонни тарк этиб, Афғонистон ҳудудига ўтиб кетдилар.

Жаҳоннинг қатор мамлакатларида ЎИҲ расмий равишда террорчилик ташкилоти, деб тан олинган. Чунончи, у АҚШ Давлат департаменти томонидан тайёрланган ва Конгресс тасдиқлаган хорижий террорчилик ташкилотлари

рўйхатига киритилган. Шундан келиб чиқиб, ташкилотнинг аниқланган барча молиявий ҳисоблари “музлатилган”. Россия Федерацияси Олий суди ва Бош прокуратураси ҳам ўзининг 2003 йил 14 февралдаги қарори билан уни террорчилик ташкилоти сифатида эътироф этган. Мазкур гуруҳ “ал-Қоида” ва «Толибон» ҳаракати билан яқин алоқага эга.

“Ўзбекистон ислом ҳаракати” гуруҳи жангарилари 1999 йили Тошкент шаҳри ва вилоятида, 2000 йили Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, шунингдек, 1999, 2000 ва 2006 йиллари қўшни Қирғизистон, 2006 йили Тожикистон ҳудудида террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган.

“Ҳизб ат-таҳрир ал-исломий” – (“Ислом озодлик партияси”) ташкилоти демократия, конституция, сайловни инкор этади, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда халифаликка асосланган тузумни ўрнатишни мақсад қилиб белгилаган. “Ҳизбут-таҳрир” ташкилоти асосан яширин “халқалар” тузиш, оғзаки ва варақа тарқатиш орқали экстремистик ғояларни тарғиб қилади. Шу билан бирга, гуруҳ террорчи гуруҳлар учун “зомбилаштирилган” жангарилар етказиб бериш билан ҳам шуғулланади. Масалан, 2006 йили Ироқда ўлдирилган “ал-Қоида”нинг Ироқдаги бўлимининг раҳбари Абу Мусо Зарқавий ҳам аввал “Ҳизбут таҳрир” аъзоси бўлган. 2004 йили Россия, 2006 йили эса Қирғизистонда қўлга олинган “ҳизбчилардан” ўқ отар қурол, портловчи моддалар ва ўқ-дори топилган.

“Ҳизбут-таҳрир” аввало, ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган тушунтириш ишларини олиб боради. Бунда ҳизбчи ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотига даъват этади. Қолаверса, жамиятда содир бўлаётган у ёки бу шаклдаги қийинчиликлар, турли табиий офатлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб, агар исломнинг саҳиҳ ҳукмлари бўлганда эди, бундай ҳодисалар рўй бермас эди, қабилидаги фикрлар билан ғаразли ниятларини амалга оширишга интиладилар. Бошқача айтганда, уларнинг наздида ҳужум фикрга қаратилмоқи лозим. Бу ҳужум фикрий курашга, фикрий кураш, ўз навбатида, фикрий инқилобга олиб бориши керак. Фикрий инқилобнинг орқасидан эса сиёсий

инқилоб содир бўлади. Мазкур вазифани адо этган авлоднинг ўзи ҳокимият тепасига келади.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун ташкилот 1989 йилдан бошлаб “ал-Ваъй” (“Онг”) номли ойлик нашрини турли тиллардаги таржимаси билан давомий чиқариб келмоқда.

Айни пайтда, “Ҳизбут-таҳрир” курашни **уч босқичда** олиб боришни кўзлайди. Улардан **биринчиси** “тасқиф” – тушунтириш ишлари босқичидир. Унда ҳали онги тўлиқ шаклланмаган, фикри заиф, таъсирга берилувчан ёшларни тузоқга илинтириш, ҳуқуқ-тартибот ва ҳокимият идораларидаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдиришдек мақсадларга эришиш кўзланади.

Иккинчи – “тафоул” – биргаликда ҳаракат қилиш босқичида фикрий кураш орқали “Умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши” йўлида фикрий инқилобга етишиш назарда тутилади.

Учинчи – “инқилоб” – тўнтариш босқичида эса, тарбияланган уммат орқали ҳокимиятни қўлга киритиш мўлжалланади.

Юқоридагилардан “Ҳизбут-таҳрир” ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимият тепасига келишга интилиши, ягона халифалик давлатини қуриш, унинг асосий ва сўнгги мақсади экани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам, “Ҳизбут-таҳрир”нинг расмий фаолият кўрсатиши деярли барча мусулмон мамлакатлари, жумладан, араб давлатларида расман тақиқланган.

“Ҳизбут-таҳрир” партиясини қўллаб-қувватлайдиган уламолар ислом дунёсида жуда озчиликни ташкил этади. Аксинча, уни инкор этадиганлар сон-саноқсиз. Бу партиянинг ғояси ва дастури ҳанузгача дунёнинг бирорта мамлакатида маъқулланмаган. Унинг ўзи расмий ташкилот сифатида тан олинмаган, балки илк таъсис топган масканидан тортиб, дунё мамлакатларининг ҳаммасида унинг фаолияти тақиқланган. Исломда эса, озчиликнинг эмас, кўпчиликнинг фикрига қўшилишга буюрилган. “Менинг умматим ёппасига адашиб, залолатга тушиб қолмайди, қачонки, улар орасида қарама-қаршиликни кўрсаларингиз, сизлар кўпчилик томонида бўлингиз!”, – деган саҳиҳ ҳадис ҳам ушбу фикрга далил бўлади.

Республикамизда фаолият юритишга интилаётган бошқа оқимларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадлари ҳам юқоридагидан деярли фарқ қилмайди. Масалан, “жиҳодчилар”нинг мақсади диний ҳолатни пайғамбар давридаги кўринишга қайтариш, яъни, дин, мусулмончилик ўша даврда қай ҳолатда бўлган бўлса, бугун ҳам шундай қолиши керак, деган даъвода яққол намоён бўлади. Бундай тузум бугун қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини “Толибон” ҳаракати Афқонистонда олиб борган сиёсати ва унинг оқибатлари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

“Акромийлар” гуруҳи асосчиси – Акром Юлдашев «жиҳодчилар»нинг Андижондаги ғоявий раҳнамоси Абдували Мирзаев шогирдларидан бўлиб, 1990-йилларда «Ҳизбут таҳрир»нинг маҳаллий раҳбари Абдурашид Қосимовдан сабоқ олган.

Кейинчалик А.Йўлдошев «ҳизбуттаҳрир» чилар билан келиша олмай, ажралиб чиққан ҳамда «Ислом низоми», «Иззат ва шараф сари» ва «Халифалик» номли адабиётлардан фойдаланган ҳолда 12 дарсдан иборат «Иймонга йўл» рисоласи ва ҳаракат дастурини ишлаб чиққан.

«Акромийлар» ўз сафларига жалб қилинувчи шахсларга руҳий таъсир ўтказиш ва уларни ғоявий жиҳатдан бирлаштириш мақсадида фаолиятларини қуйидаги асосий даврлар (босқичлар)га бўлган ҳолда амалга оширишлари аниқланган.

«Сирли» ёки «Махфий» (ўз тарафига муносиб номзодлар жалб қилиш); «Моддий» ёки «Иқтисодий» (иқтисодий ёрдам ва иш билан таъминлаш, топган фойдадан 1Ғ5 қисмини жамоа учун «байтулмол»га ажратиш); «Маънавий» ёки «Сиёсий» (ғоявий жиҳатдан қайта ишлов, дин ва сиёсатни қўшиб ўргатиш); «Узвий майдон» (тайёр бўлган аъзоларни «зарур» жойларга қўйиш, фаолият доирасини кенгайтириш); «Охират» ёки «Тўнтариш» (асл ва асосий мақсад: вазият етилгач, мавжуд тузум ўрнига ўз ҳокимиятларини ўрнатиш). Мазкур босқичлар махфий, ижро муддати қатъий белгиланмаган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, «Акромийлар» ҳар бир тузилма учун, биринчи навбатда, молиявий асос яратилиши лозимлигини таъкидлаб, ўз ҳаракатларини ривожлантириш мақсадида «биродарлар» даромадининг 20 фоизидан тушадиган

маблағлар жамғармасини ташкил этганлар. Жамғарманинг асосий қисмини янги иш ўринларини ташкил этиш ва аъзолар сафини кенгайтиришга сарфлаганлар.

Ҳибсга олинган А.Йўлдошев амнистия туфайли 1998 йил декабрида озодликка чиқиб, ўз издошлари билан биргаликда «ашёвий далил» бўлиши мумкин бўладиган барча адабиётларини йўқотиб юборишга эришган.

1999 йилда А.Йўлдошев бошчилигида «акромийлар»нинг бир қатор раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг, оқим фаолиятида тубдан ўзгаришлар юз берган. Шу даврга қадар «биродарлар»га «Иймонга йўл» китобидан сабоқ бериб келинган бўлса, эндиликда ушбу ўқув дарслиги йўқ қилиниб, дарслар оғзаки равишда, аммо кўрсатиб ўтилган китобнинг моҳияти бўйича олиб борилган.

Янги таҳрирда тайёрланган «Иймонга йўл» рисоласида фалсафий-мантиқий баён услуби танланган. Бундан диний ва дунёвий, хусусан, фалсафий илмлардан узоқ бўлган кишини мантиқ, ақлга оид мавҳум мавзулар олдида осон таслим қилишдек мақсад кўзланади. Шунингдек ушбу рисолада имон масаласида юртимизда азалдан анъанавий ҳисобланиб келган ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимотига зид ақидалар ҳам кўплигини қайд этиш зарур.

Буни китобнинг 3-дарсидаги қуйидаги фикрда ҳам кўриш мумкин:

«Иймон комил бўлиши учун, тилда айтилган нарса амалда тасдиқланмоғи шартдир».

Ҳанафий мазҳаби ва мотуридия таълимотига кўра, имон шарти 2 та: Аллоҳнинг бирлиги ва Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар эканига тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлаш. Имом Мотуридий «Имоннинг жойи қалбдир», деганлар. Буюк ватандошимиз Абу Ҳафс Насафий айтадилар: «Мўминлардан бўлган гуноҳкорлар дўзахда абадий қолмайдилар. Имон Аллоҳ таоло ҳузуридан келган нарсаларга қалбдан ишониш ва уни тил билан иқрор қилишдир. Агар бандада шу икки шарт бўлса, у бемалол мен мўминман дейиши мумкин». Демак, дин арконларига амал қилиш имоннинг шарти эмас ва амалсиз одам кофир бўлмайди, балки фақат гуноҳкор бўлади.

Имом Мотуридий ушбу фикрларни ўз даврининг адашган фирқаларидан - хорижий, муътазила ва ҳашвийларга раддия сифатида асосли тарзда изҳор қилганлар.

Тарихда ана шундай адашган фирқалардан бири – хорижийлар ўз йўлларига юрмаган, қўзғолонларида иштирок этмаган мусулмонларни «имонсиз», «кофир» ҳисоблаб, «катта гуноҳ» (кабира) қилганлар имондан чиқади ва улар билан уруш (жиҳод) олиб бориш керак, деб таъкидлаганлар.

Мазкур талқиндаги «имон» ҳам дин арконларига амални ўзларича баҳолаб, «кофир» деб аташ ҳамда оммани уларга қарши қўйишга дастак бўлиб хизмат қиладиган ғоялардан ҳисобланади.

Шунингдек, таълимот «биродар»ларга ўзларини яшириш мақсадида шариатда тақиқланган баъзи амалларни бажаришга рухсат этади.

Акромийлар ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, сартарошхона, новвойхона, дурадгорлик, қандолатчилик, косибчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехларига ишга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар.

Бу оқим ғояларининг тарқалишига бир қатор омиллар ҳам сабаб бўлган. Жумладан, улар иш билан таъминлаш, молиявий муаммолар ечими учун «холис» моддий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг асл мақсадларидан бехабар одамларни ўзларига иқтисодий жиҳатдан боғлаб олишга ва ўз тарафдорларига айлантиришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг тарафдорларидан бўлганлар «А.Йўлдошев ва унинг атрофидагилар бизни иш, яхши маош ва бепул овқатланиш билан таъминладилар», деб чет эл ахборот воситаларига интервьюлар берганидан бу ҳақиқатни англаб олиш қийин эмас.

Акромийлар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини ҳақиқий аъзо бўлмаганлардан сир тутганликлари ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга кўникиб бораверганликларини кўрсатади. Бу йўлдаги амалий даъват услуби бошқа ақидапарастлар ёндашувидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга

асосланади. Акромийларнинг бу тамойилига кўра, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш, ислом давлати қуриш каби гапларни гапириш шарт эмас, балки «ҳаётдаги барча муаммоларнинг ечими Қуръон ва ҳадисда» деб уқтирилса бас. Бу фикрдан «тўғри» хулосани одамлар ўзлари чиқариб олишларига бироз «ёрдамлашиб юборилса» етарли.

Акромийлар янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқ, кичик бўлсада, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар.

Барча мутаассиб ақидапарастлар қатори акромийларнинг ҳам фожеаси шундаки, улар имон, эътиқод, туйғу, тушунча, қалб ва ақл, маънавият билан маърифат, дин ва фалсафанинг моҳиятини ўзларининг ғаразли фикрлари доирасида талқин этадилар. Киши ўз эътиқоди йўлида қанча илмга эга бўлмасин, у аввало ниятни пок қилсин, ниятида эзгулик, самимийлик ва ихлосга жой берсин. Зеро ҳадисларда айтиладики: «Ишлар ниятга мувофиқдир».

Улар кундалик ибодат ва диний турмуш тарзида яшаб келаётганларни ҳақиқий мусулмон деб ҳисобламайдилар, дин аҳллари билан маслаҳатлашиш ёки улардан илм олишни умуман ўзларига эп кўрмайдилар. Ваҳоланки, диёримизда азалдан ислом илмларига чин ихлос билан хизмат қилувчи уламою фузалолар кўп бўлган, улар ҳозирда ҳам кам эмас.

«Ҳизбут таҳрир», акромийлар каби адашган фирқалар турли ташвиқотлар олиб боришларига қарамай, халқимиз орасида эътибор топа олгани йўқ. Чунки, Пайғамбаримиз «Менинг умматим залолатда бирлашмас», деган ҳикматни бекорга айтмаганлар. Ўн тўрт асрдан буён эътиқодида мустаҳкам бўлган халқни нотўғри йўлга бошлаш самарасиз кечиши турган гап. Дин-диёнатимизга шунчалар имкониятлар берилиб турган бир пайтда бу каби тоифалар динга фақат зарар келтирмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек «Биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб

бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, аввалambор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор. Яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак.

“**Таблиғчилар**” дунёвийликни инкор этувчи, сиёсийлаштирилган ва мутаассиб диний мафкурани ташвиқот қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш орқали ўз таъсирини бутун дунёга ёйишни мақсад қилади. Маркази Бангладешда жойлашган. Йирик филиаллари Покистон, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатларга жойлашган. “Таблиғчилар” ҳар йили 40 кун мобайнида уйма-уй юриб ташвиқот ишларини амалга оширади. Улар илгари сураётган ғоялари ҳанафийлик мазҳабига зид бўлиб, ақидапараст гуруҳларнинг ғоялари сингари динда мутаасибликни тарғиб қилади.

Нурчилар. Асосчиси туркиялик Саййид Нурсий Бадиуззамон бўлган мазкур ташкилотнинг асл мақсади – мавжуд ҳокимият учун қарши чиқувчи ўта диний, мутаассиб кишиларни тарбиялашдан иборат.

1942 йилда Туркиянинг Эрзурум шаҳрида туғилган Ф.Гюлен “Нур” ҳаракатининг асосчиси Саид Нурсий вафотидан сўнг унинг ўрнини эгаллагач, нурчиларнинг Измирдаги ҳаракати режаларини ишлаб чиққан ва ҳаракат иштирокчиларининг амалий машғулотларига раҳбарлик қилган.

Ф.Гюлен нотиқлик ва одамларни ишонтира билиш қобилиятига эга шахс. Унинг қаламига мансуб 24 та китоб ва 130 дан зиёд турли видеокассеталар мавжуд. Туркияда Ф.Гюлен ташкил қилган 90 та турли жамғарма, 103 та хусусий мактаб, 211 та ширкат, 160 та ўқув курслари ва 500 га яқин ётоқхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, у “Сизинти”, “Йни умит” ва “Фонтан” каби 14 та журнал, “Заман” кундалик газетаси, “Саманйоли” хусусий телеканали ва икки радиостанцияга эгалик қилади.

Оқим вакиллари ўзларига янги аъзоларни жалб этишда биринчи навбатда, нурчилар жамоаси фаолияти сиёсатдан узоқ деган фикрни сингдиришга ҳаракат қиладилар. Аслида бу бир ниқоб бўлиб, уларнинг фаолияти негизида айнан сиёсатга аралашув ётади. Ташкилотнинг стратегияси узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларга мутассиб диний ғояларни сингдириб бориш ва келажакда уларнинг раҳбар лавозимларга тайинланиши орқали "Нурчилар" жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган.

"Нурчилик" ҳаракати сафларининг асосини ёшлар ташкил этади. Ҳаракат томонидан ташкил этилган оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот натижасида уларнинг сафлари кенгаймоқда. Мазкур оқим аъзолари Ҳиндистон, Покистон ва Малайзия мамлакатларида ҳам пайдо бўлган. Шунингдек, Америкада таҳсил олувчи турк талабалари орасида нурчилар даъватига эргашувчилар борлиги сабабли бу ҳаракат АҚШ ҳудудида ҳам тарқалмоқда. Туркиядан ташқарида, масалан, Германияда Ф. Гюлен тарафдорлари томонидан тил мактаби, иккита ўқув маркази, радиостанция, касалхона ва болалар боғчаси, Голландия ва Швейцарияда – иккита жамғарма, Болқонда – иккита хусусий мактаб, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё давлатларида – 128 та хусусий лицей ва 6 та университет, Яқин Шарқ ва Африкада – 3 та мактаб ва 2 та тил курслари, АҚШда – 2 та ётоқхона ва масжид ташкил қилингани ҳам улар фаолиятининг қамрови тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ф.Гюлен фаолиятининг иқтисодий манбаи бўлиб "Азия Файненс", "Ишик" каби энг йирик суғурта ва кўплаб тижорат компаниялари хизмат қилади ва, одатда, бу ҳомийлар ўз ёрдамларини ошкора қилмайдилар.

Бу оқимнинг юртимизга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб кузатилган. Дастлаб оқим ғоялари туркиялик экстремистларнинг моддий ва маънавий кўмагида етказилган. Айни дамда улар махфий тарзда ҳаракат олиб боришга уринмоқдалар.

Юқорида қайд этилган диний экстремистик гуруҳлар ислом динини "асл ҳолатига қайтариш" даъвати остида босқинчилик, талончилик ва бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш каби террорчилик ишларини амалга оширмоқда.

Мазкур гуруҳларнинг ғоялари жамият ҳаётининг ажралмас бўлаги саналган маънавий ва маданий тараққиётга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ёшлар ва хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларнинг тарқалиш сабаблари. Кейинги пайтларда турли террорчилик ҳаракатларини содир этиш ишларига аёллар ҳам аралашиб қолмоқда. Белларига портловчи моддалар боғлаб, ўзини нобуд қилаётган аёллар сони ортиб бормоқда. Бу каби ишларга қўл уришлари, ўз жонларига қасд қилишлари, умуман, терроризм йўлига кириб қолишларининг асосий сабаби, уларнинг на диний, на дунёвий билимга эга эмасликлари, турли оқимларга нисбатан соф ислом динининг муносабатини билмасликларидир.

Баъзи кишилар аёлларнинг террор йўлига кириб қолишларини моддий қийинчилик, оиладаги етишмовчилик, ишсизлик, кам таъминланганлик, аламзадалик, сиёсатдан норозилик каби қатор ижтимоий ҳолатлар билан боғлашга интиладилар.

Аслида эса, экстремистлар аёлларнинг турли оқимларга кириб, ўзларини ўлдириш даражасигача боришларида уларнинг маънавий-руҳий оламига хос хусусиятлардан усталик билан фойдаланаётганликларини кўриш мумкин. Хусусан, маълумотлар Фаластин ва Кавказда алдаб ёки зўрлаб номусига тегиш орқали уларни маънавий-руҳий жиҳатдан боши берк кўчага киритиб қўйиш, сўнг эса бу гуноҳни ювиш йўли сифатида “шаҳидлик”ни таклиф этиш ва аста-секин ўз-ўзини портлатишга тайёрлаш усулидан кенг фойдаланилаётганини кўрсатади.

Амалиёт, айни пайтда, хотин - қизлар ўз ака-укаларининг таъсирида ҳам бундай ҳаракатларни содир этиш даражасига келганликларини кўрсатади. Жумладан, эркаклар ўзининг диний илмлардан бехабар, ҳар ишда итоаткор аёлига турли оят-ҳадисларни нотўғри талқинда тушунтириши, қўпорувчилик ҳаракати учун жаннат билан мукофотланишини ваъда қилиши, аёлнинг жаннатга кириши эрнинг розилигига боғлиқлигини доимий уқтириши оқибатида аёлларнинг ўзини ва бегуноҳ кишиларни ўлдириб, жиноятга қўл уришлари аниқланган.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларнинг билимлари, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба

ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. “Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!”, – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади.

Ёшлар ва аёллар уларга хос бўлган руҳий хусусиятларни яхши биладиган ва ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланаётган, халифалик тузсак барча муаммоларимиз ҳал бўлади деб юрган ҳизбчиларнинг сафсаталарига учиб, алданиб қолмоқдалар, ўзларини портлатмоқдалар. Ислом таълимотининг асл моҳиятига кўра, бу каби ҳаракатлар мутлақо нотўғридир. Зеро, ЈҚуръони каримда ғўз жонига қасд қилиш энг катта гуноҳлардан экани таъкидланган: «...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради» («Бақара», 195).

Ким бўлишидан қатъи назар, бегуноҳ кишиларни ҳалок этиш улкан гуноҳ экани ҳақида қуйидаги оят хабар беради: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир («Моида», 32).

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадиси шарифда эса ўзини ўлдирган кишининг жазоси янада равшанроқ ёритилган: «Ким ўзини бир темир парчаси билан ўлдирса, қиёмат кунида жаҳаннам ўтида темир парчаси қўлида, абадий равишда у билан ўзини ўлдириб азобланиб ётади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, доимий равишда заҳарланиб жаҳаннам ўтида азобланади. Ким ўзини тоғдан ташлаб юборса, доимий равишда жаҳаннам ўтида ўзини тоғдан ташлаб ўлдириб азобланади».

Жаҳолатга қарши маърифат. Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага айланди. Шу жумладан, бизнинг юртимизда ҳам бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, обод жойлар вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида ваҳима, парокандалик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида бу каби ишларни амалга оширмоқчи бўлганларга қарши

қатъий кураш олиб борилмоқда. Бу курашнинг моҳияти, жумладан, Президентимизнинг “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, **фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда**”,- деган фикрларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Хўш, жаҳолатнинг ўзи нима? У қандай кўринишларда намоён бўлмоқда? Жаҳолат – арабча “жаҳила” феълининг ўзаги бўлиб, билмаслик маъносини англатади. Ислом динидан олдинги даврни “жоҳилият даври” деб аталишининг сабаби ҳам шунда. Кишилар билимсизлиги, жоҳиллиги туфайли қиз болаларни тириклай кўмганлар, аёлларни одам ўрнида кўрмаганлар, уларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаган, жамият жиноят ботқоғига ботган замон бўлган. Ислом дини келгач, жаҳолат ўрнини маърифат эгаллади. У аёл-қизлар шаънини кўкларга кўтарди, уч қиз тарбиялаб, уларни турмушга берган она жаннатий бўлиши, жаннат оналар оёғи остида эканини баралла айтди. Кишилар маърифатли бўла бошладилар.

Афсуски, бугунги кунда ҳам жаҳолат турли кўринишларда ўзлигини намоён қилмоқда. Шулардан бири, диний билимсизликдир. Диний саводи паст бўлган кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг қуруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини қурбон қилишгача етиб бормоқдалар. Бундай мудҳиш оқибатларни келтириб чиқарувчи билимсизликнинг олдини олишга давлатимиз катта эътибор қаратаётганини таъкидлаш зарур. Ҳақиқий диний билим оламан деганларга кенг имкониятлар яратилгани – ўрта махсус ислом билим юртлари, Тошкент ислом институти ва Тошкент ислом университети каби ўқув юртлари фаолият кўрсатаётгани ҳам жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида аниқ амалий ишлар қилинганининг ёрқин ифодасидир.

Жоҳиллик ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардандир. Республикамиз ҳудудига яширин тарзда олиб

кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, тарқатилаётган варақалардан таъсирланаётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Бунинг олдини олишда, Президентимиз қайд қилганларидек, “... бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади”. Шу билан бирга давр фуқароларимизнинг экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун қилаётган ишларимизни мунтазам асосда такомиллаштиришиб боришни талаб этаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир.

Бундай жафокорлик энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Кимдаким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай”, – деган ояти ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ҳам жаҳолат оғир оқибатларни келтириб чиқаришини кўрсатади. Шундай экан, одамлар онги ва қалбида маърифатнинг мутлақ устувор бўлишига эришиш, кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом ва собит эътиқодни шакллантириш учун кураш, бу йўлдаги назарий ва амалий ишларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш, таъсирчанлигини ошириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, Юртбошимиз ўринли таъкидлаганларидек, одамнинг ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятлар, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши ҳар турли мафкураларнинг босими, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош беришининг асосий шарти ҳисобланади.

Таянч тушунчалар

Диний экстремизм ва терроризмнинг минтақада намоён бўлиши, диний экстремистик ҳаракатларнинг ғаразли мақсад ва интилишлари, диний экстремистик ташкилотлар.

Ёшлар ва хотин-қизлар экстремистик ғояларни тарқатиш обьекти, жаҳолат, маърифат, “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиёда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

2. Диний экстремистик ҳаракатларнинг Марказий Осиёга нисбатан қандай ғаразли мақсадларни кўзламоқда?

3. Марказий Осиёда фаолият юритишга интилаётган қандай диний экстремистик ташкилотлар мавжуд?

4. Ёшлар ва хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларни тарқатишга уринишнинг асосий сабаблари ва уларни олдини олиш йўллари ҳақида нима дейиш мумкин?

5. «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясининг диний экстремизм ва тероризмнинг олдини олишдаги аҳамияти нимада?

VII боб. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО СИЁСИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик. Халқаро терроризм – энг оғир жиноят бўлиб, у узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Унга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Масалан, 1934 йилда Мадридда бўлиб ўтган жиноятчиликка оид қонунларни унификациялаштириш муаммоларига бағишланган конференцияда терроризмнинг «Аҳолини даҳшатга солиш ва ҳар қандай ижтимоий ташкиллашувни йўқ қилиш мақсадида бирор бир воситани қўллаш» деган маънодаги таърифи қабул қилинишига эришилган эди.

1937 йилда 20 дан ортиқ давлат терроризмнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар учун жазолаш ҳақидаги Конвенцияни имзолади. Унда терроризм

«давлатга қарши қаратилган, муайян шахслар ёки аҳоли ўртасида қўрқувни келтириб чиқариш мақсадини кўзлаган жиноий фаолият» дея таърифланган эди. Давлат бошлиқлари, уларнинг ҳуқуқидан фойдаланувчи, улар тайинлаган ёки меросхўр бўлган кишилар, қайд этилган шахсларнинг аёллари ҳаёти, соғлиғи, озодлигига тажовуз қилиш, жамоат мулки ёки бошқа давлатнинг мулкига зарар етказиш, оммавий хавф туғдириш билан одамларни ҳалок қилиш ниятини кўзлаш, кўзлаган жиноятларини содир этиш мақсадида қурол-яроғ ва портловчи моддалар сотиб олиш, сақлаш ва етказиб бериш ана шундай жиноят сирасига киритилган эди.

Айни пайтда, террорчиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун 13 давлат суверен тенгликни чегараловчи «Халқаро жиноий судни ташкил этиш» ҳақидаги Конвенцияни имзолади. Шундай бўлса-да, бу ҳужжатларда халқаро террорчиларни тутиб бериш масаласи умуман қўйилмаган, терроризмнинг таърифи эса ҳаддан ташқари кенгайиб кетган эди. Юқоридаги каби қатор камчиликлари туфайли номлари зикр қилинган конвенциялар зарур миқдордаги ратификацияларни тўплай олмади ва кучга кирмай қолиб кетди. Шунга қарамай, улар бу соҳадаги давлатлараро ҳамкорликка озми-кўпми ижобий таъсир кўрсатгани шубҳасиз, албатта. Чунки уларнинг асосий қоидаларидан терроризмга қарши кураш тўғрисидаги миллий қонунларни мукаммаллаштиришда фойдаланилди.

1972 йилнинг май ва сентябрь ойларида содир бўлган воқеалардан кейин халқаро ҳамжамият бу долзарб ва хавфли ҳодисага яна ўз эътиборини қаратди. Терроризм ҳақидаги умумий тушунча ва террорчилик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни жазолаш чораларини белгилаб берувчи ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилди. Ўнлаб давлатларда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди, икки томонлама ва кўп томонлама битимлар имзоланди. Қуролли тўқнашувлар вақтида террорчилик ҳаракатларини қўллаш халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрларига, хусусан, 1949 йилда имзоланган Уруш пайтида оддий фуқароларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Женева Конвенциясига, 1977 йилда қабул қилинган Қўшимча протоколлар қоидаларига кўра ман этилган.

Урушдан кейинги давр террорчилик гуруҳларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши билан фарқланади. Уларнинг ичида «Штерн», «Иргун» (Исроил),

«Яҳудийларни ҳимоя қилиш лигаси» (АҚШ), «Тамил Илам»ни озод қилувчи йўлбарслар», «Баадер-Майнхоф», «Қора интернационал», «Бутун дунё национал-социалистик иттифоқи», «Арманистонни озод қилиш махфий арман армияси» каби уюшмалар кўпчиликка маълум эди. Шунингдек, ҳозирда дунёнинг 60 га яқин мамлакатларида шундай гуруҳлар мавжуд. Жумладан, Европада ҳам «Қизил бригадалар» (Италия), «Қизил Армия фракцияси», «Жангари коммунистик гуруҳлар» (Бельгия), «Аксьон директ» (Франция), «ЭТА» (Испания) каби кўп сонли террорчилик уюшмалари фаолият олиб бормоқда.

Айни пайтда, террорчилик нафақат сиёсий, балки катта миқдорда пул талаб қилиш ва бошқа оддий жиноий мақсадларда ҳам амалга оширила бошланганини таъкидлаш зарур. Натижада, нафақат халқаро муҳофазадан фойдаланувчилар, балки оддий фуқаролар ҳам жабр кўра бошлади. Уларга аҳоли зич яшайдиган жойлар, аэропортлар, метро бекатлари, ресторан ва ибодатхоналарда амалга оширилган портлатишларни киритиш мумкин.

Бундай жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Жумладан, БМТ ҳузурида халқаро терроризм бўйича ташкил этилган Махсус қўмита терроризм сабабларини ўрганиш, бартараф қилиш ва унга қарши кураш борасида давлатлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланмоқда.

1973 йилнинг декабрида БМТ Бош Ассамблеяси халқаро муҳофазадан фойдаланадиган шахслар, жумладан, дипломатик агентларга қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш бўйича Конвенцияни қабул қилди. Унинг 1-моддасига мувофиқ хорижий мамлакатда бўлиб турган давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ташқи ишлар вазири, уларга ҳамроҳлик қилаётган оила аъзолари; махсус муҳофаза ҳуқуқи бўлган давлат вакили ёки мансабдор шахс; ҳукуматлараро халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси ёки агенти ва улар билан бирга яшовчи оила аъзолари халқаро муҳофазада бўладиган шахслар қаторига киритилган.

Одам ўлдириш, ўғирлаш ёки шахс ва унинг эркинликларига бошқа бир шаклда тажовуз қилиш; эркинлиги ёки шахсиятига хавф туғдирган ҳолда расмий идораларга ёки шундай шахсларнинг транспорт воситаларига зўравонлик билан бостириб кириш, эгаллаб олиш; таҳдид, қасд қилиш ва шунга ўхшаш босқинчиликда иштирок

этишдек қасддан қилинган ҳаракатлар эса халқаро жиноят сифатида эътироф қилинади.

Террорчини ўз ҳудудида қўлга олган давлат амалдаги қонунларига кўра уни жиноий жавобгарликка тортиш ёки бошқа давлатга шу мақсадда тутиб бериш учун зарур чораларни кўради. Айни пайтда, кўрилган чоралар ҳақида манфаатдор давлатлар ёки халқаро ташкилотларга маълум қилади. Бундай жиноятлар:

– жиноят шу давлат ҳудудида ёки шу давлатда рўйхатга олинган транспорт воситаси (кема, самолёт ва ш.к.) бортида амалга оширилганда;

– гумон қилинаётган жиноятчи шу давлат фуқароси бўлганда;

– жиноят шу давлат номидан расмий вазифани бажараётган ва халқаро муҳофазадан фойдаланадиган шахсга қарши содир этилганда давлатларнинг юрисдикцияси амалга оширилади.

Қайд этилган ҳаракатларга қарши кураш бўйича сиёсий келишувлар Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши иштирокчиларининг Хельсинки, Мадрид, Вена, Парижда қабул қилган якунловчи актларида ўз ифодасини топган.

Айни пайтда, террорчилик хуружларининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги Америка давлатлари ташкилоти (1971 й.), Европа давлатлари (1976 й.) ва Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлиги ассоциацияси (1987 й.) томонидан қабул қилинган учта минтақавий Конвенция ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Европа иқтисодий ҳамжамияти таркибида терроризм бўйича Ташқи ишлар вазирлари Қўмитаси ҳам фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш зарур.

Бу йўналишда ҳамкорлик қилишга интилиш мусулмон дунёси мамлакатларига ҳам хосдир. Кўплаб араб-мусулмон давлатлари Ички ишлар ва Адлия вазирлари томонидан 1998 йилда имзоланган терроризмга қарши кураш бўйича Араб битимини қабул қилишган.

Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳам ҳозирда шунга ўхшаш Битимни яратиш устида ишламоқдалар. Бу мамлакатлар томонидан терроризм билан курашни ташкил этиш, ноқонуний йўллар билан топилган пулларни легаллаштириш, шубҳали тадбирларга пул йиғишнинг

олдини олишга қаратилган бир қатор чоралар кўрилган. Кўплаб қўшни давлатлар билан хавфсизликни таъминлаш соҳасида бир қатор битимлар ратификация қилинган. Бу битимлар экстремизм ва терроризм билан кураш, шунингдек, жиноятчиларни тутиб беришга алоқадор қоидаларни қамраб олади.

Бундан ташқари, Жазоирда террорчилик ҳаракатларидан азият чеккан фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, терроризм ва экстремизмга қарши кураш қурбони бўлганларга товон пули тўлаш масалаларига бағишланган ҳужжатлар қабул қилинган.

Бироқ ҳали ҳам халқаро терроризм тушунчасининг моҳияти, ҳуқуқий табиати ва уни содир этганлик учун жавобгарликни белгиловчи ягона универсал келишув ҳам, халқаро террорчилик хуружларини характерловчи тўла рўйхат ҳам йўқ.

Халқаро битимларни таҳлил қилиш:

– элчихоналар, халқаро ташкилотларнинг миссиялари ёки ваколатхоналари штаб-квартираларини портлатиш;

– мулкка зарар етказиш ёки йўқ қилиш, одамларни жароҳатлаш ва ўлдириш мақсадида кўчалар, аэропортлар, вокзаллар, маданият марказлари, саноат иншоотлари, савдо-сотиқ ва касбий фаолият учун мўлжалланган биноларда содир этиладиган қўпорувчилик ҳаракатлари;

– юк, бандерол, хат ва почта орқали юбориладиган бошқа нарсаларга портловчи мосламаларни ўрнатиб, қасддан фойдаланиш;

– жамоат биноларига нисбатан содир этилган ҳар қандай қўпорувчилик ҳаракати;

– халқаро террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш мақсадида фитна уюштириш ва унинг ҳар қандай кўринишида иштирок этишни халқаро террорчилик хуружлари қаторига қўшиш имконини беради.

Бошқа манбаларда эса, одамларни гаровга олиш, қароқчилик, фуқаролар авиациясига қарши йўналтирилган ҳодиса, шунингдек, ядровий хом-ашёларни ноқонуний қўлга киритиш ва ишлатиш кабилар ҳам халқаро террорчилик амалиётлари қаторига киритилган.

Халқаро терроризм катта хавф туғдириши, кенг тарқалгани ва амалга ошириш шаклларининг хилма-хиллиги туфайли ҳам давлатлар унга қарши курашиш учун махсус конвенциялар қабул қилишда давом этмоқдалар ва бундай хуружларни халқаро жиноят деб таърифламоқдалар.

Кишилик жамияти ривожининг ҳозирги босқичида терроризм, жумладан, диний-сиёсий моҳиятга эга экстремизм ва терроризмнинг глобаллашуви, уларнинг тобора халқаро миқёсдаги воқеликка айланиб бораётгани дунё ҳамжамиятининг мазкур муаммога бўлган эътиборини янада оширмоқда, унга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда.

Мазкур муаммонинг БМТ, ЕХҲТ, НАТО каби нуфузли халқаро институтлар фаолиятидаги ўрни узлуксиз ошиб бормоқда. Терроризмга қарши курашни фаоллаштириш, унинг самарасини оширишга қаратилган ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар, битимлар, конвенциялар қабул қилинмоқда, ташкилотлар ҳамда ижро тизими яратилмоқда. Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг охирги йилларда қабул қилинган 1368, 1373 ва 1377-қарорлари мазкур муаммонинг турли қирраларини қамраб олган бўлиб, дунёнинг мутлақ кўпчилик давлатлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Уларда белгиланган мақсадларга эришишнинг амалий йўллари изланмоқда. МДҲнинг Аксилтеррор маркази ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тузилмалари шундай институтлардан бўлиб, уларнинг яратилиши ва бугунги фаолияти, кўп жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси ташаббуслари самарасидир.

Терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бу курашда илғор ҳисобланган мамлакатлар тажрибасида ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Масалан, 1958–1999 йиллар давомида АҚШда қабул қилинган 40 та ҳуқуқий ҳужжат у ёки бу даражада терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлашни кўзлайди. Уларнинг энг муҳимлари қаторига махсус «Президент директиваси» (1995 й.) ва «Терроризмга қарши кураш ҳақидаги қонун»ни (1996 й.) киритиш мумкин.

Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмдан катта талафот кўраётган айрим бошқа давлатлар, жумладан, Исроил, Россия, Миср ва Ўзбекистон ҳам ана шу йўлдан бормоқда. Ушбу мамлакатларда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда бошқа

ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли давлат идоралари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасаларининг тайёрланаётган қўпорувчилик хуружларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишдаги имкониятларини кенгайтиришни кўзлайди. Мазкур йўналишдаги халқаро тажрибанинг амалий натижалари махсус аксилтеррор ҳарбий бўлинмаларини тузиш, алоҳида аҳамиятга эга объектлар, жумладан, ядровий муассасалар, йирик сув ҳавзалари, оммавий жамоат жойлари ҳимоясини кучайтириш, гаровга олинганларни озод этишнинг музокара йўлларини яратиш ва мунтазам такомиллаштиришга қаратилган технологияларнинг туғилаётганида ўзини намоён этмоқда.

Одамларни гаровга олиш билан боғлиқ жиноятларнинг кескин ўсиши муносабати билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йилнинг 17 декабрида махсус конвенция қабул қилинган эди. Унда, одамларни гаровга олиш халқаро жиноят сифатида қайд этилган. Мазкур конвенциядан ташқари давлатларнинг одамларни гаровга олишга қарши кураш бўйича ҳамкорлиги қатор минтақавий битимлар орқали ҳам тартибга солинади. Хусусан, бундай минтақавий келишув хорижлик дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари гаровга олинишидан биринчилардан бўлиб жабр кўрган Америка қитъаси давлатлари томонидан қабул қилинди. Америка давлатлари ташкилотлари (АДТ) Доимий қўмитаси товон олиш мақсадида одам ўғирлашни қораловчи резолюция қабул қилди ва бундай хатти-ҳаракатларни инсониятга қарши жиноят сифатида баҳолади.

Шунингдек, 1971 йилда Вашингтонда АДТнинг Бош Ассамблеяси томонидан конвенция қабул қилинганини ҳам таъкидлаш зарур. Унда одам ўғирлаш, ўлдириш, товон талаб қилиш ва халқаро муҳофазада бўлган шахсларга қарши куч ишлатишга қарши қаратилган қонунчилик меъёрларини унификациялаш назарда тутилган. Қандай мақсадда содир этилганидан қатъи назар, қайд этилган жиноятлар халқаро аҳамиятга эга жиноят сифатида кўрилади.

Одамларни гаровга олишга қарши кураш юзасидан муайян келишувларга эришиш Европа Кенгаши доирасида ҳам муҳокама қилинган эди. 1973 йилда унинг Маслаҳат Ассамблеяси ўзининг 703-сонли тавсияномасида давлатларга одамларни гаровга олиш ёки ҳаётларига хавф туғдиришни оғир жиноятлар қаторига

киритишни таклиф қилди. Европа Кенгашида узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг 1977 йилда Страсбургда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция имзоланди. Унда бошқа ҳодисалар қаторида одамларни ҳар қандай шаклда гаровга олиш, ўғирлаш ёки ноқонуний равишда эркини чеклаш ҳам халқаро террорчилик хуружи сифатида таърифланган.

Гаровга олганлик учун жиноий жавобгарлик юқорида қайд этилган халқаро терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Уруш пайтида аҳолини ҳимоя қилиш бўйича 1949 йилда қабул қилинган Женева Конвенцияси ва 1977 йилда имзоланган, уни тўлдирувчи Қўшимча протоколларда ҳам назарда тутилган.

1979 йилдаги Конвенциянинг 1-бандига биноан гаровда ушлаш деганда – одамни зўрлик билан қўлга олиш, ушлаб туриш орқали уни ноқонуний равишда эркинлигидан маҳрум этиш йўли билан учинчи тараф (давлат, бошқа шахс ёки ташкилотлар)ни муайян ҳаракатларни мажбуран амалга ошириш ёки амалга оширмаслик эвазига озодликка чиқариш тушунилади.

Гаровга олиш объекти сифатида нафақат халқаро муҳофазада бўлган шахслар, балки жиноятчини озод қилиш мақсадида қўлга олинган жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти вакиллари, товон олиш ниятини кўзлаб гаровга олинган йирик саноатчилар ва тижоратчилар, уларнинг оила аъзолари ҳам чиқиши мумкин.

Гаровга олишдан кўпинча давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатдан қасд олиш воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Масалан, 1980 йилларда ақидапарастлар Исроилнинг Яқин Шарқдаги сиёсатини қўллаб-қувватловчи АҚШ ва бошқа давлатлардан қасд олиш мақсадида Байрут ва бошқа шаҳарларда бир қатор шахсларни ўғирлаб кетиб, уларнинг кўпчилигини бир неча йил туткунликда сақлаб келдилар.

Жиноятчилар томонидан гаровга олинган кишилар ушлаб турилган ҳудуддаги давлат уларнинг аҳволини енгиллаштириш, хусусан, озодликка чиқариш ва озод этилганидан кейин ўз юртига етиб олишини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўриши шарт.

Конвенциянинг 5-моддасида универсал юрисдикция тамойили мустаҳкамлаб қўйилган. Гаровга олиш:

а) давлат унинг ҳудудида ёки унинг ҳудудида рўйхатга олинган сув транспорти бортида содир этилганда;

б) давлат фуқаросига нисбатан амалга оширилганда;

в) давлатни қандайдир ҳаракатларни амалга ошириш ёки оширмасликка мажбурлаганда;

г) гаровга олинган одам шу давлат фуқароси ва гумон қилинган жиноятчи ҳам шу ҳудудда бўлганда давлат ўзининг юрисдикциясини амалга оширади.

Сиёсий қарашлари, ирқий, диний мансублиги учун таъқиб қилиш ва жазолашга уриниш аломатлари бўлганда жиноятчини даъвогар давлатга бериш ман этилади.

Гаровга олиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг миллий қонунчилигимизда акс этиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бундай жиноятларга қарши курашга қўшилган муҳим ҳисса ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 245-моддасида, бирор бир шахсни гаровга олиш шундай таърифланади:

«Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти билан давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ушбу Кодекснинг 155, 165-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсга нисбатан; б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса; в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Бироқ юқоридаги каби жиноятларни халқаро аҳамиятга молик шунга ўхшаш жиноятлардан фарқлаш керак. Гаровга олиш: а) жиноятчилар ва уларнинг қурбонлари бир ёки турли давлатнинг фуқаролари бўлиб, жиноят ушбу давлатлардан ташқарида амалга оширилганда; б) халқаро муҳофазада бўлган

кишилар гаровга олинганда; в) жиноят бир давлатда тайёрланиб, бошқа давлат ҳудудида амалга оширилганда; г) жиноятчилар бошқа давлатда бошпана топган ва уларни бериш масаласи кўндаланг бўлган пайтларда халқаро жиноят сифатида кўрилади. Бу шартлар, ҳеч истисносиз халқаро террорчилик хуружларининг барчасига тегишлидир.

Ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятлар 1960 йиллар охиридан бошлаб кенг тарқала бошлади. Бунгача содир этилган айрим шундай жиноятлар «ҳаво қароқчилиги» деб баҳоланар эди. Бу атама денгиз ҳуқуқидан олинган бўлиб, унинг қароқчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қароқчилик фуқаролар ва экипаж аъзолари мулкини эгаллаб олишдек шахсий мақсадларни кўзлайди. Босқинчилик, самолётларни олиб қочиш, гаровга олиш, самолётларни вайрон қилишдек ҳаракатлар билан биргаликда кечади. Ҳаво кемаларида амалга ошириладиган жиноятларнинг мақсади ҳам бошқача бўлади.

Ҳаво кемаларида содир этиладиган қонунбузарликлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар юзасидан 1963 йилда қабул қилинган ва 1969 йилдан кучга кирган Токио Конвенциясида ҳаво кемасини гаровга олиш «Ҳаво кемасида учаётган шахс, ноқонуний равишда, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш орқали ҳаво кемаси парвозини бошқаришга, қўлга олишга ёки бошқа усуллар билан назоратга олишга уриниш» сифатида таърифланган. Бироқ бундай ҳаракатлар жиноят сифатида баҳоланмаган, балки давлатларга тегишли тавсиялар берилган эди.

1970 йилда ҳаво кемаларини ноқонуний равишда қўлга олишга қарши кураш бўйича Гаага Конвенциясида имзоланган бундай ҳаракатлар халқаро жиноят сифатида таърифланди.

1971 йилда фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш ҳақидаги Монреал Конвенцияси қабул қилинди. Унда ҳаво кемасида содир этиладиган ва жиноий жавобгарликка тортилишга олиб келадиган жиноятлар сони анча кенгайтирилган. Конвенциянинг 1-моддасига биноан уни имзолаган давлатлар:

– ҳаво кемасида бўлган шахсга нисбатан зўравонлик содир этилган ва бу ҳаракат ҳаво кемаси хавфсизлигига таҳдид солганда;

– фойдаланилаётган ҳаво кемасини вайрон қилиш ёки унинг ишдан чиқишига ёки парвозига хавф туғдирувчи носозликлар келтириб чиқарилганда;

– ҳаво кемасига уни вайрон қилувчи, ишдан чиқарувчи ёки парвозига хавф туғдирувчи ҳар қандай буюм ва қурилмалар олиб кирилганда;

– ҳаво кемаси парвозига жиддий зарар келтирадиган аэронавигация жиҳозлари бузилганда ва ундан фойдаланишга аралашилганда;

– ёлғон маълумотларни тарқатиш билан ҳаво кемасига хавф туғдирилганда, бундай жиноятларни амалга оширган шахсларга нисбатан босқинчилик ва ҳаво кемаларини олиб қочишда қўллангани каби қаттиқ чораларни кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Юқорида қайд этилган ҳаракатларни содир этишга уриниш ҳамда уларда иштирок этиш жиноят ҳисобланади. Мазкур Конвенция фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний равишда аралашишга қарши курашни самарали ташкил этишга хизмат қилгани учун давлатимиз унинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Ҳаво кемасини босиб олиш ва олиб қочиш – «хайджекинг» энг кўп ижтимоий хавф туғдирувчи ҳодиса ҳисобланади.

Бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфи уларнинг давлатга катта зарар келтириши, нафақат самолётнинг ўзида, балки авария натижасида ерда ҳам кўплаб одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши билан белгиланади. Ҳаво транспортини олиб қочиш, уни бошқаришдаги қийинчиликлар, ёқилғи тугаб қолиши хавфи бўлган шароитда амалга оширилади. Кўпгина ҳолларда бундай парвоз вақтида отишмалар, гуноҳсиз кишиларни ўлдириш, талончилик каби ҳаракатлар содир этилади. Бундай жиноятлар кишиларда фуқаро авиацияси кемаларида учишнинг хавфсизлигига ишончни йўқотади.

Бироқ ҳаво кемасини олиб қочиш, ҳавода уни ноқонуний бошқариш ва қайд (регистрация) қилинган давлатига қўндиришдек фуқаролик жиноятини ижтимоий хавфсизликка таҳдид соладиган ва халқаро жиноят сифатида баҳоланадиган ҳаво кемасини олиб қочишдан фарқлаш зарур. Охирги ҳолатда ҳаво кемасини олиб қочиш уни ноқонуний қўлга олиш ва фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашишдек ҳаракатларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Самолётларни олиб қочувчи халқаро жиноятчиларни шартли равишда 3 та гуруҳга бўлиш мумкин:

– самолёт олиб қочувчилар содир этган жиноятлари учун давлат олдидаги жавобгарлик ёки ўзларининг жиноятчи шерикларидан қутулиш мақсадида экипаж ва йўловчиларга қурол билан таҳдид қилган ҳолда самолёт йўналишини ўзгартириш ва бошқа давлат ҳудудига қўндиришни талаб қиладилар;

– мазкур рейсда учаётган муайян йўловчи ёки давлат ёки бирор бир ташкилот ёки бошқа шахслардан йўловчиларни тирик, самолётни эса бешикаст қолдириш шарти билан товон олиш учун олиб қочиш. Содда қилиб айтганда, олиб қочиш таъмагирлик мақсадида содир этилади. Охирги йилларда бундай жиноят тури кенг тарқалмоқда;

– жиноятчилар халқаро низо чиқариш ёки давлатлараро алоқаларни чигаллаштиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўядилар.

Террорчилик нияти билан амалга оширилган бундай ҳаракатлар халқаро миқёсдаги энг хавфли жиноятлардан ҳисобланади. Улар билан курашни Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО), Учувчилар уюшмасининг халқаро федерацияси (ИФАЛПА) ва Ҳаво транспортининг халқаро ассоциацияси (ИАТА) каби ташкилотлар амалга ошириб келмоқда.

Шундай қилиб, жиноятчилар ҳаво кемасини қўлга олиш ва олиб қочишда ундан ноқонуний тарзда ҳаракат воситаси сифатида фойдаланиш ва унинг йўналишини ўзларига керак томонга ўзгартиришдек мақсадни кўзлайдилар. Қайд этилган конвенциялар ҳаво кемалари қўндирилган давлатларни олиб қочилган ҳаво кемаси ва юкни қонуний эгаларига қайтариш ҳамда зудлик билан йўловчилар ва экипажга ўз йўналишлари бўйича учишга рухсат бериш мажбуриятини юклайди.

Гаага Конвенциясининг 1-моддасида ҳаво кемасини зўравонлик, қўрқитиш ёки унинг бошқа ҳар қандай кўринишини амалга ошириш орқали эгаллаб олиш ёҳуд шундай ҳаракатларни содир этишга уриниш ва унда иштирок этиш уни олиб қочишнинг объектив томони сифатида қайд этилади. Бунда ҳаво кемасининг учиш ёки қўниш жойи у қайд (регистрация) қилинган ҳудуддан ташқарида бўлиши керак.

Гаага Конвенциясининг олтинчи ва еттинчи моддаларига мувофиқ ҳаво кемасини олиб қочган жиноятчи пайдо бўлган ҳар қандай давлат ўз миллий қонунчилигига таяниб, дастлабки тергов ишларини олиб бориш учун уни ҳибсга олиши ёки бошқа эҳтиёт чораларини кўриши ва ўрганиш натижаларини манфаатдор давлатларга етказиши мумкин. Агар давлат жиноятчиларни тутиб беришдан бош тортган ҳолларда уларга қарши жиноят иши қўзғаши шарт.

Қайд этилган жиноятларга нисбатан жиноий юрисдикцияларни чегаралашда барча ҳаво кемалари: ҳаво йўли орқали фуқароларни ташиш, авиация хизматлари, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш мақсадида давлат реестрига киритилган – фуқаро ҳамда ҳарбий, божхона ва полиция хизматларида фойдаланиладиган давлат ҳаво кемалари каби икки гуруҳга бўлинади.

Юқорида қайд этилган конвенциялар фақат фуқаро ҳаво кемаларига тааллуқлидир. Жиноят давлат ҳаво кемасида содир этилган ҳолларда миллий юрисдикция (байроқнинг мустақиллиги) тамойили амал қилади. Шунинг учун ҳам, давлат ҳаво кемасини олиб қочган жиноятчилар ҳаво кемаси қайд (регистрация) қилинган давлатга топширилиши шарт.

1988 йилда Монреал Конвенцияси халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи аэропортларда ноқонуний зўравонликларга қарши кураш Протоколи билан тўлдирилди. Бунда Конвенциянинг 1-моддасида «Атайлаб ва ноқонуний тарзда мослама, нарса ёки қурол ишлатган ҳар қандай шахс:

а) аэропортда халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатаётган шахснинг ўлимига ёки оғир тан жароҳатига олиб келувчи зўравонликни содир этганда;

б) халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи аэропорт биноси ёки ускунасини бузганда ёки уларга жиддий зарар келтирганда, аэропортда турган фойдаланилмаётган ҳаво кемасига зарар етказганда, унинг хавфсизлигига хавф туғдирганда ёки туғдириши мумкин бўлган даражада аэропорт хизмати ишини бузганда жиноят содир этган ҳисобланади», – деган бандлар билан тўлдирилди.

Монреал Конвенцияси иштирокчиси бўлган давлатларга жиноятчи унинг ҳудудида бўлса ва уни топширмоқчи бўлмаса, унга нисбатан ўз юрисдикциясини қўллаш мажбурияти юклатилган.

ИКАО доирасида фуқаро авиациясини террорчилик ва бошқа ноқонуний хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилган янги услублар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, давлатлар ноқонуний аралашишларга жавобан ахборотлар алмашиш тартиби, хавфсизлик масалалари бўйича шахсий таркибни ўқитиш ва тайёрлаш, ерда ва ҳаво кемасида хавфсизликни таъминлаш ва ш.к. масалаларда келишиб олдилар. Ишлаб чиқилган тавсиялар ИКАО томонидан нашр этилган «Фуқаро авиациясини ноқонуний аралашувдан ҳимоя қилиш бўйича йўриқнома»да жамланган.

Ҳаво транспортида қайд этилган жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида Монреал Конвенцияси иштирокчи давлатларга ўз миллий қонунчилигида бу жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилашни таклиф этади.

Ҳаво кодекси ҳаво кемаси командирига ўз ҳаракатлари билан учиш хавфсизлигига рахна солувчи шахсларга нисбатан барча чораларни, зарур ҳолларда ҳатто, қурол ишлатиш мажбуриятини ҳам юклайди.

Ядровий материалларини ўғирлаш билан боғлиқ жиноят 1980 йил 3 мартда қабул қилинган Ядровий материални ҳимоя қилиш ҳақидаги Конвенцияга биноан халқаро жиноят ҳисобланади. Унда таъкидланишича, ядро техникаси ва ядровий материаллар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши оқибатида уни давлатлар, халқлар ва атроф-муҳитга зиён келтириш мақсадида ўғирлаш, ноқонуний йўл билан қўлга киритиш имконияти пайдо бўлди.

Конвенцияда бундай жиноят объектлари, таркибий қисмлари, уларни содир этувчиларини жавобгарликка тортиш тартиблари белгиланган. Давлатлар:

– ҳар қандай шахснинг ўлими ёки соғлиғига, шахсий мулкига жиддий зарар етишига олиб келиш мумкин бўлган ядровий материални ишлаб чиқариш, эгалик қилиш, фойдаланиш, бировга бериш, кўринишини ўзгартириш, йўқ қилиш ёки парчалаш;

– ядровий материални ўғирлаш ёки босқинчилик йўли билан қўлга киритиш;

– ядровий материални алдов йўли билан қўлга киритиш ёки ўзлаштириш, қўрқитиш ёки бошқа шаклдаги таҳдид орқали уни беришга мажбур қилиш;

– ядровий материалларни юқорида қайд этилган мақсадда ишлатиш билан таҳдид солиш, давлат, унинг юридик ёки жисмоний шахсларини қўрқитиш орқали

ўғирлаш каби қонунбузарликларни рухсатсиз, қасддан содир этилган ва жавобгарликка тортилувчи ҳаракатлар деб эълон қилдилар.

Юқоридаги мақсадларда амалга оширилган ҳаракатлар ва уларда иштирок этиш жиноят ҳисобланади. Бундай ҳоллар юз берганда ҳар қайси давлат содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги ва у келтириб чиқарган оқибатларнинг даражасига қараб жазо белгилайди.

Ҳарбий мақсадларда ишлатиладиган ядровий материаллар жуда қаттиқ қўриқланишини ҳисобга олиб, Конвенция қоидалари фақат тинч мақсадларда фойдаланиладиган ядровий материалларга тааллуқлидир. Конвенциянинг 1-моддасида, цезий, плутоний, уран изотопларининг айрим концентрациялари каби ядровий материалларнинг асосий турлари санаб ўтилган. Конвенция ядровий материалларни сақлаш ва ташиш стандартларини белгилаган ҳолда унинг юқори даражадаги ҳимоясини таъминлайди. Шунга қарамасдан, ядровий материалларни ўғирлаш ҳоллари мавжуд. Масалан, 1992 йил августда йирик жаҳон ахборот агентликлари Москвада бир гуруҳ фуқароларнинг қўлга олингани ҳақида хабар бердилар. Улар 3 кг ҳаёт учун ўта хавфли бўлган цезий – 137 изотопини 1,5 миллион долларга сотишга уринганлар. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) эса 1993 йилда 600 дан ортиқ ядровий материаллар олди-соттиси амалга оширилганини қайд қилган.

Қайд этилган мисоллар ҳам бундай ҳаракатларнинг нақадар хатарли эканини кўрсатади.

Ядровий материал ўғирланган, босқинчилик ёки бошқа кўринишдаги ноқонуний ҳаракатлар натижасида қўлга киритилганда ёки шундай ҳаракатнинг реал хавфи бўлганда Конвенция иштирокчиси бўлган давлатлар ўз миллий қонунчилигидан келиб чиқиб ҳамкорлик қиладилар ва ёрдам сўраб мурожаат қилган давлатга бундай материални қайтариш ва ҳимоя қилишга кўмаклашадилар. Бундай жиноят экстрадицион жиноят ҳисобланади ва давлатлар ядровий материалларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияни жиноятчиларни бериш учун ҳуқуқий асос сифатида қарашлари мумкин.

Жиноят давлатда ёки унинг ҳудудида қайд (регистрация) қилинган кема ёки самолётда содир этилганда ёки гумон қилинаётган жиноятчи унинг фуқароси экани аниқланганда ҳам давлат юрисдикцияси қўлланилади. Бошқа конвенцияларда бўлгани каби бу ерда ҳам гумон қилинаётган жиноятчи қайси давлат ҳудудида бўлса, шу давлатнинг юрисдикцияси амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 254-моддасида радиоактив материаллардан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ёлланиш билан боғлиқ жиноят БМТнинг қатор резолюция ва қарорларида халқаро жиноят сифатида қайд этилган. Биринчи навбатда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1961 йил 24 ноябрдаги резолюциясида БМТ қўмондонлиги остида бўлмаган ҳар қандай ҳарбий ва ярим ҳарбий одамларни, ёлланганларни зудлик билан қўлга олиш ва чиқариб юбориш учун энг самарали, шу жумладан, куч ишлатишга асосланган чораларни кўриш зарурлиги қайд этилганини таъкидлаш лозим. 1967 ва 1977 йилларда қабул қилинган резолюцияларда ҳам ўз ҳудудида жангариларни ёллаш ва сақлашга рухсат берган давлатлар қатъий қораланган. Хавфсизлик Кенгаши ўзининг 405-резолюциясида давлатлардан ўз ҳудудини жангариларни ёллаш учун бермаслик, ўз фуқароларини уларни шакллантириш, ёллаш ёки уларни бошқа давлатларга ташлаш жараёнида иштирок этишга рухсат бермасликни талаб қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1968 йилда қабул қилинган 2465-резолюцияси (XXIII) ёлланганлардан фойдаланиш амалиёти жиноий жавобгарликка тортиладиган фаолият эканини, ёлланганларнинг ўзи эса жиноятчи ҳисобланишини ва қонундан ташқарида эканини белгилаб берди. Шунингдек, унда барча давлатларда ўз ҳудудида жангариларни ёллаш, уларни маблағ билан таъминлаш ва ўқитишни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида баҳолайдиган ва ўз фуқароларига ёлланма жангчи сифатида хизмат қилишни ман этадиган қонунлар қабул қилиш зарурлиги таъкидланган.

БМТ Бош Ассамблеясининг Халқаро ҳуқуқ тамойиллари Декларациясида (1970 й.) давлатларга бошқа давлат ҳудудига бостириб кириш учун доимий ҳарбий куч

ёки қуролланган гуруҳлар, шу жумладан, ёлланма жангариликни ташкил этиш ёки ташкил этишни рағбатлантириш ва ўз ҳудудида ушлаб туришдек ҳаракатлардан тийилиш тавсия этилган. Шу билан бирга, ёлланма жангариларни халқаро жиноятчи сифатида жазолаш колониал ва хорижий ҳукмронликка ҳамда иркчилик тузумларига қарши курашаётган «Комбатантлар ҳуқуқларининг асосий принциплари» (1970 й.)да ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, Бош Ассамблея бошқа бир давлатга нисбатан қуролли кучларни қўллайдиган ёлланма жангчиларни ўзга мамлакатлар ҳудудига юборишни тегишли халқаро-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган хуруж, деб таърифлаган эди.

Ёлланишнинг жиноий жиҳати минтақавий халқаро ташкилотлар қарорларида ҳам ўз аксини топган. Улар қаторида Африка бирлиги ташкилоти (АБТ)нинг Лагосда бўлиб ўтган вазирлар кенгашининг фавқулодда VII сессиясининг резолюциясини, АБТ Ассамблеяси томонидан 1967 йилда қабул қилинган ёлланма жангчилар тўғрисидаги резолюцияни, 1971 йилда Аддис-Абебада АБТ томонидан қабул қилинган Африкадаги ёлланма жангчилар ҳақидаги Декларацияни кўрсатиш мумкин.

«Ёлланиш» тушунчасининг мазмуни биринчи марта Уруш пайтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева Конвенциясига 1977 йилда қабул қилинган Қўшимча протоколнинг 47-моддасида таърифлаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 154-моддасида ёлланишнинг моҳияти ва бундай ҳаракатлар учун қўлланиладиган жазо аниқ белгилаб қўйилган: «Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида эса терроризмнинг моҳияти ва бундай ҳаракатни содир этганлик учун қўлланиладиган жазолар тавсифлаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси 6-қисмига мувофиқ «Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади».

Охирги пайтларда дунёнинг кўплаб минтақаларини қамраб олган экстремизм билан боғлиқ муаммолар фаол муҳокама қилинмоқда. Диний экстремизмга қарши кураш Марказий Осиё учун ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида шундай дейилади: «Давлат турли динларга, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди».

Шу билан бир қаторда, ҳозирда «экстремизм» ва «диний экстремизм» тушунчаларининг мазмунини белгилашда турлича ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаш зарур. Демак, ушбу тушунчаларнинг ҳуқуқий мазмунини аниқ белгилаб олиш мазкур кўринишдаги ҳаракатларни тўғри баҳолаш ва уларнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшиши аниқ.

Терроризмга қарши курашнинг мафкуравий ҳамда маънавий-тарбиявий асослари. Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва мураккаб бир даврда яшамоқдамиз. Глобаллашув номини олган ушбу феномен мутлақо янгича маъно-мазмундаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий маконнинг шаклланишини ҳамда мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

Глобаллашув таъсирида дунё тобора бир бутун ва яхлит бўлиб бормоқда. Мамлакатлар ва халқлар тараққиёти бир-бирини тақозо қилувчи ҳодисага

айланмоқда. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларо мулоқотнинг янгича сифат касб этиши тараққиёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашувига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалдан давом этиб келаётган кураш ҳам глобаллашув таъсирида ўзига хос шаклу шамойил касб этаётганини таъкидлаш зарур. Президентимиз сўзлари билан айтганда, бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Айни пайтда, инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Глобаллашув ва унинг салбий оқибатлари ҳақида гап кетар экан, диний экстремизм ва терроризмдек хатарли, инсон ва жамиятнинг тинч ва осуда ҳаёти ҳамда тараққиётига таҳдид туғдираётган ҳодисалар ҳам умуминсоний миқёс ва кўлам касб этганини таъкидлаш зарур.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари мамлакатлар ва халқларнинг фақат ҳамжижат ҳаракати натижасида чуқурлашиб бориши, уларнинг ҳар бирининг тараққиётига хизмат қилиши мумкин бўлганидек, унинг салбий оқибатларини, шу жумладан, халқаро экстремизм ва терроризмдек бало-қазоларнинг олдини ҳам кучларни бирлаштирган, якдил ҳаракат қилган ҳолда бартараф этиш мумкин. Бунда глобал миқёсдаги маънавий-маърифий ҳамкорликнинг ўрни ва аҳамияти биқиёсдир.

Тизимли ва тадрижий ташкил этилган ғоявий – тарбиявий ва маънавий – маърифий ишлар диний онг радикаллашувининг олдини олиш ҳамда фуқароларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бири ҳамда

экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ҳаётий ва таъсирчан омилларидан бири саналади.

Кўпчилик мамлакатларда мафкуравий ва маънавий-маърифий тарбия тизими дунёвий моҳиятга эга таълим-тарбия муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш ва диний муассасалар имкониятларидан диний-маънавий тарбиянинг муҳим ўчоғи сифатида фойдаланишдек жиҳатларни қамраб олади. Уларни рўёбга чиқаришда турли, шу жумладан, анчагина қисми халқаро ташкилотлар мақомига эга бўлган ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг охирги йиллардаги халқаро тажрибасида динлараро бағрикенглик ғояси тарғиботи алоҳида ўрин тутмоқда. Бугун уни тарғиб қилаётган ўнлаб ташкилотлар дунё бўйлаб фаолият юргизмоқда. Уларнинг орасида ЮНЕСКО каби глобал миқёсда амал қилаётган нуфузли халқаро муассасалар ҳам бор.

Бу йўналишда олиб борилаётган ишларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг маънавий-маърифий асосларини кучайтириш жаҳон ҳамжамияти олдидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, диний экстремистик ташкилотларга муносабат, улар фаолиятини баҳолашда икки ёқлама стандартлардан воз кечиш, бундай тафаккур ва ёндашув тарзига барҳам бериш, айниқса, ўсиб келаётган авлод онгида хусусий манфаатлар ва мақсадлардан қатъи назар, инсоннинг эртанги куни ва жамият истиқболи учун дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва бу борадаги ғоявий-тарбий ишларни тизимли ташкил этиш глобал ҳаётий-амалий аҳамият касб этаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Таянч тушунчалар

Терроризмга қарши халқаро ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ, халқаро терроризм, халқаро жиноят.

Терроризмнинг олдини олишга қаратилган халқаро ҳужжатлар, халқаро аксилтеррор уюшмалари, маънавий-маърифий ҳамкорлик.

Такрорлаш учун саволлар

1. Диний экстремизмга ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунилади?

2. Экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш бўйича қандай халқаро ҳужжатлар қабул қилинган?

3. Халқаро ҳужжатларда қандай жиноятлар билан боғлиқ ҳаракатлар халқаро таррорчилик амалиёти сифатида эътироф этилади?

4. Қандай халқаро аксилтеррор уюшмалари мавжуд?

5. Диний экстремизм и терроризмга қарши курашда халқаро маънавий-маърифий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади?

VIII боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ГЛОБАЛ КУРАШДАГИ ЎРНИ

Халқаро майдондаги қатъий сиёсат. Бугунги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризм дунё мамлакатлари учун нафақат ташқи, балки ички хавфсизликка ҳам дахлдор масалага айланди. Зеро, диний экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари жангарилик усуллари билан ҳокимият учун курашувчи гуруҳларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга интилмоқдалар.

Марказий Осиё давлатлари учун диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг хавфи 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990–1996 йилларда Тожикистондаги фуқаролик уруши давомида, 1999 йили 16 февралда Тошкент шаҳрида, 1999–2001 йиллари Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида, 2004 йилнинг март–апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида, 2004 йилнинг июл ойида Тошкент шаҳрида, 2005 йили май ойида Андижонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари тимсолида ўзини яққол намойиш этди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси диний ақидапарастлик, мутаассиблик, экстремизм ва террорчиликнинг минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги хавф эканидан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти унга қарши биргаликда курашиши лозимлиги тўғрисидаги ғояни жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари минбарларидан эълон қилди. Тўғрисини айтиш керак, Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш сиёсатининг моҳиятини ривожланган мамлакатлар ва дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари кечроқ англади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чақирди. «Толибон» ҳаракатининг диний мутаассиб ва жангарилик фаолияти ҳақидаги ушбу ҳаққоний фикр кечикиб бўлса-да тан олинди.

Маълумки, “Толибон” харакати Афғонистоннинг барча ҳудудларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун “ал-Қоида” халқаро террорчилик ташкилоти билан ҳамкорликда 1999 йили Шимолий Афғонистондаги ўзини ўзи бошқариб турган маҳаллий халқлар ҳудудларига бостириб кирди ва уларга қарши оммавий террор ҳаракатларини амалга оширди. Шу даврда уларнинг Ўзбекистонга қарши хуруж қилиши хавфи пайдо бўлган эди. Бу диний мутаассиблик глобал хавфга айланганини, у халқаро террорчилик фаолияти кучайишига олиб келиши мумкинлиги ва унга қарши жаҳон ҳамжамияти тезкорлик билан курашиши лозимлигини яна бир бор тасдиқлади. “Ал-Қоида” ташкилоти 2001 йил 11 сентябрда АҚШда уюштирган террорчилик ҳаракатларидан сўнг ушбу ташкилотнинг ҳамкори бўлган «Толибон» ҳаракатининг ҳам глобал хавф экани тан олинди ва унга қарши аксилтеррор кураши бошланди.

Халқаро терроризмга қарши кураш коалицияси таркибида Ўзбекистоннинг иштироки унинг бу соҳадаги ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Ўзбекистон халқаро аксилтеррор коалициясининг фаол иштирокчиси сифатида АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг транспорт воситаларига Афғонистонда қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик ёрдамини амалга ошириш учун ўз ҳаво ҳудудини очиб берди ва Хонободдаги ҳарбий аэродромнинг бир қисмини АҚШ ҳарбий ҳаво

кучларига вақтинча фойдаланишга берди. Аксилтеррор ҳаракатининг мақсад ва вазифаларини бажариш асосан тугагани сабабли Ўзбекистон Республикасининг мурожатига биноан АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари ушбу аэродромни 2006 йили тарк этди.

2001 йилнинг 28 сентябрида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши 1373(2001)-сонли резолюцияни қабул қилиб, БМТ доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасини тузди. Ушбу қўмитанинг тузилиши ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таклиф қилган терроризмга қарши кураш халқаро марказининг концепциясига ҳамоҳангдир. Зеро, Юртбошимиз 1999 йилнинг ноябрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Стамбулда бўлиб ўтган Саммитида ва 2000 йилнинг 7—8 сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити»да БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифини баён қилган эди. Ушбу ташаббус рўёбга чиққанидан сўнг, Ўзбекистон 2001 йил декабрь ойида ва 2002 йилнинг август ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг юқорида зикр этилган резолюциясининг бажарилиши хусусида БМТнинг терроризмга қарши кураш қўмитасига маърузалар тақдим этди.

Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсатининг мақсади минтақада ва глобал миқёсда тинчлик, барқарорликни сақлаш, мамлакат мустақиллиги ва равнақи, халқининг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашдир.

Экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчликка эришишда БМТнинг фаоллигини кучайтириш, Афғонистон ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш ва қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш, экстремизм ва халқаро терроризмнинг молиявий манбаи бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши халқаро миқёсда курашиш каби масалаларда ҳам эътиборга молик таклифларни илгари сурганини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1998 йилда ташкил топган «6+2» гуруҳининг БМТ раҳбарлигида 1998–1999 йилларда олиб борган

фаолияти Афғонистонда экстремизм ва терроризмга қарши курашда катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш зарур. Бу гуруҳ Афғонистон билан чегарадош олти давлат (Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, Туркманистон) ва минтақа ташқарисидан Афғонистондаги вазиятга жиддий таъсир кўрсатиб турган икки давлат – АҚШ ва Россия Федерациясининг юқори даражадаги вакилларидан ташкил топган эди. Бу гуруҳ бир қатор мажлислар, муҳокамалар ва музокаралар ўтказиб, уларга Афғонистонда бир-бири билан курашаётган кучлар вакилларини жалб қилиб, «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларациясини ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича бир қатор бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқди. 1999 йилнинг 28 июлида БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари юксак баҳоланди.

Халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатлар ушбу йўналишда муайян ишларни амалга ошираётган бўлса-да, Афғонистон жаҳон ҳамжамияти учун ҳали-ҳануз таҳдидлар ўчоғи бўлиб қолаётганини, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм кўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва барқарорлик учун ҳамон жиддий таҳдид солаётганини ҳам таъкидлаш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2007 йил апрелда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинган НАТО Ғ Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида қилган маърузасида баён этилган ғоялар диққатга сазовордир.

И.Каримов таъкидлаганларидек, Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши учун энг аввало ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий масалаларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш, аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш, жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш лозим.

Шунингдек, вазиятни барқарорлаштиришда кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатларнинг ўзига хос манфаатларини эътироф этиш ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда, давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шкллантириш борасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш, бунда Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришиш ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим кафолати эканини эътиборга олиш зарур.

Шу билан бирга, қўшни Покистон билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон ҳудудида, ҳал этиш ҳам Афғонистондаги вазиятнинг ижобий томонга ўзгаришида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ғоялар билан бир қаторда Юртбошимиз томонидан Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм бўлиб келган, 1997-2001 йилларда БМТ раҳнамолигида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан қўшни давлатлар, АҚШ ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, “6+3” гуруҳига айлантириш зарурлиги ҳақидаги ғоят қимматли амалий таклиф илгари сурилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Бундай механизмнинг қайта тикланиши барча манфаатдор томонлар иштирокида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ўзбекистон дин соҳасидаги жараёнларни тартибга солиш, диний муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг ижобий йўсинда кечишини таъминлаш, экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун ўзининг ички сиёсатида ҳам тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1998 йил 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда мазкур йўналишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мужассам этилган.

Республикамиз экстремизм ва терроризм билан бирга уни молиялаштириш билан узвий боғлиқ бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши курашда ҳам қатъий сиёсат олиб бормоқда. 1999 йилда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, 2000 йилда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ва 2006 йилнинг 1 январидан амалга киритилган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз диний экстремизм ва терроризмга қарши тизимли ва тадрижий кураш олиб бормоқда. Бу кураш давлатимиз суверенитети, хавфсизлиги, барқарорлиги ва конституциявий тузумини сақлаш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қилади.

Халқаро шартномаларда иштирок этиш. Республикамиз терроризмга қарши қаратилган кўплаб халқаро шартномаларни ратификация қилиб, улардаги мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Шу билан бирга, бу масалаларда ўзининг ташаббусларини илгари сураётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумки, БМТнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган 13 та ҳужжати (11 та Конвенция ва 2 та протокол) мавжуд. Ҳозирда Ўзбекистон 12 та ана шундай халқаро шартномаларни ратификация қилган. Улар қаторида 1971 йилдаги фуқаро авиациясининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш; 1973 йилдаги халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятлар учун жазолаш ва уларни бартараф қилиш; 1979 йилдаги гаровга олиш ҳаракатларига қарши кураш; 1980 йилдаги ядровий материалларнинг ҳимояси; 1988 йилдаги денгиз кемалари ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш; 1997 йилдаги бомбавий терроризмга қарши кураш; 1999 йилдаги терроризмни молиялаштиришга қарши кураш халқаро конвенциялари борлигини кўриш мумкин.

Бугунги кунда БМТ томонидан «Ядровий терроризм хуружларига қарши кураш тўғрисида»ги халқаро конвенция ва «Терроризмга қарши кураш бўйича ялпи

концепция» лойиҳалари тайёрланаётгани Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш борасидаги ташаббусларига ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Европа Кенгаши доирасида ҳам терроризмга қарши курашга қаратилган 7 халқаро шартномани имзолаган. Уларнинг ичида 1977 йилдаги терроризмнинг олдини олиш; 1978 йилдаги шахсларнинг ўқотар қуролларни сотиб олиш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш; 1983 йилдаги зўравонлик билан амалга оширилган жиноятлар оқибатида жабрланганларга компенсациялар бериш тўғрисидаги Европа Конвенциялари ҳамда 1957 йилдаги экстрадикция тўғрисидаги Европа Конвенцияси 1975 ва 1978 йилдаги қўшимча протоколлари ва 1959 йилдаги жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 1978 йилдаги қўшимча протоколи билан имзоланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Қайд этилган конвенция ва протоколларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар республикамизда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам изчил ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалаларида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш. *Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигига эришганларидан сўнг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш уларнинг ҳар бири учун бирламчи масалага айланди. Минтақа аҳолисининг қарийб 45 фоизи яшайдиган Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг йирик республикадир. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган ва унинг минтақа давлатларининг ҳар бири билан умумий чегараси бор. Республикамизнинг жаҳон геосиёсий тизимидаги ўрни ва геостратегик салоҳияти унинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги мавқеининг ўзига хослигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон диний экстремизм, халқаро терроризм, наркобизнес каби хавфларга қарши курашга Марказий Осиё давлатлари томонидан жиддий эътибор қаратилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Афғонистон ва Тожикистондаги ўта мураккаб вазият минтақа*

хавфсизлиги учун жиддий таҳдид эканидан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбарияти уларни ҳал қилишда иштирок этишга алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда ушбу мамлакатларда у ёки бу даражада барқарорликка эришилган экан, бунда Ўзбекистоннинг салмоқли ижобий ҳиссаси борлигини таъкидлаш зарур.

2002 йилнинг октябрь ойида БМТ ва ЕХҲТ билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик» мавзуида Тошкентда ўтказилган халқаро конференция ҳам бу йўналишдаги ишлар кўламидан далолат беради. 70 та мамлакат ва 40 та халқаро ташкилотдан экспертлар иштирок этган мазкур анжуман халқаро терроризмга қарши кураш стратегиясига умумий ёндашувлар борасида амалий таклифлар тайёрлади. Бундан сўнг ҳам Ўзбекистонда ушбу муаммоларга бағишланган кўплаб халқаро сиёсий ва илмий-амалий анжуманлар ташкил қилинди. Уларнинг натижалари экстремизм ва терроризмга қарши курашни минтақа ва жаҳон миқёсида ривожлантириш ва мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Марказий Осиё республикалари ҳамкорлиги доирасида ҳам Ўзбекистон диний экстремизм, халқаро терроризм ва наркобизнес хавфини ўзаро биргаликда бартараф этиш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқиб, уни рўёбга чиқариб келмоқда. 2000 йил 21 апрелда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчилик ҳамда томонларнинг барқарорлигига хавф туғдирадиган бошқа таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликда ҳаракат қилиш ҳақида шартнома имзолагани ҳам бунинг исботи бўла олади.

Айни пайтда, Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари томонидан имзоланган бир қатор шартномаларда ҳам Марказий Осиё минтақасида терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик ҳам назарда тутилганини қайд этиш зарур.

Оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик масаласи нафақат ташқи сиёсатимизнинг муаммоси, бу айни вақтда, ички ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз, миллий мустақиллигимиз ва хавфсизлигимиз учун муҳим муаммодир. Чунки

минтақамизга туташ худудларда муайян экстремистик кучлар оммавий қирғин воситаларига эришишга интилиб келмоқда. Бундай мақсадга эришиладиган бўлса, унинг оқибатлари қандай бўлиши мумкинлигини 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШ да содир бўлган воқеалар мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳатто оддий қурол билан террорчилар қанчалик ёвузлик ва ваҳшийликлар содир этаётганини кўриб, улар қўлида оммавий қирғин қуроли бўлса бу қандай оғир оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш мумкин.

Ядро қуроллари жаҳон миқёсида тарқалмаслигини Инсониятни ядро фалокатидан сақлаб қолишга хизмат қилувчи омил сифатида қараганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1993 йилнинг 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш борасидаги ташаббусни илгари сурган эди. Диний экстремистлар ва халқаро террорчи кучлар оммавий қирғин қуролларига эга бўлишга интилаётган ҳозирги даврда ядро қуроли яратилиши учун зарур бўлган материаллар тарқалмаслигига қаратилган ушбу ҳаракат БМТ ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1997 йилнинг 9 декабрида бўлиб ўтган 52-сессиясида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш» тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

2006 йили Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ҳақидаги шартнома минтақа давлатлари томонидан имзоланди ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари амалга ошди. Марказий Осиё жаҳонда бешинчи ядро қуролидан холи минтақага айланди.

Қайд этилган мисоллар, диний экстремизм, халқаро терроризм, наркобизнес, уюшган жиноятчиликнинг глобал, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдид эканини чуқур англаган ҳолда илгари сураётган ташаббуслари ва амалий фаолияти Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим бўғини эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш бўйича минтақавий ташкилотлардаги иштироки. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам ёрқин намоён

бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ), Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИҲТ), Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КҲШТ), Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) каби бир қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномаларни бажаришда фаол қатнашиб келмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ушбу шартномаларда қатнашиши унинг ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон МДҲдаги аксилтеррор маркази ишида ҳам фаол қатнашмоқда. ШҲТ доирасидаги Аксилтеррор марказининг Тошкент шаҳрида жойлаштирилишини эса республикамизнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги фаоллигининг эътирофи сифатида қараш мумкин.

2004 йил 17–18 октябрда Душанбеда бўлиб ўтган анжуманда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан экстремистик ва террорчи ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш бўйича келишиб олинди.

Диний экстремизм ва халқаро терроризм глобаллашув жараёнида халқаро наркобизнес каби жаҳон миқёсида энг хавфли фаолият турларидан бири билан узвий боғланиб кетмоқда. Бугунги кунда наркомафия наркотикларни ишлаб чиқариш, наркотрафик ва наркоманияни ташкил қилиш усуллари орқали наркобизнесни ривожлантириш билан шуғулланмоқда.

Наркомафия террорчи ва экстремистик ташкилотлар билан ўз ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун халқаро миқёсда ҳамкорлик қилаётганини инобатга олсак, бу, давлатларнинг сиёсий тизимига ва миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид эканини кўрамиз. Жаҳон миқёсида энг катта наркобизнес ўчоғи мамлакатимизга қўшни Афғонистон ҳудудида эканини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда бу глобал хавфга қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Давлатимиз минтақавий миқёсда ва ички сиёсати доирасида ҳам бу иллат билан муросасиз курашмоқда.

Ўзбекистоннинг юқорида қайд этиб ўтилган минтақавий ташкилотлар ишидаги фаол иштироки, ташаббуслари ва таклифлари глобал хавфсизлик ва барқарорликни

таъминлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни муҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Таняч тушунчалар

Минтақавий хавфсизлик, минтақавий барқарорлик, минтақавий ташкилотлар, ядро қуролидан холи ҳудуд, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташаббуслари.

Такрорлаш учун саволлар

1.Ўзбекистоннинг халқаро майдонда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида олиб бораётган қатъий сиёсатининг мазмун-моҳияти нимада?

2. Экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган қандай халқаро шартномалар мавжуд?

3. Ўзбекистон экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган қандай халқаро шартномаларда иштирок этмоқда?

4. Ўзбекистон терроризмга қарши кураш бўйича қандай минтақавий ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади?

5. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни нималарда кўринади?

IX боб. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОРЛИК ВА ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жамиятнинг барқарор ривожланиши. Фуқаролик жамиятининг асосини ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ҳамда ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бозор иқтисодиёти ташкил этади. Бундай иқтисодиётнинг муҳим белгиси иқтисодий плюрализмдир. У мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг хилма-хиллигида ифодаланиб, алоҳида мулк шаклининг якка ҳукмронлигига йўл қўймайди.

Бу борада эркинлаштириш жараёнларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ва танлаш эркинлиги, рақобатга асосланган бозор муносабатларини ривожлантириш, давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш билан узвий боғликдир. Бу алоқадорлик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида иқтисодиётнинг нодавлат сектори шаклланди. Бунда И.Каримов таъкидлаганларидек, асосий эътибор “бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият аъзоларининг ўз салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун уларга биринчи галда тенг имконият ва эркинлик муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур”лигига қаратилди.

Ушбу вазият иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини кенгайтириш, хусусий мулкдорлар мавқеини янада кўтаришни тақозо этди. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштириш билан боғлиқ янгиланишларда муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодий эркинлаштириш натижасида амалда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи, иқтисодий ривожланишни таъминловчи ўрта мулкдорлар синфи шакллана бошлади. Ана шундай шароитда хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этишга алоҳида аҳамият берилди. Айни пайтда, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш, давлат ва турли назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашувига чеклаб қўйиш каби вазифалар устувор қилиб белгиланди.

Ушбу вазифаларни ҳал қила бориш орқали нодавлат секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортишига ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ялпи

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, чакана савдо айланмаси ва аҳолининг иш билан бандлигида ижобий натижаларга эришилди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланган хусусий сектор мавқеини янада ошириш ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари давом этмоқда. Хусусийлаштириш жараёни тобора йирик корхоналар ва ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига қамраб олмоқда. Корпоратив хусусий мулк миқёсини кенгайтириш учун акцияларни сотишнинг бирламчи ва иккиламчи биржа ҳамда биржадан ташқари бозори ривожлантирилмоқда. Кичик тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника ресурслари ва молиявий маблағлар билан таъминланишини яхшилаш, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантирилиб уларга сервис хизмати кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ва қишлоқларда уларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси ва Сенат томонидан якка ва корпоратив хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини янада кучлироқ ҳимоя қилиш, уларнинг масъулиятини ошириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминловчи ҳамда уларнинг хўжалик юритишини тартибга солувчи ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Эндиликда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектлари учун тенг иқтисодий фаолият шароитларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш учун давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш изчил давом этмоқди. Аммо иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмини ривожлантириш ва унинг бозор механизми билан уйғунлигини таъминлаш йўлида ҳали кўп ишлар қилиш даркор.

Фуқаролик жамияти қуриш учун давлатнинг иқтисодий фаолиятини чеклаш, унинг вазифаларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат тузилмалари зиммасига юклаш эркин иқтисодиёт

тамойилларини жорий этишга қулай шароит яратади. Пировардида, бозор иқтисодиётининг шаклланишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилади. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши эса унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади. “Буларнинг барчаси,-И.Каримов қайд қилганларидек,-маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан озиқланган иқтисодий тараққиёт йўлимиз жамиятимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатаётганининг ёркин ифодасидир. Энг муҳими, юртимизда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани сиёсий-ижтимоий барқарорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб хизмат қилмоқда”.

Аҳоли даромадларининг ўсиб бориши. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “...бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оши-рилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсади — одамларимизнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариш, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат...”. Шу нуқтаи назардан қараганда, республикамизда бу борада ҳам қатор ютуқларга эришилганини таъкидлаш зарур. Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йил сайин ўсиб бораётгани, инфляция даражасининг пастлиги бунга мисол бўла олади.

Республикамизда амалга оширилаётган макроиқтисодий барқарорлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва бозор ислоҳотларининг муваффақиятли амалга оширилаётгани сабабли саноат ишлаб чиқариш ҳажми, истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг тез ўсиши таъминланди. Бу ижобий ўзгаришлар аҳоли даромадларини янада ошириш учун моддий замин бўлиб хизмат қилди.

Айни пайтда, аҳоли даромадларини сифат жиҳатдан янада ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт таркибини модернизация қилиш аҳолининг даромад топишга бўлган интилишини рағбатлантириши, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин иқтисодий фаолиятини

таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиши ва фаол бўлишга ундаши зарур. Натижада, даромадни ишлаб топадиган субъектлар сони ортишига, аҳоли ўрта ҳол қатламининг кўпайишига ва уларнинг таъсир доираси кучайишига эришилади. Бу эса аҳоли даромадларининг ижтимоий аҳамияти ўсиши ва турмуш даражасининг юқори бўлишини таъминлайди.

Аҳоли даромадларининг ўсишида қўшимча даромад топишнинг рағбатлантирилиши, унинг бозор иқтисодига хос бўлган янги турларининг пайдо бўлиши ва анъанавий турлари янгича моҳият касб эта бошлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бозор иқтисодиёти даромадни кўпайтириш орқали иқтисодий барқарорликка эришишга йўл очади. Аҳоли даромадларини юксалиши жамиятда ўрта ҳол аҳоли табақасининг ортишига замин ҳозирлайди ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Демак, ижтимоий барқарорлик аҳоли даромадларининг муттасил ошиб бориши билан бир вақтда юз беради.

Даромадларнинг ўсиши аҳоли турмуш сифатининг юксалишини, комил инсонни шакллантириш учун зарур шароитларни юзага келтиришни ҳам тақозо қилади. Шунинг учун аҳоли даромадларининг ўсиши масалалари ижтимоий барқарорлик билан узвий боғлиқ. Ўз навбатида, ижтимоий барқарорлик ҳам аҳоли турмуш даражасининг ўзгаришига кучли таъсир этади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида фаровонликнинг ўзгариши бозор қонунларининг барқарорлиги таъсирида бўлади. Шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши ва моддий неъматларнинг тақсимланишида давлатнинг таъсири ҳамда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўламининг ўрни каттадир. Ва, албатта давлат ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари кўламини янада кенгайтириши натижасида жамиятда ижтимоий тотувлик таъминланади. Бу ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кафолатлайди.

Бозор иқтисодиёти фуқаролар даромадини оширишга имкон беради. Бунда оқилона даромадлар сиёсатини юритиш талаб этилади. Шунинг учун иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, бозор иқтисодиётини тартибга солиш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Давлат, бир томондан, ҳар

бир жамият аъзосининг турмуш фаравонлигини юксалтиришда тенг имкониятлар яратишга ва умумий фаровонликни таъминлашга интилса, иккинчи томондан, даромадларга эга бўлишни адолатли усуллар орқали тартибга солишга кўмаклашади ва ижтимоий барқарорлик ҳамда тотувликни таъминлайди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари. Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ижтимоий қадриятларнинг конституциявий қоида даражасига кўтарилиши фуқаролик жамиятини барпо этишнинг шартларидан биридир. Инсон омилига бўлган бундай муносабат қонунларни янада такомиллаштириш ва либераллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва амал қилишини белгиловчи қонунлар катта ахамият касб этмокда. Одил судлов тизимини демократлаштириш эса ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишига айланди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида узоқ йиллар давомида одил судловнинг ихтисослашган судлар томонидан амалга оширилиши тамойили ўз самарасини кўрсатмокда. Бу давлатларнинг айримларида судларнинг ихтисослашуви шу даражада йўлга қўйилганки, ҳатто оила, меҳнат, уй-жойга оид ишларни кўрадиган судлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги фармонига биноан судлар ихтисослашуви тамойилининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ва жиноят ишларини алоҳида кўриб чиқадиган судларга ажратилиши мамлакатимизда ана шу йўлда қўйилган жиддий қадам бўлди. Бу фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси кафолатланиши, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун замин яратди.

2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судлар ҳар бири алоҳида тартибда ўз фаолиятини амалга ошира бошлади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш пировардида жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал кодексларига ўзгартиришлар киритилиши судлар

ихтисослашувининг мантиқий давоми бўлди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари таъминланишига, суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга доир қонуний механизмнинг кучайтирилишига, шунингдек, суд жараёнида томонларнинг тортишуви принципи таъминланишига зарур шарт-шароитлар яратди.

Шу ўринда Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилганини ва оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-харакатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилганини алоҳида қайд этиш лозим..

Натижада 2007 йилда озодликдан махрум килиш шаклидаги жазо кўлланилган шахслар сони 2000 йилдагига нисбатан 2 баробардан кўпрок кискарди. Ўзбекистонда хар юз минг ахолига 138 нафар махбус тўғри келади, бу дунёнинг энг ривожланган давлатларидагидан анча камдир.

Бугунги кунда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлов ишларини юритиш муддатларининг давомийлигини аниқ белгилаш муаммосига тўқнаш келмаган давлат кам топилади. Ўзбекистон Республикасида судларни ихтисослаштириш, судлар ва судялар сонини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар айнан ана шу муаммонинг ҳал этилишига қаратилган.

Суд тизимини ислоҳ қилишнинг якуний мақсадларидан бири — ҳокимиятнинг тўлақонли тармоғи сифатида суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, у чиқарган қарорларнинг адолатли бўлишини, суд ишидаги сансалорликка барҳам беришни таъминлашдан иборатдир.

Одил судловнинг самарали бўлиши қонунларнинг устуворлиги тан олинишига, суд томонидан қонуний асосланган адолатли ҳукм, ажрим ва қарор чиқарилишига кўмаклашади. Бунда суд ишларини апелляцион ва кассацион кўриб чикиш институтлари, ярашув институтининг жорий килингани, прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор килиниши, хибсга олишга санксия бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли химоя килишни таъминлаш йўлидаги мухим кадам бўлди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги конун хужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари химояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламокда.

Инсон ҳуқуқлари сохасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилган. Ҳуқуқ химояси мавзуида йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган журнал ва газеталар кўп минг нусхада чоп этилмокда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини химоя килишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмокда.

Умуман олганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши жамиятда адолатни таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг мухим кафолатига айланди, дейиш мумкин.

Маънавий-маърифий янгиланиш жараёнлари ва жамият тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олган дастлабки кундан бошлаб ўзига хос ва мос тадрижий тараққиёт моделини белгилаб, ҳаётга жорий этиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”.

Диёримиз ўз жуғрофий жойлашувига кўра қадимдан турли цивилизациялар мулоқотга киришадиган, кенг миқёсдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар амалга ошириладиган ҳудуд сифатида ажралиб туради. Бугунги кунда бизга мерос бўлиб қолган обидалар ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Биргина

мисол. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Улар қаторида аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари, кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, турли соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бор. Жумладан, «Ичан қалъа (1990), Бухоронинг тарихий маркази (1993), Шаҳрисабз (2000) ва Самарқанд (2001) обидалари ЮНЕСКОнинг «Дунё мероси», Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланаётган «Усмон Қуръони» ЮНЕСКОнинг «Дунё хотираси» рўйхатига киритилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Миллий давлатчилигимизнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига назар ташласак, бир томондан, бу жараёнга ташқаридан туриб ғоявий-мафкуравий таъсир кўрсатишга уринишлар, шу орқали ушбу муҳим стратегик ҳудудда ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилишлар барча даврларда бўлганига, иккинчи томондан, миллий давлатчилигимизга хос хусусиятлар доимо менталитетимизга ёт бўлган зарарли ғоялар билан курашиб келганига гувоҳ бўламиз.

Миллат жипслашган, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш заруратини теран англаган даврларда жамият таркибий тузилмалари томонидан давлат қурилишига дахлдор турли ёт ғоялар ҳамиша инкор этиб келинган. Миллий давлатчилигимизнинг бунёдкорлик, эзгулик, инсонпарварлик каби ўлмас ғоялари ғолиб бўлган. Унинг шаклланиши ва ривожланиш босқичларида доимо "Авесто"да баён этилган эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амал устун бўлиб келгани шундан далолатдир. И.А. Каримов таъкидлаганларидек, ушбу тамойилда “...ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоклар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир”.

Мамлакатимиз ҳудудидаги илк давлатлар — қадимги Бақтрия ва Хоразм давлатларида ҳам сиёсий тузум ва давлат бошқаруви бошқа қадимги Шарқ давлатларидаги (Миср, Шумер, Аккад, Оссурия, Урарту, Эрон) каби қулдорлик

муносабатларига асосланмагани, балки эркин кишилар жамоасининг сиёсий уюшмаси тарзида барпо этилгани ҳам миллий ҳам давлатчилигимиз илдизлари маънавий софлик, баркамоллик асосида барпо этилганини, халқимизнинг юксак маънавий қиёфасини кўрсатади. Юртимизда дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланилган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Бундай шароитда яшайдиган аҳоли учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ечиш ҳаётий зарурат эди. Бу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида муайян ишларни (кенг кўламдаги қурилиш, ерни ва суғориш учун сувни тақсимлаш устидан назорат қилиш, жамоадаги миллий ва диний урф-одатларни бажариш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш ва бошқариш) ташкил этиш учун жамоадаги ҳурматга эга бўлган йўлбошчиларни юзага чиқарди.

Демак, Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши жамиятдаги муҳим ижтимоий вазифаларнинг бўлиниши, иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга асосланган ташкилий бошқарувнинг ажралиб туриши, бошқарувнинг дастлабки ижтимоий зарур фаолиятидан касбий бошқарувчиликка айланишига асосланган. Бу вазиятда бошқарувнинг асосий функциялари режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва раҳбарлик қилишни ўз ичига олган.

Ҳудудимизга қадимги давр ва ўрта асрларда уюштирилган ҳарбий истилолар — Эрон Аҳмонийларининг қадимги Шарқ деспотик давлатчилигига хос хусусиятларни жорий этишга бўлган уринишларига қарши (Тўмарис ва Широқ бошчилигидаги), македониялик Александрнинг юнон қулдорлик демократиясини жорий этишга бўлган ҳаракатлари ва унга қарши (Спитамен бошчилигида), Чингизхон босқинига қарши курашлар ҳам миллий давлатчилигимизга хос азалий хусусиятларни сақлашга бўлган ҳаракат эди. Миллий давлатчилигимиз ушбу жараёнларда тобланди ва охир-оқибат бу курашларда ғолиб бўлди. Ўзбек давлатчилигига хос илғор анъаналар янада ривожлантирилди, бойитилди.

Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда мавжуд бўлган ғоя ва таълимотлар нафақат қўшни минтақа халқлари, шу билан бирга, умумжаҳон миқёсида эътироф этилганини ҳам кўрамиз. Мисол тариқасида қадим аждодларимиз яратган «Авесто» таълимоти қўшни Эронда қабул қилингани ва давлат дини даражасига кўтарилганини, ислом дини ва фалсафасига, умуман «Мусулмон ренессанси» деб аталадиган маданият ривожига катта ҳисса қўшган кўплаб буюк аждодларимиз номини ғурур билан тилга олиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки даврларда, мавжуд сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, давлат бошқаруви ҳамда ижроия ҳокимияти Президент институтига бирлаштирилган эди. Ҳозирги кунда мазкур соҳани ислоҳ қилиш борасида ҳам катта ишлар олиб борилмокда. Жумладан, юртимизда бир палатали парламент тизимидан икки палатали парламент тизимига ўтилиб, Президент ваколатларининг бир қисми юқори палата - Сенатга топширилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозими бекор қилиниб, ҳукумат бошлиғи вазифаларини бевосита Бош вазир амалга ошириши белгилаб қўйилди. Миллий давлатчилигимизни ривожлантириш ва бошқарувни ислоҳ қилишда бу борада тўпланган тарихий тажриба ҳамда жаҳон давлатчилиги эришган ютуқлардан фойдаланишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув даврида дунёда кескин ғоявий курашлар ва турли мафкуралар тўқнашуви, демократия ёки турли диний таълимотлар шиорлари билан ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш кучайиб бормоқда. "Ишончим комилки, — деб ёзади Ислом А. Каримов, — демократияни ва турли "очиқ жамият моделлари"ни экспорт қилиб бўлмаганидек, давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан импорт қилиш ёки тиқиштириш мумкин эмас. Аслида, ҳаммага бирдек маъқул бўладиган бунақа моделнинг ўзи умуман йўқ”.

Лўнда қилиб айтганда, тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришларгина барқарор тараққиётни таъмиловчи омилга айланишини таъкидлаш мумкин. Бу йўлда маънавият, ахлоқ-одоб ва маърифат ёт ғояларга ишончли тўсиқ бўла оладиган асосий омил вазифасини бажаради.

Биз тўрт минг йиллик маданий тараққиётни бошидан кечирган, улуғ ва бетакрор маънавий обидалар яратган, салтанатлар қурган халқ фарзандларимиз. Ота-боболаримиз асрлар давомида инсон камолоти, меҳру саховат, ҳамкорлик-ҳамжиҳатликка асосланган жамиятни барпо этиш учун курашиб келганлар. Форобий, Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий каби буюк аждодларимиз ижодида одил ва оқил подшо тимсоли, машварат ва кенгашга асосланган бошқарув, юксак фазилат ва ахлоқий сифатларга эга инсонлар жамияти ҳақида чукур ҳикматлар баён этилган. "Фозил одамлар шаҳри", "Ахлоқи Носирий", "Ахлоқи Жалолий", "Ахлоқи Муҳсиний", "Хамса", "Маҳбубул қулуб" каби ўнлаб асарларда комил инсон ва фозил жамият идеали тасвирланган. Аждодларимизнинг диққат-эътибори, аввало, баркамол инсонни тарбиялашга қаратилган эди. Зеро, жамиятнинг етуклиги, равнақи ҳар бир инсоннинг ахлоқий-маънавий камолотига боғлиқ. Абу Наср Форобий ибораси билан айтганда, "Фозил жамият фозил кишилардан ташкил топади ва фозил кишилар тарбия, таҳсил туфайли вояга етади".

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда шахснинг ақлий қобилияти, билимини ўстириш билан бирга, уни жисмонан бақувват, ахлоқий ва руҳий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Миллий истиқлол ғояси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам пировард мақсади шу. Иқтисодий ривожланиш бўладими, илмий-техник тараққиёт бўладими, ҳарбий қудрат бўладими — буларнинг замирида инсон омили ётади. Инсон шахси эркин ривожланган жойда имкониятлар ҳам чексиз ривожланади, маданият ва маърифат равнақ топади, жамият тобора жипслашиб куч-қудратга эга бўлиб боради.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари мобайнида биз бу борада улкан ютуқларни қўлга киритдик. Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз эски тоталитар тузум иллатларидан қутулиб, янги муносабатлар, яъни бозор иқтисодиётига асосланган тузумга ўтди. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий муносабатлар ўзгармоқда, фуқаролик жамияти вужудга келмоқда. Бу ўринда Навоийнинг “кимки бир қавмнинг йўлини тутса, ўша қавмнинг рангини олади”, деган фикри муҳим. Бу айни ҳақиқат. Чунки, миллий анъана, тарихан шаклланган маънавий қиёфа бой берилса, миллий ўзлик ҳам, мустақиллик ҳам бой берилади.

Худди шунинг учун Юртбошимиз миллий ғояни одамлар онгига сингдириш, миллий ўзликни англаш ва мустаҳкамлашга ҳар доим даъват этиб келиши ва буни жамиятимиз барқарорлиги, яхлитлигининг асосий омили деб қараши бежиз эмас. Чунки ҳар қандай ёт ғояларга қарши туриш, ақидарапастликнинг, сохта демократияпарастликнинг олдини олишнинг энг ишончли воситаси ҳам шудир.

Давлат маънавиятсиз, миллий мафкурасиз мавжуд бўла олмайди. Миллий мафкура эса асрлар давомида шаклланган халқ тафаккури, маънавий қадриятларига таянади. Демак, давлат маънавиятга таянса, маънавият айни вақтда давлатга таянади. Шу маънода, миллий маънавият ва миллий давлат ўзаро эгазак ва яхлитдир. Ўзбекистон демократик давлати ва фуқаролик жамияти, бир томондан, миллий анъаналарга, иккинчи томондан, умуминсоний қадриятларга таяниб, тузилади.Агар ана шу уйғунлик бузилса, миллий ўзлигимизга ҳам, давлатчилик тараққиётига ҳам путур етади.

Шу боис, биз миллий-маънавий камолот йўлидан бориб, маърифатли жамият қуриш билан улуғ мутафаккирларимиз орзу-армонини ҳам амалга оширамиз ва дунё ҳамжамиятидан ўзига хос фазилатларга эга халқ сифатида ўрин оламиз. Маърифат ва эркинлик ҳамиша маънодош тушунчалар бўлиб келган. Чунки, эркинлик туйғуси кишини илм-маърифат дунёсига етаклайди ва айни вақтда, киши қанчалик маърифатли бўлса, ўзини шунча эркин ҳис этади. Шу тариқа, «ахлоқ», «эркинлик», «маънавият» ва «маърифат» тушунчалари бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб қаралиши лозим. Эркинлик — бебошлик ва анархия эмас. Қонундан ташқари чиққан, анъанадан чекиниб, ахлоқсизлик қилган одам эркин одам эмас, балки бузғунчи ва бошқалар эркига тажовуз қилувчи кишидир. Қонун ва ахлоқ доирасида эркин фаолият олиб бориш — бу жамоа бўлиб яшаш, бошқалар эркини ҳурмат қилиш демакдир. Ақидапарастлар мана шуни ҳисобга олмайди. «Демократия» ни экспорт қилувчилар ҳам бунга эътибор қилмайди. Ҳар бир мамлакат ўз халқининг табиатига, маънавиятига мос давлат қуради ва халқ бундай давлатни қўллаб-қувватлайди.

Шу тарзда, маънавият, одоб-ахлоқ, маърифат халқимиз юксалиши, ўзига хос давлатчилик анъаналарига эга бўлишининг бош омили, ёт ғоялар, зарарли таҳдидларни бартараф этишда асосий куч булиб колаверади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш – Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг устувор йўналиши. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасида республикамизда кенг миқёсли ишлар амалга оширилиб, бу йўналишда катта ютуқларга эришилди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган ва миллий ўзлигимизни акс эттирадиган Конституция қабул қилинди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, жаҳон миқёсида эътироф этилган кўплаб халқаро декларация, конвенция ва ҳужжатларга қўшилди, шундан келиб чиқадиган сиёсий ва ҳуқуқий қоидалар республикамизнинг сиёсий тараққиётида, ҳуқуқий меъёрий тизимни ривожлантириш жараёнида инобатга олинмоқда. Шу билан бирга бу борада ҳали муайян вазифалар ҳам мавжуд. Айни пайтда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократиянинг кенгайиб, ривожланиб бораётганини ва мамлакатда ўзига хос тарзда намоён бўлаётганини таъкидлаш зарур. Энг асосийси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш – Ўзбекистон тараққиётини таъминлашнинг устувор йўналиши сифатида амалга оширилмоқда.

Кўпгина ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Фуқаролик жамияти тушунчаси асосида инсон эркинлиги, унинг барча кўриниш ва муносабатларда намоён бўлиши ғояси ётади. Хусусан, у иқтисодий соҳада мулкий хилма-хилликка эга бўлиш, сиёсий соҳада сиёсий ҳаётда иштирок эта олиш, ҳуқуқий соҳада тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий соҳада уюшмаларга бирлашиш, диний соҳада – виждон эркинлиги, маданий соҳада – маданий хилма-хиллик, миллатлараро ва ирқлараро муносабатларда – миллатлар, ирқларнинг тенглиги ва толерант муносабатда бўлиши, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлаш ва сўз эркинлиги, мафкуравий соҳада – ғоявий хилма-хиллик, плюрализм, миграция соҳасида – инсоннинг яшаш жойини эркин танлаш, маънавий-маърифий соҳада –

инсонийлик, ҳурфикрлилик ва фикрларнинг тенг ҳуқуқли рақобати асосида ривожланиши орқали амалга ошади, деб эътироф этилади.

Ижтимоий ҳаётда бу соҳаларнинг барчасида идеал ҳолатга муайян даражада яқинлашиш имкониятлари борлигини инсоният тарихий тажрибаси кўрсатди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дунёда энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш ҳамда фуқаролик жамияти ҳамда дунёвий, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлатни шакллантириш мақсадини ўз олдига қўйди. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги замон цивилизациясига хос сиёсий фаолият ва уюшувнинг ўзимизга мос тизимлари, янги сиёсий институтлар ва технологиялар, жамият сиёсий ҳаётида қатнашишнинг демократик усуллари (икки палатали парламент, демократик сайловлар, референдумлар, умумхалқ муҳокамалари) шаклланди. Бу борада жаҳонда ишлаб чиқилган, ривожланган демократик давлатларга хос бўлган кўппартиявийлик тизими, нодавлат ташкилотларнинг фаоллиги ва жамият ҳаётида ҳар томонлама қатнашиши мамлакатимизнинг ўзига хос вазиятига мос равишда рўёбга чиқмоқда.

Яқин ўтмишда хусусий мулк тақиқланган ва оқибатда иқтисодий фаолият эркинлиги йўқ қилинган эди. Инсон фаолияти ва моҳияти яхлитлиги нуқтаи назаридан иқтисодий эрксизлик бошқа соҳалардаги эркинликларга ҳам тўсиқ бўлди. Шунинг учун ҳам, эълон қилинган эркинликлар кўп жиҳатдан рўёбга чиқмай декларация шаклида қолиб кетди. Шу сабабли давлатимиз мустақиллиги эркинлигимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш ўтиш даври қийинчиликларини мумкин қадар камайтириш, турли ижтимоий иллатлар, адолатсизликларнинг олдини олиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон фуқаролик жамияти қуришда ўзига хос янги йўлдан бормоқда. Бу йўлда тоталитар тузум давридагидан фарқли равишда инсон фаоллиги, эркинлиги, ташаббуси ва ижодкор кучини ривожлантириш асосида фуқаролик жамияти қурилиши амалга ошмоқда.

Эндиликда, мустақил мамлакатга айланган Ўзбекистон демократик, инсонпарвар жамият қурилиши йўлидан бормоқда. Бу борада жамиятнинг барқарор ривожланиши асосида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тадрижий ва тизимли

равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар туб сифат ўзгаришларнинг асосини ташкил этади.

Дин соҳасида илмий асосланган сиёсат. Диний тафаккурнинг сиёсийлашув жараёни глобал миқёсда, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда экстремизмнинг энг кенг тарқалган шакли бу диний экстремизмдир. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда дин соҳасидаги илмий асосланган сиёсат катта аҳамиятга эга.

Барча ривожланган давлатлар демократия, инсонпарварлик ва дунёвийлик тамойилларига амал қилади. Уларда виждон эркинлиги ҳуқуқий кафолатланган бўлиб, толерантлик (бағрикенглик) ҳал қилувчи тамойил сифатида эътироф этилади.

Бағрикенглик муносабати барча ижтимоий гуруҳлар ва шахслар орасида амалга оширилган тақдирдагина дунёвий давлат ва жамият барпо этилиши мумкин. Шу сабабли инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ўзлигини англаши ва намоён қилишини таъминлаш дунёвий демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, дунёвий давлатни ўз идеали таркибига асос қилиб қабул қилмайдиган ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар давлат ҳокимиятига эришиш учун бўладиган демократик, кўппартиявий рақобатда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, инсонпарварлик тамойили бузилиши учун «қонуний» йўл сақланиб қолган бўлади.

Ўзбекистон Республикасида дин соҳасидаги сиёсат қонунийлик, демократия, дунёвийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Конституция ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунда диннинг давлатдан ажратилгани, виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатлангани ҳамда диний экстремизмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ифодаланган.

Диний экстремизм конфессияларо муносабатлардаги муаммолар асосида пайдо бўлмаслиги учун инсонларнинг диний эътиқодидан қатъи назар, тенгҳуқуқлилиги қонуний равишда кафолатлангани катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси асосида ушбу тенгҳуқуқлилик таъминланган.

Конфессияларо муносабатларда инсон эркинлигини таъминлаш учун виждон эркинлиги ва толерантлик тамойили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фуқаролик жамиятида ҳар бир инсон истаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Бу инсон руҳий эркинлигининг ҳал қилувчи тамойили ва ажралмас хусусиятидир. Шу сабабли фуқаролик жамиятини қурувчи барча давлатларда виждон эркинлиги тамойили Конституция даражасида кафолатланган. Бу мустақил мамлакатимизда дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига биноан миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланган. Жаҳон ҳуқуқшунослик фани тажрибаси асосида қабул қилинган бу қоида давлатимизда миллий ва диний асосда низо пайдо бўлишининг олдини олиш учун хизмат қилувчи конституциявий кафолатдир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўз диний ҳуқуқларини амалга оширишлари учун яратилган шароитларни диний ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мустақиллик шарофати туфайли уларнинг фаолияти том маънода тикланди ва ривож топмоқда.

Фарзандларимизга деб ёзади И.Каримов “...дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтириб беришимиз лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди.

Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз”.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган, диний ва дунёвий фанлар бўйича билим бериладиган Тошкент ислом университетининг 1999 йилдан фаолият кўрсата бошлаши бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бундан ташқари фуқароларга ислом динининг эзгу моҳиятини тушунтириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» ойлик журнали ва «Ислом нури» газеталари мунтазам чоп этилмоқда. Республика телевидениеси орқали «Зиё» студияси ва «Ҳидоят сари» кўрсатувлари мунтазам бериб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўплаб қадимги диний-маданий обидалар тикланди, таъмирланди, қайта қурилди, янги ёдгорлик мажмуалари яратилди. Буюк мутафаккирларимизнинг юбилейлари мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Мамлакатимизда яшайдиган барча конфессияларнинг диний байрамлари нишонланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Рўза ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари деб эълон қилинди. Давлат томонидан ҳаж сафарига бориш учун кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилди.

2007 йили январда Ислом Конференцияси Ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши мустақил давлатимиз дин соҳасида олиб бораётган изчил сиёсатининг ёрқин натижаларидан бири бўлди.

Маълумки, Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси (ISESCO) фаолиятида ҳар йили ислом маданиятининг Осиё, араб дунёси ва Африка бўйича пойтахтларини эълон қилиш ўзига хос анъанага айланган. 2006 йилда Исфаҳон (Эрон), Ҳалаб (Сурия), Тимбукту (Мали) шаҳарлари шу номга лойиқ кўрилган эди. 2007 йилда эса бу шарафли унвонга Тошкент (Ўзбекистон), Триполи (Ливия), Фес (Марокаш) ва Дакар (Сенегал) шаҳарлари муносиб топилди.

ИКТнинг махсус қарорига асосан таъсис этилган ва 1982 йилдан ўз фаолиятини бошлаган, қароргоҳи Фес шаҳри (Марокаш)да жойлашган ISESCO бугунги кунга келиб 150 дан ортиқ халқаро тузилмалар, ҳукуматлар, минтақавий ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ISESCOнинг мусулмон дунёсидаги муайян шаҳарларни ислом маданиятининг пойтахтлари деб эълон қилиши мусулмон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-

меъморий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилиш, динлараро ва цивилизацияларо мулоқотни кучайтириш, турли мамлакатларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдек мақсадларини кўзлайди.

Тошкент шаҳрига ислом маданияти пойтахти деган юксак номнинг берилиши нафақат Тошкент, балки бутун Ўзбекистон халқи учун улкан тарихий ва маданий-маърифий воқеа бўлди.

Бу қувончли воқеа муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олиму уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига қизғин қутловлар келгани ва келаётгани, хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан шу муносабат билан ижобий фикрлар билдирилгани ҳам ушбу мақомнинг юксак мавқеини кўрсатади.

Умуман олганда, бундай мақом нафақат Тошкент шаҳрига, балки бутун Ўзбекистонга берилган юксак баҳодир. Бундай мақомнинг берилишида мамлакатнинг умумий, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи, ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, халқ ҳаётида ислом динига хос қоида ва арконлар, анъана ва қадриятларнинг ўрни, ушбу юрт фарзандлари қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олинади. Шунингдек, мамлакатда бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар меросни асраб-авайлаш, ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, жумладан, жаҳон жамоатчилигига етказиш юзасидан қилинаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Шундай экан, энг аввало, Тошкент шаҳри бундай юксак унвонга Ўзбекистон халқининг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, тарихий обида ва меъморчилик намуналари, исломга оид қўлёзма манбаларга бойлиги туфайли сазовор бўлди. Юртимиз алломаларининг қадимдан нафақат ислом, балки умумжаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшгани ҳам эътиборга олингани шубҳасиздир. Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидланганидек “тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари

Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф аввало ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".

Шунингдек, бундай мақомнинг берилишида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатда эътиқод эркинлигини таъминлаш, исломий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодлар қолдирган бой илмий ва маданий меросни ўрганиш, аллома ва азиз авлиёлар муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам инобатга олинган.

Ўтган йилларда мамлакатимизда шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий, Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Шоҳи Зинда мажмуаси, Бухородаги Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўк Гумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш, Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасини кенг кўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишлари фикримизнинг исботи бўла олади.

Бухоро, Самарқанд, Термиз, Қарши ва Хива каби Тошкент ҳам келгуси авлодлар учун авайлаб сақлаб келинаётган гўзал ислом архитектура иншоотлари, мадраса, масжид, музей ва кутубхоналарга бой шаҳар**.** Тошкентда нодир Усмон Мусҳафи ва Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бой хазинаси, шунингдек, дунёга машҳур «Бароқхон», «Кўкалдош» мадрасалари, Қаффоли

Шоший, Юнусхон, Шайхонтоҳур мақбаралари каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар мавжуд.

ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганига бағишлаб республикамизда йил давомида қатор илмий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, (семинарлар, давра суҳбатлари ва кўргазмалар), нуфузли халқаро илмий конференциялар ўтказилди, китоб, альбом ва рисолалар чоп этилди.

Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистонда ва, хусусан, пойтахтимизда мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар янада изчил давом эттирилди. Айни пайтда, жаҳон ҳамжамиятини ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан таништиришга қаратилган илмий-маърифий ва маданий тадбирлар ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузининг янада ошишига ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, дейиш мумкин.

Дин ва жамият ҳаётидаги алоқадорликда дин ва давлат муносабатини белгилаб берувчи тамойил – дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш, башорат қилиш ва ундан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади.

Жамият барқарорлигига тўсиқ бўлувчи иллатлар - диний экстремизм ва терроризмдир. Бу ҳодисага давлатимиз ўзининг ижтимоий ва сиёсий тараққиёти давомида дуч келди. Афсуски, террорчилик фаолиятида баъзан мамлакатимиз фуқаролари, юртдошларимиз ҳам иштирок этмоқда.

Нега инсон уни дунёга келтирган Она Юрти, Ватани, миллатига қарши чиқади? Нега ғайриинсоний фаолият юритиб, ўз юртдошларини ўлдиради, бутун халқ меҳнати билан яратилган биноларни, иншоотларни вайрон қилади? Бундай ваҳшиёна фаолият кўпинча сиёсий мақсадларда – ҳокимиятни эгаллаш учун амалга оширилади. Ўзбекистонда бундай фаолият тақиқлангани ва уни олиб борувчи ташкилотлар тугатилиши давлатимиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган.

Ислом дини миллионлаб кишиларнинг дунёқараши мазмунини ташкил этган ҳолда маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда беқиёс аҳамиятга эгадир. Диний экстремизм ва терроризм ғоялари таъсирига берилган кимсалар ҳар қанча уринмасинлар муборак ислом дини, халқимизнинг келажакка бўлган ишончи, эътиқодини, тинчлигимизни оёқости қилолмайдилар ҳамда ўзбек халқини ўзи танлаб олган демократик тараққиёт йўлидан қайтара олмайдилар. Зеро, халқимиз ислом динидан ўзларининг қабиҳ сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган бузғунчи кучларнинг асл мақсадини англаб етди ва мамлакатимизда олиб борилаётган виждон эркинлиги, диний бағрикенглик ва демократияга асосланган дунёвий давлат қуриш сиёсатини тўла қўллаб-қувватламоқда.

Фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан тортиб Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини маҳв этиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз ичида ўзларининг ғайриинсоний ва ғайриисломий ғояларини тарқатишга ҳаракат қилаётган диний экстремистлар ҳам ана шундай ғаразли мақсадларни, яъни ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишга интиладилар.

Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кишилар онги ва қалбини эгаллаш ғоявий курашнинг бош мақсадига айланганини англаб етиш мумкин. «Бугунги кунда, – деб ёзади Юртбошимиз, – инсоният қўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун узлуксиз

давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим».

Шундай шароитда моҳиятан ғайриинсоний, шу жумладан, диний экстремистик ғояларга қарши тура олиш учун кишиларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш марказий масалалардан бирига айланмоқда.

Иммунитет (лот. immunitas – озод бўлиш, қутулиш) деганда тиббиётда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли, шу жумладан, зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган хусусиятлари мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди.

Инсоннинг туғма бўлган ана шу умумий иммунитет тизимидан фарқли равишда мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. У ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади ва мафкуравий дахлсизликни таъминлашга (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эслайлик) хизмат қилади.

“Бугунги кунда,-деб ёзади И.Каримов,- ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”.

Қайд этилган фикрлар ҳозирги даврда инсон ҳаётида ахборот ва билимлар хилма-хиллигининг ўрни ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади. Шу билан бирга, билимлар мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури ҳисобланишини ҳам қайд этиш лозим. Аммо билимлар кўп. Диний экстремизм ва терроризм тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни омма онгига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу,

бир томондан. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсоният манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Фуқароларимизнинг асл ислом ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари диний экстремизмга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда, Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм, мутаассиблик ва ақидапарастлик ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг миллий ва диний анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган таҳдидлар тобора хатарли тус олмоқда. Бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш ҳаётий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий иммунитет тизимида унинг иккинчи асосий унсури - олинган билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятларнинг ўрни беқиёсдир. Билимлар қанчалик холис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий инфекциялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Қайд этилган мулоҳазалар асл ислом ҳақида муайян билимларга эга бўлиш, унинг байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар, қарашлар ва ҳаракатларни тўғри баҳолаш, уларнинг моҳиятан исломий қадриятларга бутунлай зид эканини англаб етишга хизмат қилади, деган хулосани чиқариш имконини беради. Билимлар ва қадриятлар тизими эса мафкуравий иммунитетнинг шаклланишида омил бўлиб қолаверади. Мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериши амримаҳолдир.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини, тўғри ташкил этилган бутун тарбия тизимини қамраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя руҳи билан йўғирилган ана шундай тарбия тизими яратилди. Уни доимий такомиллаштириб бориш ва давр даъватларига ҳозиржавоблигини таъминлаш эса, ҳар биримиз ва ҳаммамизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар».

Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни кучли мафкуравий иммунитет ва юксак маънавиятга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, “...халқ — бамисоли улуғ ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Карвон бехатар бўлмас, деган гап бежиз айтилмаган. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди. Нега деган-да, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият бор”.

Таянч тушунчалар:

Жамият барқарорлиги, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатлари, мулкдорлар синфи, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат.

Маънавий-маърифий янгиланиш, миллий давлатчилик анъаналари, демократик бошқарув тизими, фуқаролик жамияти, инсон омили, ҳуқуқий давлат, дин соҳасидаги сиёсат, миллий ғоя, бунёдкор ва бузғунчи ғоялар, ғоявий тарбия, мафкуравий иммунитет.

Такрорлаш учун саволлар:

1) Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жамият ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?

2) Сиёсий- ҳуқуқий ўзгаришлар ва суд- ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг ижтимоий адолатни таъминлашдаги аҳамияти нималарда кўринади?

3) Жамиятнинг маънавий-маърифий янгиланиши ва барқарор ижтимоий тараққиёти ўртасида қандай алоқадорлик бор?

4) Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг қандай ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин?

5) Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда мафкуравий иммунитетнинг ўрни ва аҳамиятини қандай баҳолаш мумкин?

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Асосий адабиётлар

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. – Т.: 2002..

2. Инсон ҳуқуқлари: Универсал халқаро ҳужжатлар тўплами. - Т.:1996.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

4. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т.: Адолат, 1998.

5. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1989

6. Радиациявий хавфсизлик тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2000. 7-8-сон.

7. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. 5-сон.

8. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004. 9-сон.

9. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007. 4-сон.

10. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Халқ сўзи, 2006 йил, 26 август.

11. Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори.// Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001.12-сон.

12. Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини ратификация қилиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори.// Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001. 17-сон.

13. Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга ва якунловчи баённомага қўшилиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори.// Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 1-2 сонлар.

14. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳақидаги битимни ратификация қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори.// Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 1-2 сонлар.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

16. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2- жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

17. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

18. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1996.

19. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

20. Каримов И.А Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

21. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999.

22. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

23. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.

24. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. - Т.:

Ўзбекистон, 2002.

25. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

26. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

27. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

28. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият. 14-ижлд. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

29. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

30. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

II. Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.– Т.: Академия, 2000.

2. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. - Т.: -Мовароуннаҳр, 2003.

3. Азимов А. Религиозный экстремизм и фундаментализм. - Т.: 1998.

4. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. - Т.: Янги аср авлоди, 2001.

5. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили.- Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

6. Бжезинский З. Великая шахматная доска. - М.: Международные отношения, 1999.

7. Вандам Е. А. Геополитика и геостратегия. – М.: Авторское издательство, 2002.

8. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. – М.: Логос, 2000.

9. Глобализация и моделирование социальной динамики. – М.: Институт

социальных наук, 2001.

10. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

11. Дугин А. Основы геополитики. - М.: Арктогея, 2000.

12. Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш: Муаммо ва ечимлар. Т.: Зарқалам, 2006.

13. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.

14. Закурлаев А. Ғоялар кураши. - Т. Мовароуннаҳр, 2000.

15. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. - Т.: Маънавият, 2000.

16. Ислам и политика. - М.: Авангард, 2001.

17. Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари).– Т.: 2003.

18. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида.-Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.

19. Ислом маърифати.–Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

20. Ислом. Энциклопедия.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

21. Каримов А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд «Ҳизбут-таҳрир»нинг даъволари хусусида мулоҳазалар. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

22. Каримов А. Дин ниқобидаги юртбузарлар ёхуд “Акромийлар” фитнаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

23. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари. – Т.: Маънавият, 2001.

24. Каримова В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

25. Комилов Н. Ислом - маърифат дини. - Т.: Маънавият, 2000.
Маърифат – тинчлик асоси.- Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

26. Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (На примере Республики

Узбекистан). Материалы международной конференции. – Т.:2002.

27. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

28. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. – Т.: Университет, 2001.

29. Обидов Р., Абдуллаев С., Азимов А. Ҳидоят ва залолат. - Т., 2004.

30. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

31. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.-Т.:Янги аср авлоди, 2001.

32. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: 2000.

33. Раҳматов О. Огоҳлик-муқаддас бурч. - Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

34. Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. – Т.: 2002.

35. Сафарова Н. Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни.- Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006.

36. Терроризмнинг глобаллашувида молиявий манбаларнинг ўрни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.

37. Турсунов А., Нурназаров Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ва уни таъминлашнинг қонуний асослари. – Т.: Тошкент, 2004.

38. Фалсафа: қомусий луғат. – Т. Шарқ, 2004.

39. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

40. Центральная Азия: экономика, геополитика, безопасность. – Т.: Шарк, 2002.

41. Экстремизм, терроризм, гуруҳий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. // Илмий- амалий анжуман материаллари. - Т.: 1999.

42. Якубов О. Қашқирлар галаси: Терроризмнинг қонли изи. - Т.: 2000.

43. Юнусова А.Т. Религия и закон. - Т.: Тошкент ислом университети, 2002.

44. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: ТИУ, 2004.

“ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ –МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ”

ФАНИДАН

МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА

ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-мавзу.	Экстремизмнинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 16 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Экстремизмнинг мазмун-моҳияти. 2. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг пайдо бўлиш сабаблари. 3. Диний экстремизм хавфини тушунтириш масаласи **4.** Самовий китобларда эзгу ғоялар талқини.
Ўқув машғулотининг мақсади: Экстремизмнинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - экстремизмнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш; - Диний экстремизм ва фундаментализмнинг пайдо бўлиш сабабларини очиб бериш; -"ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш" концепциясининг моҳиятини англашга кўмаклашиш; - Самовий китобларда эзгуликка қаратилган ғояларни кўрсатиб бериш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - экстремизмнинг мазмун-моҳиятини изоҳлайди; - диний-экстремизм ва фундаментализм сўзларига таъриф беради; - Диний экстремизм ва фундаментализмнинг пайдо бўлиш сабабларини айтиб беради; -"ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш" концепциясининг моҳиятига тавсиф беради; - Самовий китобларда эзгуликка қаратилган ғояларни изоҳлайди ва мисоллар келтиради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - экстремизм сўзи қандай маънони англатади? - фундаментализм атамасига қандай таъриф берасиз? - ислом фундаментализми деганда нимани тушунасиз? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Ақидапарастлик, диний фундаментализм, экстремизм, терроризм тушунчаларини шарҳлайди. 2.3. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг пайдо бўлиши тарихи, Хорижийлар, Ботиний, Қарматийлар ҳақидаги слайдлар тақдимотини намойиш қилади. а) Онгсизлик, жаҳолат каби тушунчаларни қандай таърифлайсиз? б) Таврот, Инжил ва Қурьонда келтирилган зулмни рад этувчи ва эзгуликни ҳимоя қилувчи ғояларни биласизми? б) Жаҳолатга қарши қандай курашиш керак? каби саволлар орқали экстремизмнинг мазмун- моҳияти ва келиб чиқиш сабабларини тушунтириб берадилар. 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа: “Диний экстремизм” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова

1-савол. Экстремизмнинг мазмун-моҳияти.

Экстремизм (лотинча extremus – ўта) – ижтимоий – сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора- тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт.

Экстремизм - ўта ўнг (ёки сўл) қарашлар ва чораларни ифодаловчи назария ва амалиётга нисбатан ишлатилади. Бирон ҳодисанинг меъёридан ошиши, ҳаддан чиқиши, шунингдек, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган ғоя ва ҳаракатларни куч билан сингдиришга ҳам экстремизм дейилади.

Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган.

«Экстремистик» сўзи «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш» маъноларини билдиради.Жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мойиллик экстремизмнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган.

Диний экстремистик руҳдаги қарашларни буддизм, христианлик, ислом, католиклар, протестантлар, провославлар орасида бирдай учратиш мумкин.

2-савол. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг пайдо бўлиш сабаблари.

- Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги диний бағрикенглик, инсонпарварлик майллари, фан ва санъатнинг ривожланиши Араб Шарқида қаршиликни келтириб чиқарди. Натижада XIII–XIV асрларда бугунги кунда тузилмаларини шакллантираётган экстремистлар ғоявий жиҳатдан таянаётган **ақидапараст салафийлик оқими** юзага келди.
- Ибн Таймия бошчилигидаги салафийлар Марказий Осиё мутафаккир, олим ва уламоларини «ислом моҳиятини сохталаштириш»да айблаб, халифаликни идеаллаштиришга асосланган қарашлар тизимини ишлаб чиқдилар ва жиҳодни унга эришишнинг асосий воситаси сифатида эълон қилиб, ўз ғояларига жанговарлик тусини бердилар. Шундай қилиб, салафийлик ҳокимият учун курашнинг маҳсули эди. Шу тариқа, XVIII асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб салафийлик асосида Арабистон ярим оролида ҳокимият учун кураш олиб боришга мослаштирилган ваҳҳобийлик таълимотини яратди.
- Янги давр Араб Шарқидаги мутаассиб оқимлар дастлаб салафийлик ва ваҳҳобийликка асосланган бўлсалар-да, кейинроқ улардан ҳам илгарилаб кетдилар. Бу тузилмаларнинг ғоявий дастури «ихвонийлик» ва «жиҳод»га асосланган бўлиб, кўп сонли жангарилик уюшмаларига ғоявий озуқа бериб келмоқда.
- Ислом байроғи остида фаолият кўрсатаётган замонавий экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тарихнинг муайян даврида устувор бўлган кўплаб омиллар, турли жараёнларнинг ўзаро таъсирлашувининг натижасидир.

- **Фундаментализм** - ҳар бир диннинг пойдевори, яъни илоҳий китоблар ва пайғамбарлар кўрсатмасига тақлидан яшашга даъват этади. Бу бир қарашда беғараз бир ҳолат. Сабаби ҳар бир дин моҳият эътибори билан инсонларни эзгулик сари етаклайди. Аммо бунинг ортида алоҳида бир ғаразлар бор. Бу ғаразлар асло соф диний таълимотлар билан уйғунлашмайди. Чунки, дин ниқоби остида қон тўкиш, одамларни хонавайрон қилиш каби ёвузликлар билан бўлсада, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш асл диний таълимотларга зиддир.
- Аслида **«фундаментализм»** сўзи 20-аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охирги пайтларда жаҳон матбуотларида мутаасиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди.
- **Ислом фундаментализми** – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган атама.
- **Ислом фундаментализми** турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади.
- **Ислом фундаментализми** учун умумий бўлган ғоялар - гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, ва ниҳоят, уларнинг таъбири билан айтганда, исломда «ширк» (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. Азиз авлиёлар қабрларига эъзоз билдириш, масалан Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчиларининг руҳи-покларини ҳурматлаш ҳам ислом фундаментализми талқинида будпарастликка киради.

3.2.-илова

Диний экстремизмнинг жамиятга таҳдиди

- Икки тизимли воқеликнинг йўққа чиқиши шароитида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, маънавий қашшоқлашуви, Ғарб урф-одатлари ва маданиятининг кириб келиши ва маҳаллий урф-одатларнинг аста-секин сиқиб чиқарилиши каби омиллар ислом байроғи остидаги диний фундаментализм ва экстремизмнинг ривожланишига замин яратмоқда.
- Диний экстремистлар дунёвий жамиятга нафрат руҳи билан йўғрилган, Ғарб маданиятини инкор этишга асосланган ғояларни одамларнинг онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар иқтисодий қийинчиликлар, аҳоли моддий аҳволининг оғирлашуви, сиёсий кучларнинг қутблашуви каби муаммолардан фойдаланиб, конституциявий тузумга қарши кураш олиб бормоқда. Бундай кураш очиқдан-очиқ тўқнашув шакллари (кўча намойишлари, норозилик чиқишлари, иш ташлаш)ни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг турли табақалари ўртасида ноқонуний тарғибот услублардан фойдаланиб давлат тизимига қарши қўпорувчилик олиб бориш каби кўринишларда намоён бўлмоқда.
- Диний эктремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали яъни, қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар. Дин ниқоби остида сиёсий ҳокимиятга интилиш ниятидаги оқимлар турли мамлакатларда мавжуд ҳокимиятни ағдаргунча бирлашадилар, сўнг асло ўзаро келишмайдилар. Бунинг ёрқин мисоли XX асрнинг сўнгги чорагида Афғонистонда рўй берган жараёнлардир.

4-савол. Самовий китобларда эзгу ғоялар талқини

4.1.-илова

Аллоҳ томонидан пайғамбарларга туширилган Самовий китоблар

ҚУРЪОН (арабча-ўқимоқ, қироат қилмоқ) – ислом динининг муқаддас китоби. У Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил, яъни 13 йил мобайнида Маккада ва 10 йил давомида Мадинада нозил қилинган. У 114 сура ва 6274 оятдан иборат бўлиб, ҳар бир суранинг ўз номи бор.

ТАВРОТ (қадимги яҳудийга «тора» - қонун) – яҳудийлик динининг муқаддас китоби. У Мусо пайғамбарнинг илоҳий Қонунларини ўз ичига олган беш китоби, яъни Муқаддас Китоб (Библия)нинг «Ибтидо», «Чиқиш», «Левит», «Чўлда» ва «Амрлар»деган беш китобидан иборат. Баъзи адабиётларда Қадимги Аҳдда учрайдиган китобларнинг ҳаммасини (39 китоб) ёки Библияни ҳам «Таврот» деб ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди.

ИНЖИЛ – "Янги аҳд" – юнон (қадимги грек) тилида ёзилган худонинг Исо воситачилигида одамлар билан янги аҳдлашуви бўлиб, христианлик ақидалари 27 бўлимда жамланган. Инжил (Евангелия) сўзи юнон тилида хушхабар деган маънони билдиради. Инжилда Исо Масиҳнинг туғилиши, ҳаёти, яратган мўъжизалари, таълимотлари, гуноҳкор одамларни қутқариш учун ўлиб, қайта тирилгани баён қилинади.

ЗАБУР – диний манбаларга кўра, Довуд пайғамбарга нозил бўлган илоҳий китоб. Библия (грекча – китоблар) – яҳудийлик ва христианлик динидагиларнинг муқаддас китоблари тўпламининг христианлик пайдо бўлмасдан олдин яратилган биринчи ва катта қисми Қадимги Аҳд («аҳд» - Худонинг инсонлар билан махсус алоқаси) «Таврот» ва «Забур»ни ўз ичига олган.

4.2.-илова

Диннинг бағрикенглик моҳияти

- Барча динларда эзгулик ғоялари устувор бўлиб келган. «Яхшилик қил, ёмонлик қилма» демаган бирорта диний таълимот йўқ. Шундай экан, барча динларни, ҳатто энг қадимгиларини ҳам бағрикенглик руҳида ўрганмоқ зарур.
- Ислом дини ўзининг илк давридаёқ бағрикенглик дини сифатида намоён бўлди. Исломда эътиқод эркинлиги очиқ-ойдин эълон қилинган: «Бақара» сурасининг 256-оятида «Ла икраҳа фид-дин» – «Динда зўрлаш йўқ», дейилган.
- Миллий ва диний ранг-баранглик ҳамда эътиқод эркинлигини қарор топтириш масалаларига бағишланган ва тўлиғича бағрикенглик руҳи билан суғорилган Қуръон оятлари мазмунидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Энг аввало, одамларнинг тили ва рангидаги фарқлар тушунувчилар учун Худонинг мўъжизаларидандир.
- Айни пайтда, дунёдаги турли-туманлик Яратганнинг иродаси ва ҳикмати билан боғлиқ. Худо дастлаб одамзотни бир уммат қилиб яратганди, сўнгра уларни турли қабила, халқ ва динларга ажратишни ирода қилди. Бундай ранг-баранглиқдан мақсад – умумий фаровонлик йўлида инсонлар бир-бирлари билан мусобақа қилмоқлари даркор.
- Бошқа жамоалар билан ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш учун мусулмонлар улар билан, айниқса, китоб аҳли – яҳудийлар ва насронийлар билан мулоқот қилмоқлари лозим. Қуръон бу дунёни барча халқ ва дин вакиллари тинч-тотув яшайдиган замин деб эълон қилди.
- Умуман олганда, Қуръоннинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган. Муҳаммад пайғамбар ҳам ўз ҳаётлари давомида ҳеч қачон ҳеч кимни исломга киришга мажбур қилмаганликларини, бирон марта у ёки бу ҳарбий ҳаракат диний эътиқод туфайли бўлмаганини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

4.3-илова

Жаҳолатга қарши маърифат

- **Жаҳолат** – арабча “жаҳила” феълининг ўзаги бўлиб, билмаслик маъносини англатади. Ислом динидан олдинги даврни “жоҳилият даври” деб аталишининг сабаби ҳам шунда. Кишилар билимсизлиги, жоҳиллиги туфайли қиз болаларни тириклай кўмганлар, аёлларни одам ўрнида кўрмаганлар, уларнинг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаган, жамият жиноят ботқоғига ботган замон бўлган.
- Ислом дини келгач, жаҳолат ўрнини **маърифат** эгаллади. У аёл-қизлар шаънини кўкларга кўтарди, уч қиз тарбиялаб, уларни турмушга берган она жаннатий бўлиши, жаннат оналар оёғи остида эканини баралла айтди. Кишилар маърифатли бўла бошладилар.
- Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага айланди. Шу жумладан, бизнинг юртимизда ҳам бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, обод жойлар вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида ваҳима, парокандалик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида бу каби ишларни амалга оширмоқчи бўлганларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Бу курашнинг моҳияти, жумладан, Президентимизнинг “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, **фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда**”,- деган фикрларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.
- Афсуски, бугунги кунда ҳам жаҳолат турли кўринишларда ўзлигини намоён қилмоқда. Шулардан бири, диний билимсизликдир. Диний саводи паст бўлган кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг қуруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини қурбон қилишгача етиб бормоқдалар. Бундай мудҳиш оқибатларни келтириб чиқарувчи билимсизликнинг олдини олишга давлатимиз катта эътибор қаратилмоқда.

5-**илова**

Машғулот бўйича хулоса

1. Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

2. Одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан ислом байроғи остида содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда. Айни пайтда, бундай жараёнлар кишиларни доимий огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ва ғаразли талқинларидан фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди.

2. Транспорт ва коммуникация воситаларининг тараққиёти юз бераётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террористик ҳаракатлар бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканлигини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозим эканлигини яққол кўрсатмоқда**.**

3. Дунёда инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойиллар устувор бўлиб бораётган, қонун ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидалари мамлакатлар, халқлар, давлатлар орасидаги муносбатларнинг асосий тамойилига айланаётган ҳозирги даврда диний экстримизмга ўрин қолмаяпти. Аммо бу унга қарши курашмаслик, хушёрликни оширмасликни билдирмайди. Мазкур соҳада ҳам Президентимиз уқтирганлари каби огоҳлик, эзгу ғоялар йўлида кураш олиб бориш ҳаёт ва фаолиятнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

6-илова

1-маъруза машғулоти бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун вазифа (Кластер услуби).



2-мавзу	**Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати**

2-Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 16 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Эътиқод тушунчасининг маъноси. 2.Бағрикенглик ғоясининг моҳияти. 3.Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун. 4. Ўзбекистонда диний ташкилотларни тартибга олиш тартиби.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - эътиқод тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш; - бағрикенглик ғояси, диний бағрикенглик тушунчаларини очиб бериш; -Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг моҳиятини англашга кўмаклашиш; - Ўзбекистонда диний ташкилотларни тартибга олиш тартибини кўрсатиб бериш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - эътиқоднинг мазмун-моҳиятини изоҳлайди; - бағрикенглик ғояси, диний бағрикенглик сўзларига таъриф беради; - Дунёвий давлатда диннинг ўрнини айтиб беради; Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг моҳиятига тавсиф беради; - Ўзбекистонда диний ташкилотларни тартибга олиш тартибини изоҳлайди ва мисоллар келтиради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

2-Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, Вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. 1. Эътиқод ва диний эътиқод деганда нима тушунилади? 2. Диннинг бағрикенглик моҳияти нимада? 3. Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади? 4. Виждон эркинлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий стандартлари деганда нима тушунилади? 5.Давлатнинг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлашдаги роли нималарда кўринади? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Эътиқод, диний эътиқод тушунчаларини шарҳлайди. 2.3. Давлат ва дин, Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати ҳақидаги слайдлар тақдимотини намойиш қилади. а) Ўзбекистоннинг дунёвий ривожланиш йўли деганда нима тушунилади? Б). Давлатнинг динга муносабатини белгилаб берувчи асосий тамойилларнинг моҳияти нимада? В) Виждон эркинлиги ҳуқуқининг конституциявий асослари деганда нима тушунилади? Г) «Дунёвийлик-даҳрийлик эмас» тамойилининг ижтимоий аҳамияти нимада? В) Ўзбекистонда қайси конфессияларга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатади кабиларни тушунтириб берадилар. 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа: Венна диаграммасидан фойдаланиб, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг эски ва янги таҳрири орасидаги фарқларни аниқлашни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова

1-савол. Эътиқод ва диний эътиқод деганда нима тушунилади?

- Эътиқод (арабча «иътақада» феълидан) ишонч, имонли бўлиш маъноларини англатади. Кенг маънода эътиқод инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англанган билим, ғоя ва шу асосда шаклланадиган мақсадлар мажмуини ҳамда уларнинг тўғрилигига ишонч билан боғлиқ бўлган психологик ҳолатни ифодалайди.
- Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Умуман олганда, эътиқод шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади.
- Эътиқод инсон вояга етиши билан боғлиқ ҳолда тўпланган билимлар, ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар, ҳаётий тажриба асосида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради ва шахс фаолиятининг изчил, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.
- Эътиқод фақат амалий фаолият жараёнида ўзлигини намоён қилади. Юқоридаги сифатий хусусиятлар билан бир қаторда журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик каби ҳолатлар ҳам мавжудлигини ва улар эътиқоднинг заифлигини кўрсатишини қайд этиш лозим.

- Ислом Каримов таъкидлаганларидек, *“...бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди…»*

- Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган*: «Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».*

2-илова

2-савол. Диннинг бағрикенглик моҳияти нимада?

Диннинг бағрикенглик моҳияти

- «Бағрикенглик» тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, философия, илоҳиёт, қиёсий диншунослик каби соҳаларда кенг истифода этиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади.
- Лотинча tolerare, яъни «чидамоқ», «сабр қилмоқ» маъносини англатган бу сўз, асосан бир инсоннинг бошқа инсон дунёқарашига тоқат қилишини билдирса-да, этимологик таҳлил доим ҳам унинг том маъносини очиб беравермайди.
- Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим.
- БМТнинг 1945 йили қабул қилинган Уставида ўзаро бағрикенглик руҳида яхши қўшничилик кайфиятида яшаш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб, ҳаракат қилиш асосий мақсадлардан бири, деб эълон қилинди.
- БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) мавжуд ва унда ҳозирга қадар ишлаб чиқилган 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қаторида 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган «**Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси»** алоҳида ўринга эга.

3-савол. Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади? **3-илова**

Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати

- Халқ томонидан асрлар оша эъзозланиб келинган қадриятлар тизимида диний қадриятлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон халқи томонидан азалдан ардоқланиб келинаётган қадриятларнинг аксариятига исломий руҳият ва шарқона одоб-ахлоқ чуқур сингиб кетган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан “агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу – аввало муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим,”- деб таъкидлангани ҳам айни шу билан изоҳланади.
- Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили унинг асосини ташкил этишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

***Савол*. Виждон эркинлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий стандартлари деганда нима тушунилади?**

4-илова

Дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилувчи халқаро стандартлар

БМТ Уставида инсон ҳуқуқларига риоя этишни тартибга солувчи - инсон шахси шаъни ва қадр-қиммати, халқларнинг тенг ҳуқуқлиги, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, ирқи, жинси, тили ва динига кўра камситишга йўл қўйиб бўлмаслигига тааллуқли қатор тамойиллар қайд қилинган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқоро билль. Унга инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (10.12.1948), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (16.12.1966/ 03.01.1976), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (16.12.1966) ҳамда уларга қўшимча тарзида хусусий шикоятлар ва ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги иккита баённома киради.

«Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенцияси»нинг дин ёки эътиқод эркинлигига тааллуқли ҳал қилувчи қоидалари қайд этилган 9-моддаси бу Конвенциядан бироз кейин ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ҳамоҳангдир:

1. Ҳар ким фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ибодат қилиш, ўқиш, диний амаллар ва маросимларни ўз дини эътиқодига мос равишда якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, оммавий ёки хусусий тартибда бажариш эркинлигини ҳам қамраб олади;

2. Ўз дини ёки ўз эътиқодига амал қилиш эркинлиги қонунда белгилаб қўйилган, демократик жамиятда жамоат хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб, жамоат тартиби, саломатлик ёки ахлоқни муҳофаза қилиш ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган даражада чекланиши мумкин...

“ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН

- 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
- 2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
- 3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи
- 4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги
- 5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги
- 6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари
- 7-модда. Таълим тизими ва дин
- 8-модда. Диний ташкилотлар
- 9-модда. Диний ўқув юртлари
- 10-модда. Диний ташкилотнинг устави
- 11-модда. Диний ташкилотларни руйхатга олиш
- 12-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш
- 13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш
- 14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар
- 15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки
- 16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш
- 17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти
- 18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкини тасарруф этиш
- 19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар
- 20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти
- 21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар
- 22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари
- 23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

5-илова

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун янги таҳрирининг амалий натижалари



6-илова

2-машғулот бўйича хулоса

1. Соғлом эътиқод шахс дунёқараши тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг аҳамияти биринчидан, шахс дунёқарашидаги барқарорликни белгиловчи ҳалқа сифатида чиқишида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олиш ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга, учинчидан, хулқидаги собитлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади.
2. Қуръон оятларда ҳақиқий эътиқод ички имондан келиб чиқиши таъкидланган. Шундай экан, уни зўрлик билан ўрнатиб бўлмайди. «Динда зўрлаш йўқ» оятини, инсонга танлаш ихтиёри берилган ва бунинг учун унинг ўзи жавоб беради, деган маънода тушуниш ҳам мумкин. Бундан ташқари, қиёматда эътиқод масаласидаги баҳсларни Яратганнинг ўзи ҳал қилади. Унгача эса инсонлар фақат хайрли ишларда ўзаро мусобақалашмоқлари керак. Эътиқод масаласида монополия бўлиши мумкин эмас. Умуман олганда, Қуръоннинг 50 дан ортиқ сурасидаги юзлаб оятларда мусулмонлар мўмин-қобиллик, тинчликпарварлик ва бошқа эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенгликка даъват этилган.
3. Халқаро ҳамжамият томонидан инсоннинг асосий табиий ҳуқуқларидан бири сифатида тан олинган дин ва эътиқод эркинлигига инсон ҳуқуқлари бўйича барча асосий халқаро ҳужжатларнинг энг муҳим қоидалари бағишланган. Виждон эркинлиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи халқаро ҳужжатларни БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг универсал халқаро шартномалари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий халқаро конвенциялар ва шартномалар мавжуд бўлиб, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи тегишли универсал халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

7-илова

2-маъруза машғулоти бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун вазифа
(Венна диаграмма усули).



* - “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг дастлабки ва янги таҳрири орасидаги фарқларни топинг.

3-мавзу	Дунёвий давлатда динга бўлган муносабат ҳамда Ўзбекистондаги диний ташкилотлар фаолият

Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, баҳс-мунозарали семинар
Семинар машғулотининг режаси	1. Эътиқод тушунчасининг маъноси. 2. Тараққиёт ва ҳурликка етакловчи эътиқод билан бузғунчи, адаштирувчи “эътиқод”ни фарқли жиҳатлари. 3.Бағрикенглик ғоясининг моҳияти. 4. Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - эътиқод тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш; -Тараққиёт ва ҳурликка етакловчи эътиқод билан бузғунчи, адаштирувчи “эътиқод”ни фарқли жиҳатларини англашга кўмаклашиш; - бағрикенглик ғояси, диний бағрикенглик тушунчаларини очиб бериш; -Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг моҳиятини англашга кўмаклашиш; - Ўзбекистонда диний ташкилотларни тартибга олиш тартибини кўрсатиб бериш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - эътиқоднинг мазмун-моҳиятини изоҳлайди; - Тараққиёт ва ҳурликка етакловчи эътиқод билан бузғунчи, адаштирувчи “эътиқод”ни фарқли жиҳатларини мисоллар билан сўзлаб беради; - бағрикенглик ғояси, диний бағрикенглик сўзларига таъриф беради; - Дунёвий давлатда диннинг ўрнини айтиб беради; Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг моҳиятига тавсиф беради; - Ўзбекистонда диний ташкилотларни тартибга олиш тартибини изоҳлайди ва мисоллар келтиради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, компьютер, конспектлар
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Дарс “ҳамкорликда ўқиш” усулидан фойдаланган ҳолда ташкил этилишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ фаолиятига мос ҳолда индивидуал баҳосини олиши, гуруҳнинг биргаликдаги фаолияти презентацияда акс этиши зарурлиги эслатилади. 1.3. Ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш тартиби, регламент, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари тушунтирилади (1,2-илова).	1.1. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич. Асосий (65 мин.)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида эътиборни жалб этувчи савол беради: “Бугунги кунда дин ва давлат муносабатларини таҳлил қилиб, қандай хулосаларга келиш мумкин?”. Суҳбат давомида, ўқув муаммоларини ечиш бўйича зарур бўлган, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим даражасини аниқлайди. 2.2. 3 та гуруҳни шакллантиради. Ўқув топшириқлари ва гуруҳларни ўзаро баҳолаш жадвалини беради (3-илова). Талабалар билан биргаликда ечиш кетма-кетлиги ва кутилаётган натижалар муҳокама қилинади. Топшириқни бажаришда кандай қўшимча материаллардан (дарслик, маъруза матн) фойдаланиш мумкинлиги аниқлаштирилади. Гуруҳда иш бошланганлигини эълон қилади. Кузатувчи вазифасини бажаради. Шу билан бирга: - гуруҳларда ишни назорат қилади, лекин, унга раҳбарлик қилмайди; - маълум муаммо, топшириқни ечиш ва таҳлил қилишда алоҳида ишлаш кўникмаси шаклланишига ҳам эътибор қаратади. Очиқ савол ташлайди: “Нима учун сиз бундай деб ўйлайсиз?” - талабалар бажараётган ишларни изоҳлайди, улар эришган натижалар бўйича аниқ эътирозлар билдиради. 2.3. Презентация бошланганлигини эълон қилади, натижалар билан таништириш учун гуруҳ вакилини тайинлайди ва ўзаро баҳолашни ташкил қилади. Хулосаларга катта эътибор қаратади ва уларни изоҳлайди.	2.1. Саволга жавоб берадилар. 2.2. Гуруҳда ишлайдилар: 1) ўқув топшириғи 2) кичик гуруҳларга бўлинади ва топшириқни гуруҳ ичида тақсимлайдилар; 3)алоҳида топшириқни бажаради; 4)алоҳида топшириқ бўйича ўз гуруҳида кичик маърузаларни эшитади, ўқув топшириғи бўйича 2.3.Гуруҳ вакиллари ишлар натижалари билан таништиради ва назорат саволларига жавоб берадилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга савол тайёрлайди.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокама қилади, баҳолайди ва хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун топшириқ беради: Инсерт усули бўйича кейинги мавзуни ўқиш.	3.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар. 3.2. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари:

Гуруҳдаги ҳар бир талаба:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- "Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз" атамасини яхши билишлари лозим.

2-илова.

Семинарда ишлаш регламенти ва тартиби

1. Гуруҳда ишлаш ва қоғозда презентацияни ёзиш – 25 мин.
2. Иш натижалари презентацияси билан тақдимот – 8 мин.
3. Гуруҳ фаолиятини баҳолаш ва жамоа бўлиб муҳокама қилиш – 5 мин.
4. Ўқитувчи томонидан умулаштириш – 2 мин.

3-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

Гуруҳ	**Ечим (тўлиқлиги, тўғрилиги)**			**Тушунтириш (аниқлиги, мантиқийлиги)**	**Гуруҳ фаоллиги**	**Баллар йиғиндиси**
	Савол (0,5)	Жадвал (0,5)	Масала (1,0)	(0,6)	(0,4)	(3,0)
1						
2						
3						

Ўқув топшириғи

Ҳар уч гуруҳга қуйидаги саволга жавоб ёзиш топшириғи берилади:

Савол. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг Янги таҳрири қандай амалий натижалар берди?

Жадвални тўлдирадилар.

Қонундаги ўзгаришлар	Қандай натижа берди?
7-модда. Таълим тизими ва дин. ***Диний таълим тизими қонуний асосда қайта кўриб чиқилди***	

Ечиш кетма-кетлиги.

1. Ушбу ўзгаришлар қандай амалий натижалар берди.
2. Ушбу натижалар таълим тизимига қандай таъсир қилди.
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдиринг.

4-мавзу	Жаҳон динлари тизимида ислом

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1.Ўзбекистонда христианликни ёйилиши 2. Буддавийликни Марказий Осиёдаги тарихий ўрни. 3. Ислом ёйилган минтақалар. 4. Исломдаги ақидавий ва фиқҳий мазҳаблар
Ўқув машғулотининг мақсади: Жаҳон динлари тизимида ислом динининг тутган ўрни ҳақида талабаларда тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар: - Ўзбекистонда христианликнинг тарқалган асосий йўналишлари – католик, православ, протестант ва бошқа оқимлари ҳақида маълумот беради; - Марказий Осиёда буддавийликнинг тарқалиши тарихини ёритиш; - Жаҳонда Ислом дини ёйилган минтақаларни кўрсатиб бериш; - исломдаги ақидавий ва фиқҳий мазҳаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.	***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** Талаба - Ўзбекистонда христианликнинг тарқалган асосий йўналишлари – католик, православ, протестант ва бошқа оқимлари ҳақида маълумотга эга бўладилар ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради; - Марказий Осиёда буддавийлик динининг тарқалиши тарихини ўрганади ва ёритиб бера олади; - Жаҳонда Ислом дини ёйилган минтақаларни ва уларда диннинг тутган ўрни борасида билимга эга бўлиб, сўзлаб беради; - исломдаги ақидавий ва фиқҳий мазҳаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари айтиб беради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал (слайдлар) маъруза, баён қилиш, “Миссионерлик”ҳақида видео ролик намойиши
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, компьютер
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	**Талаба**
1-босқич. **Кириш** (10 мин)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1.Эшитади, ёзиб олади.

2-босқич. **Асосий** (55 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - Динлар нималар асосида тасниф қилинади? - Динларнинг қандай турларини биласиз? - Жаҳон динларини санаб беринг. - Ўзбекистонда ҳозирда нечта конфессия мавжуд? - Дунёда аҳолисининг неча фоизини мусулмонлар ташкил этади? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Жаҳон динлари тизимида ислом динининг туган ўрнини ёритиб берувчи маълумотларни шарҳлайди. 2.3. Христианлик, буддавийлик ҳамда ислом динига оид слайдлар тақдимотини намойиш қилади. 1.Ўзбекистонда христианликнинг тарқалган асосий йўналишлари – католик, православ, протестант ва бошқа оқимлари ҳақида маълумот беради; 2.Марказий Осиёда буддавийликнинг тарқалиши тарихини ёритиш; 3. Жаҳонда Ислом дини ёйилган минтақаларни кўрсатиб бериш; 4.Исломдаги ақидавий ва фиқҳий мазҳаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот беради. 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. **Якуний** (15 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мавзу бўйича Б.Б.Б.жадвалини тўлдиришни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова



1. **Уруғ-қабила динлари** - тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган;
2. **Миллат динлари** - маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик (яҳудий миллатига хос), ҳиндуийлик (ҳиндларга хос), конфуцийлик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради;
3. **Жаҳон динлари** - дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъиназар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Бундан ташқари динлар таълимотига кўра **монотеистик** - яккахудолик (яҳудийлик, ислом) ва **политеистик** - кўпхудолик (ҳиндуийлик, конфуцийлик) динларига бўлинади.

2-илова

Бугунги кунда христианлик 254 та мамлакатда тарқалган бўлиб, унга 2 миллиард киши эътиқод қилади. Исломга 172 та мамлакатда яшовчи 1,3 миллиард, буддавийликка эса 86 та мамлакатда истиқомат қилувчи 700 миллион киши эътиқод қилади

ХРИСТИАНЛИК Ўрта Осиё минтақасига милоднинг илк йилларидан кириб кела бошлаган. Маълумотларга кўра, XX аср бошига келиб, Туркистонда 306 та черков фаолият кўрсатиб, 391 минг киши православликка эътиқод қилган. Бундан ташқари минтақада 10,1 минг православликка мансуб бўлган «старообрядчи»лар, 8,2 минг лютеранчилар, 7,8 минг католиклар, 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар яшаган

Ўзбекистонда расман фаолият юритаётган оқимлари: корейс протестант черковлари, адвентистлик, баптистлик, Евангел христиан-баптистлар черкови, тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклик), лютеранлик, методистлик, новоапостоллик черкови, иегов шоҳидлари кабиларнинг 124 та черкови, 2 та маркази ва 1 та семинарияси


ISLOM
Alloh
Rasullulloh
Iymon
Arkonlar
Shariat
Makka
Yakkaxudolik
Qur’on
Hadis


XRISTIANLIK
Falastin
Yevropa
Iso ibn Maryam
Otasiz payg’ambar
Samoviy din
Katoliklar
Protestantlar
Pravaslavlar
Missionerlik
Jahon dini





4-илова.

Б.Б.Б. техникасидан фойдаланиб талабалар билимини аниқлаш

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1.	Динларнинг турлари			
2.	Христианликдаги йўналишлар			
3.	Буддавийликнинг вужудга келиши			
4.	Исломдаги мазҳаблар			
5.	Дунёдаги мусулмонлар сони			

6.	Ханбалий мазҳаби тарқалган минтақалар			
7.	Ўзбекистонда расман фаолият юритаётган диний конфессиялар			

5-мавзу	Христианлик, буддавийлик ва ислом динларининг жамият ҳаётида тутган ўрни

Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мунозарали семинар
Семинар машғулотининг режаси	1.Ўзбекистонда христианликни ёйилиши 2. Юртимизда расман фаолият юритаётган христианлик оқимлари. 3. Буддавийликни Марказий Осиёдаги тарихий ўрни. 4.Ислом ёйилган минтақалар.
Ўқув машғулотининг мақсади: Христианлик, буддавийлик ва ислом динларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида талабаларда тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар: - Ўзбекистонда христианликнинг ёйилишини тарихий мисоллар билан кетиради; -Юртимизда расман фаолият юритаётган асосий йўналишлари – католик, православ, протестант ва бошқа оқимлари ҳақида маълумот беради; - Марказий Осиёда буддавийликнинг тарқалиши тарихини ёритиш; - Жаҳонда Ислом дини ёйилган минтақаларни кўрсатиб бериш; - исломдаги ақидавий ва фиқҳий мазҳаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш.	***Ўқув фаолиятининг натижалари:*** Талаба - Ўзбекистонда христианликнинг тарқалган асосий йўналишлари – католик, православ, протестант ва бошқа оқимлари ҳақида маълумотга эга бўладилар ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради; - Марказий Осиёда буддавийлик динининг тарқалиши тарихини ўрганади ва ёритиб бера олади; - Жаҳонда Ислом дини ёйилган минтақаларни ва уларда диннинг тутган ўрни борасида билимга эга бўлиб, сўзлаб беради; - исломдаги ақидавий ва фиқҳий мазҳаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари айтиб беради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, компьютер, конспектлар
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Мавзуни мунозара тарзида ўтишини маълум қилади.	1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич. Асосий (45 мин.)	2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади ва шу асосида блиц-сўров ўтказади. Рақобат унинг моҳияти ва мақсадини ифодалаб беришни топширади. 2.2. Иш гуруҳларда /жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Давра суҳбати” сифатида давом эттирилишини эълон қилади. “Давра суҳбати” қоидалари билан таништиради (илова 1). Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Муайян динларга оид тушунчаларга тариф берадилар. 2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар. 2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар.
3-босқич. Гуруҳларда жуфтликларда ишлаш (20 мин.)	3.1. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди (илова 2). Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 3.2. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	3.1. Ўқув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар; 3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот варақларини расмийлаштирадилар.
4-босқич. Якуний (5 мин.)	4.1. Ишга якун ясайди, баҳолар қўяди. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради	4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари:

Гуруҳдаги ҳар бир талаба:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- "Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз" атамасини яхши билишлари лозим.

2-илова.

Гуруҳлар учун вазифалар

1. Гуруҳ

Христанликда католик ва православ йўналишларига бўлиниш сабабларини изоҳланг.

2. Гуруҳ.

Буддавийлик динидаги Нирвана ҳолатига эришиш йўлларини изоҳланг.

3. Гуруҳ

Исломдаги фиқҳий мазҳаблар орасида ҳанафийликнинг тутган ўрнини изоҳланг.

Баҳолаш кўрсаткичлари (баллда)

Гуруҳ	Мавзунинг ечими	Тушунтириш (аниқлик, мантиқ)	Гуруҳ фаоллиги (қўшимчалар, саволлар)	Жами баллар	Баҳо
	(1,2)	(1,2)	(0,6)	(3,0)	
1.					
2.					
3.					

3-илова

"Инсерт" усули

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
(+) – янги маълумот.
(-) – мен билган нарсага зид.
(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Диний конфессиялар				
Протестантлардаги оқимлар				
Миссонерлик				
Прозелитизм				
Библияни англаш жамияти				

6-Мавзу. Исломнинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва аҳамияти: тарих ва ҳозирги замон

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Исломгача бўлган даврда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни.. 2. Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши. 3. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни. 4. Ҳанафийлик – мўътадил мазҳаб. 5. Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илми ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари 6. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамияти
Ўқув машғулотининг мақсади: Ислом динининг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва аҳамиятини тарихий асослари ва унинг замонавий кўринишига кўра очиб бериш ва талабаларда бу ҳақда тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар: - Марказий Осиёда исломгача мавжуд бўлган илк диний тасаввурлар ҳақида маълумот беради; - Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши тарихини ёритиш; - Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрнини кўрсатиб бериш; - ҳанафийлик мазҳабини исломдаги энг мўътадил мазҳаб эканлигини очиб бериш; - ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илмлари ривожининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бериш; - ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамиятини ёритиш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба - Марказий Осиёда исломгача мавжуд бўлган илк диний тасаввурлар: фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик, маздакийлик ҳақида маълумот эга бўладилар ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради; - Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши тарихини ўрганади ва ёритиб бера олади; - буюк мутафаккирларимизнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни борасида билимга эга бўлиб, сўзлаб беради; - ҳанафийлик мазҳаби ҳақида муайян билимларга эга бўлиб, уни ўзига хос жиҳатларини айтиб беради; - ўрта асрларда минтақамизда тасаввуф илмлари ривожи ва нақшбандийликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот бера олади; - ҳозирги даврда Марказий Осиёда ислом динининг ўрни ва аҳамиятини сўзлаб бера олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал (слайдлар) маъруза, баён қилиш, мавзуга оид видео ролик намойиши
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, компьютер
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	**Талаба**
1-босқич. **Кириш** (10 мин)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1.Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - илк диний тасаввурларнинг қандай кўринишларини биласиз? - фетишизм атамасига қандай таъриф берасиз? - христианлик дини ҳақида нималарни биласиз? - ҳанафийлик мазҳаби асосчиси ҳақида маълумот беринг. - буюк мутасаввифлардан кимларни биласиз? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Марказий Осиёда исломгача мавжуд бўлган илк диний тасаввурлар: фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик, маздакийлик билан боғлиқ маълумотларни шарҳлайди. (1-илова) Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши, буюк мутафаккирларимизнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни, ҳанафийлик мазҳаби, тасаввуф илмлари ривожининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамиятини ёритади. (2-илова) 2.3. Ислом динининг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни ва аҳамияти, исломнинг тарихий асослари ва унинг замонавий кўриниши ҳақидаги слайдлар тақдимотини намойиш қилади. 1. Марказий Осиёда исломгача қандай диний тасаввурлар мавжуд бўлган? 2. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни ҳақида нима дейиш мумкин? 3. Нима учун ҳанафийликни исломдаги мўътадил мазҳаб дейишади? 4.Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илмлари ривожининг қандай ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин? 5. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади? каби саволлар орқали экстремизмнинг мазмун- моҳияти ва келиб чиқиш сабабларини тушунтириб берадилар. 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. “Ислом”, “Ҳанафийлик”, “Тасаввуф” сўзларига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди. (4-илова) Мустақил иш учун вазифа: “Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишилар маънавий-ахлоқий қарашларида ислом динининг ўрни” мавзуида реферат тайёрлаш.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова

1-савол. **Исломгача бўлган даврда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни.**

Фетишизм (фр. fetiche – «бут», «санам», «тумор», умуман муқаддас буюм) *моҳиятан табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғиниш ҳисобланиб, унга кўра, алоҳида буюмларда кишини ўз мақсадига эришtириш, маълум воқеа-ҳодисаларни ўзгартириш қудрати мавжуд бўлади. Бундай эътиқод шаклини ибтидоий давр инсонининг билимсизлиги билан эмас, балки ўз ҳаётини муайян даражада тартибга солиш, унга маъно-мазмун бағишлаш, оламдаги ўз ўрнини аниқлаш, унга бўлган муносабатини ойдинлаштиришга интилишининг ҳосиласи деб қараш ўринли бўлади.* ***Фетишизмнинг унсурлари*** *ҳозирги даврда ҳам халқларнинг урф-одат ва анъаналарида, турли тумор, кўзмунчоқ ва ҳар хил рамзларга бўлган муносабатида сақланиб қолган.*
Тотемизм *(Шимолий Америкада яшаган Ожибва ҳинду қабиласи тилидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» маъносини англатади) моҳиятан «одамнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқаси бор», деб эътиқод қилишдир.* *Ушбу эътиқод шаклига кўра, фақат баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёхуд қабила бошлиқларигина тотемни ейишлари мумкин бўлганини эътиборга олмаганда, тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни озуқа сифатида истеъмол қилиниши тақиқланган.* ***Тотемизмнинг унсурлари*** *- ҳиндларда сигирни муқаддаслаштириш, қирғизларда оқ буғунинг афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланиши каби кўринишларда сақланиб қолган.*
Анимизм (лотинча «anima» – «руҳ», «жон» маъноларини англатади*) руҳларга сиғиниш, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк диний қарашлар шаклларидан бири ҳисобланади.* ***Анимизмда*** *табиатнинг қудратли кучларини – осмон ва Ер, Қуёш ва Ой, ёмғир ва шамол, момақалдироқ ва чақмоқ кабилар илоҳийлаштирилиб, уларда руҳ мавжуд деб билинган.* *Айни пайтда,* ***анимизм*** *доирасида рельефнинг айрим алоҳида қисмлари – тоғлар ва дарёлар, адир ва ўрмонлар каби одам эътиборини тортувчи нарса ва жисмларга ҳам илоҳий муносабатда бўлиниб, ҳатто, кўп йиллик дарахт, каттароқ харсанг тош, жарликларга ўхшаш нарсалар ҳам жонли, тафаккурли, сезувчан ва ҳаракат қилувчи, шунингдек, яхшилик ёки ёмонлик келтириши мумкин деб тушунилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга эътибор билан муносабатда бўлинган, қурбонликлар қилинган, руҳлар ҳаққига дуо қилиниб, маросимлар уюштирилган.*
Шаманизм *(*тунгус тилида «шаман» сўзи – «сеҳргар» маъносини англатади*) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида сеҳргарлик, афсун, магияга асосланган ҳолда амалга ошириладиган маросимлар, урф-одатлар мажмуи сифатида чиқади. Унда ота-боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланиш асосий амалиёт ҳисобланади.* ***Афсунгарлик*** *кўзланган мақсадга қараб бирор бир зарар етказиш ниятида қилинадиган ёвуз душманга қарши, масалан, қурол-аслаҳаларни сеҳрлашда қўлланилган ҳарбий, «иссиқ» ёки «совуқ» қилиш учун ишлатиладиган севги, даволашда ишлатиладиган тиббий афсунгарлик каби шаклларда намоён бўлган. Сеҳргарликдан ёмғир чақириш ёки шунга ўхшаш ҳолда об-ҳавони ўзгартириш мақсадларида ҳам фойдаланилган. Минтақа халқлари ҳаётида ҳозирда ҳам шаманизм унсурларини учратиш мумкин. Хусусан, кишилар орасида ёвуз ва севги афсунгарлигининг кучига ишонч ҳануз сезиларли таъсирга эгалигини қайд этиш лозим.*

Зардуштийлик- *Марказий Осиёда милоддан аввалги II–I минг йилликларда вужудга келган. У дунёдаги энг қадимий динлардан бири ҳисобланиб, унга мил. ав. XII-VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари эътиқод қилганлар.*

Зардуштийликда ҳар бир киши устидан илоҳий ҳукм амалга оширилиши, жаннат ва жаҳаннам, қиёмат-қойим, унда тананинг қайта тирилиши, тана ва руҳ қайта бирлашиб мангу яшаши ҳақидаги таълимотлар мавжуд.

*Зардуштийлик дини Зардушт номига нисбат берилиб, шартли равишда шундай атаб келинади. Аслида эса, мазкур диннинг муқаддас китоби ҳисобланмиш «**Авесто**»да у «**Маздаясна**» дини деб аталган. Бу сўзни «**Маздага сиғинмоқ**» деб таржима қилиш мумкин. «**Мазда**» сўзи «**доноиш, донишманд, оқил**» каби маъноларда талқин этилади.*

*Зардуштийликда имон фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигига асосланади. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, Қуёшга қараб, уни олқишлаб сиғиниши шарт ҳисобланган. Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – **сув, олов, ер** ва **ҳаво** улуғланади*

“Авесто”

Ўз даврининг ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлари ўз аксини топган.

Олов – оламни нурафшон қилувчи, Одамларни гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч. Ер ва сув – ҳаёт манбаи.

Олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик кабиларнинг азалий курашидан иборат

Ҳаётнинг кечиши: табиатда нур ва зулмат, борликда ҳаёт ва ўлим, ижтимоий ҳаётда яхшилик ва ёмонлик, нафосат оламида гўзаллик ва хунуклик, динда Ахурамазда ва Ахриманнинг азалий ва адабий зиддияти каби шаклларда намоён бўлади

Миллий давлатчилик анъналари ўз аксини топган бу китоб, фақат мустақиллик йилларида қадрланди.
2001 йилда “Авесто”нинг 2700 йиллиги нишонланди.

“Авесто” китобини биринчи марта ўзбек тилига Асқар Маҳкам таржима қилган.

АВЕСТО бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. У ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай ёзади:

«Йилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Бизгача етиб келган Авесто, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У «Авесто 30 наск (бўлим) эди, мажусийлар (зардуштийлар) қўлида 12 наск чамаси қолди», – деб ёзган.

Буддавийлик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эрамиз бошларида тарқала бошлаган. Унинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири-II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарама) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

Христианлик таълимотининг Марказий Осиё минтақасида тарқалишига унга эътиқод қилган жамоаларнинг Шарқ ва Жанубга ҳаракатлари даврида амалга оширган кенг миссионерлик фаолияти сабаб бўлган. VII асрда – патриарх Иешуяб II даврида (628–643) минтақада насроний жамоалари сони кўпайган. Бу даврда Самарқандда митрополия фаолият кўрсата бошлаган бўлса, илк ўрта асрларда (IV–VIII аср) Суғд, Усрушана, Шош, Хоразмда несториан хочлари суратлари, тасвири туширилган тангалар зарб этилган. Суғдга кўчиб келган насронийлар билан бирга уларнинг урф-одатлари ҳам кириб келган. Жиззах вилоятида Винкерд номли насроний аҳолиси яшаган.

Монийлик динининг асосчиси-Сурайк Патик (216–277) ҳисобланади. Кейинчалик унга Моний – «Руҳ» лақаби берилган. Унинг арабийлаштирилган номининг тўла шакли X аср араб тарихчиси Ибн ан-Надимнинг «Фиҳрист» китобида Моний ибн Фаттаҳ Бобак ибн Аби Барзом деб зикр этилган.

Монийлик динининг асосини нур ва зулмат ўртасидаги азалий кураш, нурнинг зулмат устидан ғалаба қозонишига ишониш ғояси ташкил этади. Монийлик зардуштийликдаги дуализм – яхшилик билан ёмонлик, нур билан қоронғулик, руҳий олам билан моддийлик орасидаги кураш ва христианликдаги миссия (халоскорнинг келиши) ҳақидаги таълимотларни ўзида мужассам қилган. Моний ўзини «Само нури элчиси» деб ҳисоблаган ҳамда ўз таълимотида одамларни ўзаро урушмасликка, мол-дунё тўпламасликка даъват этган.

Маздакийликнинг асосчиси – Маздак (470–529) бўлиб, бу дин асосида худо олдида ҳар қандай инсон тенг, жамият бойликлари ҳамма учун баробар деган ғоя ётади. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий тенгсизлик ёвузлик аломати деб ҳисобланган. Жамият аъзолари ўзаро ёрдам, адолат ва тенгликка чақирилган. Бойликка ружу қўйиш, шахсий манфаатлар учун кураш инкор этилган. Бу дин V аср охирларида Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун кураш сифатидаги ҳаракатга айланган.

499 йили Сосоний подшоҳларидан Қубод I маздакийлар ёрдамида тахтни эгаллади, натижада маздакийларнинг мавқеи кучайди. Маздакийлар бу мавқедан фойдаланиб, бойларнинг мол-мулкларини талон-тарож қила бошладилар. VI асрнинг 30-йиллари арафасида Қубод I нинг вориси Хусрав маздакийлар ҳаракатини бостирди



2-илова

2-*савол. Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши*

Арабларнинг Марказий Осиёга юришлари 643–644 йилларда бошланган
минтақанинг араб халифалиги таркибига киритилиши Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий (704–715) даврида амалга оширилди.
Араблар босиб олган ерлар «Мовароуннаҳр» («Дарё ортидаги ер») ва арабларга бўйсунмаган ҳукмдорлар ерлари «Ароди ат-турк» («Турклар ерлари») деб аталди. Мазкур икки ҳудудда исломлашув жараёнлари турли хилда кечди.
Абу Муслим (747–755) қўзғолонигача Марказий Осиёда исломдан аввалги давр ҳукмдорлари (ихшид, бухор-худот ва бошқалар) маҳаллий аҳолини бошқариш ва улардан араблар учун солиқ йиғиш каби вазифаларини бажариш орқали ўз мавқеларини сақлаб турдилар.
Араб ва араб бўлмаган мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашнинг бошланиши ҳам айнан шу даврга тўғри келди. Бунда муржиийлик ҳаракати етакчи ўринни эгаллади, улар ўлкада араб бўлмаган мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларининг араблар томонидан поймол этилишига қарши фаол ҳаракат (820–840 йиллар) олиб бордилар. Хусусан, ал-Ҳорис ибн Сурайж қўзғолони (734–746) Мовароуннаҳр аҳолиси тарафидан қизғин қўллаб-қувватланди. Мовароуннаҳрда тарқалган «ислом амалларини бажармаган киши имондан ажралмаслиги» ҳақидаги қарашлар эса ерли аҳолининг исломни қабул қилишини осонлаштирди. Шунингдек, бу таълимот янги шаклланаётган ислом жамиятида араб ва ажам (араб бўлмаган) халқларининг тенг ҳуқуқлилиги ва миллий-маданий қадриятларининг сақланиб қолишини таъминлашга имкон яратиб берди.
Ислом илмлари VIII асрда Хуросон орқали Мовароуннаҳрга кириб келган бўлса, IX асрдан бошлаб мазкур илмлар минтақанинг ўзида ривож топа бошлади.
Мўғуллар босқини барча соҳа каби ислом дини ва илмлари ривожига жиддий салбий таъсир

кўрсатди. Ерлик уламолар қирилди, қолганлари узоқ ўлкаларга кетишга мажбур бўлдилар.
Темурийлар сулоласи ва ундан кейинги давр Мовароуннаҳрда тасаввуф йўналишининг ривожланиши билан боғлиқ бўлди.
Чор Россияси ва Совет давлати ҳукмронлиги вақтида ислом динини халқ ҳаётидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш, исломий қадриятлар ва дин уламолари фаолиятининг чекланиши даври бўлди.
Мустақиллик даврида диний қадриятларга эркинлик берилиши исломнинг жамиятдаги ўз ўрнини эгаллашига имкон яратди. Шу билан бирга, яширин ҳолатда ривож топган ва дин ниқобидаги турли мафкураларнинг таъсирида шаклланган қарашларнинг юзага чиқиши содир бўлди

3-илова

Машғулот бўйича хулоса

1. Қайд этилган фикрлар Марказий Осиёга ислом дини кириб келиши арафасида минтақада диннинг турли кўринишлари мавжуд бўлганидан далолат беради. Улар Марказий Осиё ҳудудида исломдан аввалги маънавий-ижтимоий ҳаётни белгиловчи асосий омил бўлган эди. Марказий Осиёнинг исломлашув жараёнидан кейинги даврда ҳам ундан аввалги пайтда мавжуд бўлган эзгулик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби хислатлар минтақа аҳолиси орасида сақланиб қолди.

2. Турли илм-фан соҳаларининг ўлкамизда тараққий топиши шу минтақамизнинг бой маданий, маънавий, иқтисодий имкониятлар заҳирасига эга бўлганидан, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятидан далолат бериши баробарида ислом илмлари ва мусулмон маданияти ривожига юртимиз мутафаккирларининг қўшган ҳиссаси нечоғлик салмоқли бўлганини тасаввур қилиш имконини беради.

3. Марказий Осиё халқларининг ҳанафий мазҳабига эргашишининг сабаби унда маҳаллий урф-одатлар, расм-русумларга катта эътибор қаратилгани билан ҳам боғлиқ. Кўплаб Марказий Осиёлик ҳанафий фақиҳлари азалдан анъаналарга бой бўлиб келган ушбу минтақа халқларининг миллий ва маҳаллий удумларини шариат қоидаларига мослаштириб, уларга қонуний тус бериб келдилар. Мазкур ишлар Марказий Осиё халқлари учун мазҳаб вакиллари томонидан яратилган энг муҳим қулайликлар эди.

4. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бир сўз билан айтганда, халқимиз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат бўлиб келган. Ҳозирда ҳам бу маърифат одамларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатлилик туйғуларининг камол топишига хизмат қилмоқда. Шундай экан, Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидланганларидек, турли мутаассиб оқим ва ҳаракатларнинг ғаразли мақсад, интилишларидан қатъи назар, диний туйғуга эга бўлган, яхши ишнинг оқибати мукофот бўлишига, ёмонлик эса жазосиз қолмаслигига ишонган кишилардан иборат жамият маънавий-маърифий ҳаёти ва ижтимоий жараёнлар кечишида ислом дини ўзига хос ўринга эга бўлиб қолаверади.

4-илова

Маъруза машғулоти бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун вазифа
(Кластер услуби).

1. “Ислом”, “Ҳанафийлик”, “Тасаввуф” сўзларига кластер тузинг.

Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга келган барчани ёзинг. Ғоя сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Ғоялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка чегараланманг.

7-мавзу	Марказий Осиё ҳудудида ислом динининг ривожланиши

Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мунозарали семинар
Семинар машғулоти режаси	7. Исломгача бўлган даврда динларнинг ривожланиши ва жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни.. 8. Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши. 9. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни. 10. Ҳанафийлик – мўътадил мазҳаб. 11. Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илми ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари 12. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом динининг ўрни ва аҳамияти
Ўқув машғулотининг мақсади: Марказий Осиёда ислом динининг кириб келиши ва ривожланиши, ҳозирги кундаги ҳолати ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш	
Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш; - ўқув қўлланма билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - ислом динига оид маълумотларни таҳлил қилиш ва ўз фикрини ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - мавзудаги асосий тушунчалар, ислом динига қадар бўлган диннинг шакллари мазмунини ёрита олади; - уларни гуруҳлай олади, тизимлаштиради, муқаддас манбалари, бугунги кундаги ҳолати ҳақида маълумот бера олади; - Марказий Осиёда ислом динининг кириб келиши ва ривожланиши тўғрисида аниқ билимга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, компьютер, конспектлар
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзуни, мақсади, режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Семинар мунозара тарзида ўтишини эълон қилади. 1.3. Билимларни фаоллаштириш мақсадида “Сиз диннинг қандай кўринишлари билан танишдингиз?” саволи билан	Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабаларни мунозара саволлари билан таништиради 1. Марказий Осиёда исломгача қандай диний тасаввурлар мавжуд бўлган? 2. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни ҳақида нима дейиш мумкин? 3. Нима учун ҳанафийликни исломдаги мўътадил мазҳаб дейишади? 4.Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илмлари ривожининг қандай ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин? 5. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади? 2.2. Талабалар мунозарасини ташкил этади. Ҳар бир жавобнинг мазмунига ва мантиқийлигига эътибор беради. Саволлар беришни таклиф этади. Турли нуқтаи назарлар тингланади ва умумлаштиради. Ҳар бир савол муҳокамаси умумий хулоса билан тугайди. 2.3. Талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб беради.	2.1. Эшитадилар ва жавобларни тайёрлайдилар. 2.2.Талабалар саволларга ўз нуқтаи назарларини билдирадилар, қўшимчалар қиладилар ва саволлар берадилар.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Семинар машғулотини якунлайди, саволлар бўйича хулосалар чиқаради, мунозара иштирокчиларини баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.	Эшитадилар. Хулосаларни ёзиб оладилар. Топшириқни оладилар.

1-илова.

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат.
2. Кўп гапирмасдан, бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил.
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва мулоҳазали ёндаш.
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларни аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Тақдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

Тақризчи – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маърузачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки ҳато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва гипотезаларнинг махсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

2-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	**Мунозара иштирокчилари**			
	Маърузачилар (Ф.И.Ш.)			
	1	2	3	4
Маърузанинг мазмуни (2,5):				
-мавзуга мос келиши (1,5);				
-мантиқийлик, аниқлик (0,5);				
-хулосаларни қисқалиги (0,5);				
Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалилик) – (0,9).				
Регламент (0,6)				
Жами (4,0)				
	Тақризчилар (Ф.И.Ш.)			
Маърузанинг тавсифи (3,0)				
-маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2)				
-маърузанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2)				
Регламент (0,6)				
Жами (3,0)				
	Оппонентлар, иштирокчилар (Ф.И.Ш.)			
Саволлар:				
- ҳар бири учун (0,3)				
Қўшимча				
- ҳар бири учун (0,3)				
- моҳияти бўйича (0,3)				

Жами (3,0)				

Ўқув топшириғи

Гуруҳлар учун вазифа

1. **Гуруҳ.** Марказий Осиёда исломгача қандай диний тасаввурлар мавжуд бўлган?
2. **Гуруҳ.** Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўрни ҳақида нима дейиш мумкин?
3. **Гуруҳ.** Нима учун ҳанафийликни исломдаги мўътадил мазҳаб дейишади?
4. **Гуруҳ.** Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаётида ислом динининг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади?

8-мавзу	**Замонавий мусулмон олами**

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 16 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Африка қитъасида ислом. 2. Жануби-Шарқий Осиёда ислом. 3. Исломнинг Ғарб дунёсида тарқалиши. 4. Исламофобия тушунчаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Замонавий мусулмон олами ва Жануби-Шарқий Осиё ва Ғарб дунёсида исломни тарқалиши тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномаданий тавсифларини очиб бериш; - Африка қитъасидаги мамлакатларда исломнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; -Жануби-Шарқий Осиёда ва Ғарб дунёсида исломнинг тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумотни шакллантиришга ёрдамлашиш; -исламофобиянинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамдакатларнинг географик ва этномаданий тавсифларини мисоллар билан очиб беради; - Африка қитъасидаги мамлакатларда исломнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради; - Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида исломнинг тарқалишидаги сабабларни мисоллар билан келтириб беради; - Ғарб дунёсида исломнинг тарқалиши ҳақидаги маълумотларни тавсифлаб беради; - исламофобиянинг мазмун ва моҳиятини изоҳлайди.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - Ислом энг кўп тарқалган минтақаларни санаб беринг. - Араб мамлакатлари давлат тузумига кўра неча турга бўлинади? - исломофобия деганда нимани тушунасиз? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Суннийлик, шиалик, ксенофобия, исламофобия тушунчаларини шарҳлайди. 2.3. Замонавий мусулмон оламидаги ҳолат, Исламофобия, Таблиғчилар ҳақидаги слайдлар тақдимотини намойиш қилади. 1. Африка қитъасида ислом дини ривожи. 2. Жануби-Шарқий Осиёда ислом дини. 3. Исломнинг Ғарб дунёсида тарқалиши. (2-илова) 4. Исламофобия тушунчаси нимани англатади? каби саволлар орқали мавзуни тушунтириб берадилар. (3-илова) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. “Б.Б.Б.техникаси ёрдамида олинган билимларни текширади. (4-илова) Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова

Жаҳонда 1,3 миллиарддан ортиқ киши исломга эътиқод қилади. Мусулмонлар-нинг учдан икки қисмидан кўпроги Осиёда, қарийб 30 фоизи Африкада истиқомат қилади. Дунёдаги мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 40 дан зиёдида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Жумладан, Индонезияда 210 миллион, Покистонда 150 миллион, Бангладешда 110 миллион, Нигерияда 80 миллион, Эрон ва Туркияда 65 мил-лиондан, Мисрда 60 миллион, Марокаш ва Жазоирда 30 миллиондан, Саудия Арабистонида 17 миллиондан ортиқ мусулмон истиқомат қилади. Ҳиндистондаги мусулмонларнинг сони 140 миллиондан ортган.

Афғонистон ахрлисининг 50 фоизини пуштунлар, 25 фоизини тожиклар, қарийб 20 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Кейинги ўринларни ҳазорийлар, жамшидлар, феруз-кухи, таймони ва темури каби қабилаларни ўз ичига оладиган чор-аймокдар ҳамда туркманлар, Помир гуруҳига кирувчи ниристоний, лағмон, ваханий, шуғнонлар каби элатлар эгаллайди. Мамлакатда жуда кам сонли бўлса-да, белуж, ҳинд ва қирғиз миллатлари вакиллари ҳам яшайди. Жуда оз микдордаги ҳиндлар, сикхлар ва яхудийларни инобатга олмаганда, мамлакат ақолиси тўлалигича исломга эътиқод қилади. Уларнинг кўпчилигини сунний-ҳанафийлар, тахминан 13 фоизини жаъфарий ва 2 фоизини исмоилий шиалар ташкил этади.

Шўро қўшинларининг мамлакатга киритилиши эса исломий ҳаракатларнинг кучайишига сабаб бўлди. «Афғонистон ислом ҳаракати», «Иттиҳоду исломий», «Ҳизб исломий холис», «Ҳаракатул инқилобил исломий», «Махози миллий исломий», «Жабҳайи нажоти миллий» каби диний-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар юзага келди. Шўро қўшинлари Афғонистонни тарк этганидан сўнг, мамлакат истиқболини белгилашга турлича ёндашувлар, этник ва диний мазхабчиликдаги келишмовчиликлар ўзаро низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига замин яратди. 1996-2001 йилларда мамлакатда «Толибон» радикал ҳаракатининг устувор бўлишига ҳамда мутаассиблик қарашлари ва амалиётининг жорий этилишига олиб келди. Мамлакатда илм-фан, маданият, маърифат, театр, кино, мусиқа, радио ва телевидение таназзулга юзтутди. Маънавий ва маърифий ҳаётнинг қашшоқлашуви, диний экстремистик кучларнинг фаоллашуви ва жангарилар тайёрлайдиган марказлар кўпайди.

Покистон ҳам кўп миллатли ва айни пайтда, энг йирик мусулмон мамлакатларидан биридир. Мамлакат аҳолисининг 97% исломга эътиқод қилган ҳолда, мутлақ кўпчилик суннийликнинг ҳанафий мазҳабида, 1,1% жаъфарий ва 1,1% исмоилий шиалар ҳисобланади.

АҚШдаги мусулмонлар сони 9,7 миллиондан ортиқ. Жуғрофий ва этномаданий тавсифлари ҳақидаги маълумотларда америкалик мусулмонларнинг 26,2 фоизини араблар, 26,2 фоизини араб бўлмаганлар (турк, эрон ва бошқалар), 23,8 фоизини афроамерикаликлар, 24,7 фоизини Жанубий Осиёликлар, 6,4 фоизини Шарқий Осиёликлар, 11,6 фоизини бошқа минтақалардан кўчиб келганлар ташкил қилади.

2-илова

ИСЛОМНИНГ ҒАРБ ДУНЁСИГА ТАРҚАЛИШИ ВА ИСЛОМОФОБИЯ



ЕВРОПАДА МУСУЛМОНЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ

мусулмон оилаларида туғилиш суръатининг юқори эканлиги (фарзандлар сони ўртача камида 4 та)

гомосексуал муносабатларга эркинлик берилиши оилада фарзанд бўлишини чегаралайди

кўпчилик европаликлар фарзандлар ҳаёт кечиришга халақит қилади, деб ҳисоблайдилар (1 та фарзанди бўлган иккинчисига журъат қилмайдилар)

феминизмнинг кучайиши (аёллар жамиятда юқори ўрин топишда фарзандлар тўсиқ бўлишидан чўчишади)

бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовутнинг ортиб бориши (муҳожирлар оқими ноқонуний бўлса-да Европа кириб келишга уриниш)




Европа давлатларида мусулмонларнинг сони (фоиз ҳисобида)
9
8
7
6
5
4
3
2
1
0
Франция
Германия
Буюк Британия
Италия
Голландия
Испания
Белгия
Юнонистон
Австрия
Швеция
Дания
Португалия
Финнландия
Ирландия
Люксембург
Мусулмонлар фоизи


Европа мусулмонларининг 60 йил давомида миллион ҳисобида ўсиш динамикаси
35
30
25
20
15
10
5
0
1960
1970
1980
1990
2000
2010
2020
Мусулмонлар

3-илова

ИСЛАМОФОБИЯ

4-илова.

Б.Б.Б. техникасидан фойдаланиб талабалар билимини аниқлаш

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1.	Марказий Осиёда мусулмонлар сони			
2.	Исломнинг кенг тарқалишига сабаб бўлувчи омиллар			
3.	Исламофобиянинг вужудга келиши			
4.	Ксенофобия			
5.	Геосиёсий жараёнларнинг ислом ривожига таъсири			

9-мавзу	Мусулмон мамлакатлари географик ва этно-маданий тавсияи. Исламофобия.

Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, мунозарали семинар
Семинар машғулотининг режаси	1.Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномаданий тавсифлар; 2. Африка қитъасида ислом. 3.Ғарб дунёсида ислом. 4.Исламофобия тушунчаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Мусулмон мамлакатларининг географик ва этномаданий тавсифи ва исламофобия тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномаданий тавсифларини очиб бериш; - Африка қитъасидаги мамлакатларда исломнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; -Ғарб дунёсида исломнинг тарқалиши ҳақида тўлиқ маълумотни шакллантиришга ёрдамлашиш; -исламофобиянинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - Аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамдакатларнинг географик ва этномаданий тавсифларини мисоллар билан очиб беради; - Африка қитъасидаги мамлакатларда исломнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради; - Ғарб дунёсида исломнинг тарқалиши ҳақидаги маълумотларни тавсифлаб беради; - исламофобиянинг мазмун ва моҳиятини изоҳлайди.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, компьютер, конспектлар
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Дарс “ҳамкорликда ўқиш” усулидан фойдаланган ҳолда ташкил этилишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ фаолиятига мос ҳолда индивидуал баҳосини олиши, гуруҳнинг биргаликдаги фаолияти презентацияда акс этиши зарурлиги эслатилади. 1.3. Ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш тартиби, регламент, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари тушунтирилади (1,2-илова).	1.1. Т инглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич. Асосий (65 мин.)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида эътиборни жалб этувчи савол беради: “Бугунги кунда ислом дини ва мусулмон давлатларидаги ижтимоий сиёсий вазиятни таҳлил қилиб, қандай хулосаларга келиш мумкин?”. Суҳбат давомида, ўқув муаммоларини ечиш бўйича зарур бўлган, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим даражасини аниқлайди. 2.2. 3 та гуруҳни шакллантиради. Ўқув топшириқлари ва гуруҳларни ўзаро баҳолаш жадвалини беради (3-илова). Талабалар билан биргаликда ечиш кетма-кетлиги ва кутилаётган натижалар муҳокама қилинади. Топшириқни бажаришда кандай қўшимча материаллардан (дарслик, маъруза матн) фойдаланиш мумкинлиги аниқлаштирилади. Гуруҳда иш бошланганлигини эълон қилади. Кузатувчи вазифасини бажаради. Шу билан бирга: - гуруҳларда ишни назорат қилади, лекин, унга раҳбарлик қилмайди; - маълум муаммо, топшириқни ечиш ва таҳлил қилишда алоҳида ишлаш кўникмаси шаклланишига ҳам эътибор қаратади. Очиқ савол ташлайди: “Нима учун сиз бундай деб ўйлайсиз?” - талабалар бажараётган ишларни изоҳлайди, улар эришган натижалар бўйича аниқ эътирозлар билдиради. 2.3. Презентация бошланганлигини эълон қилади, натижалар билан таништириш учун гуруҳ вакилини тайинлайди ва ўзаро баҳолашни ташкил қилади. Хулосаларга катта эътибор қаратади ва уларни изоҳлайди.	2.1. Саволга жавоб берадилар. 2.2. Гуруҳда ишлайдилар: 1) ўқув топшириғи 2) кичик гуруҳларга бўлинади ва топшириқни гуруҳ ичида тақсимлайдилар; 3)алоҳида топшириқни бажаради; 4)алоҳида топшириқ бўйича ўз гуруҳида кичик маърузаларни эшитади, ўқув топшириғи бўйича 2.3.Гуруҳ вакиллари ишлар натижалари билан таништиради ва назорат саволларига жавоб берадилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга савол тайёрлайди.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Гуруҳларда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокама қилади, баҳолайди ва хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун топшириқ беради: Инсерт усули бўйича кейинги мавзуни ўқиш.	3.1. Эшитадилар, аниқлаштирадилар. 3.2. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари:

Гуруҳдаги ҳар бир талаба:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- "Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз" атамасини яхши билишлари лозим.

2-илова.

Семинарда ишлаш регламенти ва тартиби

1. Гуруҳда ишлаш ва қоғозда презентацияни ёзиш – 25 мин.
2. Иш натижалари презентацияси билан тақдимот – 8 мин.
3. Гуруҳ фаолиятини баҳолаш ва жамоа бўлиб муҳокама қилиш – 5 мин.
4. Ўқитувчи томонидан умулаштириш – 2 мин.

3-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

Гуруҳ	**Ечим (тўлиқлиги, тўғрилиги)**			**Тушунтириш (аниқлиги, мантиқийлиги)**	**Гуруҳ фаоллиги**	**Баллар йиғиндиси**
	Савол (0,5)	Жадвал (0,5)	Масала (1,0)	(0,6)	(0,4)	(3,0)
1						
2						
3						

Ўқув топшириғи

Ҳар уч гуруҳга қуйидаги саволга жавоб ёзиш топшириғи берилади:

Савол. Исламофобиянинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни сананг ?

Жадвални тўлдирадилар.

Омиллар	Қандай муносабат билдирилди?
Этьен Диненинг "Ғарб назаридаги Шарқ" эссеси	
Геосиёсий жараёнлар	

Ечиш кетма-кетлиги.

1. Ушбу жаранлар қандай ўзгаришларга олиб келди.
2. Ушбу ўзгаришлар мусулмонларга қандай таъсир қилди.
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдиринг.

10-мавзу	**Диний экстремизм ва терроризм - жамият барқарорлигига таҳдид**

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Диний экстремизм: тарих ва воқелик. 2. Терроризм тушунчаси. 3. Терроризмнинг молиявий манбалари ва унга қарши кураш стратегияси. 4. Ислом ниқобидаги диний экстремистик оқимлар ва уларнинг фаолиятлари. **5.** Диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти.
Ўқув машғулотининг мақсади: Диний экстремизм ва терроризм - жамият барқарорлигига таҳдиди ва терроризм - тарих ва цивилизация душмани экани тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Экстремизм сўзининг моҳиятини эслатиб, унинг тарихи ва воқелигини мисоллар асосида очиб бериш; - Терроризм тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушунтириш; -Терроризмнинг молиявий манбалари ва унга қарши кураш стратегиялари ҳақида тўлиқ маълумотни шакллантиришга ёрдамлашиш; -Ислом ниқобидаги диний экстремистик оқимларнинг тарихи, моҳияти, мақсад ва вазифалари, тарқалиш географияси, кураш усуллари ва сиёсий зид эканлигини англашга кўмаклашиш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба: - Диний экстремизнинг мазмун-моҳиятини, унинг тарихи ва воқелигини мисоллар билан сўзлаб беради; - Терроризм тушунчасининг мазмун-моҳиятини изоҳлайди; - Терроризмнинг молиявий манбалари ва унга қарши кураш стратегияларини ўрганади ва гапириб беради; - Ислом ниқобидаги «Ваҳҳобийлик», «Ҳизб ут-таҳрир», «Акромийлар», «Ҳизбуллоҳ», «Ал-Қоида» диний экстремистик оқимларнинг тарихи, моҳияти, мақсад ва вазифалари, тарқалиш географияси, кураш усуллари ва сиёсий зид эканлигини мисоллар билан айтиб беради; - Терроризм - тарих ва цивилизация душмани эканлигини изоҳлайди.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш, видеофильм намойиши
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	**Талаба**
1-босқич. **Кириш** (10 мин)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1.Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. **Асосий** (55 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - Терроризм тушунчасини қандай изоҳлайсиз? - Қандай террористик ташкилотлар ҳақида хабардорсиз? - "Биринчи рақамли террорчи"деб кимни айта оласиз? - Нима учун терроризмни "XXI аср вабоси" деб айтадилар? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Диний экстремизм ва терроризм - жамият барқарорлигига таҳдидини ёритиб берувчи маълумотларни шарҳлайди. 2.3. Диний экстремизм: тарих ва воқелик. (1-илова) 2. Терроризм тушунчаси. (1-илова) 3. Терроризмнинг молиявий манбалари ва унга қарши кураш стратегияси. 4. Ислом ниқобидаги диний экстремистик оқимлар ва уларнинг фаолиятлари. (2-илова) 5. Диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида маълумот беради. (3,4-илова) Мавзу оид фильмни намойиши қилади, сўнг уни муҳокама қилиб, тегишли хулосалар беради. 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.
3-босқич. **Якуний** (15 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мавзу бўйича Б.Б.Б.жадвалини тўлдиришни вазифа қилиб беради, баҳолайди. (5-илова)	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова

Терроризм – Қўрқитиш ва зўравонлик ишлатишни англатувчи ижтимоий феномендир. Сиёсий терроризм муайян ижтимоий гуруҳ манфаатлари йўлида зўравонлик (суиқасд, портлатиш, гаровга олиш, беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима, қўрқув уйғотиш ва ҳ.к.) ишлатиш билан боғлиқ.

Экстремизм **(лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган, кескин радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм - жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.**

Ақидапарастлик **(ақида - арабча – ишонч) муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ва уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишда ёркин намоён бўлади. У ёки бу ҳодиса, қоида ёки тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.**

Мутаассиблик **(фанатизм – французча-«ибодат») муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, «ўзгалар» ва «ўзгача» қараш ва ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.**

2-илова

Диний-экстремистик оқимларнинг бажарадиган функцияларига кўра 3 гуруҳга бўлиш мумкин

Биринчи гуруҳга кирувчи ташкилотларнинг асосий «вазифа»си бу одамларни гўёки «исломлаштириш», «тақвога чақириш»дан иборат

Иккинчи гуруҳ ташкилотлар эса «исломийлаш-тирилган» аҳолига энди мутаассиблик ғояларини сингдириш билан шуғулланади.

Учинчи гуруҳ ҳаракатлар эса юқоридаги ташкилотлар томонидан тайёрланган кишиларни «жиҳод»ни амалга оширишга тайёрлаш билан шуғулланади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозир дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 80 % ислом дини ниқоби остида фаолият юритади. Бундай ташкилотларнинг энг йириклари қаторига «ал-Қоида», «Мусулмон бирадарлар», «Ҳизбут-таҳрир», «ал-Жиҳод ал-Исломий», «ат-Такфир ва-л-Ҳижра» (Миср), «Ҳизбуллоҳ» (Ливан), «ХАМАС» (Фаластин), «Абу Сайёф» (Филиппин), «Озод Ачех», «Лашкари жиҳод» (Индонезия), «Қуролли исломий ҳаракат» (Жазоир) кабиларни киритиш мумкин.



2003 йил 12 майда Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳридаги хорижий ваколатхоналари вакиллари истиқомат қиладиган районда террорчилик актлари содир бўлди. Натижада, 29 киши қурбон бўлди ва 160 дан ортиқ киши жароҳат олди.



2010 йил 29 мартда Москва шаҳри метрополитенидаги иккита бекатда худкуш аёллар томонидан содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида 39 киши бевақт оламдан кўз

«Эй одамзод, кўзингизни очинг, огоҳ бўлинг, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди. Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш - барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт».

Ислом Каримов

4-илова

Мутахассислар экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири ва қадриятлар мўлжалларидаги беқарорликда намоён бўлган номутаносибликни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Мафкуравий бўшлиқ кўпинча кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунёқарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади. «Зомбилаштириш» деб аталадиган бу технология яхши шаклланмаган маънавият, бўш ирода ва носоғлом интилишлар муҳитидагина таъсир кучига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон экстремизмга қарши курашда, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишини бартараф этиш ишларида ғоявий тарбия, хусусан, мамлакат ёшларида юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Зеро, бундай ёндашувда умуминсоний ва миллий қадриятларга, миллий ўзликни тиклаш ва мустақилликни мазмунан бойитишга асосланган миллий истиқлол ғояси, маънавият ва маърифат, тўғри шакллантирилган онг экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим тизими сифатида юзага чиқади.

5-илова

Б.Б.Б. техникасидан фойдаланиб талабалар билимини аниқлаш

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1.	Терроризмнинг кўринишлари			
2.	Дастлабки диний экстремистик ташкилотлар йўналишлар			
3.	Мутаассиблик			
4.	Экстремистик ташкилотларнинг молиявий манбалари			
5.	“Ваҳҳобийлик”нинг асосчиси			

11-мавзу	**Ислом ниқоби остида фаолият юритаётган экстремистик оқимларнинг сиёсий шакллари ва фаолияти**

Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мунозарали семинар
Семинар машғулотининг режаси	1.Терроризмнинг молиявий манбалари. 2.Экстремистик оқимларнинг тарқалиш географияси. 3.Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ислом ниқоби остида фаолият юритаётган экстремистик оқимларнинг сиёсий шакллари ва фаолияти тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: -Терроризмнинг молиявий манбалари ҳақида тўлиқ маълумотни шакллантиришга ёрдамлашиш; - Экстремистик оқимларнинг тарқалиш географияси бўйича кенг маълумотлар бериш; - Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба : - Терроризмнинг молиявий манбалари тўғрисида маълумотларни ёритади; - Экстремистик оқимларнинг тарқалиш географияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради; - Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини мисоллар орқали изоҳлайди.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, “Инсерт”усули.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, компьютер, конспектлар
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзуни, мақсади, режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Семинар мунозара тарзида ўтишини эълон қилади. 1.3. Билимларни фаоллаштириш мақсадида “Сиз терроризм қайси “манба”лардан озуқаланишини биласизми?”саволи билан мурожаат қилади.	Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар

2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Талабаларни мунозара саволлари билан таништиради **1.** Терроризмнинг молиявий манбалари. 2.Экстремистик оқимларнинг тарқалиш географияси. 3.Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти 2.2. Талабалар мунозарасини ташкил этади. Гуруҳ билан ишлаш қоидаларини эслатиб ўтади (1-илова) Ҳар бир жавобнинг мазмунига ва мантиқийлигига эътибор беради. Саволлар беришни таклиф этади. Турли нуқтаи назарлар тингланади ва умумлаштиради. Ҳар бир савол муҳокамаси умумий хулоса билан тугайди. 2.3. Талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб беради. Талабаларни гуруҳларга/ жуфтликларга ажратади. Давра суҳбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гуруҳлар/жуфтликларга тақсимлайди Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш варақларини тарқатади. 2.4. Гуруҳларда иш бошлаганлигини эълон қилади, маслаҳатлар беради.	2.1. Эшитадилар ва жавобларни тайёрлайдилар. 2.2.Талабалар саволларга ўз нуқтаи назарларини билдирадилар, қўшимчалар қиладилар ва саволлар берадилар.
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Семинар машғулотини якунлайди, саволлар бўйича хулосалар чиқаради, мунозара иштирокчиларини баҳолайди. “Инсерт” усули бўйича жадвални тўлдиришни айтади. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.	Эшитадилар. Хулосаларни ёзиб оладилар. Топшириқни оладилар.

1-илова

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари:

Гуруҳдаги ҳар бир талаба:

- ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз” атамасини яхши билишлари лозим.

2-илова.

Гуруҳлар учун вазифалар

1. Гуруҳ.

Терроризмнинг молиявий манбалари тўғрисидаги маълумотларни ёритинг

2. Гуруҳ.

Экстремистик оқимларнинг тарқалиш географияси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беради;

3. Гуруҳ

Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини мисоллар орқали изоҳлайди.

Баҳолаш кўрсаткичлари
(баллда)

Гуруҳ	Мавзунинг ечими	Тушунтириш	Гуруҳ фаоллиги	Жами баллар	Баҳо
	(1,2)	(1,2)	(0,6)	(3,0)	
1.					
2.					
3.					

3-илова

“Инсерт” усули

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш
тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
(+) – янги маълумот.
(-) – мен билган нарсага зид.
(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	**V**	**+**	**-**	**?**
Салафийлик				
Ихвонул муслимин				
Такфир				
Хижрат				
Ҳасан ал-Банно				
Толибонлар				
Ал-Ваъй				

12-мавзу	**Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши**

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 23 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи. 2. Диний экстремистик ташкилотлар фаолиятининг жамият ривожига салбий таъсири. 3. “Жамоат ал-ихвон ал-муслимин” ташкилоти ва Миср тажрибаси.
Ўқув машғулотининг мақсади: Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши аҳамияти тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: - Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфини мисоллар асосида очиб бериш; - Диний экстремистик ташкилотлар фаолиятининг жамият ривожига салбий таъсирини тушунтириш; -“Жамоат ал-ихвон ал-муслимин” ташкилоти ва Миср тажрибаси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишига кўмаклашиш.	*Ўқув фаолиятининг натижалари:* Талаба - Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфини мисоллар асосида сўзлаб беради; - Диний экстремистик ташкилотлар фаолиятининг жамият ривожига салбий таъсирининг мазмун-моҳиятини изоҳлайди; - Терроризмнинг молиявий манбалари ва унга қарши кураш стратегияларини ўрганади ва гапириб беради; - -“Жамоат ал-ихвон ал-муслимин” ташкилоти ва Миср тажрибаси ҳақида айтиб беради;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Жамоа билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	**Талаба**
1-босқич. **Кириш** (10 мин)	1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1.Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. **Асосий** (55 мин.)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. - XX асрнинг биринчи ярмида араб мамлакатларида пайдо бўлган қандай диний-экстремистик ташкилотларни биласиз? - Ҳасан ал-Банно ким? - Мисрда фаолият юритаётган экстремистик ташкилотларни санаб беринг. - Мусулмон дунёси деганда нимани тушунасиз? - Экстремистик ташкилотларнинг неча фоизи ислом ниқоби остида фаолият юритмоқда? 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши курашини ёритиб берувчи маълумотларни шарҳлайди. 2.3. 1.Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи. 2. Диний экстремистик ташкилотлар фаолиятининг жамият ривожига салбий таъсири. (1-3 иловалар) 3. “Жамоат ал-ихвон ал-муслимин” ташкилоти ва Миср тажрибаси ҳақида маълумот беради. (4-илова) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.	2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Ўйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади. 2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади, ёзади.
3-босқич. **Якуний** (15 мин.)	3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мавзу бўйича “Мусулмон биродарлар ташкилоти” атамасига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

Визуал материаллар

1-илова

- **Ислом ниқоби остидаги терроризм фундаментализмдан бошланади. Чунки мафкурачилардан сўнг майдонга курашчилар ёки жиҳодчилар чиқадилар ва буни қуйидаги силсила орқали ифодалаш мумкин:**
- **Фундаментализм – сиёсий радикализм – экстремизм – терроризм - .... – “Ал-Қоида”.**
- **Дунёдаги рўй бераётган террористик актлар аксарияти айнан ўзини мусулмон деб билувчи шахслар томонидан амалга оширилаётгани бу фактдир.**

2-илова

Мусулмон мамлакатларининг диний эктремизмига қарши кураши

- Охирги ўн йилликда мусулмон давлатларида диннинг роли кескин ошиб бормоқда.

- Америкалик тадқиқотчи Слакман фикрича, ислом охирги йилларда арабизм, социализм, национализм каби мафкураларнинг ўрнини тўлиқ эгаллади. Кўплаб инсонлар ўз фарзандларини диний таълим берувчи мактабларга берсалар, ёшлар таълим муассасаларида қизлар ва ўғил болаларнинг алоҳида-алоҳида ўқитилиши тарафдоридирлар. Айнан ёшлар орасидаги динга бўлган қизиқишнинг кучайиши, исломнинг сиёсий ҳаётдаги таъсирини янада оширмоқда. Зеро, бир авлод олдин яшаб ўтган мисрликлар орасида ҳижобдаги аёллар ва масжидларда 5 вақт намозини мунтазам ўқийдиган эркаклар камдан кам топиларди. Ҳозирда ҳижоб кенг оммалашиб, масжидлар кун бўйича ёшлар билан тўлалигини кузатиш мумкин. 1986 йилда бор йўғи 6,031 мисрликка бир масжид тўғри келган бўлса, 2005 йилга келиб 745 кишига бир масжид тўғри келмоқда.

- Диннинг ролини ўсишига жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари, Ғарб давлатлари томонидан олиб борилаётган сиёсатга қарши ўлароқ, мусулмон давлатлари ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг ўсиши, деб қаралмоқда.

Ақидапараст мафкурачиларнинг иддаолари

Одамлар гўёки, яккахудоликка асло ширк келтирмайдиган “қутқарилган жамоа” (ўзлари) ва ислом душманлари кофирлардан иборат

Яҳудийлар, насронийлар, муртадлар* ва мунофиқлар ислом душманлари саналади. “Қутқарилган жамоа” ғояларига қўшилмаган мусулмонлар ва ҳукуматлар кофир ҳисобланади

Ҳақиқий мусулмонлар яккахудоликни жорий қилиш учун кофирлар билан қуролли жанг олиб боришлари фарздир

3-илова

Жазоирда диний экстремистик ва террористик ҳаракатлар фаолияти

- Ривожланиш даражаси паст бўлган давлатлардаги аҳоли турмуш даражасининг ёмонлиги, хусусан, камбағаллик ва ишсизлик ёшларни террористик гуруҳларга аралашиб қолишига сабаб бўлмоқда.

- Турк олими Озлем Тюр Кавли Жазоирдаги ҳолатни қуйидаги тасвирлайди: “Шаҳарларда доимий иш жойига эга бўлмаган, ҳаётдан қийналган ёшлар кунларини кўчалар бурчаклари ва кафелар деворларига суяниб ўтказадилар. Уларни “wall boys” (“деворий болалар”) деб атайдилар”.

- Тадқиқотчи Марк Тесслер: “Алжирда ёшлар қариялардан миллий озодлик уруши воқеалари ҳақида энди сўрамай қўйганлар. Улар ҳукумат табиий газ савдоси орқали миллиардлаб долларга эга бўлаётган бир вақтда, нима учун мамлакат ёшларининг ярми ишсизлиги билан кўпроқ қизиқмоқдалар. Бир алжирлик ўспириндан Ислом нажот жабҳаси (ФИС-Исламский фонд спасения)ни қўллаб қувватлашининг сабабини сўралганда, у: “ёшларга танлаш учун бу давлатда тўртта йўл бор: ишсиз ва бўйдоқ бўлиш, чунки иш бўлмаса, уй-жой, оила ҳам бўлмайди; қора бозорда ноқонуний йўл билан пул топиш; Париж ёки Марсел шаҳри кўчаларини супуриш учун Францияга эмиграция қилиш; ёки ИНЖ сафларига қўшилиш...”

Мусулмон давлатларида илмга муносабат паст даражада. Жумладан, дунёдаги олимларнинг фақат 1 % гина мусулмонлар ташкил қилади. Зеро, Исроилдаги олимларнинг сони бутун араб давлатларидаги мавжуд олимлардан кўра кўпчиликни ташкил этади. Араб мамлакатларида йилига 300 га яқин китоблар бошқа тиллардан таржима қилинади. Бироқ бу кўрсаткич фақат Грециядаги таржималардан 5 марта камдир. Илмий тадқиқотларда пул маблағларининг сарфланиши эса умумжаҳон даражасининг 1/7 улушини ташкил этади.

4-илова

- **“Мусулмон биродарлар” (арабча- “Жамоат ал-Ихвон ал-муслимин”, қисқача – “биродарлар”, МБУ) диний сиёсий ташкилоти 1928 йили Мисрнинг Исмоилия шаҳрида юзага келган**
- **Асосчиси – Ҳасан Абдураҳмон ал-Банно (1906-1949).**

- **Ҳасан ал-Банно – экстремизмнинг “отахони” бир томондан “панисломизм”нинг йирик намояндалари Жамолиддин Афғоний (1839-1897), Муҳаммад Абдуҳ (1949-1905) ва Рашид Ризо (1865-1935) асарларига таянган ҳолда бугунги кунда кўплаб экстремистлар учун асос бўлиб хизмат қилаётган ғоявий дастурни ишлаб чиқди.**
- **Иккинчи томондан, уни амалиётга татбиқ этишга хизмат қиладиган диний-сиёсий моҳиятга эга “Мусулмон биродарлар” ҳаракатини тузди.**
- **“Панисломизм”, “асл исломга қайтиш” каби ғоялари маҳаллий диний арбоблар орасида кучли қаршиликка учради.**
- **1928-1936 йиллар давомида ташкилот хаёр-эҳсон ва маърифатчилик фаолиятидан то сиёсий ҳаётда террор усулини кенг қўллашда фаол иштирок этади.**
- **Банно ўз ихлосмандларини мусулмонлар тўпланадиган масжидларда эмас, балки одамлар гавжум бўладиган жойларда, бозорларда, қаҳвахоналарда уни диққат билан тинглайдиган ва унинг даъватини қўллаб-қувватлайдиган тарафдорларини топа бошлайди.**
- **Банно ўз радикал ғоялари акс этган маърузаларини “Мажмуат ар-рисола” (“Маърузалар тўплами”) номли китобини чоп этган.**
- **1949 йил 12 февралда уюшма асосчиси мамлакат махфий хизмати томонидан қатл этилган.**

- **Саид Қутб (1906-1966) гарчи ташкилотга расман раҳбарлик қилмасада, Баннодан кейин уюшма тарихида иккинчи шахс сифатида алоҳида эътироф этилади**
- **У Мисрнинг Асъют вилоятидан бўлиб, дастлаб Қоҳирадаги “Дорул-улум”да, сўнг университетда таълим олади.**
- **Миср таълим вазирлигида юқори лавозимларда ишлаган.**
- **АҚШнинг Шимолий Колорадо университетида педагогика фанлари магистри даражасини қўлга киритган.**
- **Банно ўлимидан сўнг АҚШдан Мисрга қайтиб, “биродарлар” сафига расман қўшилади.**
- **дастлаб “Мажаллат ал-Ихвон ал-муслимин” (“Мусулмон биродарлар журнали”) ҳафталик журналининг бош муҳаррири, сўнг ташкилотнинг “Тарғибот бўлими бошлиғи”, “Таъсис қўмита” ва “Маслаҳат кенгаши” аъзоси бўлган.**
- **1954 йил 26 октябрда Миср Президенти Жамол Абдул Носирга қарши суиқасд уюштиришда айбланиб, 15 йилга қамалган.**
- **1964 йилда Ироқ Президенти Абдус-Салом Ориф воситачилигида, гўёки, соғлиғи ёмонлашгани учун озодликка чиқарилган.**
- **1965 йил августда мамлакат Президенти ҳамда ҳукумат раҳбарларига суиқасд уюштиришни режалаштирган гуруҳ раҳбари сифатида ҳибсга олиниб, 1966 йил 29 августда осиб ўлдирилган.**

Ташкилот раҳбарлари

Ҳасан ал-Банно (1906-1949)

Ҳасан Исмоил ал-Ҳудайби (1891-1973)

Умар ат-Тилмисани (1904-1986)

Муҳаммад Ҳамид Абу ан-Наср (1904-1986)

Муҳаммад Ҳамид Абу ан-Наср (1904-1996)

Мустафа Машҳур (1921-2002)

Муҳаммад Маъмун ал-Ҳудайби (1921-2004)

Муҳаммад Маҳди Акеф (1928-2010)

Муҳаммад Бадии (1943-ҳоз.қ.)

Машғулот бўйича хулоса

- **Мамлакатда қашшоқлик, ишсизлик, аҳоли ҳаёт даражасини кўтариш каби иқтисодий-ижтимоий муаммолар ҳал этилмас экан, экстремистик ташкилотлар тарғиботларига тез учрайдиган ёшлар уларнинг сафларини тўлдириш хавфи сақланиб қолади.**
- **Сўнгги ўн йиллар ичида содир бўлган воқеаларнинг таҳлили дунёдаги барча мамлакатлар терроризм ва диний экстремизм таҳдидларидан ҳушёр бўлиш зарурлигини кўрсатади.**
- **Жазоир тажрибаси ёшларни диний кучларнинг нохолис ташвиқотларидан асраш ва бундай масалаларда давлат ўз фуқароларини ҳимоя қилиш муҳимлигини белгилаб беради.**
- **Ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ва ватанпарварлик руҳида камол топишларига катта эътибор қаратилиши ҳаётий аҳамият касб этади.**

Ўқув топшириғи

БИБЛИЯ – (грекча – китоблар) яҳудийлик ва христианлик динидагиларнинг муқаддас китоблари тўплами. Библиянинг христианлик пайдо бўлмасдан олдин яратилган биринчи ва катта қисми Қадимги Аҳд («аҳд» - Худонинг инсонлар билан махсус алоқаси) «Таврот» ва «Забур»ни ўз ичига олган. Библиянинг христианлик билан боғлиқ бўлган иккинчи қисми «Янги аҳд» - «Инжил» деб аталади. «Янги аҳд» - худонинг Исо воситачилигида одамлар билан янги аҳдлашуви демакдир. Қадимги аҳд ибрий ва арамий тилларида, Янги аҳд эса юнон (қадимги грек) тилида ёзилган.

Христианлар «Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд»ни бирдай муқаддас санасалар, яҳудийлар фақат «Қадимги аҳд» нигина муқаддас биладилар.

БУДДА (санскритча - хотиржам, осойишта, олий ҳақиқатга эришган) - жаҳон динларидан бири буддизмнинг асосчиси. Бу динга дахлдор бўлган манбаларда у бир неча бор қайта туғилиш ва яшаш жараёнида мутлақ ҳақиқатга етишган ва бошқаларга диний нажот йўлини кўрсатишга қодир бўлган барча худолар, руҳлар ва табиат кучлари устидан ҳукмрон буюк ва қудратли зот сифатида таърифланарди. Асли исми Сиддхартха Гаутама бўлган бу зот милоддан аввалги 624-544 йиллар орасида яшаб ўтган. Ривоятларга кўра, уни 16 ёшида уйлантирадилар. 29 ёшида Гаутама хотини ва яқиндагина туғилган ўғлини тарк этиб, сайёр дарвешларга қўшилади. Олти йил давомида Ганга дарёси қирғоқларида зоҳидлик билан ҳаёт кечирган Гаутама 35 ёшида 4 ҳафта (ёки 7 ҳафта) давомида медитация (бутун онгини олий ҳақиқатга эришиш ғоясига қаратиш) ҳолатига киради. Ниҳоят, у мақсадига эришади ва коинотнинг барча сир-асроридан воқиф бўлган Буддага айланади. Шундан сўнг 45 йил давомида қадимги ҳинд давлатлари Кошала ва Магадха бўйлаб ўз таълимотини тарғиб қилади ва 80 ёшида вафот этади.

БУДДИЗМ – уч жаҳон динининг (буддавийлик, христианлик, ислом) бири, милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида ҳиндистонда пайдо бўлиб, сўнгра Марказий Осиё, Жанубий – Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда ёйилган. У буддавийлик деган ном билан ҳам аталади. Бугунги кунда буддизм Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам каби давлатларнинг асосий динидир. Буддизмда Тхеравада (оқсоқоллар йўли ёки қадимги анъаналарга содиқлик) ва Махаяна (катта арава ёки янгича ёндошув) йўналишлари мавжуд. Махаяна жуда кўп секта ва мазҳабларга бўлинади.

БУНЁДКОР ҒОЯ -1) Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган тушунча; 2) жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ - бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт.

БЎЛИБ ТАШЛАБ, ҲУКМРОНЛИК ҚИЛИШ - ғаразли геосиёсий ва геостротегик мақсадларга эришишда қўлланадиган усул ва тамойиллардан бири. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий йўли бирон бир минтақа ёки мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир.

ВАЙРОНКОР (БУЗҒУНЧИ) ҒОЯ -1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча; 2) инсонни ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялардир. Ўзининг шахсий ёки тор ижтимоий манфаатини бошқалар ҳисобига қондириш, босқинчилик ва талончилик, тажовузкорлик ва манфаатпарастлик ғоялари шулар жумласидандир. Улар инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни тарафкашларга ажратиб, бўлиб ташлайдиган ғоялардир. Диний ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий (агрессив) миллатчилик, фашизм ва большевизм мафкуралари мана шундай вайронкор ғоялар тизимини ташкил этади.

ВАТАН (арабча - она юрт) кишиларнинг ўзи яшаб турган, авлод ва аждодлари туғилиб ўсган, миллати шаклланган жой, ижтимоий муҳит, мамлакат. Ватан бир-бирини тақозо этувчи (уй, маҳалла, шаҳар, қишлоқ, мамлакат каби) бир қатор ҳудудларни ўзида ифодалайдиган, ижтимоий муҳит ва инсон, унинг ҳаёти каби кўплаб маънавий тушунчаларни ўз ичига олади, авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкани англатади.

ВАТАНПАРВАРЛИК – Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни - Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содиқ

бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозири учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат.

ВАТАНФУРУШЛИК – ватанга нисбатан хоинлик тарзидаги хатти-ҳаракатни характерлаш учун ишлатиладиган тушунча. Бундай ҳаракатлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакат манфаатларига хиёнат қилиш, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иқтисодий, сиёсий ва бошқа жосуслик фаолияти билан шуғулланиш, душман томонига ўтиб ўз халқи, мамлакатига қарши кураш олиб бориш, қўпорувчилик ишлари билан машғул бўлиш ва ҳоказо. Ватанфурушликнинг моҳиятини – ватансизлик, ватанидан бегоналашиш каби ҳодисалар билан солиштирганда янада аниқроқ англаш мумкин.

ВАҲҲОБИЙЛИК - Арабистон ярим оролининг марказий қисмида, XYIII аср ўрталарида пайдо бўлган, ислом динининг сунна йўналиши, ҳанбалия мазҳабидаги оқим. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобдир. Ибн Абдулваҳҳоб 1703 йили Уйайна деган жойда қози оиласида туғилган. Дастлабки таълимни ўз отасидан олгач, Арабистон ва қўшни ўлкалар бўйлаб кўп сафар қилган. Ибн Абдулваҳҳоб ақоидда Ибн Таймия, Ибн ал-ҳаййим ва Ибн Касирга эргашган. Унинг фикрича, исломнинг манбаи фақат Қуръон ва суннатдир. Унга кўра, муқаддас жойларга зиёрат қилиш, азиз авлиёлардан дуоларда шафоат-ёрдам тилаш ширк ҳисобланади. Мусиқа, қўшиқ ва умуман маънавий тараққиётга хизмат қилувчи бошқа кўпгина қадриятларни «бидъат» (яъни,мусулмонлар ҳаётига диндан кейин кириб келган янгилик) деб ҳисоблайди.

Ваҳҳобийлик ғайридинларга ҳамда «илк ислом аҳкомларидан чекинган» мусулмонларга қарши курашга алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг даъватини қабул қилмаганларнинг барчаси гўё «кофир» саналади. Ваҳҳобийлик имон масаласига ўта мутаассиблиги, сиёсий рақиблар билан курашда эса ошкора экстремизмга, зўравонликка зўр бериши билан ажралиб туради. Ибн Абдулваҳҳоб диний тарғибот ишларини тахминан 1730 йилда бошлаган, аммо фақат 1740 йилдан, яъни ўз отасининг вафотидан сўнг уни фаоллаштирган, чунки ўз вақтида ота-ўғил ўртасида даъватнинг услуби хусусида ихтилоф чиққан эди. Ибн Абдул Ваҳҳобни ўз юртдошлари унинг киндик қони тўкилган Махон – Уйайнадан қувиб чиқаришган.

Ваҳҳобийлик хатарли ғояларни мақсад қилиб олган реакцион диний-сиёсий оқимдир. Ваҳҳобийлар одатда террор ёки давлат тўнтариши йўли билан ҳокимият тепасига келишга, сўнгра ўз ақидалари асосида жамият қуришга интилади. XIX асрнинг 70- йилларида ҳиндистонда ваҳҳобийлар Калькутта бош судьяси Норманни ўлдириб «шуҳрат» қозонган бўлса, бир аср кейин, 1979 йил ноябрь ойида, саудиялик ваҳҳобий Шуҳайман ал-Ўтайбий бошчилигида, мусулмонларнинг энг муқаддас қадамжоси - Маккаи мукаррама шаҳридаги Масжид ал-ҳарамни босиб олган. Масжидни эгаллагач, бу ерга келиши кутилган подшоҳ Холидни банди қилиб, Маҳдий деган кимса раҳбарлигида оммавий қўзғолон кўтариб, дастлаб Саудия Арабистонида, сўнгра бошқа мамлакатларда ҳам «ҳақиқий» ислом ғалабасига эришишни режалаштирган. Саудия ҳукумати икки ҳафтадан ортиқ муддатда бу ҳаракатни бостирган. Расмий маълумотларга кўра, ўшанда ваҳҳобийлар томонидан тинч аҳоли орасидан 112 киши ўлдирилган ва 143 киши ҳибсга олинган. Айни вақтда ҳукумат кучларидан 127 киши ҳалок бўлган ва 451 киши яраланган.

Ваҳҳобийлик мустақиллик арафасида Ўзбекистонда ҳам пайдо бўла бошлади. 1989 йилда ушбу оқим тарафдорлари Наманган шаҳридаги Ота Валихон масжидини ўзларига қароргоҳ қилган бўлсалар, 1989-1990 йилларда Қўқон ва Андижон шаҳарларидаги Жоме масжидларини зўравонлик билан эгаллаганлар. 1995 йили бу масжидлар фаолияти тўхтагач, ваҳҳобийлар ҳар тарафга ёйилиб кетганлар. Ваҳҳобийлар узун соқол ўстириш, намозда икки оёқни кенг тутиб, қўлларни кўкракда боғлаб туриш, баланд овозда «омин» дейиш билан Имом Аъзам мазҳабидаги қоидаларни рад этади. 1997 йил декабрда Наманган шаҳрида содир этилган қотилликлар уларнинг амалий «иш услублари»ни яққол намоён этди. ҳозирги даврда бу оқим фаолияти республика қонунлари асосида таъқиқланган.

ГЕГЕМОНИЗМ (юнонча gegemonia – раҳнамолик, ҳукмронлик, раҳбарлик) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлатнинг бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини асослашга қаратилган назария ва амалиёт. Бирон бир ғоя ёки мафкура муайян халқ, ҳудуд ва жамият ҳаётида якка ҳукмрон бўлиб турса, гегемония тушунчасини ғоя ва мафкура атамаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

ГЕОПОЛИТИКА - (грекча geo-ер, politika – давлатни бошсариш санъати)- ташsи сиёсатда бирор давлат ёки минтаsанинг географик ўрни, худудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини қисобга олиб юритиладиган фаолият.

ГЕОСТРАТЕГИК МАНФААТЛАР – муайян мамлакат ёки минтақанинг жуғрофик жойлашуви билан белгиланадиган эҳтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади. Ўзбекистон Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, у жуғрофий жиҳатдан жуда қулай геостратегик мавқега эгадир. Қадимдан Шарқ билан Ғарбни боғлаган Буюк ипак йўли айнан Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқаларни кенг ривожлантиришга сабаб бўлган. 1991 йилда Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейин бу борадаги қадимий алоқалар қайтадан жонланди.

ГЕОСТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР – ҳудудий–жуғрофий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истиқболли интилишлар, муносабатлар тизими.

Масалан, Ўзбекистон ўзининг қулай жуғрофий жойлашувидан мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий - сиёсий, маданий, илмий - техникавий салоҳиятини янада ривожлантириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

ДАВЛАТ МАФКУРАСИ - муайян давлатда амал қиладиган, баъзан расман белгилаб қўйиладиган ғоявий-назарий қарашлар, мафкуравий тамойиллар тизими. Айни пайтда «давлат мафкураси» деганда давлатнинг жамият ҳаётини бошқариш, давлат аппарати ишини ташкил этишнинг ғоявий-назарий, сиёсий-ҳуқуқий асослари тизимини тушуниш кенг тарқалганини ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

ДЕМОКРАТИЯ – (грекча «demos» - халқ ва «kratos»- ҳокимият) – халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли. Тарихий тараққиёт давомида демократия тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб борган.

ДИН (арабча – ишонч, ишонмоқ) – борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК - (толерантлик) - хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатади. ҳозирда бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод, ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

ДИНИЙ СЕКТА (лотинча – таълим, йўналиш, мактаб) - ибодат қилувчилар гуруҳи сифатида диний ташкилотларнинг бир тури. Секта одатда илгари ҳукмрон бўлиб турган диний оқимга мухолифат тарзида, унинг бўлинишга юз тутиши натижасида вужудга келади. Натижада ушбу диннинг таълимотига, ташкилий тузилиши ва бошқа жиҳатларига қарши чиқа бошлайди. Уларни динларнинг дастлабки ҳолатидан, асл ақидаларидан қайтганликда айблайди.

ДИНИЙ ҒОЯЛАР- диний даъватлар, ақидалар, илоҳий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи. Улар турли динларнинг амал қилиш йўлини белгилаб олишда намоён бўлади. Диний ғоялар муайян диннинг мавжудлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – экстремизмнинг диний соҳада номаён бўлиш шакли. Экстремизм лотинча «extremus» муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-ҳарашларни ёҳловчи назария ва амалиётни англатади. Диний соҳадаги экстремизм ҳам ана шу тамойилларга асосланади.

Диний экстримизм намоён бўлишига кўра ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Бундай қарашлар жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган, диний экстримизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстримистик руҳдаги ҳарашларни буддизм, христианлик, ислом, католиклар, протестантлар, провославлар орасида бирдай учратиш мумкин. Диний эктремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали яъни, қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бу эса, мустақилликка ҳам, жамият тараққиётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усулларни қўллашдан ҳам тап тортмайдилар. Бугунги кунга келиб нафақат ислом дунёси, балки бутун жаҳонда диний экстримизнинг асл қиёфаси тўла-тўкис намоён бўлиб қолмоқда.

Дунёда инсон хуқуқлари ва демократик тамойиллар устувор бўлиб бораётган, қонун ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидалари мамлакатлар, халқлар, давлатлар орасидаги муносбатларнинг асосий тамойилига айланаётган ҳозирги даврда диний экстримизмга ўрин қолмаяпти. Аммо бу унга қарши курашмаслик, хушёрликни оширмасликни билдирмайди. Мазкур соҳада ҳам Президентимиз уқтирганлари каби огоҳлик, эзгу ғоялар йўлида кураш олиб бориш ҳаёт ва фаолиятнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

ДОГМАТИЗМ - грекча сўз бўлиб, луғавий жиҳатдан «фикр», «таълимот», қарор маъноларини англатади; бирор бир фикр, таълимотни ўзгаришига шубҳа билан қаровчи оқим тарафдорлари, аниқроғи ақидаларга кўр-кўрона ишониш, унга ёпишиб олиш, ҳар қандай шароитда ҳам унинг ўзгаришига йўл қўймасликка ҳаракат қилиш.

ДУАЛИЗМ (лотинча dualis – икки) - оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари ҳам руҳий–илоҳий, ҳам моддий асосга эгалигини эътироф этувчи таълимот.

ДУНЁВИЙ ҒОЯ 1) муайян ғояларни ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча; 2) жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуи. Бу ғояларни, мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний, илмий, фалсафий каби бир неча турларга бўлиш мумкин.

ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ – жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллатлар ва халқлар ўз ўрнига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршилар мураккаб тус олган, мафкура

полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд, бўлиб уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, динлар, диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзаро фарқланадиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатларга эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гуруҳлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий муддао эса муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишдир. Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмаганда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам, ижтимоий беқарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илғор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт инсон ва жамият камолатига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур услуби шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Хусусан, террорчилик турли шаклларга кириб, кучли моддий асосга эга бўлиб, мафкуравий хавфи ортиб бормоқда. Шу билан бирга, эътиқод умумийлигига асосланиш (масалан, панисломизм), этник бирликка урғу бериш (масалан, панславизм, пенэронизм, пантуркизм) ва ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқлик асосида (масалан, пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш, шу йўл билан жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар ҳам бор.

Лекин булар бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўкис акс эттира олмайди. Мафкуравий жараёнлар ўзгариб турибди. Бу борада XX аср сўнгида рўй берган ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳозирги даврда терроризм ва экстремизмга қарши кураш дунё мамлакатлари орасида унга муносабатнинг кескин ўзгариши ҳар бир кишининг ёт ва бегона ғояларга нисбатан огоҳ бўлишга ундайди.

ЖАДИДЧИЛИК – (арабча – янги) XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон, Қрим, Кавказ, Волгабўйи ҳудудларида шаклланган, янги замонавий мактаб, матбаа, тараққиётнинг усул ва йўлларини ёқлаб чиққан ижтимоий-маърифий ҳаракат ва унинг тарафдорларининг умумий номи.

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ - ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ-МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН - Президент Ислом Каримовнинг миллий масалаларга бағишланган асарларидан бири (Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблари). Ушбу жавоблар муаллиф асарларининг 7-жилдига киритилган. Унда Ислом Каримовнинг мафкуранинг жамият ҳаётидаги ўрни, таълим-тарбия, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларининг мазмуни ҳақидаги чуқур назарий хулосалари баён этилган.

ЗАРДУШТИЙЛИК – энг қадимий динлардан бири. У қадимги Хоразмда шаклланган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда бутун Турон ўлкаси, шунингдек, Эрон, Хуросон, Озарбойжон, Ироқ, Кичик Осиё каби бир қатор мамлакатлар ва минтақаларда давлат дини даражасига кўтарилган. Ундаги тараққийпарвар ғоялар халқнинг маънавий юксалишига самарали таъсир кўрсатган.

ИДЕАЛИЗМ - (юнонча -idea - тасаввур, тушунча) олам ва одамнинг яралиши, табиат ва жамиятнинг моҳияти ва ривожида руҳий, моддий бўлмаган омилларни устувор деб билувчи фалсафий йўналиш. Идеализм тарихи буюк юнон файласуфи Афлотун таълимотидан бошланади. У турли хил фалсафий фикрларни таҳлил қилар экан, ўзини идеализм намояндаси дея очиқ тан олади. Худди шу даврдан бошлаб фалсафий қарашларда идеализм ва материализм (моддиюнчилик) таълимотлари пайдо бўлган.

ИМОН – (арабча – ишонч, эътиқодли бўлиш) – Аллоҳнинг ягоналиги ва яратувчилигига, илоҳий китобларга (Забур, Таврот, Инжил, Қуръон), пайғамбарларга, фаришталарга, тақдирга, охират кунига ишонишни билдиради. Исломда Аллоҳ таолонинг пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом орқали келтирилган барча хабарларига тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга, яъни Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар орқали Аллоҳ тўғрисида, жаннат ва дўзах, қиёмат куни каби ғайбий (кўринмас) нарсалар ҳақида берилган хабарларга ишонишга имон дейилади. Аллоҳни инкор этиш ёки унга ширк келтиришдан кўра катта гуноҳ бўлмаганидек, унга имон келтиришдан (ишонишдан) кўра каттароқ савобли иш йўқдир. Хайрли, савобли ишлар, солиҳ амаллар қилинганида мусулмон кишининг имони зиёда бўлади, яъни имоннинг нури янада равшанлашади. Гуноҳ ишлар қилинганида эса имон нури хиралашади. Ислом динида илоҳий эътиқод йўлидаги одам мўмин деб ҳам, мусулмон деб ҳам аталади. Луғавий маъносига кўра, *мўъмин* – бу ишонувчи, яъни Аллоҳга имон келтирувчи инсон. *Мусулмон* – мусулмончиликка, яъни исломга амал қилиб, ибодатларни бажарувчи демакдир. Шу боис мўмин-мусулмон дейиш ҳар жиҳатдан тўғридир.

Ислом динида, агар инсоннинг имони бўлмаса, хайрли ишларни кўп қилсада, унга савоб ёзилмайди. Ибодат ва яхши амаллар қабул бўлиши учун киши имонли бўлиши шарт экани назарда тутилади. Иймоннинг мукаммаллиги уч нарса – эътиқод, иқрор ва амал воситасида намоён бўлади. Эътиқод – динга қалбан ишониш; иқрор – сўзда буни тан олиш; амал – яхши ишлар билан исботлаш.

Дунёвий давлатда қонун устуворлигини тан оладиган, юрт фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, ҳар бир кишига яхшиликни раво кўрадиган, меҳнатсевар, камтар, ориятли, андишали, инсофли, виждонли одам имон-эътиқодли инсон саналади.

ИНКВИЗИЦИЯ – (лотинча «inquisitio»-текширув, қидирув) католик черковининг эркин фикрларга, Папа ҳокимияти ғоявий душманларига қарши курашиш мақсадида XIII асрда тузилган махсус суд муассасаси. Дастлаб бевосита Рим папаси тасарруфида бўлган, 1231 йилдан эътиборан доминиканлар орденига

топширилган. У христианликнинг софлигини сақлаш ғоясини мутлоқлаштирган, шу сабабли ақидапарастликка йўл қўйган.

Инквизиция инсониятнинг ғоявий эркинлигига қарши қатор жиноятларни содир этган. Хусусан, кўплаб олим, ёзувчи, зиёлилар мавжуд сиёсий тизим ва черков доктринасининг ғоявий мухолифлари сифатида инквизиция қурбони бўлган. Масалан, 1600 йили Ж. Бруно, 1619 йили Л. Ванини ўтда куйдирилган. Инквизиторлар сўроқ пайтида оғир жазо ва қийноқларни қўллаган. Бу даврда жосуслик, айғоқчилик, иғвогарлик, ғоявий сотқинлик ниҳоятда авж олган. Жазога тортилганларнинг мол-мулки черковнинг хусусий мулкига айлантирилгани учун ҳам, инквизиция черковга катта даромад келтириб турган.

Инквизиция Ғарбий Европанинг жуда кўп мамлакатларига, кейинчалик Америкага ёйилган. 1480 йили Испанияда алоҳида инквизиция суд маҳкамаси таъсис этилган. Олий инквизитор Торквемада 18 йиллик хизмати даврида 10220 кишини гулханда куйдиртирган. Унинг жиноятидан 114000 оила зарар кўрган. Инквизиция ғоявий-сиёсий тизим сифатида XIX аср бошларигача фаолият кўрсатган.

Инквизиция судлари фаолияти 1835 йилда Папанинг буйруғи билан тўхтатилган. Инквизициянинг айрим диний ва сиёсий функциялари муқаддас конгрегация зиммасига ўтказилган. Бу конгрегация 1949 йили коммунистлар ва уларни қувватлаганларни ғоявий душманлар сифатида черковдан четлаштириш тўғрисида махсус декрет чиқарган (ушбу декрет 1959 йилда тасдиқланган). У Ватиканда 1965 йилгача Муқаддас диний канцелярия конгрегацияси номидан иш юритиб, черков фаолиятидан норози ғоявий мухолифларни католик черковидан чиқарган. 1965 йилда у Диний таълимот конгрегацияси номи билан қайта ташкил қилинган.

Диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрни беқиёсдир. Аммо дин вакилларининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида устувор мавқе эгаллашга ҳаракат қилиши жамиятдаги мувозанатнинг бузилишига, сиёсий беқарорликка олиб келади. Бугунги кунда диний экстремизм ва фундаментализм ғоялари ўзининг инквизицияга хос моҳиятини хусусий ҳолларда намоён этишга ҳаракат қилаётгани

фикримизнинг далилидир. Шундай экан, бу соҳада ҳам асло хотиржамликка йўл қуйиб бўлмайди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – инсоннинг эркинликлари, бурч ва мажбурияти билан боғлиқ қарашларни акс эттирувчи тушунча. У миллий истиқлол ғоясининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Президент Ислом Каримов асарларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида амалга ошириш лозим бўлган йўналишлар белгилаб берилган.

ИРҚЧИЛИК – одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи ғайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму-кўст ва норасо ирқларга ажратадилар.

ИСЛОМ – (арабча – бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Оллоҳ иродасига топшириш) дунёда энг кенг тарқалган уч дин(буддизм ва христианлик билан бир қаторда)дан бири. Ислом динига жаҳонда қарийб 1,3 млрд. киши эътиқод қилади.

Ислом динининг пайдо бўлиши хусусида ислом манбаларига асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охирги таълимот деб уқтирилади. Қуръонга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, ислом батамом янги эътиқод эмас, балки Иброҳимнинг қайта тикланган динидир. Ислом динининг келиб чиқиши тарихи (генезиси)ни ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий, диний ва маданий омилларнинг барчасини ҳисобга олиш керак. Ислом дини вужудга келган 6 асрнинг охири – 7 аср бошида Арабистонни бирлаштириб, халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона мамлакатга айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди. Марказлашган давлат тузиш билан бир қаторда Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари

кечаётган эди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Шундай қилиб, Муҳаммаднинг диний ва сиёсий фаолияти юқоридаги умумий жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Бу фаолиятни юритишда у якка эмасди. Арабистонда ўзига хос уйғониш даври бошланганди.

Шундай вазиятда Муҳаммад 610 й., яъни 40 ёшида ўзининг диний фаолиятини бошлади ва ваҳий (илоҳий илҳом) олаётганини эълон қилди. Аммо бир неча нуфузли кишилар ва яқин қариндошларни ҳисобга олмаганда Макканинг кўпчилик аҳолиси, айниқса, қурайш қабиласининг зодагонлари унинг тарғиботларига очиқдан-очиқ қарши чиқдилар. Муҳаммад ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлди. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди, сўнг Макка зодгонлари билан маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги бану Авс ва бану Хазраж қабилаларининг вакиллари 622 й. Мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммадни умумий раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Мадина в Макка ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этди. 630 йил мусулмонлар қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига ислом динини қабул қилди ва Муҳаммад (с.а.в.)ни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб Макка Ислом динини марказига, қадимги Каъба ибодатхонаси эса мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилдилар ва ислом динини ёйдилар.

Исломнинг асосий ақидаси – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули». Ислом дини 5 «асос» ёки «устун» (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани – Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишига ишонишни ўз ичига олди. Исломда ўзига хос диний маросимчилик таркиб топган. Бундан ташқари, кўпгина ҳолларда

маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар ҳам ислом маросимчилига мосланиб кетган.

Илк исломда динийлик ва дунёвийлик бир-биридан айри бўлмагани боис ғоявий баҳслар диний-сиёсий тус олди. Дастлаб суннийлик ва шиалик йўналишлари вужудга келди. Икки тараф («сунна» ва «шиа») ўртасидаги кураш асносида «хорижийлар» деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Аммо ислом тарихи узра «сунна» асосий йўналиш бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилигини (90% дан ортиқ) ташкил этади.

ИСЛОМ ХАЛИФАЛИГИ - жамоанинг дунёвий ва диний ҳаётига халифа бошчилик қиладиган ҳокимиятни идора этиш тартиби. Одатда халифалик (ёки араб халифалиги) термини VII асрда араб истилоси туфайли вужудга келган ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқда XIII асрдаги мўғуллар истилосига қадар, Испанияда XV асрга қадар мавжуд бўлган мусулмон давлатларига нисбатан ишлатилади.

Халифалик-Арабистонда VII асрнинг 20-йилида Муҳаммад (с.а.в.)нинг диний ислоҳотлари натижасида пайдо бўлган ва унинг вафотидан кейин 20 йил ўтиб бутун сосонийлар давлати ва Византиянинг кўп қисмини қамраб олган давлат. Халифалик араб-мусулмон маданияти тақдирини кўп йиллар олдиндан белгилаб берди. Халифалик турли цивилизацияларнинг ўзаро таъсири остида тили арабча, мафкурвий асоси эса – ислом бўлган маданиятни юзага келтирди.

Ислом халифаликлари тарихига назар солсак, пайғамбар вафотидан кейин «хулафо ур-рошидун» халифаликлари ҳукм сурди. Бу халифаликларни пайғамбарнинг энг яқин сафдошлари Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Али (656-661) бошқаришган.

Улардан сўнг Уммавийлар (661-750й), аббосийлар (750-1258 й.), айни вақтда аббосийлар билан замондош тарзда Шимолий Африкада, кейинчалик Мисрда исмоилийлардан чиққан Фотимийлар (909-1171й.) халифалиги вужудга келган.

13 –асрдан кейин айрим мусулмон мамлакатларининг ҳукмдорлари ўзларини диний бошлиқ деб даъво қилиб халифа номини ишлатганлар (масалан, Туркия султонларининг халифа деб аталишлари 1924 йилгача давом этган).

Халифаликнинг амалда қандай бўлиши кераклиги масалалари илк исломда кескин сиёсий курашларга сабаб бўлиб, унда суннийлик, шиалик ва хорижийлик каби асосий оқимларни вужудга келтирган. Бугунги кунда ҳам ислом халифалигини қуриш байроғи остида турли мақсад- муддоларни қўллаётганлар оз эмас.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган атама. Аслида «фундаментализм» сўзи 20-аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охирги пайтларда жаҳон матбуотларида мутаасиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Ислом фундаментализми турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади. Ислом фундаментализми учун умумий бўлган ғоялар - гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, ва ниҳоят, уларнинг таъбири билан айтганда, исломда «ширк» (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. Азиз авлиёлар қабрларига эъзоз билдириш, масалан Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчиларининг руҳи-покларини ҳурматлаш ҳам ислом фундаментализми талқинида будпарастликка киради. Транспорт ва коммуникация воситаларининг тараққиёти юз бераётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террористик ҳаракатлар бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканлигини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозим эканлигини яққол кўрсатмоқда**.**

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ – миллат ва давлатнинг мустақил ривожланишини таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. У истибдод мафкураси ва амалиётига қарши, озодликка интилиш зарурати туфайли

пайдо бўлади. Унинг асосий вазифаси озод ва эркин тараққиёт йўлидаги олижаноб мақсадлар атрофида халқни бирлаштириш, улкан бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, унда ғоявий иммунитет, мустаҳкам эътиқод асосларини шакллантиришдан иборат бўлади.

ИУДАИЗМ (ЯҲУДИЙЛИК) – яҳудий халқининг яккахудоликка асосланган дини. Дин ва миллатнинг номи Исроилда мавжуд бўлган ўн икки қабиладан бирининг асосчиси Яҳудонинг исмидан келиб чиққан. Моҳиятан, иудаизм асосида Яхве томонидан Мусога Тур тоғида ваҳий қилинган 10 қоида ётади. Улар жумласига Яҳвени ягона деб, ундан бошқа худоларни тан олмаслик, бут, санам ва расмларга сиғинмаслик, худо номини беҳудага тилга олмаслик, шанба кунини муққадас кун деб билган ҳолда уни худо учун бағишлаш ва бошқалар киради. Айни пайтда ота-онани ҳурмат қилиш, одам ўлдирмаслик, зино ва ўғирлик қилмаслик, сохта гувоҳлик бермаслик ва яқинлари эга бўлган нарсаларга кўз олайтирмаслик қоидалари ҳам иудаизмнинг асосий қоидаларидир.

Иудаизмнинг Рош аш-Шана – қамарий тақвимга асосланган янги йил, Йом-Кипур – қиёмат куни, гуноҳкорларнинг Худо томонидан кечирилиши, инсонлар бир-бирларини кечирадиган кун, қишлоқ хўжалиги ишларининг якунланишига, шунингдек, яҳудийларнинг Мисрдан чиқиб чўлдаги қирқ йиллик сафарларини эслашга бағишланган Суккот – «Куша», эрамиздан авалги XVI асрда Мусо пайғамбар бошчилигида яҳудийларнинг Миср асирлигидан озод бўлишига бағишланган – Песах, Худо томонидан яҳудий халқига Мусо орқали 10 та ақидани ичига олган «Қонун»нинг инъом этилишини нишонлаш билан боғлиқ Шовуэс байрамлари мавжуд.

Яҳудийлар дунёга тарқаб кетганлар, уларнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши Буюк ипак йўли билан боғлиқ. Улар ўзлари яшаётган мамлакат халқлар тилда сўзлашсаларда, Тавротда кўрсатилган диний, миллий урф-одатларини йўқотмаганлар. Ҳозирги даврда иудаизм Исроил давлатининг дини бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда 2001 йилнинг 1 июлига қадар яҳудийларнинг 8 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМАСЛИК – халкаро хуқуқнинг асосий тамойилларидан бири; бир давлатнинг бошқа бир давлат ишларига аралашмаслиги.

КАЛОМ — (араб-равон нутқ, жумла, гап, сўз) исломда муайян мантиқий далилларга таяниб диний таълимотни асослашга ҳаракат қилувчи назарий илоҳиёт илми. Калом турли диний-сиёсий гуруҳлар (ҳорижийлар, қадарийлар, жабрийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. «Ҳақ» ислом йўли тизими X асрга келиб ишлаб чиқилди ва буни ал-Ашъарий (873-935) ва ал-Мотурудий (870-944) амалга оширдилар. Шундан сўнг Калом улар асос солган икки мактабни англатувчи атамага айланди.

Ашъария Каломи асосан шофийлар орасида тарқалган бўлса, мотурудия Каломи ҳанафия доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва хусусан, Мовараунаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди

КОНСЕРВАТИЗМ — (лот. conserv-сақлаб қолмоқ) – ижтимоий ҳаётнинг мавжуд ҳолатини, тартиб ва қоидаларини, эскиликни сақлаб қолиш ва янгиликка, ўзгаришга қаршилик қилиш. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин.

МАФКУРА – (*арабча* - фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

МАЪНАВИЯТ – (арабча «маънавият» - маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий ҳуқуқий, илмий, бадиий, аҳлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Шу нуқтаи назардан қараганда, И.А. Каримовнинг «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон – иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан», - деган фикрлари диққатга сазовордир.

МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ — ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча

минтақалари тортилганлигини, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви билан характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик теле-радио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ходисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири-турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирмашиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. /оявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда.

Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётининг муҳим омилига айланади.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ (лотинча immunitatis – бирор нарсадан озод этиш) — шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим. Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуини ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда, иммунитет - организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир.

МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони. Одатда «полигон» деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларининг узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан - ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради.

Президентимиз таъкидлаганлари каби, ҳозирги давр ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир. Хусусан, мамлакатимиз ичида ўзларининг

зарарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиш, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган ваҳҳобийлар, «ҳизбут таҳрир»чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда мафкура полигонларида муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзларининг ғаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усулидир.

МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ – муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий – мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги тазйиқларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмуи.

МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам ўз ғялари таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сонини кенгайтиришга ҳаракат қилади, Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК - шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи

тушунча. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК (БАҒРИКЕНГЛИК) - хилма хил қараш, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафкуравий позицияда турувчи кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишини, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

МАФКУРАНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ — миллатлар ва давлатлар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсад-муддаолари ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар мажмуи. Ҳар қандай мафкура: а) муайян ғояни одамларнинг онгига ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; г) уларни маънавий-руҳий рағбатлантириш; д) аҳолини, айниқса ҳаётга кириб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишдек бир қатор вазифаларни бажаради.

МОНИЗМ – (грекча monos – бир, ягона) – оламнинг ибтидоси битталигини, бутун мавжудотнинг ягона моҳиятга эгалигини эътироф этувчи фалсафий ёндашув. Дунёнинг вужудга келиши, мавжудлиги ва ўзгариши негизида қандай моҳият, қандай асос борлигини фалсафий талқин этишда монизм дуализм в илюрализмдан фарқ қилади. Монизмнинг тарихий шакллари сифатида материализм ва идеализм алоҳида ўрнига эга.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан, бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун, уларнинг

манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

МИЛЛАТЧИЛИК - ғайриинсоний иллат бўлиб, аввало бошқа миллат кишилари манфаатлари, эҳтиёжларига беписанд қарашда, худбинларча муносабатларда намоён бўлади. Шунингдек миллатчилик- ўз миллати манфаатларини, эҳтиёжларини бошқа миллат манфаатларини, эҳтиёжларини камситиш ёрдамида қондиришдир.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ – халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бошғоясидан келиб чиқадиган ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни тўлдириб, фуқароларимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган бунёдкорғоялардир. Ушбуғояларнинг мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари Президент Ислом Каримов асарларида ўз ифодасини топган.

Булар қуйидагилардир:

- Ватан равнақи;
- Юрт тинчлиги;
- Халқ фаровонлиги;
- Комил инсон;
- Ижтимоий ҳамкорлик;
- Миллатлараро ҳамжиҳатлик:
- Диний бағрикенглик

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (лотинча «meng» — ақл, идрок, зеҳн, фаҳм-фаросат) – миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга етган қобилияти ва руҳий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъаналар, расм-русмлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Ўз навбатида у муайян миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашини ҳам бир қадар белгилайди, гоҳида уни баҳолаш учун асос бўлади.

«ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА» - («Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар) – Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А. Каримовнинг ислом динининг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий асари. У ўзбек ва араб тилларида 1999 йил мар ойида рисола ҳолида чоп қилинган ва муаллиф асарларининг 7-томига киритилган.

Асарда И.А. Каримов 1999 йил 16 февралда Тошкент рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида билдирилган турлича фараз-тахминлар, тусмол-гумонларга аниқлик киритади, мутаассиб террорчиларнинг ҳақиқий алоқаси йўқлигини, мухолиф кучларнинг Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар рўй бериши тўғрисидаги шов-шувлари асоссиз эканни кўрсатилган.

Тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, ислом динининг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмаслиги, бу муаммонинг негизига етиб боролмаган айрим кишилар содир бўлган воқеаларни бир ёқлама талқин қила бошлаган эдилар. Президент ушбу ҳолатларга муносабат билдирар экан, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини юртимиздаги миллионлаб кишилар қатори унинг ҳам дунёқарашига асос бўлганлигини, бутун борлиғи, маънавий олами мазмунини ташкил этишини катта масъулият билан таъкидлайди.

Асарда муаллиф ислом динининг қон-қонимизга чуқур сингиб кетгани ҳақида қатор ҳаётий далилларни келтиради, асос-эътиборли маънавий-маърифий фикрларни ўртага ташлайди. чунончи, «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз… биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Туғилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаърий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади… Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди» (Асарлар,, 7-том, 350-351-бетлар). Шунга кўра, И.А. Каримов халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатини «Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда» дея мухтасар

ифода этади ҳамда халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди. Айни чоғда асарда оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нима-ю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсолн-у ким мунофиқ риёкор эканини яхши билиши уқтириб ўтилади ҳамда ислом дини ва ислом фундаментализми тушунчаларини бир-бирига аралаштириб юбориш ҳолларига нисбатан жиддий эътирозлар билдирилади.

Пировардида «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» асари мазмунидан бир қатор мантиқий хулосалар келиб чиқади. Биринданн, ислом дини деганда, халқимиз, аввало, Оллоҳ ва унинг Расулини, мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ /иждувоний, Замаҳшарий каби улуғ имомлар ва пири комилларни тасаввур қилади. Ёш ана шундай авлод бугунки кунда дунёвий билим олиш билан бирга аждодларимиз қаламига мансуб меросни ҳам чуқур ўрганмоқда. Иккинчидан, сиёсий мақсадларга эришиш йўлида диндан фойдаланиш, айниқса ўз Ватанига қўл кўтариш, ноҳақ бировнинг қонини тўкиш исломнинг инсонпарварлик мазмун-моҳиятига мутлақо зиддир.

Умуман олганда, И.А. Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» асари эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қураётган Ўзбекистонда ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашишга асос бўла олмаслигини қатъий равишда билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга у ҳуррият кушандаси бўлган мутаасиблик, ақидапарастликнинг жиддий хавфидан ҳам огоҳ этувчи асардир. Қолаверса, ушбу асар ислом дини халқимиз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлиги тўғрисидаги дастурийғояни асослаб бергани билан диққатга сазовордир.

ПАНИСЛОМИЗМ - ислом дини билан боғлиқ диний-сиёсий концепция бўлиб, унинг асосида бутун дунё мусулмонларини бирлаштириш ва ягона мусулмон давлатини тузиш лозимлиги ҳақидаги тасаввур, тушунча ётади. Панисломизм 19-

асрнинг охирларида Шарқ мамлакатлари европаликлар томонидан колониал тузумга маҳкум этила бошлаган даврда вужудга келган.

ПРОТЕСТАНТИЗМ – (лотинча protestans, protestantis – норозилик билдирувчи омма олдида исботловчи) христианликдаги (православие ва католиклик билан бирга) уч асосий йўналишдан бири. ХУ1-асрда Европада католикларга қарши қаратилган Реформация ҳаракати билан боғлиқ жуда кўп мустақил черковлар ва секталар пайдо бўлди. 1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи-князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо, 1529 йилда 2-Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари аҳолиси ва 5 та князь «протест» (норозилик) билдиришди. «Протестантизм» термини шу сўздан келиб чиққан.

ПЛЮРАЛИЗМ (лот. Pluralis - кўплик) – бир-биридан мустақил бўлган ва қандайдир ягоналикка келтирилмайдиган борлиқ турлари, манфаатлар,ғоялар, қарашлар ва социал институтлар кўплигини билдирувчи фалсафий-дунёқараш таълимоти. Фалсафий нуқтаи-назаридан плюралистик қараш турли-туман фикрлар курашини эмас, балки уларнинг жамият ижтимоий ташкилланишининг намоён бўлиши деб қаралади. Плюрализм ижтимой ҳаётнинг турли-туманлиги ва ана шундай турли-туманлик орасидаги конфликт, конкуренция, оппазициянинг ижтимоий тараққиёт манбаи эканини билдиради.

РАДИКАЛИЗМ (лотинча, radix-томир, илдиз, ўзак) -1) мақсад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш; 2) у ёки бу ишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартиришга интилиш; 3) ижтимоий-сиёсий ҳаётда Х1Х-асрда вужудга келган сиёсий оқим.

САЛБ ЮРИШЛАРИ – Ўрта асрларда черков ҳомийлиги остида Шарққа қилинган юришлар. Тарихда саккизта салб юришлари маълум бўлиб, улар 200 йил давом этган. 1095 йилда Франциянинг Клерман шаҳридаги майдонда Рим папаси халойиқни "Исо пайғамбарнинг тобутиниғайридинлар (яъни мусулмонлар) қўлидан қутқазиб олиш учун" Шарқ мамлакатларига қарши отланишга чақирди. Шарққа қилинган юриш қатнашчилари кийимларига қизил матодан салб белгиси тикиб

олишгани учун ҳам юриш қатнашчиларини салбчилар, юришларнинг ўзи эса салб юришлари деб аталган.

СИНТОИЗМ - (японча - худо йўли) японларнинг миллий дини. У милоднинг VI -VII - асрларида вужудга келган. Қадимий японларнинг тушунчаси бўйича "син" ёки "ками", яъни худолар инсонни ўраб турган барча нарсалар - осмон, ер, тоғлар, дарёлар ва дарахтларда ўз ифодасини топади. Синтоизмга буддавийлик жуда кучли таъсир кўрсатган. Ушбу динга эътиқод қилувчилар буддавийликка тақлид қилиб ибодатхоналар қурганлар ва ўз худолари тасвирини ясаганлар. Синтоизм ва буддавийлик динлари бир-бири билан яқинлаша бошлаган.

ТАВРОТ (қадимги яҳудийга «тора» - қонун) - яҳудийлик динининг муқаддас китоби. У Мусо пайғамбарнинг илоҳий Қонунларини ўз ичига олган беш китоби, яъни Муқаддас Китоб (Библия)нинг «Ибтидо», «Чиқиш», «Левит», «Чўлда» ва «Амрлар»деган беш китобидан иборат. Баъзи адабиётларда Қадимги Аҳдда учрайдиган китобларнинг ҳаммасини (39 китоб) ёки Библияни ҳам «Таврот» деб ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди.

«ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ — КЕЛАЖАК ЙЎҚ» - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ватанимиз тарихига янгича ёндашиш, унга адолатли ва холис баҳо бериш, тарих фани ва унинг бугунги аҳволига бағишланган асари. У «Мулоқот» журналининг 1998 йил 5-сонида эълон қилинган ва муаллиф асарларининг 7- жилдига киритилган.

ТЕРРОРИЗМ – (лотинча. terror – қўрқув, даҳшат) – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлганғояга асосланган зўравонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний,ғоявий, ирқий, миллий, группавий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпорувчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай «байроқ» остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик кенг тарқалган. Унда рақибларини ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқотиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш йўлларидан фойдаланилади.

Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарлиғоялар оқими, телеэкранлар орқали доимий намойиш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчиғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган «вируслар»ни тарқатиш бунга мисол бўла олади.

Ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзловчи кучларнинг зўравонлиги ва қўпорувчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий терроризм нафақат жиноятчи гуруҳлар, ҳатто баъзи реакцион агрессив руҳдаги расмий сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Чоризм империясининг колониал ва шовинистик сиёсати, совет империясинингғоявий қатағонлари халқимизга қарши ўзига хос террор эди. Бугунги кунда ҳам мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизга нисбатанғараз ният билан қаровчи «ёвуз» кучлар террорчилик йўли билан тараққиёт йўлимиздан чалғитишга, бизни қарамликка, асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш хоинлардан ҳам, террорчиликни «касб» қилиб олган, «буюртма» бўйича қўпорувчилик ва босқинчилик билан шуғулланувчи ёлланма халқаро террорчи, жиноятчи гуруҳлардан ҳам фойдаланилмоқдалар. 1999 йил февраль воқеалари, Америка Қўшма Штатларида 2001 йил 11 сентябрда содир бўлган воқеалар террорчилар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликларини кўрсатиб турибди.

Терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин, қандай шиорлар билан ниқобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона моҳиятини фарқлаб олиш, ёвуз

ниятини очиб ташлаш онгли, ҳурфикрли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир.

ТОТАЛИТАРИЗМ (totalitare- бутунлик, тўлалик, мукаммалик, totalis жами, тўла) – жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам гуруҳ, манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсийғоялар тизими ва улар асосида шаклланадиган давлат тузуми.

ТОТЕМИЗМ (Жанубий Америка ҳиндулари тилида унинг уруғи маъносини англатади) **–** одамнинг кўпинча бирор ҳайвон, парранда ёки афсонавий мавжудот билан алоқаси борлиги, баъзан улардан тарқалгани ҳақидаги ишонч-эътиқоддан келиб чиққан диний тасаввурлар мажмуи. Қадимий халқлар от, ҳўкиз, илон, бўри, ит ва бошқа ҳайвонларга эътиқод қилганлар ва ўз аждодлари билан алоқадор деб билганлари туфайли улардан гуёки куч, руҳий мадад олганлар. Шу тариқа бу жонзодлар уруғ ёки қабила, кейинчалик бутун бир халқнинг сиғиниш объекти - тотемига айланган. Тотемистик тасаввур, аввало, халқ иримларида, урф-одатларида ўз аксини топади.

ФАШИЗМ (италянча fascismo – боғлам, бирлашма) – /арб мамлакатларида XX аср бошларидаги оғир иқтисодий, сиёсий ва маънавий бўҳронлар даврида вужудга келган ўта тажовузкор ва вайронкорғоялар асосида шаклланганғайриинсоний назария ва амалиёт. У энг реакцион ва тажовузкор доираларнинг дунёқараши ва манфаатини ифода этган ҳолда, очиқдан-очиқ террористик диктатурага, зўровонликғоясига таянади. Фашизмнинг муҳим хусусияти - очиқдан-очиқ шовинизм ва ирқчилик бўлиб, унинг моҳияти жамиятнинг барча тараққийпарвар қатламлари, илғор фикрли аъзоларига қарши куч ишлатишнинг энг оғир ва зарарли шаклларини қўллаш жараёнида яққол намоён бўлади. Фашизм ўз кирдикорларини яшириш ва хаспўшлаш учун сиёсий тилёғламалик, ёлғон ва бўҳтонлардан усталик билан фойдаланади.

ФАНАТИЗМ – (французча «ибодат») муайянғояларнинг тўғри эканлигига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, ўзгача қараш вағояларга

муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти-ҳаракатлар тизими Фанатизм аввало инсоннинг ҳиссиётидан, бирор бир нарсага ўта берилувчанлигидан келиб чиқади. Масалан, динга муккасидан берилиш ҳам фанатизмнинг бир белгисидир. Инсон ўзи қилаётган хатти-ҳаракатларини тўғри деб ҳисоблайди, айтилган ҳар қандай тенбеҳ ва эътирозларни мутлоқо тан олмайди. Бунда инсоннинг илмсизлиги ва жаҳонллиги намоён бўлади.

Фанатизм диний экстремизмнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Онги заҳарланган ёки фанатга айланган ёшлар қилаётган ишларини тўғри деб ҳисоблаган ҳолда, ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган ва юқоридан турли топшириқларни бериб турган «раҳбарларининг» асл мақсади моҳиятанғайриинсоний ва ғайримиллий характерга эга. Зеро Президентимиз ўзларининг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли асарларида таъкидлаганларидек «Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган тажрибасиз,ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Бу эса исломнинг инсонпарварликғояларини обрўсизлантиришга олиб келмоқда». Фанатизмнинг жирканч башараси 1999 йил 16 феврал куни республикамиз пойтахти Тошкентда содир бўлган кўпорувчилик ва хунрезлик воқеаларида янада ёркин намоён бўлди. Умуман олганда, фанатизм ҳам диний экстремизм ва ақидапарастлик кабиғайриинсоний моҳиятга эгадир. Унга қарши тақаб маърифат ва маънавият билан курашиши керак. Зеро биз ҳозирги кунда ўз юртимиз ва халқимизнинг порлоқ келажагига маънавиятимиз, маърифатимиз ва миллий қадриятларимиз орқали эриша оламиз.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ - иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча. Фуқаролик жамиятининг и[9]жтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

[9] Миллий истищлол \ояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т; Ызбекистон, 2000. 20 бет.

ХРИСТИАНЛИК – жаҳон динларидан бири. I-асрда Рим империясининг шарқий провинцияларида шафқатсиз ҳаёт шароитларидан қутқарувчи халоскор-мессия келишига умид боғлаган мазлумларнинг дини сифатида вужудга келди. ҳозирги даврда бу динга 1,37 млрд. киши эътиқод қилади. Христианлик IV аср бошларига келиб, Рим империясининг давлат динига айланган ва 325 йилда Аиссея соборида давлат дини сифатида эътироф этилган. Христианликнинг асосийғояларидан бири - Исо Масиҳнинг самодан ерга тушиб, одамларни дастлабки гуноҳдан халос этиш учун қийноқларга ва ўлимга рози бўлгани, яна тирилиб, осмонга кўтарилиб кетгани ҳақидаги таълимотдир.

ШОВИНИЗМ — миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилганғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

ЭКСТРЕМИЗМ (лотинча extremus – ўта) – ижтимоий – сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора- тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт. Экстремизм мазмунига кўра - диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра-ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳдаги қарашларни католиклар, протестантлар, провославлар орасида ҳам учратиш мумкин.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади ислом давлатини барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бу эса, мустақилликка ҳам, жамият тараққиётига ҳам каттағов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усуллардан фойдаланадилар.

ЭЪТИҚОД (арабча-ишонмоқ, имон, амин бўлмоқ) – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англанган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча.

Эътиқод инсоннинг вояга етиши жараёнида шаклланади. Билимларнинг ўзлаштирилиши ва тўпланиб бориши ўз-ўзидан кишининг ижодий, аниқ мақсадни кўзловчи фаолиятига олиб келавермайди. Инсон бирор ишни бошлашдан аввал аниқ мақсадни белгилаб олади. Бу эса эҳтиёжлар, манфаатлар ва тажриба билан боғлиқ ҳолда кечиб, ўзлаштирилган билимларнинг амалда қўлланиш имкониятлари ҳам баҳоланади. Шу тарзда инсоннинг тўпланган билимлари, эҳтиёжи ва манфаатлари, ҳаётий тажрибаси асосида ҳаракат қилиш заруриятини англаши жараёнида муайян эътиқод шаклланади. У инсон фаолиятининг изчил, мазмунли, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий қонуни) - 1992 йилнинг 8 декабрида 12 чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олиий Кенгашининг XI сесиясида қабул қилинган. У 6 бўлим 26 боб, 128 моддадан иборат.

ҚУРЪОН (арабча-ўқимоқ, қироат қилмоқ) - ислом динининг муқаддас китоби. Аллоҳ томонидан пайғамбарларга туширилган «Забур», «Таврот», «Инжил» каби самовий китоблардан бири. У Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил, яъни 13 йил мобайнида Маккада ва 10 йил давомида Мадинада нозил қилинган. Энг биринчи тушган оят «Иқро бисми роббикаллазий холақ», яъни, «Яратган Парвардигорнинг номи билан ўқи», оятидир. Оят сўзи арабчадан таржима қилинганда гап, жумла сура эса «ҳисса», «ҳикоя» деган маънони англатади. ҳар бир оят ёки суранинг тушиш сабаби бор. Қуръон турли ҳолатларда, турли сабаблар билан нозил қилинган. Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётлик даврларида Қуръон китоб ҳолига келтирилмаган. У турли қоғоз бўлаклари ва дарахт пўстлоқларига ёзилган ҳолда мавжуд эди. Асосий қисми қорилар томонидан ёд олиниб оғзаки ўқиб юрилар эди. Пайғамбар вафотидан сўнг, унинг йўқолиб кетиш хавфи туғилди. Халифаларнинг учинчиси бўлмиш Усмоннинг халифалик даврида кийик терисига ўйиб ёзилиб, китоб ҳолига келтирилган. У 114 сура ва 6274 оятдан иборат бўлиб, ҳар бир суранинг ўз номи бор. Сураларнинг энг каттаси 286 оятли «Бақара», («Сигир») сураси бўлиб, энг кичиги

эса 3 оятли «ал-Кавсар», («Жаннат булоғи») сурасидир. ҳар бир суранинг аввалига «Бисмилаҳир роҳманир роҳим» - «Раҳмдил ва меҳрибон Аллоҳ номи билан бошлайман» калимаси битилган. Фақат 9 – суранинг, яъни «Тавба» сурасининг олдига бу сўзлар битилмаган. Сабаби, бу сура ўзидан олдинги «ал-Анфол» («Ўлжалар») сурасининг бевосита давоми ҳисобланади.

Қуръон оятларида баён этилган кўпгина хулосалар бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар инсонларни ўзаро тинчлик-ҳамжиҳатликда яшашга, адолатпарвар, ҳақиқатгўй бўлишга чақиради. Барча одамлар миллати, ирқи ва насабидан қатъи назар Аллоҳ олдида тенг эканликларини таъкидлаб, бир-бирларини камситиш, бир-бирларига зулм қилишдан қайтаради.

Лекин узоқ тарих давомида Қуръон оятларида баён қилинган фикрларни турли оқим ва мазҳаб вакиллари турлича талқин этишга ҳаракат қилганлар. Айниқса кейинги пайтда кўпайиб кетган диний-сиёсий оқимлар улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринмоқдалар. Бундай шароитда динни унинг асл манбаларига таяниб ўрганишгина, диний қадриятларни тўғри талқин қилиш имконини беради. Бу борада «Қуръон» ўзининг аҳамияти, қадр-қимматини сақлаб қолаверади.

ҒОЯВИЙ МУТААССИБЛИК - тўғри деб ҳисоблаган муайян фикр, ғоя, ақида ва йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўрона инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиёт. Турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, улардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблашда, ўз қарашларини мутлақлаштиришда, унга қўшилмайдиганларга қарши фаолият олиб бориш, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизиция, баъзи Ғарб мамлакатларидаги неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари ғоявий мутаассибликка мисол бўла олади.

ҲАДИС (арабча-гап, суҳбат) - Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган гаплари ва қилган ишлари ҳақида саҳобалар - Пайғамбарни кўрган кишилар қилган ривоятлар. Улар одамларни эзгулик, ўзаро ҳамжиҳатлик, биродарлик, адолатпарварлик каби инсоний сифатларга эга бўлишга чорлайди. 14 асрдан зиёд вақт давомида ҳадислар инсонларни жаҳолат ва залолат ботқоғидан ҳидоят ва нажот йўлига даъват этиб келмоқда.

ҲИЗБУТ - ТАҲРИР АЛ-ИСЛАМИЙ (арабча-Ислом озодлик партияси)- 1953 йилда Исроил ҳудудида пайдо бўлган норасмий, сиёсийлашган диний партия. Унинг асосчиси Мисрдаги «Ал-Азҳар» университетини тамомлаб, Қуддус шаҳрида шаръий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган Тақийиддин Набаҳонийдир (1909-1979). У Иорданиядаги «Ал-ихван ал-муслимун» («Мусулмон биродарлар») диний-сиёсий экстремистик ташкилоти раҳбарларидан бири эди. Кейинроқ ақидада «ихвончилар» билан келиша олмай, бу жамоадан ажралиб чиқиб, ўз қарашларини «Ислом низоми», «Ислом оламига қайноқ нидолар», «ҳизбут-таҳрирнинг тушунчалари» каби рисолаларида баён қилади. Партия пирамида шаклида таркибий тузилма кўринишида ташкил топган. Партиянинг ҳар бир аъзосининг ўз имкониятлари ва асосий меҳнат фаолияти даромади ҳисобидан 20 % солиқ тўлаши мажбурийдир. Бу партия ҳам ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига аралашишга, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнатишга интилади. Халифаликни тиклашга даъват этади. Ваҳҳобийлар ҳокимиятни қўлга олишда очиқ кураш, экстремизм, террор йўлини тутсалар, «ҳизбчилар» ғоявий, мафкуравий кураш йўлини қўллайдилар. «ҳизбут –таҳрир»нинг бошқа норасмий диний ташкилотлардан фарқи шуки, улар ҳужумни асосан фикрга қаратадилар, яъни фикрий кураш олиб бориб, фикрий инқилобга эришиш, ақидапараст ислом давлати низомини тарғиб этишни мақсад қилиб қўядилар.

Юқорида зикр этилган мақсадларнинг бирортаси ҳам асл исломий ғояларга тўғри келмайди. Чунки ислом дини ҳеч қачон аҳоли тинчлигига раҳна солувчи, фуқароларни бир-бири билан уруштирувчи ғояларни илгари сурмайди. Ислом дини доимо ўзаро тотувликни, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни тарғиб қилиб келган. Шу сабабдан ҳам ҳақиқий ислом «ҳизбут таҳрир» каби оқимлар билан асло келиша олмайди. Бундай оқимлар фаолияти кўп мамлакатлар, жумладан, ислом давлатларида ҳам таъқиқланган.

ҲИНДУИЙЛИК – ҳиндларнинг брахманизм асосида шаклланган кўп худолик дини. ҳиндистон аҳолисининг 80 фоиздан кўпроғи шу динга эътиқод қилади. У брахманизмни ислоҳ қилиш, унинг маросим ва урф-одатларини давр талабига мослаштириш натижасида вужудга келган.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маърифий маънавий асослари бўйича
ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1	Конституцияда виждон эркинлиги қайси моддада кўрсатилган?	10, 12	18, 30	28, 40	*31, 18
2	Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ҳақида”ги конун қачон чиққан?	1990 .	1991,	2005,	*1998 .
3	Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Вазирлар махкамаси хузуридаги Диний қумита ўртасида қандай фарқ бор?	иккаласи хам давлат ташкилоти,	иккаласи хам жамоат ташкилоти,	* биринчиси жамоат, иккинчиси давлат ташкилоти.	Барчаси нотўғри
4	Исломда нечта мазҳаб бор?	Иккита,	* туртта ,	олтита,	саккизта
5	Ўзбекистон Ислом давлати ёки Ислом диёрими?	Демократик давлат,	исломий демократик	* ислом диёри,	бу диний кўринишдаги демократик давлат
6	Демократия деганда нимани тушунасиз? .	Бу эркинлик.	*Қонун устиворлиги.	Фуқароларни хокимият бошқаруви ва қонун ижодкорлиги	Халк хокимяти.
7	Дин деганда нимани тушунасиз?	диёнат, эътиқод, ишонч.	Эътиқод ва ишонч.	Ибодат ва итоат	* барча жавоблар дин тушунчасини беради.
8	Эътиқод ва ишонч ўртасидаги фарқ қандай?	Хеч қандай	*Иккаласи хам бир маънони англатади	Мақсад сари интилиш	Ибодат қилиш маъносини билдиради
9	Мусулмон ва диндор ўртасида қандай фарқ бор?	Бу диний эътиқоддаги шахс	Мусулмон бу ибодатдаги шариат асосларига итоат қилувчи шахс, диндор бу яратганга эътиқод қилувчи шахс	улар ўртасида хеч қандай фарқ йўқ.	*Турли диний конфессияларда н биридаги эътиқоддаги шахс
10	Давлат ва диний муносабатлар қандай белгиланади?	*Қонун асосидаги муносабатлар билан	Фақат конституцияда белгиланган тартибда	Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун асосидаги муносабатлар.	Барчаси нотўғри
11	Ақидапараст ва диндор ўртасидаги фарқ қандай?	Хеч қандай фарқи йўқ	Фақат ибодатда	*Ақидапараст бу кескин фикрли диндор, диндор бу диний эътиқоддаги шахс.	Барчаси нотўғри
12	Фундаментализм деганда нимани тушунасиз?	Ўта тор диний атама	Муқаддас китобларга асосланган ҳаракат	Кескин ҳаракатларни тарғиб қилувчи атама	*Тарихий асосларга кўра амалга ошириладиган харакат
13	Сепаратизм деганда нимани тушунилади?	*Алохида ажралиб	Кескин ҳаракатларни кўллаш деган	Бир фикрини иккинчисидан	Тўғри жавоб йўқ

		чиқиш деган маънони беради	маънони беради	ажратиш деган маънони билдиради	
14	Дунёда нечта диний конфессиялар мавжуд?	Бешта	Тўртта	*Саккизта	олтита
15	Марифий ислом ва соф ислом деганда нималарни тушунасиз?	*Тарихий манбааларга асосланиб фақат маърифий фаолият	Ақидавий асосларга асосланган фикр юритиш	Қурьони Карим ва унинг суннатларига асосланган турмуш тарзи	Амри маъруф ва ақидавий асосда амалга ошириладиган турмуш тарзи
16	Диний экстремизм деганда нимани тушунасиз?	*Диний йўналишдаги кескин харакат ёки фаолият	Диний ниқоб остида содир этиладиган жиноят	Кескин харакатлар мажмуаси	Тўғри жавоб йўқ
17	Экстремизм деганда нимани тушунасиз?	*Кескин фикр ва чораларни ёқлаш	Кескин ҳаракатлар	Кескин чораларни ёқлаш	Барчаси нотўғри
18	Терроризм деганда нимани тушунасиз?	Диний, сиёсий миллий озодлик йўлида содир этилган ҳаракат	Сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг хаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа объектларни йўқ қилиниши натижасида содир этиладиган харакатлар.	Дахшат ва вахима келтириб чиқариб давлат бошқарувини кўлга киритиш.	*юқорида қайд этилган ҳаракатларни қамровига олган жиноят
19	Нега терроризмни аср вабоси деб таърифланади? .	Катта талофатлар келтиргани учун.	Уни олдиндан бартараф этиш имкони бўлмагани учун	* Бу иллатга қарши ҳозирда хеч қандай чоралар ижобий самара бермагани учун	тўғри жавоб йўқ
20	Сиёсий экстремизм деганда нимани тушунасиз?	*Бир давлатни иккинчи давлат томонидан ўз сиёсатига бўйсундириш	Икки давлат ўртасида зиддиятлар келтириб чиқариш	Турли давлат тизимларининг иқтисодий манфаатлар йўлидаги ҳаракати	Барчаси нотўғри
21	Экстремизм пайдо бўлишига қандай омиллар хизмат қилади?	Иқтисодий-сиёсий	Сиёсий- ижтимоий	Миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатлар	*юқорида қайд этилганларни барчаси
22	Экстремизм пайдо бўлишига қандай омиллар хизмат қилади?	Иқтисодий-сиёсий	Сиёсий- ижтимоий	Миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатлар.	*юқорида қайд этилганларни барчаси
23	Экстремизмнинг кандай кўринишлари мавжуд?	Сиёсий, Иқтисодий	Давлат томонидан амалга ошириладиган	Диний, Ижтимоий	*юқорида қайд этилганларни барчаси
24	Терроризм ва Экстремизм ўртасида қандай фарқ бор?	Хеч қандай фарқ йўқ	*Биринчиси ҳаракат,иккинчиси оқибат.	Биринчиси натижа иккинчиси тайёргарлик	Биринчиси мафкура иккинчиси жиноят

25	Исломда биринчи экстремистик ҳаракатлар қачон аниқланган?	*Мазхаблар пайдо бўлиш жараёнида	Маккадан мадинага хижрат қилиниш жараёнида	Исломни тадбиқ этилишида.	Хулофои рошидинлар даврида
26	Христянликда экстремистик фаолият мавжудми?	* Мавжуд	Мавжуд эмас	Фақат турли конфессионал зиддиятлар мавжуд.	Жавоб беришга қийналаман
27	Миссионерлик деганда нимани тушунасиз?	*Бир диндан иккинчисига оғдириб олиш миссионерлик дейилади.	Бир конфессиядагиларни бошқа динга тарғиботи миссонерликдир	Фуқароларни динга тарғиб қилишлари миссионерликдир	Фуқароларни диний йўналишдаги фаолияти бу миссионерликди
28	Даъват ва амри маъруф ўртасидаги фарқ?	Даъват бир аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатга чақириш, амри маъруф диний мазмундаги тушунтириш	*Даъват бу экстремистлар чақириғи, амри маъруф бу диндорнинг маърузаси	Уларни ўртасида фарқ йўқ.	Барчаси нотўғри
29	29.Хижоб деганда нимани тушунасиз?	бу ниқоб	*бу диний либос	жавоб беришга қийналаман	Барчаси нотўғри
30	Диндор ва экстремист ўртасида қандай фарқ бор?	Диндор бу шариат асосида хайт кечирувчи шахс, экстремист эса кескин фикрни тарғиб қилувчи диндор	Уларни ўртасида фарқ йўқ	*Диндор шариат асосида хаёт кечирувчи шахс, экстремист эса кескин фикр билан асли мақсад сари интилган шахс.	Барчаси нотўғри
31	Вахобийлик қачон пайдо бўлган?	XY асрда	XVII асрда	* XYIII асрда	XX асрда
32	Мухаммад ибн Абдулваххоб ким?	Тарихий шахс	диний уламо	*Вахоббийликнинг асосчиси	диний экстремист
33	Хизб ут Тахрир качон ким томонидан ташкил этилган?	1948 йилда Сайд Қутб томонидан	* 1953 йилда Такийиддин Набхоний томонидан	1952 йилда Такийиддин Набхоний томонидан	1952 йилда Ахмад Ғазнавий томонидан
34	Хизбнинг максади нима?	*Ягона халифалик давлатини барпо этиш	Аниқ бир минтақада диний бошқарувдаги давлат барпо қилиш	аввал бир давлатда кейинчалик бутун давлатда Халифаликни барпо қилиш	Амирликни барпо этиб ислом давлатини тузиш
35	Ихвон ул муслимнинг асосчиси ким?	* Сайид Кутб	Тақийиддин Набхоний	Тақийиддин ибн Таймия	Имом Ғаззолий
36	Халифалик қачон ва каерда тугатилган?	*1924 йилда Туркияда	эрамиздан аввал IY асрда	YI асрда	жавоб беришга қийналаман.
37	Нурчилар ким?	* диний экстремистик ташкилот	диний маърифий ташкилот	жамоат ташкилоти	Барчаси нотўғри

38	Тарихда нечта халифа бўлган?	олтита	* тўртта	иккита	тўрт халифа колганлари амирликлар
39	Ўзбекистон Ислом Харакати качон ташкил этилган?	* ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида	1980 йилда	аниқ жавоб йўқ	Барчаси нотўғри
40	Акромийлар ким?	диний экстремистик ташкилот	диндорлар жамоаси	*террорчи ташкилот	Барчаси нотўғри
41	Акромийлар қачон кайси ташкилотдан ажралиб чиққан?	1990 йилда Вахобийликдан	*1989 йилда Хизб ут Тахрирдан	Хеч кандай ташкилотдан ажралмаган, ўзи ташкил бўлган	Барчаси нотўғри
42	Миссионерлик качон ва қаердан бошланган?	XYIII асрда АҚШнинг Колифорния штатида	*XYIII асрда АҚШнинг Миссури штатида	XYII асрда АҚШда	Барчаси нотўғри
43	Нурчилар ким?	*Бу диний экстремистик ташкилот	Бу диний маърифий ташкилот	Бу сиёсий ташкилот	Барчаси нотўғри
44	Нурчилар каерда качон ким томонидан ташкил қилинган?	*Туркияда Сайид Нурий (Бадийзамон) томонидан ташкил этилган	19 асрда Тожикстонда Саид Нурий Тўражонзода томонидан ташкил этилган	20 асрда Ўзбекистонда Турк лицейи талабалари томонидан	20 асрда
45	Хорижийлар ким?	Диний экстремистлар	*Мазхаб	Диний ташкилот	Барчаси нотўғри
46	Шиалик ва Суннийлик ўртасидаги фарқ?	*Икки диний мазхаблар йўналиши	Мазхаблар мажмуи	Бир бирига қарама қарши	Барчаси нотўғри
47	Икки қитъада номоз ўқиш мумкинми?	*Йўқ	Ҳа	Жавоб беришга қийналаман	Барчаси нотўғри
48	Исломда ислоҳ мавжудми? .	Исломда ислох мавжуд эмас	Шариат асосларига кўра динни дунёвий ҳақиқат билан уйғунлашуви	*Диний уламолар кенгаши асосида эркин фикрлар йиғиндиси асосидаги хукм	Барчаси нотўғри
49	Жиходнинг қандай турлари мавжуд?	Душманнинг аниқ тахдиди мавжуд бўлганда Ватан химояси	Нафс жиходи, Дин химояси	Барча диний йўналишдаги харбий харакатлар	*Юқоридаги барча ҳаракатлар мажмуи.
50	Талабанинг жиходи нимадан иборат?	* Билим олишдан	Китоб ўқиш, устозларнинг йўриғидан чиқмаслик	Фақат тоат-ибодатдан	Олган билимларини ҳаётга тадбиқ этишдан
51	Исломда қайси холларда ёлғон гувоҳлик бериш мумкинми?	Мумкин эмас.	* Сени гувоҳлигинг оқибатида бировнинг ҳаётига ҳавф бўлса	Эътиқоди, динига ҳавф туғилганида?	Барчаси нотўғри
52	Акромийликни ким ташкил этган?	*Акром Йўлдошев	Абдурашид Қосимов	Қобилжон Парпиев	Барчаси нотўғри
53	Шахидлик деганда нимани	Дин йўлидаги	Табиий офат	Жавоб беришга	Барчаси нотўғри

	тушунасиз?	ўз жонига суиқасд	Узоқ муддат касаллик оқибатидаги ёки халокат натижасида	қийналаман	
54	Масихийлар ким, уларни фаолияти нимадан иборат?	Диний йўналишдаги ташкилот	Миссионерлик ташкилоти	Экстремистик ташкилот.	Барчаси нотўғри
55	Жиходчилар деганда нимани тушунасиз?	*Кескин фикрдаги диндорлар	Диндорлар	Жиходий ҳаракатдаги жангарилар талабалар	Барчаси нотўғри
56	Миссионерлик ва прозелитизм ўртасида қандай фарқ бор?	Хеч қандай	Иккаласи ҳам бир маънони беради	*Биринчиси даъват иккинчиси ҳаракат	Барчаси нотўғри
57	Республикада расмий рўйҳатдан ўтган нечта диний конфессия фаолият кўрсатади?	* 17	20	4	8
58	Ўзбекистонда Корейс протестанларининг маркази қаерда жойлашган?	Тошкентда	Тошкент вилоятида	Хоразмда	* Навоийда
59	Ўзбекистон(Туркистон) Ислом ҳаракатининг мақсади нима?	*Ўзбекистонда Ислом давлатини тузиш	Минтақада Ислом юртини тиклаш	Туркистон ислом республикасини тиклаш	Жавоб беришга қийналаман
60	Одамийлик ва инсонпарварлик ташкилоти качон ва қаерда ташкил бўлган.	Тошкент шаҳрида 1980 йилларда	Фарғонада 1990 йилларда	Андижонда 1990 йилларда	Наманганда 1990 йилларда
61	Жамоати таблиғ бу қандай ташкилот?	*Диний экстремистик ташкилот	Диний маърифий ташкилот	Террорчи ташкилот	Барчаси нотўғри
62	Ислом Жиҳодининг асосчиси ким ?	Сайид Қутб	Хасан Ал Банно	Мухаммад Ибн Ал Хошимий	Аниқ жавоб йўқ
63	Тохир Йўлдошев ва Обид қори ким	Диний раҳнамо	*Диний экстремист-террорчи	Дала қўмондонлари	имом
64	Арман Апостоллик черкови қаерда жойлашган	Тошкентда	*Самарқанд ва Тошкентда	Бухоро ва Самарқандда	Барчаси нотўғри
65	Кришнани англаш жамияти қаерда фаолият кўрсатиш учун руҳсат берилган?	Республикамиз нинг барча вилоятларида	*Фақат Тошкентда	Хоразм ва Тошкентда	Барчаси нотўғри
66	“Иегово гувоҳлари” диний ташкилоти қачон қаерда ташкил этилган	*1879 йилда Чарльз Тейз Расселом томонидан АҚШда	1985 йилда Чайни Джарвиз томонидан АҚШда	2000 йилда Джорд Николсон томонидан Лондонда	Барчаси нотўғри
67	“Иегово гувоҳлари” диний ташкилоти қайси муқаддас китоб асосида фаолият кўрсатади	Инжил	*Библия	Ветҳий Завет	Таврот
68	“Иегово гувоҳлари” диний ташкилотининг мақсади қандай?	Ижтимоий Сиёсий вазиятга таъсир кўрсатиш	Республика Иқтисодий салоҳиятига зарар етказиш	Конфессиялар аро тотувликка раҳна солиш	*Барча ҳаракатларни ўз қамровига олади

69	Ўзбекистон Библия китоб жамияти қаерда жойлашган	*Тошкентда	Бухорода,	Самарқандда	Барчаси нотўғри
70	Рим-католик черковлари қайси вилоятларда жойлашган?	*Тошкент, Бухаро,	Самарқанд, Фарғона, Хоразм	Тошкент Самарқад Бухоро Навоий,	Тошкент Фарғона, Самарқанд
71	Терроризмга қарши кураш ҳақидаги қонун қачон қабул қилинган?	*2000 йил 15 декабрь	2004 йил 6 июль	1999 йил 8 декабрь	Барчаси нотўғри
72	Диний ташкилотлар фаолият юритиш учун қаердан рўйхатдан ўтадилар?	Ўзбекистон Мусулмонлар идорасидан	Диний Қўмитадан	ИИВ ва МХХдан	*Адлия вазирлигидан
73	Юртга ҳарбий тахдид бўлганда сафарбарлик эълон қилиш ҳуқуқига ким эга.	*Юртбоши ва Сенат	Муфтий	Ҳар бир мусулмон	Барчаси нотўғри
74	Терроризмга қарши кураш қайси давлат органларига юклатилган	*МХХ,ИИВ,Давлат божхона қўмитаси, Мудофа вазирлиги ФВВ	Прокуратуа ИИВ, ФВВ, МХХ,	Терроризмга қарши кураш бошқармасига	Барчаси нотўғри
75	Динни давлатдан ажратилганлиги қайси хужжатларда қайд этилган?	*Конституция ва виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонунда	Конституцияда	Жиноят ҳуқуқи, Жамоат Ташкилотлари ҳақидаги қонунда ва Конситуцияда	Барчаси нотўғри
76	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонун нечта моддадан иборат?	52 та моддадан	*23 та моддадан	32 та моддадан	22 та моддадан
77	Миссионерлик фаолияти учун қандай жавобгарлик мавжуд	Маъмурий	Жиноий	*Маъмурий, Жиноий	Фуқоровий, маъмурий, жиноий.
78	Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонунга кўра диний таълим бериш ҳуқуқи кимларга юклатилган.	Олий ва ўрта махсус билим юртларига	*Диний олий ва ўрта махсус билим юртлари Адлия вазирлигидар лицензия олгач	Ҳар бир руҳоний лицензияси бўлганда	Барчаси нотўғри
79	Миссионерликка қарши курашда қайси услублар қўлланади	Ижтимоий маърифий	Маъмурий ҳуқуқий	*Жиноий, маъмурий , ижтимоий ҳуқуқий	Барчаси нотўғри
80	1999 йилда содир этилган террорчилик харакатлари ким томонидан содир этилган	Хизбут Тахрир	*Ўзбекистон Ислом Ҳаракати	Вахобийлар, Акромийлар ва Нурчилар	Барча қайд этилган ташкилотлар
81	2004 йилда содир этилган террорчилик харакатлари ким томонидан содир этилган Ўзбекистон	*Ўзбекистон Ислом Ҳаракати, Хизбут Тахрир	Ислом Ҳаракати, Ваххобийлар, жиходчилар	Жамоати Таблиғ,Вахобийлар, Акромийлар ва Нурчилар	Барча қайд этилган ташкилотлар
82	2005 йилда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларини ким содир этган.	Ўзбекистон Ислом Ҳаракати ,Хизбут Тахрир	Ўзбекистон Ислом Ҳаракати, Ваххобийлар, жиходчилар	Жамоати Таблиғ,Вахобийлар, Акромийлар ва Нурчилар	*Акромийлар, Хизбут Тахрир ва Туркистон Ислом ҳаракати

83	Диний экстремизм ва терроризмнинг кўринишлари ва шакллари нимадан иборат?	Ғайриқонуний ташкилот сифатида даъват, аҳоли ўртасида ташвиқот, мажбурий диний га жалб этиш, республика худудидан ғариқонуний чиқиб жанговар тайёргарлик кўриб амалдаги давлат тузумини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар.	Ғайриқонуний йиғимлар орқали ўз фаолиятини молиялаштириш	Ахолини давлат ва бошқарув идораларига қарши фикрини шакиллантириш орқали беқарор вазиятни келтириб чиқариш	* Барча ҳаракатларни ўз қамровига олади
84	Диний экстремизм ва терроризмнинг жаҳон ҳамжамияти таҳдиди нимадан иборат?	Биринчи навбатда бегунох фуқороларни ҳаракат натижасидаги қурбони бўлиши	Ҳалқаро муносабатларни зиддиятли холатга келиши	Сиёсий – иқтисодий ахволни танглашуви	Барча ҳаракатларни ўз қамровига олади.
85	Миссионерлик фаолиятини республикамизда шакллари қандай?	*Уйма-уй юриб даъват қилиш, ўзбек тилида ғайриқонуний чоп этилган адабиётларни тарқатиш	Расмий телевидение ва ОАВ орқали маълумотлар эълон қилиш.	Фақат черковларида даъват қилиб адабиётлар тарқатиш.	
86	Виждон Эркинлиги ҳақидаги қонуннинг қайси моддасида миссионерлик тақиқланиши ёритилган	*5 моддасида	22 моддасида	8 моддасида	28 моддасида
87	“Иегов гувохлари”диний ташкилотининг асосий тахдиди нимадан иборат? .	давлат рамзларига хурматсизлик, ватанпарварлик, ватан химоясини инкор этиб фақат ўз сектасини ва аъзоларининг химояси	маҳаллий ахолини динга муносабатини шакллантиришда салбий таъсир ўтказиш	Диний муносабатларларда зиддиятлар келтириб чиқариш	* Барча қайд этилган харакатларни ўз қамровига олади
88	Қайси холларда диний ташкилотлар рўйҳатдан ўтказишдан рад этилиб фаолият тақиқланади.	* Диний ташкилот уставини қоидаларини амалдаги Қонун ва хужжатлар	қонунга хилоф равишда таълим берганда	диний даъватлар олиб борганида ёки бошқа турдаги жиноят содир этилганида.	Барчаси нотўғри

		талабларига зид фаолият кўрсатганда			
89	Хизбут Тахрир шахсни фаолиятга жалб этишда биринчи навбатда қандай адабиётлардан фойдаланади?	*Ислом Низоми, Хизбий уюшма,Хизбут Тахрир тушунчалари, Идорий туплам, Ал Ваъй	Иймонга йўл, Хизбий фаолият, Демократия куфр низоми	Ал Ваъй, Динда адашмайлик, Исломда ижтимо низоми	Барчаси нотўғри
90	Хизбут Тахърир биринчи харакатларини қаердан бошлаган?	*Мисрда	Туркияда	Саудия Арабистонида	Ўзбекистонда
91	Ваххобийликда қайси мазҳаб асосий ўринни тутади?	Ханафий	Шофиий	Моликий	*Ҳанбалий
92	Ваххобийлик диний-сиёсий оқимқачон ва қаерда пайдо бўлган?	* XXIII асрда марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида	X!X асрда Синай орлида	ХШ асрда Фаластинда	Барчаси нотўғри
93	Муҳаммад Ибн Абдулваҳҳобнинг диний қарашлари шаклланишига кимлар таъсир этган	*Абдуллох ибн Сайф, Ахмад ибн Хамбал, Тақийиддин ибн	Таймия. Ҳасан ал Банно, Абдул Каддим Заллум	Сайид Қутб, Такийиддин Набхоний	Барчаси нотўғри
94	Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни малакалашда ЖКнинг қайси моддалари қўлланади.	ЖКнинг 221, 233, 244 267	*ЖКнинг 155, 158, 159, 216, 242,244-1, 244-2	ЖКнинг 244, 242, 266, 277,	ЖКнинг 199,200, 216, 236
95	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрь кунги фармони нима ҳақда?	*“Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида”	“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”	“Террорчилик ҳаракатлари натижасида жабр кўрганларни химоялаш ҳақида”	Барчаси нотўғри
96	Ўзбекистон Республикаси Президенти Терроризм ҳавф хусусида биринчи бор қандай ҳалқаро анжуманда маъруза қилган?	*1993 йил 28 сентябрьБМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида	1998 йил 24 октябрь ЮНЕСКО ижроя кенгаши 155 сессиясида	1999 йил 18 ноябрь Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул Саммитида	Барчаси нотўғри
97	Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов биринчи бор терроризм ҳавфи ҳақида биринчи бор қайси асарида тўҳталган.	Ўзбекистон XX! Асрга интилмоқда	Аллоҳ қалбимизда , юрагимизда	*Ўзбекистон XX! Аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик	Барчаси нотўғри

				шартлари ва тараққиёт кафолатлари.	
98	Огоҳлик деганда нимани тушунасиз?	*Давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорликда белгиланган дастур асосидаги турли таҳдидларни олдини олишлаги ҳаракатлари.	Маърифий-маънавий тушунтириш ишлари.	МХХ, ИИВ, Прокуратура ва бошқа давлат идораларинг жамоат ташкилотлари билан хамкорликда тахдидни бартараф этишдаги биргаликда амалга оширадиган тадбирлари.	Барчаси нотўғри
99	Ваҳҳобийлик асосчиси	Ибн Таймия	*Муҳаммад ибн абдул Ваҳҳоб	Ибн Касир	Мотуридий
100	Ал-Қоида ташкилоти раҳбари ким?	*Усома бин Ладен	Оятулло Ҳумайний	Саддам Ҳусайн	Барчаси нотўғри

Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

Асосий -

10.Каримов И. Ҳушёрликка даъват. — Т., Ўзбекистон нашр., 1999.

11.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., Ўзбекистон, 1997.

12.Каримов И. Ватан тинчлигини сақламоқ керак. — Т., Ўзбекистон, 2001.

13.Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:Ўзбекистон, 2008.

14.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

15.“Баркамол авлод йили” давлат дастури. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

16.Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.

17.Коллектив. Огоҳ бўлайлик. — Т., Академия, 1999.

18.Коллектив. Диний экстремизмнинг келиб чиқиши ва тарихи. — Т.: Ғофур Ғулом, 1999.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.– Т.: Академия, 2000.

2. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. - Т.: -Мовароуннаҳр, 2003.

3. Азимов А. Религиозный экстремизм и фундаментализм. - Т.: 1998.

4. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. - Т.: Янги аср авлоди, 2001.

5. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили.- Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

6. Бжезинский З. Великая шахматная доска. - М.: Международные

отношения, 1999.

7. Вандам Е. А. Геополитика и геостратегия. – М.: Авторское издательство, 2002.

8. Гаджиев К.С. Введение в геополитику. – М.: Логос, 2000.

9. Глобализация и моделирование социальной динамики. – М.: Институт социальных наук, 2001.

10. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

11. Дугин А. Основы геополитики. - М.: Арктогея, 2000.

12. Ёшларни бузғунчи ғоялардан асраш: Муаммо ва ечимлар. Т.: Зарқалам, 2006.

13. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.

14. Закурлаев А. Ғоялар кураши. - Т. Мовароуннаҳр, 2000.

15. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. - Т.: Маънавият, 2000.

16. Ислам и политика. - М.: Авангард, 2001.

17. Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари).– Т.: 2003.

18. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида.-Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.

19. Ислом маърифати.–Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

20. Ислом. Энциклопедия.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

21. Каримов А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд «Ҳизбут-таҳрир»нинг даъволари хусусида мулоҳазалар. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

22. Каримов А. Дин ниқобидаги юртбузарлар ёхуд “Акромийлар” фитнаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

23. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари. – Т.: Маънавият, 2001.

24. Каримова В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

25. Комилов Н. Ислом - маърифат дини. - Т.: Маънавият, 2000.

Маърифат – тинчлик асоси.- Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

26. Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (На примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. – Т.:2002.

27. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

28. Мустақиллик мафкураси ва Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. – Т.: Университет, 2001.

29. Обидов Р., Абдуллаев С., Азимов А. Ҳидоят ва залолат. - Т., 2004.

30. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

31. Очилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси.-Т.:Янги аср авлоди, 2001.

32. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: 2000.

33. Раҳматов О. Огоҳлик-муқаддас бурч. - Т.: Мовароуннаҳр, 2000.

34. Саидов А.Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. – Т.: 2002.

35. Сафарова Н. Терроризм: манбалар, мақсади ва глобаллашув жараёни.- Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006.

36. Терроризмнинг глобаллашувида молиявий манбаларнинг ўрни. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.

37. Турсунов А., Нурназаров Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ва уни таъминлашнинг қонуний асослари. – Т.: Тошкент, 2004.

38. Фалсафа: қомусий луғат. – Т. Шарқ, 2004.

39. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

40. Центральная Азия: экономика, геополитика, безопасность. – Т.: Шарк, 2002.

41. Экстремизм, терроризм, гуруҳий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. // Илмий- амалий анжуман материаллари. - Т.: 1999.

42. Якубов О. Қашқирлар галаси: Терроризмнинг қонли изи. - Т.: 2000.

43. Юнусова А.Т. Религия и закон. - Т.: Тошкент ислом университети, 2002.

44. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: ТИУ, 2004.

Электрон таълим ресурслари

*1.*Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.; 2. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили.-Т.: Тошкент ислом университети, 2007.; 3. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши.– Т.: Академия, 2000.; 4. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. - Т.: 2000.

Интернет сайтлари:

www.gov.uz – O’zbekiston Respublikasi hukumati portali
www.press-service.uz – O’zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot xizmatining rasmiy sayti
www.UzA.Uz – O’zbekiston Respublikasi milliy axborot agentliginiing rasmiy sayti
www.eurasianews.com – Evroosiyo tadqiqotlari Markazi
www.vip.lenta.ru – Internet nashrlar

10. Дидактик воситалар

- *жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар* -
- *видео ускуналар* -
- компьютер ва мультимедиали воситалар-